

821.512


Б54



*Бундай жамиятнинг келажаги нурдан узок,
Уни тарк этишининг ягона йўли мавжуд.
Ва у ...*

1985

Энтони Бёрджесс




*Бундай жамиятнинг көлажаги нурдан узок.
Уни тарк этишининг ягона йўли мавжуд.
Ba u ...*

1985

Энтони Бёржесс



ZABARJAD
MEDIA



2021

УЎК: 821.111-31(410)

КБК: 84(4Вел)

Б - 55

Бёржесс, Энтони

1985: роман. Энтони Бёржесс / Рус тилидан Сардор Салимов таржимаси. – Тошкент: Zabarjad Media, 2021 й. – 352 б.

ISBN 978-9943-7390-0-0


Энтони Бёржесс — ўзбек китобхони учун янги ном. "1985" романи адибнинг ўзбек тилига ўтирилган илк катта асари-дир. Мазкур китоб ва муаллифнинг бошқа асарларидан билиш мумкинки, Антиутопия — Бёржесснинг севимли жанри. Коллектив хотира устидан назорат ўрнатган давлат, ҳурфикарли шахснинг кўксидан итарган жамият, зиёлила-ри кўчада тиланчилик, ахлат титиш билан шуғулланаётган, боши берк кўчага кириб қолган ҳукумат. Бир қараашда ки-тобхоннинг юраги орқага тортиб кетади. Аммо роман кенг мушоҳадага чорлаши билан аҳамиятидир. Бош қаҳрамон Бев Жонснинг ҳар қандай жимжимадор бўёқлар, мажбуран қўшилган ижобий сифатлардан холи тарзда, бор бўй-басти билан тасвирланиши, ёзувчининг совуққон услуби, энг муҳими, асар тақдим этаётган янги фоя Сиз, азиз китобхон-ларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

**Рус тилидан
Сардор Салимов
таржимаси**

ISBN 978-9943-7390-0-0

© Энтони Бёржесс, «1985». «Zabarjad Media», 2021 й.

Лианага



*Дастанбеки беш йилликда
Москвада пайдо бүлгән ва агар
ишичиларга қаттиқ сүянилса,
барча иш түрт йилда бажарилиши
мүмкінліги күзда тутылған плакат*



БИРИНЧИ ҚИСМ
1984

САВОЛ-ЖАВОБ

Йигирманчи юзйилликнинг даҳшатлари қачон бошланди?

1945 йилда, гарчи кўпчиликка бу даҳшатлар якунiga етгандек туюлган бўлса ҳам.

У қандай бошланди?

Ниҳоятда чўзилиб кетган урушнинг якунини тезлаштириш мақсадида атом бомбасининг илк бор қўлланилиши туфайли. Бироқ, фашистлар ҳамда эркин дунё (аслида, унчалик ҳам эркин бўлмаган, сезиларли қисми тоталитар тузум ҳукмронлиги остида бўлган) ўртасидаги зиддиятлар барҳам топиши биланоқ, айнан шу дунёни ағдар-тўнтар қилишга қодир, ўта теран қарама-қаршилик учун замин ҳозирланган эди. Коммунистик давлатлар капиталистик мамлакатларга рўбарў келишди ва ҳар иккала томон ҳам ядро қуролларининг чегарасиз арсеналига¹ эга эди.

Хўши, нима бўлибди?

Бир урушни якунлаш мақсадида ишлатилган қуроллар, эндиликда бошқасини очиш учун хизмат қиласди.

1950 йиллардаги дунё яdrovий урушининг пировард натижаси қандай якун топди?

Ҳисобсиз атом бомбалари Фарбий Европа, иккала Америка ва Совет империясининг ишлаб чиқариш

¹ Арсенал (фр. arsenal – ишхона, устахона) – 1. Қурол-аслаҳа ясайдиган, тузатадиган жой; қурол-яроғ омбори. 2. Қўп сонли бирор нарса, катта захира.

марказларига ташланди. Вайронагарчиликлар шу қадар даҳшатли эдик, дунё ҳукмрон элитаси вакиллари атом уруши уюшган жамиятни йўқ қилиб, уларнинг бошқарув лаёқатига ҳам путур етказиши мумкинлиги тўғрисида ўйлай бошлишди.

Шундан сўнг...

Умумий келишув асосида атом даврига якун ясалди. Эндиликда Иккинчи жаҳон уруши даврида ишлатилган анъанавий қурол турлари билангина жанг олиб бориш мумкин эди. Урушлар давом эта-веради, боз устига, бу глобал миқёсда табиий ҳолдек қабул қилинади.

Ядрорий уруши якунланган пайтда дунёда кучлар мувозанати қандай эди?

Мазкур уруш натижасида дунё учта улкан давлатлар, ёки буюк мамлакатлар блокига ажралди. Алоҳида мамлакатларнинг умри поёнига етди.

Таркибига Кўшма штатлар, Лотин Америкаси ва собиқ Британия Ҳамдўстлиги кирган Океания Конгломерат¹ деб аталди. Уларнинг бошқаруви аниқ бўлмаса ҳам, тахминан Шимолий Америкадан туриб амалга ошириларди. Гарчи, мазкур бирлашган буюк давлатнинг мафкураси инглиз интеллектуаллари томонидан ишлаб чиқилган ва инглиз социализми, ёки ингсоц номи билан машҳур бўлса-да, эски географик номенклатура қайсиdir маънода ўз аҳамиятини йўқотди. Бунинг устига, алоҳида миллий ва маданий қадриятларга тарафдорлик, янги эътиқод наздида зарарли ҳисобланарди.

Масалан, Буюк Британиянинг кейинги тақдирин қандай кечди?

Буюк Британия Парвоз йўлаги I дея атала бошлианди. Қандайдир камситувчи ишоралардан холи, нейтрал баҳо бу.

¹ Конгломерат – бирор бир нарсанинг механик бирикиши, тартибсиз ва хилма-хил аралашув.

Қандай душман?

Яхши савол. Мен ниҳоясиз уруш ҳақида гапирғандим. Бироқ, сирасини айтганда, бу ҳар доим ҳам одатдаги уруш бўлавермайди. Океания гоҳ Остазияга қарши Евроосиё томонида турса, гоҳ Евроосиёга қарши Остазия тарафида бўлади. Баъзан қолган иккисининг иттифоқи қаршисида ёлғиз қолади. Иттифоқчилар алмашинуви жуда тез кечади. Шунга яраша сиёсий қарашларни ҳам жадал суръатда ўзгартириб туришни тақозо этади. Яна шуниси аҳамиятлики, бир вақтнинг ўзида уруш ўша одатдаги қиёфасини намоён этиши, душманлар ўша-ўша бўлиб қолиши керак. Ҳар қандай вақтда ҳам душман азалий бўлмоғи, яъни ўтмиш ва келажакдаги ғаним бўлиб қолмоғи лозим.

Бу бўлиши мумкин эмас.

Мумкин эмас?! Ҳукмрон партия коллектив хотира устидан назоратни амалга оширади. Архив маълумотларини ўзгартириб, янайм аниқроғи, уларни тузатиб, ўтмишни асл ҳолатда вараклаш мумкин. Ҳозирги ҳақиқат, ҳар доимги ҳақиқат бўлиб қолмоғи керак. Ҳақиқат – маълум фурсатдаги реаллик. Фурсат эса – бутун ва ҳозир. Бошқа сабаб ҳам бор: абадий уруш керак бўлгани ҳолда, унинг муҳокамасини бир четда қолдириш.

Унгача...

Ингсоцнинг асл вазифасини яхши тушуниб олмоқ лозим.

Океания ҳамжамиятини тавсифлаб берсангиз.

Уларнинг табақаланиши ниҳоятда оддий. Аҳолининг саксон беш фоизи – пролетарлар ёки уларни расмий номлари билан атайдиган бўлсак, проллар. Проллар нафратга лойиқ. Улар ўзларида билимсиз, лоқайд, норози ва ҳаракатсиз оммани мужассамлаштирганлар. Улар энг паст вазифа ва функция-

ларни бажарадилар ҳамда ўз ҳайвоний истакларини қондириш билангина қаноатланадилар. Қолган ўн беш фоизи эса – ички ва ташқи партиялар. Ташқи партия – ўзларини ингсоц метафизика¹сини ҳаётга татбиқ этишга бағишилаган, сайланадиган аристократия. Ички партия эса ўз-ўзидан амалдорлар, паст даражадаги давлат хизматчиларидан ташкил топган. Улар ҳокимият дараҳтининг асосий түртта шохи билан машғуллар. Булар: Мехр-муҳаббат вазирлиги, Фаровонлик вазирлиги, Ҳақиқат ва адолат вазирлиги, Тинчлик вазирлиги.

Тинчлик?!

Аслини олганда, Уруш вазирлиги. Лекин уруш – бу тинчлик.

Партияни ким бошқаради?

Ҳеч ким. Катта Оға дея аталувчи ҳеч ким. Ҳеч қачон туғилмаган ва ўлмайдиган. Катта Оға – Худо. Уни айбор қыммоқ, шу билан бир қаторда севмоқ лозим.

Бу мүмкінми?

Бу ҳаттоқи зарур.

Лекин бүйрүққа асосан севишга мажбурлаш мүмкінми?

Бунинг учун етарлича усул ва воситалар топила-ди. Никоҳ орқали туғиладиган севгини, ота-она ва болалар ўртасидаги меҳрни, жинсий алоқадан пайдо бўладиган хузур-ҳаловатни, қолаверса, авлод қолдириш қувончини йўқ қилиш, эмоционал (ҳиссий) эҳтиёж дея аталувчи объектга йўналтиришда қўл келади. Эммануель Голдстейн сингари Катта Оғани ёмон кўрувчи, Океанияни яксон қилишни истайди-

¹ Метафизика (юн. “meta ta physika” – физикадан кейин. Аристотелнинг фалсафий асарлари номидан олинган) – диалектикага қарама-қарши ўлароқ, табиат ва жамият ҳодисаларини ривожланишда бир-бирига боғлиқ ҳолда олиб қарамасдан, бир-биридан узилган ҳолда турғун ва ўзгармас ҳолда текширадиган, ҳодисаларнинг ички қарама-қаршиликларини инкор этувчи билим методи.

ган душман билан мудом ҳамфирк хоин бор. Бу аҳоли орасида мудом қўрқув ва нафратнинг ошиб боришини, уларни қутқариш ҳамда ҳимоялашга қодир ягона кучга янада қаттиқроқ боғланишни кафолатлайди.

Ингсоц метафизикаси нима?

Асосий сабаб ёки сабаблардан бири ҳисобланган, шунингдек, уни кузата оладиган онгли мавжудотга эга бўлмаган Олий воқелик. Ғоялар сезги органлари орқали қабул қилинувчи ахборотлар билан бир қаторда, субъектив фантомлардан¹ ортиқ эмас. Аммо гап индивидуал (шахсий) эмас, балки коллектив онг ҳақида кетмоқда. Катта Оғанинг идроки бошқа ҳамма онгни ўзида мужассам этади. У идрок этган воқелик – ягона ҳақиқат. Қолганлари – ёлғон, бидъат ва давлат учун хавфлидир. Индивид партиянинг барча нуқтаи назарини иккиланишларсиз, шубҳа қиласдан, ҳатто бу ҳақида ўйламасдан ўрганмоғи керак. Кўшфиклилик номли машҳур усулни кўллаб, қарама-қарши туюлган ғоялар билан ҳам муроса қиласдан зарур. Ички конформизм² етарли эмас. Бу бутунлай чин юрақдан ва ҳақиқий садоқат бўлиши керак. Агар алоҳида шахснинг идроки партия тарихи билан зиддиятга борса, дарҳол онг устидан назорат воситаларини ишга солмоқ даркор. Ҳар қандай қарама-қаршиликини тезда бартараф этиш мумкин ва лозим. Кўшфиклилик – эътиқоднинг бутунлигига инстинктив, самимий ва шубҳасиз муҳим аҳамиятта эга воситаси.

Партиянинг метафизик мағкуруни такомиллаштириш ва кенг ёйишдан ташқари вазифаси – ингсоцнинг асл мақсади нима?

¹ Фантом – шарпа, арвоҳ, кўланка.

² Конформизм (лат. conformis – ўхшаш, мувоғик) – мавжуд тартиб-қоидалар ва ҳукмрон нуқтаи назарларга мослашиш ёки уларни пассив қабул қилишни билдирувчи маънавий-сиёсий атама.

Агар сиз сафсатабозлик ва риёкорликни кутаётган бўлсангиз, бу бефойда. Ташкилотнинг мақсади қўл остидагиларнинг фаровонлиги, моддий таъминоти эмас. Ташкилот ҳукмронлик туфайли мавжуд. Партия ўзидан ташқаридаги ҳаммани тўлиқ назорат қилишни, барча ташқи ҳақиқатни ҳазм қилишни истайди. Лекин атайлаб душманни ассимиляция¹ қилишга интилмайди. Остазия ва Евросиё ўртасидағи уруш асло тугамайди, хиёнаткор Голдстейн ҳеч қачон ўлмайди. Чунки ингсоцга душманлар керак, худди қарсилдоқقا ёнғоқлар зарур бўлгани каби. Кенг миқёсда душман устидан ҳукм юргизиш мумкин. Келажак сиймоси – этик, топталган инсоний қиёфа – абадий. Вақти келиб ҳукмронлик лаззатига қолган барча хузурбахш истаклар бўйсунади: таом, санъат, табиат ва барчасидан кўпроқ жинсий алоқа.

Наҳотки ҳеч ким инсон эркинлигининг бу қадар ваҳшиёна топталишига қарши чиқа олмаса?

Ҳеч ким. Вақти-вақти билан пайдо бўлувчи ақлдан озганларни ҳисобга олмасак. Катта Оға ўзининг севгиси ва ғамхўрлиги билан бу сингари ажралиб чиққанларни руҳий саломатликка қайтаради. Шундан сўнг эса умумий ҳолатда манқуртга айлантириш учун барча қусурларни тўзгитиб юборади. Қўзғолон – ўтган даврлар феномени. Умуман, сизнинг шахсий озодлигингиз нима ўзи? Нимадан озод бўлиш? Нима қилмоқ эркинлиги? Инсон худди ит-бургалардан озод бўлгани сингари касалликлардан холи бўлиши мумкин. Лекин мутлақ эркинлик бу бўшлиқдаги эркинликдир. Ўтган инқилоблардаги баландпарвоз шиорларнинг бари сафсата. Озодлик. Тенглик. Биродарлик. Баҳт излаш. Саховатпеша. Билим. Ҳокимият – ўзгача иш. Ҳокимият – бу равшан. Худо – бу ҳокимият. Ҳокимият – бу абадий.

¹ Ассимиляция – сингдириш.

МАҚСАДЛАР

Оруэллнинг “1984” романини ўқимасдан ҳам “қўшфирлилик”, “янги тил” ёки “Катта Оға” сингари жумлалар ҳақида билувчилар кўплаб топилади. Аммо муҳими, асар коди индивиднинг барча ахлоқий танлов хуқуқларини (айнан шу нарса эркинликдир) бой бериши ҳамда у ёки бу бошқарув аппарати (бу давлат бўлиши шарт эмас)нинг ўзбoshimcha хукмронлиги қаршисида ожиз эканини ўзида яширганлигида. Ҳақиқий 1984 йил кириб келиши ва тугаши, романда тасвирланган даҳшатлар эса амалга ошмаслиги, аслида, 1984 йил балки ўзи билан корпоратив бошқарувнинг таназзули, шу қаторда инсонга эркинлик шабадаларини олиб келмоғи мумкиндир. Оруэлл кодининг таъсирини, унинг қўрқинчли фаразларини йўқ қилиш шарт эмасдир. Бадиий адабиётда эндингина истеъмолга кириб келаётган қўшфирлилик бизга энг чигал тушунмовчиликларга ҳам ечим топишда қўл келади. Стенли Крамер томонидан Невил Шют романи асосида суратга олинган “Кирғоқда” фильмида дунёning охирни 1964 йилда келади. “Эски кино” рукни остида бу фильмни телевизордан томоша қиласа эканмиз, ҳатто етмишинчи йилларда ҳам олтмишинчи йиллар тўқималари бизни ларзага соларди. Ҳатто фаражбахш 1984 йилда ҳам Оруэллнинг қўрқинчли тасаввуридаги 1984 аввалгидек инсоният қўрқувининг рамзи бўлиб хизмат қиласи.

“1984” жумласи ижтимоий зулмнинг анчайин мавҳум ифодаси сифатида қўлланилади. Бу мавҳумликдан фақатгина шикоят қилиш мумкин. Америка колледжларида таҳсил олувчи талабалардан аудиториядаги марихуана чекмасликни ёки мулоийимлик билан ўқув дастурини озгина ўқишини сўраганларида

улар айтдилар: “Нақ 1984 йил-ку, қария”. Кенг маңнода “оруэлла” атамасини барча нарсада құллашди – компьютер босмасидан тортиб, янги аэропортдаги паст ҳароратгача. Парвоз йұлаги I да компьютерлар деярли йўқ ва күпгина иншоотлар – Виктория давридан қолган, нураган уйлар. Биноларининг пештоқлари озгина бўёққа муҳтож, рассомлар таъбири билан айтганда, саройлари илвираган ҳозирги Ленинград¹ Даллас халқаро аэропортидан кўра, кўпроқ Катта Оғанинг Лондонига ўхшаб кетади. “Оруэлла” атамаси “уэллсча” жумласига, янада аникроғи, 1936 йилда суратга олинган “Келажак қиёфаси” фильмі декорацияларига ўхшаб кетади. Модомики, реаллик инсон онгида мавжуд экан, “1984” даги шаҳар манзарасининг моҳияти унинг зоҳирий кўринишида эмас. Конкрет маҳрумликлар, масалан, трамвайлардаги қўшилишга қўйилган тақиқларда “оруэлла” ҳеч нарса йўқ. Оруэлл келгусидаги мутлақ ва тотал режалаштиришни, фалсафий асосланган шахсиятнинг колективга бўйсунувини проекциялади. Гарчи воқеалар 1984 йилга қўчирилган бўлса-да, у исталган пайтда содир бўлиши мумкин: Невилл Шютнинг фарзига кўра охират ҳисобланган 1964 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган вақт оралиғида.

Олдимизда куйидаги вазифалар бор: Оруэллининг “ҳақиқий қўрқинчли туши” асл манбасини топиб, тарих фазасида ҳамда муаллиф шахсиятида қандай шаклланганлигини тушуниш. У қаерларда адашганини ва нималарда ҳақ бўлганини англаш. Келажакнинг муқобил манзарасини ишлаб чиқиш. Бунда асосий ўринга унинг ўзигагина хос бўлган, бизнинг ҳозирги етмишинчи йилларда мавжуд қарашларни тадқиқ этиш йўлини олиб чиқиш. Ниҳоят, бу ривожланиш мевасини ҳақиқий 1984 (кўчирмачиликдан

¹ Ленинград – ҳозирги Санкт-Петербург шаҳри.

қочиш мақсадида) ёки 1985 йилга күчириш. Оруэлл сүзлаган тарих Англияда кечади. Шу жумладан, менини ҳам. Ички шовинизмни ёки одатий парокандаликни муҳокама қилишдан олдин, американклар Буюк Британия унга империяни тухфа этган кенг миқёсли ёрқин сиёсий ўзгаришлар йўлини босиб ўтганилиги ҳақида ўйлаб кўришлари лозим. Салбий ўзгаришлар билан бир қаторда, ижобийларини ҳам.

Фаранглар инглизлардан ақллироқ! Улар янги Конституцияларни қоғозга ёзиб, ақлий меҳнат борасида малакаларини ошириб олишди. Аммо янги ижтимоий ҳаёт тарзи Англияда азалдан шаклланиб келган. Америка Конституциясига Монтескьенинг “Қонун рухи тўғрисида” асари катта таъсир кўрсатган. Агар Британияда ижтимоий шартнома бўлмаган, Монтескье унинг моҳиятини тушунмаганида асар ёзилмаган бўларди. Британияликлар ўз сиёсий тузумларини ўзлари ҳам унчалик яхши тушунмайдилар. Лекин ўзларини ақлли қилиб кўрсатишга интилмайдилар. Шу боисдан Уолтер Беджгот британияликларни “аҳмоқлар” деб атаган. Уларга французлар фаҳрланадиган жамоавий интеллект етишмайди. Лекин улар бу қусурдан сезиларли даражада азият чекадилар демаган бўлардим. Французча интеллект, қайсиdir маънода Франциянинг 1940 йилдаги мағлубиятига сабаб бўлгандир. Лекин британча аҳмоқлик Германия фашистлари устидан ғалабага эришди. Ички интуиция (яъни сезги) деб кўкларга кўтаришга арзийдиган аҳмоқликдан XVII асрдаги инқиlob, ижро ҳокимиятини чеклаган 1688 йилдаги қонунилар тўплами ва хукуқлар тўғрисидаги Билль¹ дунёга келди. Катта эҳтимол билан замонавий Буюк Британия жамиятидаги чалкашлиқ ва мавҳумликлар

¹ Билль – АҚШ, Англия ва унинг собиқ доминионларида қонун лойиҳаси.

келажақдаги Ғарб учун намуна, тимсол бўлиб хизмат қиласди. Бу тимсолни ҳар хил сабабларга қўра қўтчилигимиз қоралаймиз. Аммо уни фақатгина ингсоц ва Катта Оғанинг кучи билангина синдириш мумкин.

1948: ҚАРИЯ БИЛАН ИНТЕРВЬЮ

Оруэллнинг китоби ўзининг моҳиятига қўра ҳажвийдир.

Нима?!

Ўзингиз фикр юритинг. Менинг жавонларим бетартиб. "1984"ни ўқишга қарор қилгач, бошида фақатгина итальянча нашрни тополдим. Илк фурсатлардан бу нарса билинган бўларди. Лекин биринчи жумлаларданоқ нимадир нотўғри туюлди: "*Era una bella e fredda mattina d'aprile e gli orologi batterono l'una*", яъни: "Апрелнинг салқин ҳамда ойдин куни эди ва соатлар бирга бонг урдилар". Ахир бу ерда "*battevano colpi*" – "үн учга бонг урдилар" жумласи бўлиши керак эди-ку. Таржимон соатлар ўн уч бор бонг чала олишига ишонолмаган – 1984 йилда ҳам онгли инсоннинг қулоқлари ўн иккитадан ортиқ зарбани қабул қилишга ожиз. Шу сабабдан итальян китобхонлари ҳажвий сигнални қўздан қочиришга мажбур бўлишди. Мана, асарнинг аслиятида нима дейилган: "Апрелнинг салқин ҳамда ойдин куни эди ва соатлар ўн учга бонг урдилар"¹. Ёки жилмайиб қўясан ёки хаҳолаб кулиб юборасан.

Ёки сени бузади?

Ёки сени бузади, лекин лаззат билан. Худди оғлар² ҳақидаги энг яхши эртакларнинг ибтидоси каби – ҳаммамизга таниш оламга ёвузларча ғайритаби-

¹ Жорж Оруэллнинг "1984" романидан келтирилган барча иқтибослар В.Голышев таржимасидан олинган *AL-XORAZMIY NOMIDASI*

² Оғлар – кельт мифологияси қархамонлари, кунодомлари, гигантлар.

ий, қүрқинчли ва ақл бовар қилмас кучлар ташланди. Бошланишига инглизча апрель об-ҳавоси. Серзарда шамол қуёшни эрмак қиласи. Чорраҳаларда донадор тўзонларнинг уюрмаси. Путурдан кетган шаҳар узоқ давом этган урушнинг якуни арафасида. Мунғайган кўп қаватли уйлар, қайнатилган карам ва даҳлизлардаги эскирган шолчалар ҳиди.

Ё, ҳудойим, бу кулгилими?

Эски мюзик-холлардаги рух сингари кулгили. Ҳажвийлик ҳаддан ташқари яққол кўзга ташланади. “1984”ни бор бўйича баҳолаш учун 1948 йилда қандай ҳаёт тарзи ҳукм сурғанилигини ёдга олиш кепрак. 1949 йил – айнан шу йили китоб чиқди. Кимдир менга Оруэлл асарни “1948” деб номламоқчи бўлганини айтганди. Лекин бу амалга ошмади.

Сиз илк тақризларни эслай оласизми?

Ҳа, уларнинг салмоқли қисмида илиқ ва мақтovли фикрлар билдирилган эди. Фақаттина Берtrand Рассел унинг кам учровчи фалсафий роман эканлигини фаҳмлаган. Қолғанлар эса қайнатилган карам, увада шолчалар жаноб Оруэллга тоталитаризмни ишонарли тасвиrlашда қўл келганлиги ҳақида ёзишди. Қисман бу тўғри: аслида, Оруэлл қашшоқ ва абгор ҳажвчи шоир сифатида танилган эди. “Париж ва Лондонда сарик чақасиз”, “Уиган бандаргоҳига йўл” – булар кабаре¹ учун жуда ажойиб скетч²лар. Ишчилар синфи ошхоналари Оруэллга ҳар доим яхши ғоялар берган: қизил дараҳт рангидек ўткир бир финжон чой, “Халқаро янгиликлар”даги оламшумул қотиллик, картошка ва балиқ, ифлосланган қувурлар. У 1948 йилдаги муҳитни жуда ҳам яхши илғади. Иш кунларидағи ҳорғинлик, муҳтожлик ва рутубат.

¹ Кабаре – буржуа мамлакатларида эстрада қаҳвахонаси ёки кичик ресторон.

² Скетч – кичик ҳажвий пьеса тури.

Уларда фожиавий ҳеч нарса йўқ. Ўша кезларда барча фожиавийлик фашистларнинг концлагерларида жамланган эди. Рус лагерларида ҳам. Лекин, улар ҳақида ўйлаш мумкин эмасди. Бинобарин, сенинг ўз қайгу ва баҳтсизликларинг кулгили эди.

Сиз фожиавий бўлмаган, ҳажвий бирор нарса сўзлаб бера оласизми?

Реал ҳаётдан эмас, санъатдан бўла қолсин. Келинг, сизга мен Оруэллнинг 1948 йил ҳақида китобини ўқиганим 1949 йил ҳақида гапириб берай. Уруш тўрт йил илгари тутаган ва бизга хавф-хатар етишмаяпти – бомбаларнинг портлаши, масалан. Агар сенга даҳшатли хавф таҳдид солаётган бўлса, муҳтожликка кўниши мумкин. Лекин энди бизга қашшоқлик уруш давридагидан ёмонроқ туюлмоқда ва аҳвол ҳафта ўтган сайин оғирлашиб бораётгандек. Бериладиган тузланган гўштнинг улуши икки бўлакка қисқарди. Ойига бир дона тухум берадилар. Аксарият ҳолларда у ҳам палағда. Қайнатилган карам британча парҳезнинг хушхўр асосига айланди. Сигаретни-ку, излаб ҳам тополмайсиз. Устара учун тиф бозорлардан йўқолди. Ёдимда, бир ҳикоя шундай сўзлар билан бошланарди: “Бу янги олинган устара тифининг эллик тўртинчи куни эди” – мана бу ҳақиқий ҳажвия. Нихоят, немис бомбалари ҳар ерда кўринарди. Улар ҳосил қилган чукурларда қоқиўт ва самбитгуллар шодон ўсишмоқда. Буларнинг бари Оруэллда бор.

Сиз айтмоқчисизки, “1984” бор-йўзи Лондоннинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги комик манзарасими?

Умуман, ҳа. Биргина Катта Оғани олайлик. Сиз Катта Оға ҳақида эшигтансиз. “Беннетнинг сиртқи коллежи” тўғрисидаги реклама урушдан олдинги ҳамма газеталарда чиқди. Сиз у ерда келишган, нигоҳлари ўткир, шу билан бир қаторда меҳрибон

“Сизнинг отангиз бўлишимга ижозат беринг” деб турган қария Беннетни кўрасиз. Сўнгра бизнесни қўлга олган қиёфаси шафқатсиз, “СИЗНИНГ КАТТА ОҒАНГИЗ БЎЛИШИМГА ИЖОЗАТ БЕРИНГ” деб айтаётган ўғил Беннет пайдо бўлди. Нафрат ҳафтасини эслайсизми? Асар қаҳрамони Уинстон Смит электрни ўчиришгани туфайли ўз квартирасига лифтдан кўтарила олмайди. Бу барчамизнинг бошимиздан ўтган. Лекин романда электр Нафрат ҳафтасига тайёргарлик доирасида ўчирилганди. Одатий ҳукуматга хос бўлган non sequitur¹. Ана шундагина биз уюштирилган нафрат нима эканлигини билиб олдик. Ҳарбий хизматдалик пайтимда мени нафрат мактаби курсларига юборишиди. Бу курсларни шубҳали даражадаги ёш подполковник ўтарди. Ўша обрўли бешафқатнинг дўстидек, а? Бизга душмандан нафратланишни ўргатишиди. “Қани йигитлар, нафратланинг, худо ҳаққи. Бу ёввойиларнинг маҳлуқларини қаранг. Албатта, бу палидларни бўғизлашни хоҳлайсиз. Тўнғизларга тупуринг. Этикларингиз билан мажақлаб ташланг”. Ва шунга ўхшаш ваҳшиёна бало-баттарлар.

Фикримча, китобнинг ўша қисмидаги номутаносиблик ҳам ҳажвий ҳисобланади, шундайми?

Номутаносиблик?!?

Электр ўчирилган, лекин телезэкранда статистик маълумотлар ҳақида бонг урилмоқда. Иккита бир-бираидан мустақил электр тармоқлари ҳақида-ги фикрни қабул қилиш қийин.

Бу ҳақда ўйламаган эканман. Фикримча, бу нарсани ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмайди. Мана, ўзингиз кўринг: саволларни ва шубҳаларни мажбурий тарзда тарк этиш ҳажвий эртакларга хос. Томоша-

¹ Аввалги фикрларга мос келмайдиган, мантиқсиз холоса (лот.) – Барча изоҳлар таржимонники.

бинга қараган телевизор-чи? Оруэлл буни Чарли Чаплиннинг "Янги замонлар"идан ўзлаштирган. Лекин бу ерда яна башоратнинг улуши ҳам бор. Биз аллақачон "Табассум қилинг, сизни телевидениеда кўрсатишмоқда" сингари эълонлари бор супермаркетлар даврига етиб келдик.

Ўша замонларда Англияда телевидение бормиди?

Нима, сиз ақлдан оздингизми? Телевидение бизда ўттизинчى йилларда ёк бор эди. Жеймс Жойс "Бэрдинг тахтали бомбардировкаси" дея атаган Бэрд тизими ёки шу руҳдаги бирор нарса. Жон Бэрдинг исми Йоги Бэр¹да анча заиф янграйди. Мен Би-би-сининг ilk телепъесаси – Пиранделло қаламига мансуб "Гул тишилаган одам" асарини томоша қиласман. Тасвир "Бэрд тахтаси"га ўзгарди, овоз эса радио орқали кетарди. Олдос Хаксли бу тизими, агар хотирам панд бермаса, 1932 йилда ўзининг "Ажиб янги дунё"сига кўчириди. Телевидениедан фойдаланишнинг имкониятларини баҳолаш учун унга эга бўлиш унчалик шарт эмас. "Оппоғой"да қироличанинг ҳар доим бир дона видеороликни айлантирадиган телевизорни бор. Елизавета Англиясида Роберт Грин "Бэкон оға ва Бентей оға"да телевизор ёки кузатиш учун сеҳрли ойнани олиб чиқди. Бу эса тахминан, 1592 йилда бўлганди. Сўз предмет пайдо бўлгунга қадар анча илгари мавжуд эди. 1948 йилда, ўйлашимча, предмет қайтди. У ҳар биримизнинг кундалик ҳаётимизга кириб келиши шубҳасиз эди. Содда ва самимий инсонлар орасида, мурожаат қилаётган шахсларнинг чин маънода сизга қараши таомилга айланганди. Телевидение уйларга бостириб кирди. Урушдан кейинги ilk дастурларда кўнгилочар кўрсатувлардан кўра тарбиявийлари кўпроқ бўларди. Экран эски фильмлардаги кичик фигура-

¹ 1958 йилда пайдо бўлган комикс ва мультфильмлар қаҳрамони.

лар эмас, йирик пландаги шахслар учун эди. Бугун биз зарурат деб ҳисоблайдиган қарапшлар қайта қуриш бошида жуда қийинчилик билан амалга ошди. Мен наполеонча урушни чүнтак асбоби даражасида қабул қилиш қобилияти ҳақида гапиряпман. Телевизор меҳмонхона бурчагида кўз сингари бутунича сизга қараб турар эди. У оила аъзоси, шунингдек, катта корпорациянинг агенти ҳам эди. Кўпчилик унинг олдида ечинишга ҳам уялганлигини эслайман.

Сиз буни қулгили ҳисоблайсизми? Эшигининг:

“Албатта, шу фурсатда уларни кузатишгаётганини ҳеч ким билмасди. Фикрлар полицияси сенинг кабелингга тез-тез уланиб турадими? – бу ҳақида фақат тахмин қилиши мумкин. Ҳаммани кузатган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас – ҳатто, суткалар давомида. Яшашга тўғри келди ва сен инстинктга эврилган одат бўйича яшадинг. Яъни ҳар бир сўзингни эшигаётганликлари ва чироқ учмагунча ҳар бир ҳаракатингни кузатаётганликларини англаш ҳисси билан”.

Йўқ, қулгили эмас, лекин у қадар қўрқитувчи ҳам дёёлмайман. Шахсий ҳаётга ҳақиқий тажовуз – умуман, электрон кўз таъқибига тушиш мумкинилиги. Катта Оға Уинстон Смит ортидан “Фалаба” турар жойидаги барча вазиятларда бирга, фақат ошхона ёки ҳожатхонага бормайди. (Ва менинг фикримча, агар унга шахсий квартирасида яшашга ижозат этилган бўлса, орқасидан юриш ҳам нотўғри. Кира-веришида қулфбузар билан полициячиси каравотда ётган дортуар¹ бўлгани яхшимасми?) Қоронгуликда, тўшакда ҳар қандай исёнкор ўй-хаёлларни сурис мумкин. Телеэкран – ҳақиқий хавф ёки нималар со-дир бўлаётганини биладиган одамлар учун эшигувдан каттароқ нарса эмас. У – шахсий ҳаётнинг ўлим метафораси. Бу ерда энг муҳими, телеэкран ўчири-

¹ Дортуар – ёпик ўқув юртларидағи умумий ётоқхона.

лиши мумкин эмас. Бу худди мияга ўрнашган реклама мусиқаси, катта корпорациялар ва давлатнинг иштироки ҳақидаги доимий эслатма, анти-“мен”.

Лекин, Уинстонни чиндан кузатишади. Уни ҳатто телекрандаги жисмоний тарбия мураббийи бўлган аёл ҳам койииди.

Ҳа, аммо кулгили сабабларга қўра. Вазият урушдан кейин дарҳол машҳур бўлиб кетган “Билли Батлиннинг дам олиш лагерлари”дан унча фарқ қилмайди. У ерда сени ҳар тонг маҳаллий радиодаги қувноқ қичқириқлар билан уйғотишади. У ерда сенга нонушта олдидан баланд мусиқа садоси остида бадантарбия қилишни буюрадилар.

Оруэлл бундай лагерлар ҳақида билармиди?

Йўқ, у бу лагерлар ташкил бўлишидан илгарироқ вафот этганди. Ва уларнинг асосчилари ҳам роман ҳақида билишмасди. Аммо, қизиги, улар шундай бир вақтда машҳур бўлдиларки, у пайтларда ҳатто энг беозор қонун-қоидалар асосидаги “лагерь” атамаси ва у ҳақидаги ҳар қандай фикр оддий инглиз кўнглида қаттиқ ғазаб уйғотган бўларди. Шубҳасиз, улар анчагина арzon эди. Аммо уларнинг хизматини таклиф этиш учун бу камлик қиларди. Эркаклар ҳарбий хизматдан оиласлари билан икки ҳафталик ёзги таътилни армияни эслатиб юборувчи шароитларда ўтказиш учун келардилар: уйғотиш сигнали, кўнгилочар дала тамаддихоналари, жисмоний машқлар (кўплаб аскарлар жанг майдонидан ҳам кўпроқ ёмон кўрадиган ҳарбий ҳаётнинг бир жиҳати). Униформа кийган хизматчи. Уларни “қизил мундирлар” деб аташарди – “қизил қалпоклилар” деб аталадиган ҳарбий полиция номига ёқимсиз даражадаги ўхшашлик. Радиокарнайлардан эса доимо ҳаммани баҳти бўлишга чорлаётган Катта Оғанинг овози

янгради. Тамаддихонада ўтирган пиёнисталарни конго ёпиқ рақси олдидан “қизил мундиirlар”нинг вакилалари ҳайдаб солишарди. “Батлиннинг дам олиш лагерлари” шуни исботладики, инглиз пролетариати интизомдан унчалик ётсирамас экан. Ишчи одам армия ҳайтига қарши унчалик эркин бўлмаган, қаттиқ тартибга солинган шахсий озодликни ва интизомий самимиyilikни қўйди. Урушдан кейинги пролетариат “Дам олиш лагерларини” Америка ҳарбийлари англиядаги қишлоқларда туганмас навбатлар ҳамда пасткаш бюрократларнинг беорлигига қандай кўниккан бўлсалар, шундай қабул қилди.

Ва бу нимани исботлайди?

Бу ерда мен маъно изламаган бўлардим. Оруэлл инглиз ишчилари мисолида топган маъно ниҳоятда кўрқинчли. Мен ҳажв излашни афзал қўраман.

У ҳолда, 1984 йилнинг 1948 йил билан бир хиллиги қаерда қолди?

Бу вақти-вақти билан рутубатли, вақти-вақти билан зим-зиё комедиянинг бир қисми. Ба жиндек пафос¹. Фақатгина қирқинчи йиллардаги ишчилар синфидан чиққан оддий инглиз... “паст бўйли, нимжон ...қирмизи юзлари сифатсиз совун, ўтмас устара ва эндиғина тугаган қиши совуғидан пўст ташлаган” Уинстон Смит учун йиғлагинг келади. Совуқ ва муҳтоҷликка кўниккан, одатий камбағаллик ва ёмон овқатланиш туфайли бўйи ўсмай қолган инсон. У умрбод “изтироб аралаш нафрат билан... узоқларгача кетма-кет тизилган, ойналарига картон ёпиширилган, ямоқ томли XV асрнинг ҳароб уйлари, уйлар олдида заиф деворли боғчалари бор...” Лондонга бокиб турадими? Жавоб – ҳар доим эмас. Бу Лондон уруш давридаги ёки урушдан эн-

¹ Пафос (юн. pathos – ҳис, завқ, эҳтирос) – қўтаринки рух жўшқинлик, завқ-шавқ.

дигина чиққан Лондон. Бу ҳеч қандай башорат күзи билан қараладиган Лондон эмас.

Мана буниси аниқ. Мехр-муҳаббат вазирлиги, Ҳақиқат вазирлиги ва ҳоказо масалалар-чи?

Умуман, Оруэлл уруш йилларида ишлаган Радиоэшиттиришлар уйини Ҳақиқат вазирлиги деб ҳисоблаш мумкин. Би-би-си штаб квартирасини. Қолган вазирликлар шу прототипга айнан ўхшамоги даркор. Мехр-муҳаббат вазирлигиде дунёдаги энг қўрқинчли ҳодисалар содир бўладиган хона мавжуд – 101-хона. Радиоэшиттиришлар уйининг ертўласида жойлашган 101-хонада Оруэлл Ҳиндистон учун тарғибот эшиттиришларини олиб борган. Радиоэшиттиришлар уйидан унча узоқ бўлмаган жойда, янгилишмасам, ҳали ҳам ишлаётган, Би-би-си ходимларининг севимли жойи бўлган “Жорж” қаҳвахонаси жойлашган эди. Мусиқачилар жигига тегаркан, сер Томас Бичем у ерга “Хира пашша” деб лақаб қўйганди. Номнинг ўзи ҳам шилқимона эди. “1984”да ҳам ёқимсиз аурали “Каштан остида” қаҳвахонаси ва якунда айнан шу ерда қўлида жин¹ билан ўқни кутаётган Уинстон Смит тасвиirlанади. Қаҳвахона – ўша қаҳвахона. Фақатгина “Каштан остида”нинг “Мандрагора” клубига ўхшашиб жиҳатлари бор эди: у ерда ҳам қаердан келтирилганлиги номаълум жин сотиларди ва шахмат ўйнаш мумкин эди. Қизиги, “Жорж”даги ёқимсиз муҳит Оруэллнинг ўлимидан сўнг пайдо бўлди. Бу айнан ўша, Дилан Томас, Луис Манкис ёки Рой Кэмпбелл билан бирга ичиб, келгуси сафар келганингда уларнинг ўлганлиги ҳақида эшлиши мумкин бўлган қаҳвахона эди. Уинстон Смит жин хўплаб, шахмат бошқотирмасини ечаётган вақтда төлеэкрандан қандай қўшиқ янграгани эсингиздами?

¹ Жин – қора арчадан тайёрланган инглизча арок.

*Тарвақайлаб кетган каиштан остида
Бир-биirimiz сотдик куппа-кундузи
Мен сени, сен эса мени...*

Бу нарса бизда доимо талқын қилинади. Шубҳасиз, боягидек ёқимсиз сўзлар билан эмас, аксинча, қирол Георг VI ва унинг скаутлар етакчиси сифатидаги роли билан. Қўшиқни ҳатто “Ламбет бўйлаб сайр” сингари рақсга ҳам айлантиришган. Аммо у жуда ҳам даҳшатли ва буқолика¹ даражада маъсум эди. Оруэлл романдаги аҳмоқона “Сарик оҳанг”ни қистириб ўтганда, том маънода сизга келажакни юборади. Бу умуман кулгили эмас.

Лекин, сиз унинг китобини бор-йўги ёқимсиз вақтлар ҳақида муболага, бундан бошқа нарса эмас, деб атайсизми?

О, йўқ, бундан ортиқроқ. Лекин олдиндан айтиб қўяй, Оруэлл, аслида, келажакни олдиндан айтиб бермаган. Романлар ғоялар туфайли эмас, сенсорли маълумотлар натижасида дунёга келади. Фикримча, бу ерда энг асосийси, романнинг ҳис-туйгуларга кўрсатган таъсири. Мен хитойча гуручли ароқ сингари ёғли ва жирканч ҳидга эга жин ҳақида айтмоқчиман (Уинстон гуручли ароқнинг бундай ҳид таратишини қаердан билди? Бу ерга яқиндагина Бирма² полицијасида хизмат қилиб қайтган муаллифнинг шахсий хотиралари аралашади). Сигарет етишмасди ва маълум вақтда бериладиган ягона сигарет “Ғалаба” деб аталарди. Айнан шундай маркали сигаретлар сарҳадлардан ташқарида хизмат қилаётган аскарларимизга аҳён-аҳёнда бериларди. Расво овқат, қўпол кийимлар, қатронли совун, ўтmas устара тиғлари, тамаки ва ич-

¹ Буқолика – чўпонлар ва қишлоқ ҳаёти идеаллаштириб кўрсатиладиган адабий асар тури.

² Бирма – Мьянма давлатининг бошқача номи.

килик ёрдамида ҳиссиётларни алдаб, сенинг исқириг ва жирканч эканлигинга ишонтириш – бари ҳақиқат эди. Фақаттина уни санъатта кўчириш қолганди, холос. Бу тана учун ёқимсиз вақт эди. Сен нон ва энг майда зарур эҳтиёжлар учун ибодат қилардинг, улар эса елкангта тараққиёт тошини ортгандилар.

Тараққиёт?! Бу бизни ингсоцга олиб боради, шундайми?

Ҳа. Кўчада шамолда хилпираб турган йиртиқ пла-кат ва ундаги биргина сўз: “ИНГСОЦ”. Инглизча со-циализм. Инглизча социализм 1945 йилда ҳокимият тепасига қандай келганини эслайман. Бу сўлларнинг оламшумул ғалабаси эди. Парламент сессиясининг очилишида улар “Қизил байроқ”ни куйлашди. Кўшиқ овози “Тангри, қиролни паноҳингда асра”, “Британия, ҳукмронлик қил” ва “Шон-шараф ва ор-зу-умидлар мамлакати” каби сўзларни босиб кетди. Уруш йилларида етакчи ва консерваторлар пар-тияси раҳнамоси Уинстон Черчилль илк бор мағлу-биятга учради. Мамлакат уни қоронғу водийдан ғалаба деб аталмиш қўёшли тоққа олиб чиққан, ке-йинчалик хиёнати учун жазога тортган инсондан юз ўтиргди. Юз ўтирганликни оқловчи сабаб ҳам ҳайрон қоларли: у гўёки вазият тизгинини қўлдан чиқарган.

Нима учун бош қаҳрамоннинг номи айнан Уинстон Смит?

Бунгача ҳали борамиз. Мавзу анчагина илмоқли. Ингсоц ва инглиз социализми бир хил маънони анг-латадими? Оруэллнинг ўзи шундай деб ҳисобла-ганми? У ахир социализмнинг келишини хоҳлаган. Ҳаммамиз буни хоҳлаганмиз. Инглиз социализми 1945 йилда ҳарбий хизматчиларнинг берган овоз-лари туфайли ғалабага эришган деб айтишганди. Бутун дунёдаги кемалар ва ҳарбий лагерларда Бри-тания ҳарбийларига ўз сайлов ҳукуқларини амалга

оширишларига рухсат бериш учун мураккаб механизм яратилди. Жуда кўпчилик (ҳатто, мендек консерватизм анъаналари руҳида тарбияланганлар ва кейинчалик унга қайтганлар ҳам) ўйламай-нетмай лейбористларга овоз бериши.

Нега?

Уинстон Черчиллнинг ўзи бунга йўл қўиди. Офицерлар таркиби уни яхши кўради. Аммо у ўзининг командирлар орасидаги катта таъсир кучидан фойдаланмади. Унда халқ қаҳрамонига хос кўп сифатлар топиларди: ғайритабиийлик, беадаб гапларни айтиш қобилияти ва қўпол ҳазиллар, аслида, ўтган даврга хос аристократик ҳужум бўлса ҳам, лейборист етакчилардан фарқли равища нутқ услубининг халқоналиги. У брендлар ва сигаралардан кўп миқдорда фойдалана оларди. Аммо ҳарбий қисмларга ташриф чогида сигара чекиш, у томонидан ўйламай қилинган иш эди. Орамиздан кимлардир ўшанда “Галаба” сигаретидан бир мартаина тортиш учун виждонидан ҳам кечишга тайёр эди.

Сигаралардан ташқари унинг яна қайси иши ўхшамади?

У урушларни ниҳоятда севарди. 1945 йилдаги сайловларгача орамиздаги кўпчилик олти йилдан бери форма кийиб юрарди. Биз ҳаммасини ташлаб, ҳақиқий ҳаётга қайтишни (айримларимиз ҳатто бошлишни) хоҳлардик. Черчилль эрта демобилизациянинг¹ хатарли оқибатлари ҳақида сафсата сотди. Шарқий Европага темир парда туширилди: рус итифоқдоши ўзининг аввалги большевистик таҳдид ролига ўтди. Биз оддий аскарлар янги ташқи сиёсий жараёнлар – йўналишларда тўсатдан юзага келган танаффуслар борасида ҳеч нарсани тушунмадик. Биз русларни фашистик диктатурага қарши курашдаги

¹ Демобилизация – уруш тутагач, аскарларни уйларига қайтариш.

буюк оғайниларимиз, деб ўйлардик. Бироқ, тўсатдан Россия душманга айланди. Биз катта давлат арбобла-ри сингари фикрлаш учун анчагина содда эдик. Катта амалдорлар каби бизлар учун ҳам уруш зарурат бўлса-да, оғриқли интерлюдия¹дек эди. Катта сиёсий арбоблар учун уруш сиёсатнинг одатий жиҳати эканлигини билмасдик. Черчиллнинг биздан кўнгли тўқ эди. Юз ўтирганимизда эса у йиғлади.

Аммо Оруэлл үнга яққол мафтун эди. Акс ҳолда ўз қаҳрамонини үнинг шарафига номламаган бўларди. Шундай эмасми?

Йўқ, йўқ ва яна йўқ. “1984”нинг кўплаб америкалик ўқувчиларига Уинстон Смит номи агадиян бой берилган олижаноб эркин қадриятларнинг тимсолидек туюлади. Лекин ҳеч қандай ўхшашлик йўқ эди. Бу ерда яна комедия. “Уинстон Смит” номи кулгили ва инглиз ўқувчиларида табассум уйғотади. У аллақандай ноаниқ ҳамда замонавий профессионаллар олдида ҳеч қандай имконияти бўлмаган сиёсий ҳаваскорликка шаъма қиласди.

Ахир Уинстон Черчиллнинг рақиблиги социализмнинг 1945 йилдаги галабасига энг кичкина сабаб-ку! Уруш йилларида асосий ҳисобланган фуқаролик ҳуқуқи масаласи билан шугулланилмади, шундайми? Айнан шу нарса ҳарбий хизматчиларнинг ҳукуматни алмаштиришига бўлган хоҳишларини алангалитиб юбормадими?

Қандайдир даражада. Англияда ҳеч қачон сиёсат билан қизиқишимаган. Бироқ уруш йилларида энг асосий сиёсий билимларни сингдириш бўйича илк қадамлар ташланди. Айниқса, армияда: ҳар ҳафта взвод командирлари раҳбарлигида Армиянинг жорий воқеалар бўйича бюроси (АЖВБ) томонидан бе-

¹ Интерлюдия – мусиқа асарларининг айрим қисмларини боғловчи кичик парча ёки пьеса.

рилган материал мұхокамасига бағищланған йиғин үтказиларди. АЖВБ – бу, аслида, янги давр даракчи-си, күп маңнога әга қисқартма. Унга аталған, аммо ҳеч ким куйламаган жүшқин қүшиқ ҳам бор эди:

АЖВБ – айт ёки күйла:

*АЖВБ бошлар ортидан
Ажойиб ва янги бир йўлга.
Европада ҳилпирағунча
Озодлик ва эркнинг байроги,
Асралгайдир қўлларимизда
Буюк демократия ўчоги.*

Худойим-ей, қандай сафсата... бундан ташқари офицер ёки сержантлар учун британча мақсад ва ҳаёт тарзи деб номланған маърифий маърузалар ҳам ташкил қилишди. Аслида эса, сиёсат дея аталған, гўёки нима учун жанг қилаётгандарини билдириш мақсадида, онгли фуқаролар армиясида Кромвел-нинг “юмалоқ бошлилар”и руҳидаги ғояларни уйғотиш учун ҳаракатларга киришилган эди. Ҳаттоқи, совет армияси ва уларнинг газеталари, комиссар ва сиёсий раҳбарлари – бошқача айтганда, политруклари билан ошкора ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилди.

Тарих нуқтаи назаридан британча мақсад ва ҳаёт тарзини қандай тасаввур қилишарди?

Аниқ айта олмайман. Тушунчалар шизофреник¹ ҳолатда қандайдир чалкашган ва иккига бўлинган эди. Ёки Ҳаёт тарзи ва Мақсад бир-бирларини унчалик ҳам ҳурмат қилмадилар. Материалларнинг катта қисми эскирган эди. Масалан, аллақачон бузилган колониялаштириш тизимини кўкларга кўтариш. Аммо хизматчилар орасидаги маълумотлиларига Британия империяси мавжудлиги ҳақида тасаввур-

¹ Шизофрения – руҳий касаллик тури.

га ҳам эга бўлмаган сафдошлари олдида империализмни муҳокама қилиш ва уларга таъсир ўтказишга йўл қўйиларди. Либераллар лорди Бирвиж томонидан Бисмарк Германиясидан ўзлаштирилган ҳамда Бирвиж Режаси деб аталган ягона давлат суғуртаси ва умумий фаровонлик мамлакати қуриш тўғрисида материаллар ҳам мавжуд эди. Менимча, британча ҳаёт тарзи анчагина демократик, британча мақсад эса – ўз-ўзидан қаерга тўғри келса, ўша ерга ўтқазиш мумкин бўлган эҳтиёткор эгалитаризм¹. Билмайман. Аммо шуни аниқ биламанки, бир қатор полковник-инқилобчилар буларнинг барини “социализм” деб атаб, ўз полкларида АЖВБ материаллари устидан мунозара ўтказищдан бош тортишди.

Полковник-инқилобчилар ростдан мавжудмиди?

Фақат Британия армиясида эмас. Бироқ шахсий таркиб ва ёш офицерлар ичида инқилобчилар кам эмасди. Баъзида Лондон иқтисодиёт мактабидан чиққан қандайдир лейтенант учраб қоларди. Умуман, инглизча синфий тизим ўзининг энг улкан аксиини Британия армиясидан топди. Юқори табақали профессионал офицерлар анъанавий нутқ услуби ва ижтимоий хулқ-атворни олиб кирдилар: ҳар қандай вазиятда ҳам офицер жентельмен бўлиб қолмоғи лозим эди. Шахсий таркиб ва офицерлар орасида ги муносабатларда юмшоқ қилиб айтганда, умумий нафрат, нутқ ва услубда, шунингдек, хужум қилган ва хужум қилишни истамайдиган томонлар орасида улкан жарлик пайдо бўлди. Ҳатто демобилизациядан ўттиз йил ўтгандан кейин ҳам собиқ аскарлар орасида юқори табақадагилар қилган ҳақоратлар, кўнгилсизликлар, илтифотсизлик ва орадаги катта тафовут учун ўч олишдан умидворлари топиларди.

¹ Эгалитаризм (фр. egalitarisme – тенг ижтимоий ва фуқаролик жамиятини қуриш кўзда тутилган концепция).

Ҳамон хотираларда “офицер овози”нинг акс садолари – масалан, умидсиз ва кучсиз ғазаб уйғотувчи фельдмаршал лорд Монтгомерига ўхшаганларнинг ошкора бақириқлари сақланиб қолганди. Армия структураси урушгача бўлган фуқаролик жамиятига қўпол пародия эди. Армияга келган вақтингда ўртача радикал¹ эдинг, 1945 йилги сайловларда эса пиҳини ёрган радикалга айландинг. Буни менга уэлслик сержант икки оғиз сўз билан ифодалаб берди: “Мен хизматга чақирилганимда қизил эдим. Энди эса, жин урсин сизни, мен қирмизиман”. Агарда инглиз коммунистик партияси урушдан кейинги илк парламентга кўпроқ номзодлар қўйганида жуда ва жуда қизиқ бўларди.

Инглиз армияси лейбористларни ҳокимият тенасиға олиб келди. Чунки у Черчиллни ёқтиирмасди ва уни бошқаршиларини ёмон кўтарди. Ҳаммаси шундайми?

Йўқ, иш анчагина каттароқ эди. Инглиз ҳарбийлари орасида утопик орзу шаклланганди: улар душман мағлубиятидан кўра каттароқ нарса учун жанг қилаётганликларига ишонишлари зарур эди. Улар тўғрини нотўғридан эмас, нотўғрини – ёмонроғидан ҳимоя қиласардилар. Замонавий уруш фуқаролик жамиятининг функцияларини бузади ва қайта қуришни эмас, тикланишни осонлаштиради. Нолдан бошлаб қуриш кечиккан ижтимоий адолатни кафолатлаган бўларди – мана, “Қаҳрамонлар яшаши учун лойиқ мамлакат” шиори остидаги 1914 – 1918 йиллардаги урушнинг орзуси нима эди? Аммо бу орзу ҳам қолганлари каби орзулигича қолди. Харобалар ва ногиронлар уйидаги демобилизация қилинган ишсиз, умидсиз аскарлар Соммеда ўлиб кетмаганларидан афсус чекардилар. Инглизлар бу бошқа қай-

¹ Радикал – кескин чора-тадбирлар тарафдори.

тарилмайды дедилар. Ростдан ҳам бу бошқа қайтарилимади. 1945 йилда балки тарихда илк бор оддий инглизлар нимани сүраган бўлсалар ўшани олдилар.

Оруэлл ҳам истаганига эришидими?

Оруэлл ҳақиқий социалист эди ва ниҳоят ҳокимият тепасига социалистлар келганлигини кўришдан фақат хурсанд бўлди.

Бироқ унинг жавоби қўрқитувчи роман бўлди. Унда инглиз социализми немис нацизмидан ва ўзининг русча турдошидан ёмонроқ эди. Нима учун? Нима ўхшамай қолди?

Билмайман. 1945 йилда ҳокимият тепасига келган инглиз социализмида ингсоцдан ҳеч нарса йўқ эди. Албатта, коррупция билан бир қаторда ҳокимиятта ташналик, самарасизлик, назоратнинг ўзи учунгина назоратга интилиш, “қаттиққўл иқтисодий сиёсат” мурватларини бурашдан маъюс завқланиш мавжуд эди. Британия радикализми ўзининг пуритан¹ча илдизларидан халос бўла олмади, ёки буни истамади. Урушдан кейинги социалистик ҳукуматнинг типик сиймоси иқтисодиёт вазири сэр Страффорд Криппс эди. Бу қувончсиз тараққиётнинг бадқовоқ тарафдори бўлиб, у ҳақида бир куни Уинстон Черчилль шундай деганди: “Тангримиз марҳаматсиз”. Оддий одамлар унда масхараомуз кулги объектини кўрдилар. Унинг шарафига чипслар номланди ва тамаддихоналарда “сэр стафс” пакетларини сўрашарди. Бунинг ҳеч қандай кулгили ери йўқ. Қолаверса, британча пуританизм беэътибор кулиб, қўл силташ учун ўтакетган қолоқ ва кескин эди. Чегарасига етган 1984 йил пуританизми (ҳатто, сэр Страффорд ҳам жинсий алоқани тақиқлай олмади) кўп нарсаларда 1948

¹ XVI – XVII асрларда инглиз, шотланд буржуазияси уюштирган диний-сиёсий ҳаракат. Ўта сипо одамларга нисбатан ҳам пуритан атамаси қўлланилади.

йилдан қарздор. Худди мен айтгандек, қаттиқкүл иқтисод билан яқдилликда сурбет бюрократия ҳам бор эди. У оддий халқа яқинлашган сари сурбетлашиб борарди. Масалан, маҳаллий идораларда озиқовқат учун карточка бериларди, аммо ҳеч қандай Катта Оға йўқ эди. Оруэлл китобининг америкалик биринчи ўқувчилари ичида кўпчилик уларнинг қаршисида лейбористлар Англияси ҳақида ўткир сатира турганлигини тахмин қиласидилар; бир қанча Британия тори¹лари Оруэлл қанчалик ториларнинг овозларини келтирса, улар шунчалик аҳмоқлик ва ичиқоралик билан қўлларини бир-бирига ишқардилар. Аммо улардан ҳеч ким буларнинг бари юзаки эканлигини, Оруэлл эътиқодли социалист бўлиб, ўлимигача шу эътиқодга содик қолишини гўёки тушунмади. Парадокс² шундаки, инглиз социализми, инглиз социализмидан даҳшатга тушилган вақтда келди ва ҳал қилинмасдан қолди. Уни ҳал этиш эса, жуда ва жуда мушкул иш.

Ўйлашимча, мен уни еча оламан.

Қандай?

Мана, "Уиган бандаргоҳига йўл"дан парчани тингланг. Оруэлл поезд деразасидан Нортэм ҳаробаларининг орқа ҳовлиларига қарайди: "Ялангоч тошлиарда тиззалаб ўтириб олган ёш жувон таёқ билан канализация қувурини кавларди. Мен үнга яхшироқ разм солишга улгурдим: шакли беўхшов бот³лари, совуқдан қизарган қўлларига. Поезд унинг ёнгинасидан ўтиб кетаётганда у бошини кўтарди ва мен унинг нигоҳларини илгашга етарлича яқин келдим. Унинг юзлари думалоқ, рангпар эди... ва бир лаҳзада унда

¹ Тори – ҳозирги Англияда консерваторлар партияси ва шу партия аъзоси.

² Парадокс – соғлом ақдга зид бўлган фикр.

³ Бот – бошқа оёқ кийим устига кийдирилган резинали ёки иссиқ оёқ кийим.

шу қадар ғамғын ҳамда үмидсиз ифода балқидики, бұнақасини күриш менга илк бор насиб бўлганди... Аёлнинг юзларидаги қайгу жониворга хос маъносиз изтироб эмасди. У ўзи билан нималар бўлаётганини жуда яхши билар, шафқатсиз қисмат түфайли қутурган совуқда тиззалааб ўтирганини мендан кам ҳис қилмасди... ва таёқ билан сассиқ канализация қувурини кавлаб турарди". Эсланг, худди шундай образ "1984"да ҳам пайдо бўлади. Романинг биринчи қисмидаги миссис Парсонс ҳақида айтняман. Унинг канализация қувури тўлган бўлиб, Уинстон Смит уни тозалайди. Сизифона¹ образ. Паст табақали аёлнинг үмидсиз қисмати. Оруэлл ҳақиқий социалист партиядаги каттаконларнинг эмас, канализация қувури билан курашаётган аёлнинг тарафида бўлиши керак деб ҳисоблайди. Лекин бу партияни ҳокимият бошқарувига олиб келмасдан унга ёрдам бериш мумкинми? Партия ҳукуматга келди, бироқ канализация қувури тўлалигича турибди. Реал ҳаёт ва партия доктринасидаги мавҳумлик орасида юзага келган номувофиқлик – мана, нима Оруэллнинг қайғусига сабаб бўлган?

Қисман тўғри. Аммо бошқача айтамиз. Сиёсий эътиқоддаги муаммолардан бири шунда намоён бўладики, биргина сиёсий партиянинг ўзи инсоннинг ижтимоий эҳтиёжлари тўғрисидаги барча ҳақиқатни ҳам айтишга қодир эмас. Агар айтолганида, у сиёсий партия бўла олмасди. Бироқ мамлакатининг равнақи учун хизмат қилишни хоҳлайдиган виждонли инсон бир партияга алоқадор бўлиши лозим. Бу бирмунча үмидсизликни билдиради. Лекин қисман ҳақиқатга олиб борадиган йўлни қабул

¹ Сизиф – юон мифологиясида худоларни ҳақорат қилгани учун тоғдан доимий тушадиган харсангларни юқорига олиб чиқиш билан жазоланган подшоҳ образи. Оғир, лекин фойдасиз меҳнат рамзи.

қылмоқ ҳам даркор. Фақат аҳмоқлар ва ёвузларгина партияга тұлалигича содиқ бўлишга қодир. Оруэлл социалист эди. Шу сабабдан, анъанавий *laissez faire*¹-ни ўзида сақлаган келажакни кўра олмади. Ўз шахсий социализмингни реал социалистлар, тенгсиз мантиқ – социализм ўзининг энг чўққисига чиқишини истайдиган одамлар орасида ёлғиз сақлаб қолишинг мушкул.

Оруэллнинг социализми доктринада кўрсатилганидан кўра прагматик²роқ демоқчимисиз?

Шу томондан назар солинг. У сўлларнинг газетаси “Трибьюн”да ишлаб юрган кезларида эътиқоди мустаҳкамроқ ўқувчиларнинг танқидларига чидашга мажбур бўлган. Уларга Оруэллнинг “ишга” ёрдам бермайдиган, гўёки халақит берадиган адабиёт, масалан, англикан-роялист, шунинг билан бир қаторда эътиқодли тори ҳисобланган Т.С.Элиотнинг достонлари ёки туғма истеъодод Жеймс Жойснинг лингвистик экспериментлари ҳақида ёзиши ёқмасди. У ўз ўқувчиларидан якшанбани сўлларнинг памфлетларини тарқатиш билан ўтказмасдан, боғдаги илк момақаймоқларни томоша қилишга боришини сўрагани туфайли узр сўрашига ҳам тўғри келди. У марксизмнинг моҳияти нимада эканлигини биларди. У Испаниядаги марксистлар билан юзма-юз курашмади. Аммо янада радикалроқ инглиз социалистларидан фарқли равищда Россияда марксизм номидан қилинаётган ишларга кўз юмолмади. Оруэллнинг радикализми – ўзидан кўхнароқ, Дефонинг диссентерик³ рухи ва Свифтнинг гуманистик ғазаби

¹ *Laissez faire* (фр.) – ишнинг ҳолати.

² Прагматик – прагматизм, яъни обектив ҳақиқатни эмас, балки буржуазия учун фойда келтирадиган нарсаларнитина ҳақиқат, деб ҳисобловчи субъектив идеалистик оқим тарафдори.

³ Диссентерик – Англияда расмий қабул қилинган мазҳабларни тан олмайдиган протестантларнинг номланиши.

аралашган XIX аср радикализми эди. У Свифтта ҳеч қандай гап-сўзларсиз қойил қолишини ва Свифт Дублиндаги авлиё Патрик собори декани бўлганда ҳам, унинг агностицизми¹дан зинҳор ранжитмаганини изҳор қилган. Оруэлл жуда ёмон, лекин таъсири шеър ёзганди: ўзининг ўтмишдаги инкарнация²сида у боғчада ёнғоқ дараҳтларининг ўсишига қараб медитация³ билан шуғулланаётган қишлоқ руҳонийсига айланади.

Яъни унинг инглизча социализмидаги социализмдан кўра инглизлик кўпроқ хос эди.

Гўзал таъриф ва бунда ҳақиқатнинг яхшигина улущи бор. Оруэлл ўз Ватанини партиядан кўпроқ севарди. Эътиқоди мустаҳкамроқ социалистларнинг фақатгина доктрина дунёсида яшашга интилиб, месрос бўлиб келаётган миллий қадриятларга беэътибор муносабатлари унга ёқмасди. Оруэлл ўзининг миллий анъаналари – тили, дала гуллари, черков архитектураси, “Купернинг Оксфорд мармелади”, денгиз бўйи отkritkalарининг беозор одобсизлиги, инглизча мадҳиялари, ўткир пивоси-ю тенгсиз чойини нихоятда қадрларди. Унда буржуазия диди бор эди. Ўзи эса ишчилар тарафида бўлишни истарди.

Лекин у ўзини ишчилар билан бирга деб ҳисобла-мади. Кўрқинчлиси, ишчилар сафига қўшила олмагани учун уларнинг ўзини айбларди. Мен “1984”даги пролларга берилган мутлақ ҳукм ҳақида айтяпман.

Унутманг, у томоғигача тўйган ва умидини йўқотган эди. У ишчиларни севишга ҳаракат қилди-ю, буни эплай олмади. Нихоят, у бошқарувчи синф

¹ Агностицизм – объектив дунёни ва унинг қонуниятларини билиш мумкинлигини инкор этувчи идеалистик фалсафий таълимот.

² Инкарнация – Шарқ фалсафаси таълимотига кўра руҳнинг моддий жисмда (танада) мужассам бўлиши.

³ Медитация – индуизмда ўз-ўзини англаш ва руҳий комиллик-ка эришиш учун бор диққатни тўплаш.

вакили эди. У Итонда ўқиган ва зодагонларга хос лаҳжада сўзлашарди. Ўзининг сафдош-интеллектуалларини бир поғона пастга тушиб, фабрика ишчилари ва кончилар маданиятини қабул қилишга ундан ганида шундай деганди: “Талафузингиздан бошқа нарсангизни йўқотмайсиз”. Аммо, негадир ўзи буни “йўқота” олмади. У қалбан ишчилар синфига адолатли бўлиш тарафдори эди. Бироқ, ишчиларни чин инсон сифатида қабул қила олмасди. Улар олижаноб ва азамат – “Молхона”даги тулпор Боксчи каби виждонли ҳайвонлар эдилар. Аммо, аслиятан уларниг лойи бошқа жойдан, ўзиники бошқа жойдан олинганди. У ўзидаги қусур билан курашишга, уларни севишга қаттиқ ҳаракат қилди: Париж ва Лондон ҳаробаларида кезишга ўзини мажбуrlади, бир неча ойни оғир шароитларда ўтказди. Буларнинг меваси эса “Уиган бандаргоҳига йўл” ҳақидаги китоб бўлди. У ишчиларга ёки ҳайвонларга ачинарди. Бунинг устига улардан қўрқарди ҳам. Унинг асарларида ўзи яшай олмаган ишчилар ҳаёти ҳақидаги ностальгия¹ унсурлари кучлироқ. Ва бу ностальгия уйдаги чегарасиз ғам-қайғута айланди. Шунингдек, у бошқа бир ностальгия билан аралашиб кетди.

Сиз ўтмиши ностальгиясини назарда тутяпсизми? Англиянинг қайтариб бўлмас хира ўтмиши. Ёки Диккенсча ўтмиши. Бундан унинг социализми сархуш ҳолатга келган. Социализм ўтмишини ёвузлик деб баҳолаб ундан юз ўгиради. Унинг бор қарашлари келажак сари йўналтирилган.

Ҳақсиз. Оруэлл қулайлик ва шинамлиқдан маҳрум – ўзига яраша ошхона, устунга осилиб турган сон гўшти ва қари итнинг ҳиди омухталашган ўтмишни тасаввур қиласди. Мутахассис сифатида у ўтмишга ҳушёрроқ ва эҳтиёткорроқ кўз билан қарashi

¹ Ностальгия – бу ерда: соғиниш, кўмсаш маъносида.

лозим эди. Мәхрибон полицияни, қаҳвахоналардаги шовқинли ва әркин гурунгларни, тоза ҳавони, ҳамиша бирга яшайдиган оиласын, қовурилган гүшт ва йоркшир пудингини, эски мюзик-холлардаги жанжалларни құмсай бошласанг, үтирилишга ҳам ултуролмайсан, гүё сквайр қаршисида қалпоғингни бурдалаб ташлагинг келади. Бу үтмишнинг қарши сига ҳақиқатни – сиёсий ақидалар, пиво құтарған қуролланған полиция, тергов олдидағи құрқув, баликли сосискаси бор ҳақиқатни қўйишга тұғри келади. “Ҳавони ютиш” қаҳрамонини эслайсизми? У ярамас бир нарсаны тишлиғиди-да, үзини гүё оғзида замонавий дунё бордек ҳис қилғанлигини айтади. Афтидан, Оруэлл келажақдан құрқарди. У келажак-ка үтмишни, яъни сохта нарсаларсиз, ҳақиқий дунё ҳисобланған үтмишни қўйишни истарди.

Ахир портловчи күч ролини айнан келажак үйнайды, деб ҳисобланади-ку. Бовужуд, Уинстон Смитнинг исёни ҳам үтмиши билан боғлиқ.

Үтмиш чиндан портловчи унсур ролини үйнайди. Қайси маънодаки, назариётчиларнинг доктринал қадриятларига қарши туради. Үтмиш инсонийдир, абстракт әмас. Бир қараңда аҳамиятсиз ва анчагина нейтрал жиҳатларни оламиз – масалан, узунлик ва оғирлик ўлчовларини. “1984” – моҳияттан башоратчи, Британия метрик системага ўтишини айтгувчи китоб. Уруш якунида Британиянинг анъанавий бирликларини ҳатто ҳали илгари суримаган Франциянинг картезиан¹ча абстракцияларига алмаштириш бўйича расмий таклиф берилди. Кўпчилик ўзгаришлар яқин эканлигига амин эди. Диюймлар, футлар ва ярдлар бармоқлар, қўл-оёқларга ҳаддан ортиқ боғланған, ҳақиқий рационал дунёда амалда

¹ Картезиан – Рене Декарт ва унинг издошлари яратган фалсафий таълимот.

кўллаш учун эскирган эди. Уинстон Смит учратган, пиводан шишиб кетган прол бир литр ёки ярим литрдан ичишига тўғри келаётганидан шикоят қилиб, одатий пингада қувишларини сўрайди. Бирок, Буюк Британия қадриятлари тарафдорларининг норозиликларига қарамай, ўнлик тангалар бериларди. Оруэлл шундай бўлаётганини билди: Уинстон Смитнинг ҳамёнига долларлар ва центларни солиб қўйди. Британияликларга кўра, ҳақиқат шундаки, “оғир доллар” аввалгидек фунт деб аталади. Ундаги янги юзлик пенслар – шармандалик ва инсонийликни йўқ қилиш. Америкаликларнинг пул тизими инқиlobий зарурият тусини олди ва эскирган шиллинглар, гинейлар ва ярим кронларнинг йўқотилиши инглизларнинг юрагини нега бу қадар яралаганини тушуниб бўлмасди. Анъанавий тизимнинг бутун моҳияти шундаки, у абстракт рационализмдан эмас, тажрибадан ўтган соғлом Фикрдан пайдо бўлган. Фунтни хоҳлаган сонга бўлса бўлади: 3, 5, 6, 7, 8, 9, 10. Ҳозир эса 3 га бўлишга ҳаракат қилсанг, вергулдан кейинги чексиз белгилардан бошинг айланади.

7 ва 9 гами?

Ҳа. Фунт плюс шиллинг гинейни беради. Гинейнинг еттидан бири – уч шиллинг. Гинейнинг тўққиздан бири – икки шиллинг ёки тўрт пенс ёки малай доллари. Уч ва унинг кўпайтирувчиларга бўлинадиган ҳафтанинг етти куни, бир ойнинг тўрт ҳафтаси, бир йилнинг ўн икки ойи ва соат мавжуд экан, эски тизим ақллироқ эканлиги намоён бўлади. У ҳаддан ортиқ инсоний ва ақлли бўлганлиги учун ҳам йўқ бўлиши керак эди. Унинг яна бир оғир хатоси – эски ҳалқона анъаналарни ўзида мужассам этганлиги, пул бирликларининг номи мақол ва матал номидан олинганлигиdir: “Апелсинлар гўё асал, Сент-Клемент кўнғироқ чалар. Жаранглатар Сент-Мартин:

берсанг-чи менга фартинг¹". Бундай маталлар ва кўшиқлар – Катта Оғанинг Лондони ва аллақачон дағн этилган эски черковлари, мўриконлари ва виждан эркинлиги бор Лондон ўртасида сирли ҳалقا саналади. Лекин романдаги 1984 йилда фартинг нима эканлигини аллақачон ҳамма эсидан чиқариб юборади. 1960 йилда у ҳақидаги маълумот йўқолган. "Мана кўшиқ ярим пенс учун, уни куйламоққа тайёрман..." деб бошланувчи болалар қўшиғида гап нима ҳақида кетяпти, билиш мушкул. Шекспирнинг "Тўнғиз боши"даги Фальстафнинг саноғида ҳам шу аҳвол: каплун² – 2 шиллинг 2 пенс, соус – 4 пенс, 2 галлон херес – 5 шиллинг, 8 пенс, кечки овқатдан кейинги анчоуслар ва херес – 2 шиллинг, 6 пенс; нон – 0,5 пенс.

Нима сабабдан Оргулла Уинстон Смит лабларида Шекспир исмини тақрорлаб үйгонади?

Шекспир, гарчи партия томонидан эълон қилинмаган бўлса ҳам, қонундан ташқари бўлиб, мавжуд тартиб-қоидаларга қарши эди. Янги тил уни нимага айлантирганини Худо билади. Аммо эски тилли Шекспир индивидуалликлар билан тўла: индивидуал ҳаёт ва индивидуал қарорлар билан. Шекспир ўтмишни англади. Лекин эътибор беринг, Уинстон Смит ўтмишни янада хавфлироқ йўсинда үйғотади. Икки ярим долларга у ўзининг замонавий дунёсига – ёки таъбир жоиз бўлса, Совет Россиясига нотаниш бўлган, кремли бетлари сип-силиқ ва бўш китоб сотиб олади. Бундан ташқари ёзув учун архаик восита – ҳақиқий пероли ручка ҳам олади. Афтидан, у кундалик юритмоқчи эди. Ҳамонки, унинг ёзув столи телеэкран кўзидан наридаги кичик сарпардада жойлашган экан, у бу ишни жазога тортилмай қилиса бўлади, деб ҳисоблайди. Бошида хаёлига биринчи

¹ Каплун – семиртирилган ахта хўроз.

² Херес – кучли узум виносининг бир нави.

келган нарсалар ҳақида ёзади. Кейин эса, чалғийди ва құллари китобда әркин ёзишларига йўл қўяди. Ўзига келиб, саҳифаларга қарайди ва автоматик ра-вишда фақатгина бир жумлани ёзганлигини кўра-ди: “ЙУҚОЛСИН КАТТА ОФА”. Эшикни миссис Парсонс тақијлатади. Бу ўша, қувури бузилган аёл эди. Аммо Уинстон Смит фикрлар полициясидан келишди, деб ўйлади. Эшикка яқинлашгач, китобни ёпмаганлиги эсига келади. “Учига чиққан аҳмоқ-лик. Йўқ, у буни ўйлаганди, афсуски, кремли қофоз сотиб олган ва ҳатто таҳлика ичида ҳам сиёхи қури-маган кундаликни ёпишни истамаганди”. У қилган портлатувчи ҳаракат ва қуроллар бир бутун бўлди-лар. Ўтмиш – партия душмани. Бинобарин, ўтмиш ҳақиқат. Миссис Парсонснинг муаммолари билан шуғулланиб бўлгач, у шундай ёзади:

“Келажак ёки ўтмишга – фикр әркин бўлган, инсонлар бир-биридан фарқ қиласидиган ва ёлғиз яшамайдиган вақтларга, ҳақиқатга ҳақиқат сифа-тида қараладиган, ўтган ҳодисалар уйдирма деб ҳисобланмайдиган замонларга, бир-биридан фарқ қиласидиганлар давридан, ёлғиз ва кимсасизлар давридан, Катта Оғанинг давридан, қўшфикрлилик давридан салом”.

Биз келажак ёки ўтмишга – аллақачон ўлган ёки ҳали туғилмаган замонга мурожаат қилиб гапири-шимиз мумкин. Униси ҳам, буниси ҳам абсурд. Бироқ абсурдлик әркинлик учун зарур.

Ёки аксинча бу келажакнинг ўзи абсурд эканлиги-ни исботлайди.

Ҳа, ҳа. Оруэллнинг бир қатор замондошлари наздида әркинлик архаик абсурд эди. Буюк Брита-ния ва унинг иттифоқдошлари шахсий әркинликни йўқ қилишга ўзини бағишилаган фашизмга қарши курашдилар. Бинобарин, иттифоқчилардан бири

озодликни душмандан кам бўлмаган ҳолатда сиқиб кўйди. Совет Россияси демократик давлатларнинг дўсти эди...

Кўп вақтга эмас.

Ҳа. Мана, нима учун ўшандаги одамлар титроқ қалб билан уруш бу билан ўз моҳиятини йўқотди, деб ишонгандар. Мана, нима учун ўша вақтда инглизлардан Сталинни севиш ва советча тартибларни олқишилаш талаб этилган. Бир қатор инглиз интеллектуаллари, айниқса, сўлларнинг “Нью стейтмен” журнали билан ҳамкорлик қилувчилар ҳатто тоталитаризмнинг сталинча моделидан дарс ҳам бердилар. Масалан, ўша журнал муҳаррири Кингсли Мартин. Мартиннинг совет доҳийсига нисбатан нуқтаи назарини Оруэлл тахминан шундай баҳолаган: Сталин кўплаб даҳшатли ишларни амалга оширди. Бироқ улар тараққиётта хизмат қилдилар ва бир неча миллионлаб қатллар билан бу нарсани хастпӯшлашга йўл қўйиш мумкин эмас. Мақсад воситаларни оқлади. Бу ўта замонавий ёндашув. Оруэлл ҳақиқатан ҳам аксарият британиялик зиёлилар тоталитаризмга тарафдор, деб ўйлаган.

У жуда ҳам узоқлашиб кетди.

Ўзингиз ўйланг... Зиёлининг табиати тараққиётта мойил. Бошқача сўзлар билан айтадиган бўлсак, у оддий инсонларга тезда катта ўзгаришлар ваъда этадиган сиёсий тузумни қўллаб-куватлайди. Бу эса, ўз-ўзидан ландовур ва эски демократик тараққиёт ҳамда унинг сабрли мухолифатчиларига нисбатан нафрат туйғусини намоён этади. Ҳар қандай ҳукумат машинаси ўтмишни мажақлаб ташлаб, оқилона келажак яратишга қодир. Жуда ҳам ақлли роя. Ҳатто Оруэллга авторитаризмни севган ёки унга чидашга тайёр – Эллиот, Йейтс, Ивлин Во, Рой Кэмбелл сингари зиёлилар “фашист” бўлиб туюлган. Ҳатто

Шоу ва Уэллс ҳам. Аммо фашист бўлмаган зиёлиларнинг кўпчилиги коммунистлар эди. Яъни давлат ҳокимияти, репрессиялар, бир партияли тизим ва ҳоказолар ҳақида гапирадиган бўлсак, шу нарса келиб чиқади. “Фашизм” ва “коммунизм” атамалари ўзининг асл шухратини акс эттирмайди. Оруэлл уларни бир категорияга мансуб деб ҳисоблайди. Масалан, бу нарсани “олигархик колективизм” деб аташ мумкин.

Лекин ҳар қандай прогрессив фикр – зиёлилар меҳнатининг меваси. Зиёлиларсиз, уларнинг ижтимоийadolатга, тенг даромадларга, меросий имтиёзларни йўқ қилишига чақириқлари ва ҳоказоларсиз – умуман, тараққиёт бўлиши мумкинми?

Аммо, уларнинг тараққиёт борасидаги фикрлари беғаразмикан? Оруэлл Артур Кестлер сингари Европа ҳокимиятини ҳаракатга келтирувчи пружиналар нималар эканлигини жуда яхши тушунган. Иккаласи ҳам ҳеч бир инсон сиёсий бошқарувга чин альтруизм¹ сабабидан интилмайди, дея ҳисоблайди. Кестлерни у қўллаб-қувватлаган тузум қамоқقا жўнатди. Оруэлл Испания озодлиги учун курашди ва рус коммунизми каталонча бошбошдоқликка жазо қўллаганда, у қочиш билан ўзини қутқарди. Сиёсий амбицияси бор зиёлилардан шубҳаланадилар. Ахир эркин жамиятда зиёлилар оддий синфга мансублар. Улар ўқитувчи, маърузачи ёки ёзувчи сифатида нима таклиф қилсалар, катта муҳокамаларсиз фойдаланилмайди. Агарда улар норозилик кўтариб, ўз меҳнатларидан бош тортсалар, ҳеч ким пинак ҳам бузмайди. Оқ шеърлар тўпламини чиқаришдан ёки соҳавий тилшунослик бўйича маъзуза қилишдан бош тортиш – бу электрни узиш ёки авто-

¹ Альтруизм – ҳеч қандай шахсий қизиқиш ва манфаатларсиз бирорнинг фойдаси учун ҳаракат қилиш.

бус қатновини тўхтатиш эмас. Уларга бир томондан капиталист хўжайин, бошқа томондан касаба уюшмаси бошлигининг қўлидаги ҳокимият етишмайди. Уларнинг ҳафсаласи пир бўлади. Чин маънодаги интеллектуал ҳузур уларга кераксиздек туюлади. Ва улар инқилобчиларга айланадилар. Инқилоблар қоидага кўра, сафсатабозлик қобилиятига эга бўлган норози зиёлилар меҳнатининг натижасидир. Зиёлилар дехқон ёки ишчилар учун кўча намойишларига чиқадилар. “Бутун дунё зиёлилари, бирлашингиз!” – унчалик ҳам илҳомбахш шиор эмас-да.

Аммо, нима учун Оруэлл зиёлилардан қўрқарди? Ахир 1940 йилларда лейбористлар тенасида зиёлилар турмаганди-ку.

Йўқ. Лейбористлар етакчиларининг “Нью стейтман” тарафдорларига умуман алоқаси йўқ эди. Уларнинг Буюк Британияни Сталин Россиясининг миниатюрасига айлантириш нияти бўлмаган. Аммо гапирдилар – балки ҳаддан ортиқ гапирдилар: кучайиб бораётган давлат назоратининг хавф-хатарлари, ўсиб бораётган бюрократия, тенглик доктринасига умуман мос келмайдиган шахсият қадрсизланиши ҳақида. Жиддий айтадиган бўлсақ, социалистик хукумат ўзининг мутлақ давлат мулки ҳақидаги мафкурасини, агар муддати чегараланмаган мандатга эга бўлса, амалга ошира олади. Социализм ғоясининг ўзи унчалик демократик эмас. Агар, демократия деганда бир-бирига қарама-қарши партиялар, эркин сайлов хукуқи ва даврий сайловларни тушунсак. Парламент борган сари партияларнинг қонун лойиҳаларини шарҳловчи ва шахсий хукуқ сингари масалаларни эътиборсиз қолдирувчи жойга айланди. Аслида, уларни химоя қилиш парламент аъзоларининг асосий вазифаси бўлиши лозим. Оруэлл инглиз социализми ўзида намоён этаётган

қуйидаги хусусиятлар билан муроса қила олмади: минимал миқдордаги давлат мулки, жуда ҳам қимматга тушадиган ижтимоий таъминлаш тизими, ҳаётни қийинлаштираётган “тенглаштирувчи” қонуналар мажмуаси, ниҳоят, коллектив интилишларга қарама-қарши дея баҳоланиб, индивидуалликнинг муқаррар чекланиши. Бирок, ҳатто ўша, социализмнинг илк фараҳбахш кунларида ҳам ингсоц концепцияси дунёга келмаган бўларди – ҳар ҳолда, қайси-дир университет маъruzачисининг квартирасида туғилиши мумкин эди.

Сиз буни тоза ономастик¹ гайритабиийлик бўлган деб ўйлайсизми?

Ҳа, бу ҳурматга сазовор номни беҳаёларча ўзлаштириш ва уни расво қилиш. Гитлердан сўнг бирор кимса национализмни сесканмасдан эслай оладими? 1948 йилги инглиз социализми ва 1984 йилдаги ингсоц орасидаги боғлиқлик фақат номигагина. Фараз қилинг: “Нью стейтман” атрофидаги интеллектуаллар гуруҳи нафақат Буюк Британияни, балки бутун инглиззабон дунёни ишғол қилди. Бунда, Англия ёки Парвоз йўлаги I бор-йўғи Американинг бир қисмигагина айланади ва олдинга ўтиб айтиш мумкинки, “Нью стейтман”дан бўлган олигархлар аввалига Кўшма Штатларда юқорига кўтариладилар ҳамда кейинроқ ҳокимиятнинг бир улуши билан уйга қайтадилар. Ҳеч нарса бемаъно бўлиши мумкин эмас ва Оруэлл буни тушунади. Буюк ядро уруши бўлди. Шундан кейин ҳам Виктория давридаги Лондоннинг катта қисми ҳали ҳам турибди – тағин абсурд. Эллигинчي йиллардаги сиёсий тозалашлар билан боғлиқ изтиробли хотиралар қолган. Аммо Уинстон Черчиллнинг шахсий хотира-

¹ Ономастика – тилшуносликнинг атоқли отларни ўрганадиган бўлими.

лари ва деярли бошқа барчаси ҳам – хира тушнинг жилосига эга. Ҳаммани гўё амнезия¹ қамраб олганди. Ҳатто улар “ўзни тўхтатиш”ни амалга оширмасалар ҳам. Ўз-ўзидан бу, революцияга қадар нималар содир бўлганлигини билмаганимиз ҳамда юз берган ҳодисаларга аҳамият ҳам бермаганигимизни тан олишимизда ўз аксини топади. Бу шунчаки зиёлиларни ҳокимииятга олиб келишда қўлланилувчи керакли усул. Тутуриқсиз, кулгили. Мен нимадан бошлаган бўлсам, шунга қайтаман.

Демак, сизнингча “1984”да “бир минг тўйқиз юз саксон тўртинчи”дан ҳеч нарса йўқ? Ҳаммаси 1948 йилда содир бўлган ва ўз фурсати етиб келишини кутиб турган?

Қандайдир маънода, ҳа. Аслида, газеталар ва расмий баёнотлардагина мавжуд қийноқлар ёки концентрацион лагерларни Буюк Британияга кўчиришнинг ўзи етарли бўлди. Интеллектуал тоталитаризм бадиий адабиёт воситаларини таъқиб қилишига тўғри келди. Аммо, романлар чиндан ҳам кундалик тажрибалар натижасида ёзиларди. Уинстон Черчиллда норозилик уйғотган нарсалар бизда ҳам норозилик уйғотарди: ифлос кўчалар, нураётган бинолар, завод ошхоналаридағи кўнгилни бехузур қилувчи овқатлар, деворлардаги ҳукумат шиорлари...

“Эркинлик – бу қуллик” ёки “Жаҳолат – бу куч” каби шиорларми?

Бизнинг давримиздаги шиорлар бошқача эди. Сиз тоза сув деб атаганингиз миллиатчи Германия. Аммо эндиғина демобилизация қилиниб, ватанга қайтганимда тинчлик давридаги ilk плакатда нималарни кўрганимни эслайман: қора кийимли, озғин, пажмурда ва дилхаста аёл, унинг остидаги ёзув: “йўлингда-

¹ Амнезия – хотиранинг номаълум вақтта тўлиқ ёки қисман йўқолиши.

ги ўлимни ўтказиб юборма". Шубҳасиз, бу шиорни кимдир ўчириб ташлаган ва остига ёзган: "у социалистларга овоз берганди". Биз ахборот вазирлигидан илинган ингсоцнинг қўшмаъноли плакатларидан фарқли ўлароқ қўпол шиорга кўп эътибор берардик: "сизнинг тиришқоқлигинги, сабрингиз, сизнинг қатъиятингиз бизга ғалаба келтиради". "Биз" ва "сиз" – тушуняпсизми? Ажабланарли жойи йўқ. Биз ҳаммамиз ўзимизча ўтакетган улуғворлик касб этгандик. "Оталар каби оналарга маҳкам бўл". Бу ишчи оналар орасида сал қолса ғалаённи юзага келтиради. Шиорлар британча ҳаётнинг ажралмас қисми эди. Оруэлл ҳеч қандай янгиликни бизга тақдим этмаган.

Огоҳлантириши янгилик эмасмиди?

Қанақа огоҳлантириш? У бизга Кромвел даври Англиясида Мильтон нима деган бўлса, шуни айтди: ўз эркингиз учун чиданг. Оруэлл ҳатто бу нарсани айтмаган бўлиши ҳам мумкин. У утопиянинг ёки катопиянинг амалдаги моделини яратиб, интеллектуал ўйин ўйнайди. Ҳойнахой, у синчилаб ишлаб чиқилган тузилма барбод бўлгунча қанчалар узоққа кетиш мумкинлигини кўрсатишни истаган. Ахир у ҳайвонларни Октябрь инқилоби ўйинини ўйнашга мажбур этганди-ку. Яна бир ўйин. У ўзида Свифтни ифода қилди *de nos jours*¹. Ўзингизнинг даҳшатли келажагингизни қуинг, ўйнанг. Барчаси иш берди ва Оруэлл мамнун бўлиши керак. Аммо завқ-шавқнинг сиёсатга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Ташаккур, жаноб.

¹ *De nos jours* – Бизнинг кунлар (фр).

ИНГСОЦ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Шубҳасиз, Океанияни назокатли зиёлилар олигархияси бошқаради. У осонлик ила солипсистик фалсафани тарғиб қилади, у хотира ва тилни, уларнинг табиати орқали қабул қилинадиган воқеликни қандай манипуляция қилишни билади, шунингдек, у қандай сабабларга кўра ҳокимиятда ташналиқ юзага келишини ўта нозик тарзда ҳис этади. У шахсий бошқарувга йўналган амбицияларни қандай бостиришни ўрганди. Океанияда на гитлерча, на сталинча шахсга сифиниш йўқ: Катта Оға – тўқима, шунинг учун умрбоқий ва фақат унга дахлдорларгина у билан. Олигархия зиддиятларни тадрижий ҳамда вақт устидан назоратда оқсайдиган диалектика¹ орқали эмас, синхрон қўшфикрлилик усули ёрдамида баҳолашни ўрганди. Ингсоц – илк профессионал бошқарув тизими, бинобарин охиргиси ҳам.

Унинг доктринаси шунчаки этикетга эмас, метафизикага асосланган. Мантиқ кучига таянган сиёсий тизим реаллик концепциясига асосланади ва шубҳасиз Платондан ҳам қадимийроқقا бориб тақалади. Ингсоц моҳиятини идрок этишнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг метафизикаси коллектив эмас, алоҳида онг учун мосланган. Метафизика умумий аҳамиятга эга бўлишидан олдин, коллектив ягона онг каби фикрлашни ўрганмоғи лозим.

Солипсизм – лотин тилидаги “solus” ва “ipse” (сўзма-сўз таржима қилсак, унинг таркибий қисмлари “танҳо мен” ёки “мен”, “ўз-ўзим” деган маъноларни билдиради) сўzlаридан олинган. Солипсизм воқелик фақатгина инсоннинг “мен”и доирасида,

¹ Диалектика – ҳаракат ва ривожланишнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги фалсафий таълимот, шунингдек, ҳаракат ва ривожланишнинг ўзи.

яна ҳам мантиқий гапирадиган бўлсак, билим ва идрокни фақатгина “мен” қўзғата олади деган ғояни илгари суради. Шундай экан, гўёки ички дунёда қандайдир мустақил олам бор, дея фараз қилмаслик керак. Солипсизм онгни воқелик сифатида баҳолайдиган, материяни эса ғоядан ортиқ нарса эмас деб фараз қилувчи идеализмдан кенгроқ тушунча. Аммо у бошқа онгларнинг мавжудлигини инкор қилмайди. Ва ниҳоят, ҳамма нарсани қамраб олувчи онг мавжудлигини илгари суради. Солипсизм *solus ipse* дан ўзга онгларнинг мавжудлигини исботлаш иложсиз, дея ўргатади. Бироқ барибир мантиқни инкор қилиш, қарама-қаршилик ёки ноизчилликни тан олиш учун индивидуал онгнинг вақтингчалик ёки қисман узилишларига йўл қўяди. Модомики, якка онг чиндан мавжуд экан, унинг хотиралари ҳақиқатдан узоқ бўлиши мумкин эмас. Ўтмиш бекарор ва мослашувчан эмас: онг доирасида у реал ўрин эгаллайди ва ҳақиқат ўзгарувчан, деган фикр хато. Математик формулалар ўзгармасдир. Яъни $2+2$ ҳамиша 4 га teng. Коллектив солипсизмга эса бунинг дахли йўқ.

$2+2$ баъзида 4 га teng бўлса, худди шу эҳтимол билан 3 ёки 5 ни ҳам бериши мумкин. Ғалати эшитилади. Аммо, партия ғалатилик – бу коллектив онгнинг нуқтаи назарини қабул қилмайдиган ва у билан бирлашишни рад этувчи индивидуал онгнинг таркибий қисми, деб уқтиради. Уинстон Смит ҳатто партия назорати остида бўлмаган, аммо унинг ўзини оқлаш жараёнларида муҳим мурватлардан бири ҳисобланган, ҳақиқат сингари туюлган оддий арифметикага ўрадашиб қолади. Оқлаш жараёни $2+2$ партияning айтганларига teng эканлигига ўзини (шунчаки механик қабул қилиш эмас) ишонтиришда намоён бўлади. Шекспир, қуйидагиларни илгаридан кўради:

КАТАРИНА: Нима, ой? Офтоб-ку, тунга ҳали бор.

ПЕТРУЧЧО: Йўқ, у ой – ёп-ёруғ нур сочаётган.

КАТАРИНА: Йўқ, қуёш – ёп-ёруғ нур сочаётган.

[...]

ПЕТРУЧЧО: Ой дедим, ой.

КАТАРИНА: Ҳа, ҳа, ҳа, албатта ой!

ПЕТРУЧЧО: Тағин алдаяпсан, қуёш-ку ахир.

КАТАРИНА: Ҳа-я, у қуёш-ку, қандай роҳатбахш!

Қуёшмас десангиз, қуёшмас, тамом.

Ойдан фарқингиз йўқ ўзгаришда ҳам.

Нима деб айтсангиз ўша бўлади.

Ва шундай ҳамиша Катаринага¹.

Ўжар Уинстон Смитнинг ғазабини босишга тўғри келади ва бу ҳолатда Петруччо ролида О'Брайан на-моён бўлади.

Партия солипсизми ушбу терминнинг анъана-вий талқинидан фарқли равишида анчагина соғлом ҳамда бамаънироқ (ва, албатта, изчилироқ ҳам). *Solus ipse* ўзида маконни мужассамлаштирган, аммо замон ундан ташқарида бўлиб, мавжудлик шартла-ридан бири, дейиш мумкин. Аммо, мантиқан олиб қараганда, ягона онг агар ягона воқеликда мавжуд бўлса, ўзида барчасини, жумладан, вақтни ҳам му-жассамлаштирмоғи лозим. Бундан ташқари мантиқнинг ўзини ҳам. Туйғулар – бор-йўғи “мен”нинг хизматкорлари ва улар бенуқсон эмас. Туйғулар ал-дамчилигини ҳеч ким инкор этолмайди. Биз иллю-зияни ҳақиқатдан қандай фарқлаймиз? Фақатгина органларга таяниш ақлга тўғри келмайди. Ёлғизгина “мен” – бу номоддий, ишончли ва нима ҳақиқат-у, нима ёлғонлигини белгиловчи моҳият. Ушбу ягона атрибутдан “мен”нинг (у тасдиқланган, ўзгармас, барҳаёт, пок – пировард воқелик бўлмоғи учун) ке-

¹ У.Шекспир. “Қийик қизнинг қуилиши”. Т.Тўла таржимаси.

ракли улушини ажратиб олиш учун уни фақатгина жамоавий “мен”га айлантириш лозим.

Негадир, ушбу ўлмас, қудратли, ҳар ерда ҳозир, инсонларни назоратда тутиб турувчи ғоя, умидсизлик ва ғамгишликтан кўра, руҳиятга кўтаринкилик бағишлайди. Инсоният тарихи – бу унинг атрофдагиларни назорат этиш мақсадида олиб борган ўжар курашлари тарихи. Мағлубиятларнинг асосий сабаби эса ҳар доим танаси қариган, ақли ривожланишдан ортда қолган алоҳида индивиднинг калтағаҳмлигидир. Жамоавийликни кўтаринг ва алоҳида шахсни камситинг, шунда тарих инсониятнинг кетма-кет ғалабаларига гувоҳ бўлади. Аслида, ингсоц тарихи ҳам шундай.

Жамоа ягона онг каби ҳаракатланиши учун унинг барча аъзолари ёки ячейкалари кўрган-билганлари тўғрисида яқдил бўлишлари керак. Индивидуал кузатув олиб бориш ва хотира партиянинг қарорлари ни ҳақиқат сифатида қабул қилиши учун ҳар лаҳзада кўшфикрлилик дея номланган услубдан фойдаланилади. Реаллик мухим фурсатга тенглаштирилади. Ўтмиш бутунни белгиламайди, аксинча, бугун ўтмишни модификациялади. Ҳаммаси туюлгани сингари даҳшатли эмас. Жамоавий онгнинг хотиралари архивларда бўлмоғи лозим. Архивларни эса – ўзгартирмоқ даркор. Яна бир қадам ташлаймиз: ўтмиш мавжуд эмас, сабаби биз уни яратишда эркинмиз. Қачонки, яратилган бир ўтмиш бошқаси билан зиддиятга борса, қўшфикрлилик ишга тушади. Унинг аниқ изоҳи Океания ҳамжамиятининг зарурий, шу туфайли ўлдирилмайдиган душмани Эммануэль Голдстейн қаламига мансуб бўлган “Жамоавий олигархия назарияси ва амалиёти” китобида келтирилади. Мана ўша сўзлар:

“Кўшфикрлилик бир вақтнинг ўзида икки хил қарама-қарши маслакка таяниш қобилиятини бил-

диради. Партия интеллекенти ўз хотираларини қайси томонга ўзгартеришни яхши билади; аниқроғи, нима ҳақиқат билан фириб бераётганлигини хис қиласы; демак, күшфикарлык ёрдамида ҳақиқат дахасиз қолганлигига ўзини ишонтиради. Бу жараён онгли равища юз бермоғи лозим, бўлмаса уни бекаму кўст амалга ошиrolмайсан. Шунингдек, идроксиз ҳам бўлмоқ даркор, акс ҳолда ёлғон ҳисси, унинг ортидан айбордлик туйғуси юзага чиқади. Күшфикарлык – ингсоцнинг қалби, шу сабабли партия уни қасдан алдаш йўли орқали, ўз мақсадига элтувчи йўналишни қаттиқ ушлаб ишга солади. Бу эса тўла ҳалолликни талаб қиласи. Ғирт уйдирмани гапириш ва бир вақтнинг ўзида унга ишониш, ҳар қандай нокулайлик туғдирувчи фактларни унутиш ва уни бутунлай эсдан чиқарилишидан сақлаб қолиш (у яна керак бўлиб қолиши мумкин-да) объектив ҳақиқат мавжудлигини рад этиш ва инкор этилаётган ҳақиқатни ҳисобга олиб қўйиш – буларнинг барчasi жуда муҳим”.

Голдстейн китобининг, шу қаторда партия фарзанди ҳисобланмиш Голдстейннинг мавжудлигини күшфикарлыкнинг ўта нозик даражада қўлланилиши деб ҳисоблаш мумкин. Ўйлаб топилган душманнинг сўзлари орқали партия ўз-ўзини ёлғончиликда айблайди. У ҳақиқатни гапириш учун ёлғоннинг барча асосларини фош этади. У иккита бир-бирига номутаносиб жараённи бирлаштиради: онглилик ва ғайришуурийликни. У – барча эзгуликларнинг сақловчиси ва бир вақтнинг ўзида айбордлигини ҳам тан олади. Күшфикарлыкдан қўшфикарлыкни аниқлаш учун фойдаланилади.

Кўшфикарлык на кулгини ва на муаллифнинг чўчитувчи фантазиясидан сесканишни чақирмаслиги керак. Оруэлл инсоният ҳамиша “мутлақо зарур”

деб билган фикрлаш жараёнини ифодалаётганини биларди. Бу нафақат фикрлаш жараёни: биз ўз эмоционал ва ҳиссий идрокимизнинг қарама-қаршиликларини бирлаштиришга нақадар ўрганиб қолганлигимизни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. “*Odi et amo*”, – деб ёзганди Катулл, яъни “ёмон кўриб севаман”. Бир хил вақтдаги бир турли икки предмет. Оруэлл гўштнинг бир вақтнинг ўзида ҳам мазали, ҳам зарарли эканлигини эслатиб ўтади. Жинсий жараён ихтиёрий равишда амалга ошади, бунга эса биологик эҳтиёж мажбур этади; у маст қилувчи дарожада эмоционал, аммо ўз табиатига кўра ҳайвоний ҳам. Туғилиш – ўлимнинг ибтидоси. Инсон – танаси рухига, инстинкти интилишларига қарама-қарши бўлган икки ёқдама мавжудот. Оруэлл ўзининг икки тарафлама эканлигини жуда аниқ идрок этади. У бир вақтнинг ўзида Эрик Блэр¹ ва ўзини ишчилар синфи билан тенг ҳисоблашга интиладиган ҳукмрон табақа вакили, зиёлиларга ишонмайдиган кишилар билан тенг зиёли, сўзга ишонмайдиганлар билан тенг тилшунос Жорж Оруэлл эди. Қўшфикрлилик гарчи сиёсий мақсад воситаси сифатида тасаввур этилса ҳам, анчагина пухта ўйланган услуб. Бизнинг қўшфикрлиликка нисбатан шахсий муносабатимиз ҳам турган гапки, қўшфикрлиликка асосланган.

Амбивалент² бўлмаган инсоний кечинма ва туйғу зўрға топилса керак. Ингсоц файласуфлари айтадилар: биз инсон ҳаёти – бу қисман қарама-қарши жонглёрлик масаласи эканлигини тан оламиз. Биз инсон ҳаётига янги мазмун – ягона организм каби ҳаракатланувчи жамоавийликни олиб кирмоқчимиз.

¹ Эрик Блэр – ёзувчининг асл исми.

² Амбивалентлик (лот. *ambo* – “икки”, “иккала” ва лот. *valentia* – “куч”) – бирор бир ҳодисага нисбатан муносабатнинг иккиёқламалиги – ҳиссиётларнинг қарама-қаршилиги. Бунда бир объект инсонда икки хил қарама-қарши бўлган ҳис-туйгуни пайдо қиласиди.

Фикрлар бирлигига қарама-қаршиликларни бартараф этишнинг онгли услубларини чиниқтириш орқали етишиш мумкин (то “чиниқтириш” сўзига етгунча сизда ҳам қўшфикрлилик жараёни яшин тезлигида юз берганлигини сездингизми? Контекстдаги чалғитиш туфайли сиз қалбакилаштирилган чек ёки пулга ўхшаш маънони қабул қилишга шай Эдингиз, аммо кейинчалик сиз асл маънога – металл буюмлар тайёрловчи темирчининг ҳалоллигига йўғрилган маънога қайтдингиз). Феноменлар бизни назорат қилишига йўл қўймаймиз, аксинча, уларни ўзимиз назоратда тутамиз. Ўтмиш ва келажак ўртасида мутлақ мувозанат ҳосил бўлсин. Ўтмиш нима, бу бугуннинг ёрқин ҳақиқатига таъсир этувчи тушунуксиз ва ҳаракатсиз, бетартиб воқеа-ҳодисаларнинг йифиндисими? Бу ерда асосий масала кимнинг кимга хўжайинлигига.

Кўшфикрлилик – нафақат онгни бошқаришнинг жиддий усули, балки ғамгин ҳазил ҳам. Биз барчамиз сингари Оруэллнинг ҳам сиёsatчилар ишлатган ёлғонлардан қўнгли айнийди. Аммо мазкур ёлғон ортида ҳақиқий орсизлик ва оммага нисбатан нафрат яширинганигини идрок этади. Сиёsatчи бутунилигича ўз партиясига содик ва ёмонни яхши қилиб кўрсатиш учун барча воситаларни ишга солишга мажбур. У алдашни истамаса ҳам, шунга мажбур. У очик ёлғондан пардали сўзлар ва ибораларни қўллаш, жимжимадор ва тушунарсиз жумлалар қўллаш орқали қочишига уринади. Биргина гуноҳ бор – фош бўлиш. Одамлар ишсизлик ва қиммат нархлардан шикоят қилсалар, улар дейдиларки: “Бу ёрқин келажак олдидаги қийинчилик”. Сэр Гарольд Уилсондан Буюк Британия бош вазири лавозимида ишлаган кезларида социалистлар бошқарувидаги иқтисодий прогресс ҳақида сўрашган эди. У эса “Иштиёқнинг

аниқ ўлчови йўқ”, деб жавоб берганди. Пентагон бе-
иғво зарба маъносини англатувчи “муқаррар қасос”
сингари жумлаларни ишга солишга мойил. Комму-
нистлар томонидан ишлатилган “Демократия” ата-
маси уларнинг тилида демократлар назарда тутган
асл маънога зиддир. Оруэлл сиёсатчилар нутқида
тизимлилик йўқлигини, мантиқсизликни ва тадри-
жийлик етишмаслигини пичинг аралаш фош этади.
Юзаки ва ҳаваскор мужмаллик билан таққослаганда,
аксарият вазирлар қўшфикрилийкни олижаноблик
билин тасарруф этадилар.

Шундай тасаввур уйгонади: гўё ингсоц шу қадар
ўз кучига ишонадики, bemalol ўйинга ғирром ара-
лаштира олади. У сўзлашувдаги пардали жимжима-
дорликни ёқтирамайди ва ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқда
ниҳоятда аниқликни талаб қиласди. Бунинг учун
у янги тил деб аталувчи мутлақо янги тил турини
яратган. Янги тил учун грамматик аниқлик, синтак-
сис ва луғат бойлигининг жўнлиги, кераксиз, фикр-
ларни чалкаштирувчи синонимлардан холилик ха-
рактерлидир. Кучли феъллар йўқолди ва феълнинг
ҳар қандай формаси ягона қўшимчага эга эди. Си-
фатларнинг қиёсий даражаси аниқ принципга асос-
ланган эди: “тўғри, тўғрироқ, энг тўғри”. Кўплика-
ги отларнинг барчасида ягона қўшимча мавжуд. Бу
рационализация эҳтимол, эртами-кечми ўз-ўзидан,
давлатнинг аралашувисиз пайдо бўлиши ҳам мум-
кин эди. Аммо инсоний фаолият устидан мутлақ
назоратта эга бўлган ингсоц шу қадар олижаноб
эканки, жараённи тезлаштирди. Луғат бойлигининг
чекланганлиги – илоҳий тухфа ёки давлатнинг совфа-
си: ахир, анъанавий тилда сўзлар ҳаддан ташқари
кўп. “Бўлмағур” ёки “расво” – ортиқча сўзлар. Ахир
бизда “ёмон” бор-ку. Унинг кучайтирилган маъно-
сини эса “ортиқ” сўзини қўшган ҳолда, бундан ҳам

кучайтирмоқчи бўлсак, “ҳаддан ортиқ” жумласини ишлатиш орқали ясаймиз. “Ҳаддан ортиқ ёмон” – “ўтакетган, ниҳоят даражада ярамас” маъносини ифодалаш учун анчагина қулай восита, “ҳаддан ортиқ қоронғу” эса “дўзахий зимиштон” аслида қандай эканлигини тасаввур қилишга ёрдам беради.

Аммо ингсоц тилшуносарининг мақсади тилни ҳаддан ташқари қисқартириб, тўмтоқ ҳолга келтириш эмас, балки ҳукуматнинг событқадам доктринасига иложи борича мослаштириш эдики, бунда ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқда сафсата ва амалдаги тартиб-қоидаларга хилоф сўзларга ўрин қолмасин. “Эркин” тушунчаси “эрксиз” ёки “эркинлик” атамалари билан бир қаторда ҳамон мавжуд. Аммо атаманинг ўзи нисбий бўлиши ҳам мумкин, худди “дардан холи” ёки “оғриқлардан фориф” сингари. Янги тилда “Эркин” сўзи “сиёсий жиҳатдан эркин” маъносида ҳеч қандай мазмун-моҳият касб этмайди. Сабаби концепциянинг ўзи ортиқ мавжуд эмас. Мустақиллик Декларациясига ўхшаган сиёсий эркинлик маъносига эга матнларни янги тилга таржима қилишининг имкони йўқ.

“Бизга очик-ойдин аёнки, инсонлар тенг яратилиб, Тангри уларга ўзларигагина хос бўлган маълум бир ҳуқуқлар улушини берган. Булар қаторига ҳаётта муҳаббат, эркинлик, баҳтта интилиш кабилар киради. Бу ҳуқуқларнинг кафолати учун инсонлар ўз қонуний ваколатларини бошқарилувчиларнинг розилиги асосида амалга оширувчи ҳукуматлар таъсис этишди. Агар қайсиdir бошқарув шакли ушбу мақсадларни амалга ошира олмай, ҳалокатта юз тутса, ҳалқ мазкур ҳукуматни ўзгarterиши, ваколатини бекор қилиш ёки янги ҳукуматни ташкил этиш ҳуқуқига эга...”

Оруэлл айтадики, мазкур жумлаларни энг яқин вариантда янги тилга таржима қилиш ҳам сени бир

нарсага олиб боради. Бу – “фикрий жиноят”. Бутун таржима фақатгина мафкуравий таржима бўлиши мумкин ва бунда Жефферсоннинг сўзлари мутлақ ҳокимииятни мадҳ этувчи сўзларга айланади. Келинг, синаб кўрамиз:

“Биз учун ёзилган ва ёзилмаган ҳақиқат – барча инсонлар бир хил. Ота-она уларни касалликлардан холи яшашлари, таом учун эмас, ҳис-туйғу учун таомланишлари борасида ҳамма нарса қилди. Инсонлар ота-оналари каби яратилдилар, бироқ Катта Оға уларни шу ҳолатга келтиради. Катта Оғани ўлдириб бўлмайди. Лекин, у ўлдирилиши лозим. Аммо унинг ўрнида яна унинг ўзи бўлади...”

Куёш кечаси нур сочади, дегандек беҳуда гаплар. Ёки, таъбир жоиз бўлса, Катта Оға “ҳаддан ташқари ёмон”, аммо кейинги таърифга кўра бундай бўлиши мумкин эмас.

“1984”да биз тил воситасидаги онг назоратининг бор-йўғи биринчи босқичидамиз, холос. Давлатнинг энг муҳим уч шиори: “УРУШ – БУ ТИНЧЛИК”, “ЭРКИНЛИК – БУ ҚУЛЛИК”, “БИЛИМСИЗЛИК – КУЧ”. Оруэлл бизга “эркинлик” сўзи на филологик жиҳатдан, на фалсафий нуқтаи назардан ўзининг асл маъносини англатмай, балки, партия шиоридаги мазмунни ифодалайди, дея хабар беради. Бунинг устига давлат ғайриоддий усталик билан бир парадоксни ишга солади: бу абадий тун олдидан заковатнинг энг сўнгги хурожи эканлигини тушуниш лозим. Айтганча, бизга уруш – худди қадимда бўлгани сингари замонавий ҳаётнинг нормал тарзи, деб уқтирадилар. Ва душманлар билан уруш ёрдамида биз осойишта тутқунлигимизни қадрлашга ўрганамиз. Ҳаёт тарзини танлаш – тоқат қилиб бўлмайдиган даражадаги ташвиш, оғир юк, сайлов ҳуқуқи учун

кураш – тутқуңлик занжирларининг шилдираши. Қанча кўп билсак, фикрлар қарама-қаршилигининг қурбонига айланамиз; қанча кам билсак, шунча яхшироқ ҳаракат қилишга қодир бўламиз. Буларнинг барчаси ҳақиқат ва биз демократиянинг оғир зулмидан халос этгани учун давлатни алқаймиз. Партиянинг эркак ва аёллари энди bemalol интеллектуал ўйинларни ўйнашлари мумкин.

Уинстон Смитнинг иши айнан шундай интеллектуал, устига-устак, рағбатлантирувчи ўйинни ўзида мужассам этади. У янги тил ифодаларига асосланган. У “Times”нинг эски сонларидағи хатоларни тузатиши, яъни ингсоц нуқтаи назаридаги ёлғонларни кўпайтириши, кўпинча бутунлай янги хабарга айланиб турадиган матнларни, семантик танлов майдонини иложи борича торайтириб, топқирлиқ ва қўшимча маъно излашга имкон қолдирмасдан ёзиши керак эди (дарвоқе, “нега “Times”нинг алоҳида нусхалари бўлишига йўл қўйилади? Уларни тўплаш ва йўқ қилиш катта қийинчилклар туғдиради-ку. Нега “Times” деворий газета шаклида чиқмайди?” – деб сўрашингиз мумкин). Бу гўёки узун телеграмманинг тузилиши сингари қизиқарли. Ва ҳақиқатан ҳам янги тил етарли даражада газета сафсалаларига асосланган. Оруэлл, эҳтимол, “Daily mail” ва Ивлин Во ўртасидаги ёзишмалардан хузурлангандир. Ўшанда ушбу таниқли нашр унга Абиссиния¹даги зиддиятларни ёритишни буюрган эди: “НЕГА ЯНГИЛИК ЙУҚ? ЯНГИЛИК ЙУҚЛИТИ – ЯХШИЛИКДАН ДАРАК. ЯНГИЛИК ЙУҚ – ИШ ЙУҚ. ИШЛА, АҚЛЛИ”. Янги тил, бизга ёрдам бер Худо – ғалати нарса. Тағин шу ҳолат: қўшфикарлилик анчагина ақлни ишлатишни назарда тутади. 1984 йилда яшаш балки хавфлидир, аммо зерикмайсан.

¹ Абиссиния – Эфиопия давлати яна шу ном билан ҳам аталади.

Аҳолининг саксон беш фоизи ҳисобланган проллар билан боғлиқ вазиятни олайлик. Уруш кетмоқда, бироқ чақирув йўқ. Ташланаётган бомбалар – ҳукумат томонидан аҳолига уруш бўлаётганилиги ҳақида эслатиб туриш учун. Истеъмол товарларининг этиш маслиги уруш даври учун одатий ҳол. Аммо пиво литрлаб сотиладиган қаҳвахоналар, кинотеатрлар, давлат лотереяси, оммабоп журналистика ва ҳатто порнография (Ҳақиқат вазирлиги томонидан “порносек” номи остида ишлаб чиқарилган) бор. Пул етарли, ишсизлик, мустабид қонунлар йўқ. Умуман, қонун деган нарсанинг ўзи йўқ. Бутун аҳоли, проллар ва партиячилар тенгликда, демократик жамиятда бўлгани каби жиноят ва зўравонниклардан холи. Кечалари кўчада бехавотир юриш мумкин. Сизни ҳеч ким тўхтатмайди. Лос-Анжелес услубидаги полиция машиналарини истисно қилмаганда, инфляциядан ташвишланишга сабаб йўқ. Ирқий камситиш сингари давримизга хос бўлган муаммолар йўқ. Голдстейн бизга айтганидек: “Энг олди қаторларда яхудийни ҳам, қора танлини ҳам, Лотин Америкаси фуқаросини ҳам, ҳақиқий ҳиндуни ҳам учратиш мумкин”. Аҳмоқ сиёsatчилар, бемаъни яширин ўйинлар йўқ, ҳеч ким вактини беҳуда сиёсий дебатларга сарфламайди. Ҳукумат бошқаруви самарали ва барқарор. Ҳатто, ҳаётда жинсий алоқа ва оиласий ришталар таъсирида пайдо бўлган уқубатларни бартараф этиш чоралари кўрилган. Тизим ҳамма ерда бирдек қабул қилинганлиги ҳайратланишга арзийди. Уинстон Смитнинг гўё $2+2=4$ эканлигини эркин айта олиш йўлидаги эътиқоди туфайли, ундан ташқари барча оёқда қадам босмайдилар – яъни жамоанинг силлиқ бадани чипқон, яра ва йирингга тўла. Уни хира пашшани ўлдирган каби эзғилаб ташламаслик, бу телбалиқдан халос этиш давлатнинг муруватлилигидан далолатdir.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Оруэлл на Гитлерни ва на Гитлер социализмининг турли кўринишларини ёвузлик тимсоли ёки зарарли касаллик деб баҳоламаслик кераклиги тўғрисида ёзишга ўзида жасорат топди. У фюрер шахсиятида ҳамда унинг бутун бошли ҳалқа миллий ғурури ва ўз-ўзини ҳурмат қилиш туйғусини қайтара олган сиёсий тузумида ижобий белгиларни кўрди. “1984” сингари китобларни ёзишга олигархиянинг ижобий сифатларини баҳолай оладиган инсонларгина қодир. Ва чиндан ҳам, оғир оқибатларга олиб келган асрий демократиядан ҳафсаласи пир бўлган ҳар қандай зиёли Катта Огага қўшфиклилик нуқтаи назаридан ёндашиши лозим. Унга юз миллионлаб одамлар хурсанд, тутув ҳамда Ғарб зиндан деб ҳисоблайдиган шароитларда ортиқча эътиrozларсиз яшаётганликларини кўришига имкон бер ва ҳар қандай зиёли ингсоцнинг у ёки бу турига бошқа тарафлама боқиб, муроса йўлини излашга тушади. Олигархик колективизмга қарши важ-корсонлар “эркинлик”нинг тушуниксиз анъаналарига эмас, балки тизим ичкарисидаги қарама-қаршиликларга қаратилган бўлиши мумкин.

Мehr-муҳаббат вазирлиги ертўлаларида О’Брайан Уинстонга партия қураётган дунё ҳақида гапириб беради:

“Кўркув, жиноят ва зулм дунёси, топтаётган ва топталаётганлар дунёси мукаммаллашган сари тобора шафқатли бўлиб боради; оламишим тараққиёти машаққат, изтироб ва қулфатларнинг ўсишига боғлиқ бўлади. Ўтмишдаги цивилизациялар муҳаббат ва адолат устига қурилган. Бизники эса нафратга асосланган. Бизнинг дунёда кўркув, ғазаб, ўз-ўзини хўрлаш туйғуларидан ўзга ҳиссиётларга ўрин йўқ. [...] Янги туғилганларни, худди товуқдан тухумини олгандек, оналаридан ажратиб оламиз. Жинсий

майл ва эҳтиёжларни йўқ қиласиз. Кўпайиш худди қайта тикланган озиқ-овқат карточкаси сингари йиллик режа асосида амалга оширилади. Оргазмни йўққа чиқарамиз. Неврологларимиз бунинг учун керакли воситани излашмоқда. [...] Бадбашара ва гўзаллар ўртасида тафовут бўлмайди. Қизиқиши ва интилишлар йўқолади, ҳаётни тадқиқ этиш ортиқ бўлмайди. Турли хил ҳузур-ҳаловатларга барҳам берилади. Аммо, ёдда тутинг, Уинстон, доимо, доимо ҳокимиятта маҳлиёлик тобора кучайиб, ўткирлашиб боради. Ҳар доим, ҳар лаҳзада ҳимоясиз душманни босиб олганлик ортидан ғолибона ва хурсанд қичқириқлар, бундан ҳузурланиш туйғуси бўлади. Агар сизга келажак қиёфаси керак бўлса, этикни тасаввур қилинг. Топталган инсон юзи – абадий...”

Бундай сўзлардан Уинстоннинг томирларида қон қотиб, тили калимага келмай қолади: у жавоб бера олмайди. Аммо бизнинг жавобимиз қуидагича: инсон бундай эмас, қўполлик орқали пайдо бўлувчи оддий лаззат унга етарли бўлмайди. Зиёлига (афтидан, мавжуд ҳукмронликдан маҳрум бўлган зиёлиларгина бундай концепцияни илгари суришлари мумкин) ҳузур-ҳаловатнинг хилма-хил тури керак. Сиз ҳукуматга сифиниш тобора кучайиб, мукаммаллашиб боради, демоқдасиз. Менимча эса сиз соддалик ва жўнлик ҳақида гапиряпсиз ҳамда бу ҳайвоний соддалик мантиқан олганда, ингсоцга таянч вазифасини бажариб турган интеллектуал фаолиятнинг қулашига олиб келади. Лаззат туйғуси табиатн турғун, ҳаракатсиз қолиб кетиши мумкин эмас. Сиз, ултуржи савдогарга қайтим қайтариш ҳақида эшитмагансиз чоғи? Бу айнан сиз гапирган турғун лаззат ҳисобланади. Сиз оргазмни йўқ қиласиз, деб бехуда гапиряпсиз ва унутиб қўймокдасизки, қў-

поллик лаззати – бу жинсий лаззат. Агар гўзаллик ва хунуклик орасидаги фарқни йўқ қиласангиз, сизда қўполлик лаззатини баҳолаш учун восита бўлмайди. Лекин бизнинг барча эътироzlаримизга О'Брайан жавоб беради: "Мен бутунлай янги инсон ва мутлақо янги инсоният ҳақида гапиряпман".

Ҳа, балли. Бунинг биз бир неча миллион йиллардан бери биладиган инсониятга умуман алоқаси йўқ. Янги инсон – бу худди марслик каби илмий фантастика соҳасидаги бир нима. Ингсоц ва воқелик ҳақида ниҳоятда эскирган, урфдан қолган тасаввурга эга метафизикадан ўтиш учун квант соҳасидаги ҳайратланарли сакрашни амалга ошириш керак. Сиёсий фалсафа эса, ўша "хукмрон шахс" ва эски тоталитар давлатга боғлиқ, боз устига энди у янги моҳият касб этади. Шунингдек, таклиф этилаётган "топтовчилар ва топталганлар олами"ни давлат бошқарувининг ўзгармас жараёнларига мослаштириш даркор. Давлат машинасининг макр-хийласи бироз тутуруқсиз – назокатли қўполлик манзарасига зўрга мос келади. Хукмдорлик лаззати сезиларли даражада бошқарув лаззати, яна ҳам аниқроғи, бошқарилувчиларнинг шахсий ва жамоавий иродаси андозалари билан боғлиқ. "Этиқ, топталган инсон қиёфаси – абадий" – бу нафақат хукмронлик тимсоли, балки тимсол ичидағи тимсол ҳам. Ингсоцнинг баландпарвоз ва тўмтароқ орзуси ҳақида тинглаб туриб, Уинстон Смит "телбалик овозини эшитяпман", – деб ўйлади. Қолаверса, овоз шу қадар қўрқинчлики, унинг ҳалқаси тобора руҳий саломатлигини сиқиб бормоқда: бу нарсага бир қарашда ақлсизликдек туюлган поэзия қодир. О'Брайан шоирлик қиляпти. Биз, ўқувчилар даҳшат ва ҳаяжондан титроқ сезсан-да, ушбу шеърни жиддий қабул қиласангиз.

Биз ҳеч қайси сиёsatчи, ҳеч қайси давлат арбоби хукмронликнинг ўзи учунгина хукмронлик қилмас-

лигини биламиз. Ҳукмронык – бу чўққи, мутлақ ҳо-
ким бўлиб, назоратни ушлаш. Ҳукмроныкнинг му-
кофоти ва хузур-ҳаловати – бу сендан кўрқишинми
ёки сени севишинми, фалокат келтирасанми ёки
муруват кўрсатасанми, таъқиб этасанми ёки эркин
нафас олишга имкон берасанми, қирғин уюштира-
санми ёки яхшилик улашасанми? Мана шуларни
танлаш ҳуқуқи. Ҳокимият нима эканлигини ички
омиллар билан чегаралаб қўйилмаган танлов имко-
ниятини қўргандагина англаймиз. Ҳокимият ўзини
ёвузлик орқали намоён этганда, биз танлов имко-
ниятининг, қолаверса, ҳукуматнинг мавжудлигидан
шубҳалана бошлаймиз. Олий ҳокимият, қоидага
кўра, Худога тегишли. Ва бу ҳокимият гуноҳкорлар-
ни дўзах қийноқларига гирифтор этиш биланги-
на кифояланганида эди, мавжуд эмасдек кўринган
бўларди. Ҳукуматни узоқ ушлаб туришга қодир
бўлмаган, танлов қобилияти йўқ ҳар қандай Кали-
гула ёки Нерон фақат бузғунчилик қилиши мумкин.
Маркиз де Саднинг ёвуз орзулари оддий усуллар
орқали роҳатлана олмаслик натижасида туғилди.
Ва биз унинг қамчига таяниш ёки тухумдонларни
куйдиришдан бошқа танлови бўлмаганилигига ишо-
намиз. Бу оргазм олиш эҳтиёжидан халос бўлган
О'Брайяннинг садизмидан мантиқлироқ кўринади.
О'Брайан ҳокимият ҳақида эмас, кам ўрганилган
касаллик ҳақида гапиради. Ўз табиатига кўра касал-
лик ёки беморни ҳалок этади ёки даволайди. Агар
бу феномен касаллик эмас, янги турдаги инсон учун
саломатликнинг янги тури бўлса – майли. Лекин биз
инсониятнинг эски турига тааллуқлимиз ва янгиси
бизни унчалик ҳам қизиқтиrmайди. Яхшиси, бизни
ўлдиринг, худо ҳаққи, аммо олий тартиботларни
йўқ қиласиган янги тур керак эмас. Бизни ёки йўл-
барс шунчаки бурдалаб ташлайди ёки марсликлар-
нинг ажаловар нури қулимиизни кўкка совуради.

Ҳақиқат – партиянинг ички ячейкасида: ички оламга беэътибор бўлиш ёки уни ўз хоҳиш-иродасига кўра шакллантириш. Агар қийноқ машинасими қувватловчи электр манбаси панд берса-чи, унда нима бўлади? Демак, электр қандайdir сирли усул ёрдамида ишлаб чиқарилар экан-да! Нефть захиралари тугаб қолса-чи? Онг уларнинг етарли эканлигини тасдиқлай оладими? Модомики, эмпирик¹ фикрлаш тарзи қонундан ташқари эълон қилинган экан, фан мавжуд эмас. Техник тараққиёт қурол ишлаб чиқариш ёки шахсий эркинликни бўғишига йўналтирилган. Неврологлар оргазмга қарши восита излашмоқда ва бундан холоса шуки, психологлар лаззатни йўқ қилиш ва оғриқларни янада қучайтириш йўлларини тадқиқ этишмоқда. Ҳеч қанақа тиббиёт, касалликларни даволаш борасида ютуқлар, органлар кўчируви ва янги дорилар йўқ. Парвоз йўллаги I ҳар қандай номаълум эпидемия олдида ҳимоясиз. Шубҳасиз, жамоа тараққий этаётган бир пайтда алоҳида фуқаронинг касаллиги ва ўлими уччалик ҳам катта аҳамият касб этмайди. “Индивид – бу тўқима, – деди О’Брайан. – Тўқималар чарчоғи – организм учун қувват. Тирнофингизни қирқсангиз, ўласизми?” Бироқ, ички дунё устидаги бу назорат, бедаво дард танани ҳаёт учун курашга тайёрлаган онгни сиқиб чиқарганда, фойдасиз бўлиб қолади. Шубҳасиз, мантиқан ўйлаб қарабанда, тана йўқ бўлиб кетиши мумкин ва Катта Ofa ғолиб черков ролида намоён бўлади. Яъни, жон ёки жонлар мувозанати мангутга эмпирейга – саваланувчи таналар ва оғриқдан ўкиришга мажбур этувчи асаб тўқималиари йўқ ҳолатга ўтади.

¹ Эмпирик (эмпиризим) – тажрибага асосланган идрокни, яъни ҳиссий идрок ва тажрибани билишнинг бирдан бир манбай деб биладиган ва назариянинг аҳамиятини инкор қиласиган фалсафий таълимот, йўналиш.

Табиат, агар уни эътиборсиз қолдирсак ёки у билан аҳмоқона муомалада бўлсак, одатдагидек ўз норозилигини бир вақтлардаги маргарин рекламасидаги каби намоён этади. Партия тасдиқлаган атроф-муҳит ифлосланиши аслида мавжуд эмас. Табиатнинг норозилиги аниқ-равшан. Зилзилалардан қўшфикрлилик ёрдамида халос бўлолмайсан. Жамоавий солипсизм маъбуллар жисмларнинг табиий тартиботини қурғоқчилик ва маҳаллий касалликлар билан жазолаганлари сингари такаббурликни ўзида мужассам этади. Оруэлл одамлар табиатнинг заарланишидан кўра атом бомбаларидан кўпроқ қўрқишиган даврда ижод қилди ва шу важдан ингсоц ибтидоси анча олдинги, табиат ҳаракатсиз ва мулоҳим бўлган, одамлар у билан кўнглига келган ишни қилган уэллс даврига бориб тақалади.

Ҳатто лингвистик ўзгаришлар – табиат ҳодисаси ва улар ихтиёrsиз, мустақил тарзда рўй беради. Янги тилдек давлат томонидан яратилган тилнинг босқичли семантик бузилишлар, унли товушларнинг ўзгариши ва янада бойроқ ҳисобланган пролларнинг эски тили таъсирисиз ривожлана олишига кафолат йўқ. Агар “ҳаддан ортиқ ёмон” ёки (макбетча дид билан айтганда) “ҳаддан ортиқ даражадан ортиқ ёмон” жумласини ёмон пиширилган тухумга нисбат бериб қўлласак, бош оғриғини билдириш учун бундан кўра мустаҳкамроқ бирор нима талаб қилинади. Масалан, “кичик оғали ноингсоц ҳаддан ортиқ даражанинг ҳаддан ортиқ даражасидан ҳаддан ортиқ даражада ёмон”. “Катта оғали” – кучайтирилган, ёки “ўлгудай” сингари бетарафроқ жумла. Яккахудоликда бўлгани каби Катта Оғани болға билан бармоғингни уриб олсанг ёки ёмғирда қолиб кетсанг, эслашинг мумкин. Бу эса уни камситиши муқаррар. Камситувчи семантик ўзгаришлар – ҳар

қандай тилнинг тарихида албатта рўй берувчи жа-раён. Аммо биз инсоннинг янги тури ва янги турда-ги воқеликка эгамиз. Ҳозир ва шу ерда рўй бергувчи ҳодисалар ҳақида хомхаёл суриш керак эмас.

“1984”ни Свифт услубидаги майда иш сифатида ҳам ёки бўлмаса, олдиндан сезишининг кенг метафораси сифатида ҳам қабул қилиш ярамайди. Эҳти-молий келажакнинг проекцияси сифатида Оруэлл манзаралари узук-юлуқлиги билан қийматга эга. Ингсоцнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Тота-литаризмнинг бу амалга ошмас ғояси инсоний ту-зилмаларга беўхшов тақлиддир. Абадий мавжуд бу мажозий ҳукумат ва Оруэллнинг романни ҳали узоқ вақт бизнинг энг ёмон қўрқувларимиз мажмуаси бўлиб қолади. Аммо бу қўрқувлар қаердан пайдо бўлди? Биз шунчалар бадбинмизки, гўё ингсоцнинг пайдо бўлишини хоҳлаётгандекмиз. Бизни давлат чўчитади... доимо давлат. Нима учун?

КАКОТОПИЯ (ЁВУЗЛИК МАМЛАКАТИ)

“Қаерда бўлсанг ҳам ишлашга мажбурсан. Бекор-чилик учун ҳеч қандай баҳона йўқ. На қаҳвахоналар, на оммавий муассасалар, на фоҳишахоналар бор. Ҳою-ҳавасларга ҳам, сирли учрашувларга ҳам им-кон йўқ. Сен ҳамманинг кузатувидасан. Сен нафақат ишлашинг ва ишлашинг, бўш вақтингдан мақсадли фойдаланишинг ҳам керак”. Бу сэр Томас Морнинг “Утопия”сидан эркин таржима. Лотинча оригиналда унчалик ёмон қўринмайди. Инглизча таржимада эса ингсоцча таъмни ҳосил қиласди. Мор томонидан ўйлаб топилган “Утопия” атамасининг ўзи доимо дориламон, озод ва гўзал ҳаёт, жаннатмонанд юрт ҳақидаги тасавурларни уйғотади. Аммо у хоҳ яхши,

хоҳ ёмон бўлсин, ўйлаб топилган жамият холос. Сўз таркибини ҳосил қилган юончада элементлар – “ou” – “йўқ” маъносини англатса, “topos” – “жой” ёки “макон”ни билдиради. Кўпчиликнинг тафаккурида эса “ou” – “яхши, ёқимли, гўзал, фойдали” каби маъноларни ифодаловчи “eu” сўзига ўзгаради. Утопияни дистопияга қарши қўядилар, аммо ҳар иккала термин ҳам утопик қалпоқ остига яширган. Мен Оруэллнинг хаёлий жамиятини какофония¹ ёки ка-коиблис руҳидаги какотопия деб номлашни афзал кўраман. Диспотияга нисбатан ёқимсизроқ эшитилиди ҳамда бу атамаларнинг бирортаси янги тилда учрамагач, улар ҳақида гапириш бефойда.

Аксарият келажак манзаралари какотопик. Жорж Оруэлл какотопик хомхаёлларнинг қизғин тарафдори эди ва унинг “1984” китобини “Энг ёмон хаёлий олам” танловнинг финалчиси, деб ҳисобласа бўлади. Унинг романни катта фарқ билан пешқадамлик қилмоқда, аммо бир китоб борки, у билан Оруэлл беллашишни истамаган бўларди.

Гап Е.И.Замятиннинг “Биз” асари ҳақида кетяпти. Оруэлл мазкур китоб ҳақида 4 январь 1946 йилда “Трибьюн” нашрида эълон қилинган тақризини ёзади. Айнан ўша йили асар ниҳоят Оруэллнинг қўлига тегади. Аслида, Жорж китобнинг мавжудлигини анча йиллар олдин билганди. Бу китоб ҳамиша ҳам камёб бўлган. Асарнинг бугунги кунда бир неча тилларда ўқилаётганида Оруэллнинг улкан хизмати бор. Қизиғи шундаки, унинг рус тилидаги аслиятини топишнинг иложи йўқ. Рус адабиётшуноси ва романнависи Евгений Замятин 1937 йилда Парижда вафот этди. Подшоҳ ҳукумати томонидан 1906 йилда ҳибсга олинган Замятин 1922 йилда ўша турманинг большевиклар сақланадиган камерасига

¹ Какофония – қулоққа ёқмайдиган товушлар йигиндиси.

кўчирилади. У аксарият ҳукуматларни ёқтирмасди ва ўз табиатига кўра содда анархизм тарафдори эди. Китоб номи гўё анархизм отаси Бакуниннинг ўша машҳур “Мен мен бўлишни эмас, биз бўлишни истайман” шиорига олиб боради. Бу охир-оқибатда марказлашган қудратли давлат қаршиисига индивидни эмас, эркин анархистик коммунани қўйиш кераклигини англатади.

“Биз” романни тахминан 1923 йилда ёзилган¹. Роман Россия ҳақида эмас, у рус сиёсатини тасвирламайди, ҳатто бунга шаъма ҳам қилмайди. Аммо, асар мазмуни мафкуравий жиҳатдан хавфли деб топилганилиги боис тақиқланади. Тасаввурнинг юксак парвози ҳамда узун вақт оралиғига қарамай – нима учунлигини тушуниш қийин эмас. Роман бизни йигирма олтинчи асрдаги қайсиdir утопия сари бошлияди. Унинг фуқаролари индивидуалликдан шу қадар холики, исм билан эмас “рақамлар” билан номланишган. Улар униформа киядилар ва инсон деб эмас, “юнифлар” деб аталадилар. Оруэлл телевизорни ихтиро қилинмаганилиги важидан, “қўриқчилар” деб номланувчи давлат полицияси уларни осонгина кузатиши учун шишали уйларда истиқомат қиласидилар. Улар синтетик таомларни истеъмол қилишади, дам олиш ва сайрга овоз кучайтирувчи мосламалардан янграб турган давлат мадхияси садолари остида сафланган ҳолатда йўл оладилар. Пушти карточкали жинсий алоқа китоби бўлиб, ҳаракатдан сўнг партнёр чекка имзо чекади. Ягона давлатни худди Катта Оға сингари олис ва мавҳум шахс идора этади: у Валинеъмат номи билан машҳур. Валинеъмат ҳокимииятга овоз бериш йўли орқали сайланади, лекин унинг муҳолифатчи рақиблари йўқ.

¹ Романнинг аниқ ёзилган вақти номаълум, илк маротаба 1924 йилда эълон қилинган, 1920 йилда ёзилган, деб тахмин қилинади.

Ягона давлатнинг фалсафаси ниҳоятда жўн. Бир вақтнинг ўзида ҳам баҳти, ҳам озод бўлиш мумкин эмас. Эркинлик азобли танлов маشاққатига дучор этади, шунинг учун Тангри ўзининг чексиз меҳри-бонлиги билан ушбу машаққатларни бартараф этиб, Одам ва Ҳавони барча шароитлари бор жаннатга йўллайди. Бироқ, улар тақиқланган мевани истеъмол қилиш орқали жаннатдан бадарға қилиндилар, озодлик учун баҳтсизлик билан товон тўладилар. Барча яхши давлатларнинг бурчи – Жаннатни қайтариш ва озодлик илонини ёқиб юбориш.

Ҳикоячи-қаҳрамон – Д-503 – яхши фуқаро бўлишга ҳаракат қилувчи муҳандис. Аммо даҳшатлиси, унда атавистик¹ импульс белгилари сезила бошлияди. У тақиқланганига қарамай, севиб қолади. Янада аянчлиси, у тамаки, алкоголь сингари салбий одатларга ҳамда давлат хасталик деб эълон қилган тасаввур қилишга қарши яширин ҳаракат раҳбари I-330 “исмли” аёлга кўнгил қўяди. Д-503 аслида инқилобчи ҳисобланмай, у тасаввурлардан рентген нурлари ёрдамида халос бўлишга ҳаракат қиласи. Даволангач, полиция фитначилари кўлига тушади ва I-330 нинг қийноқларига бефарқ қараб туради. Охир-оқибатда мавжуд қоидаларга шак келтирувчи барча Валинеъматнинг булут, тутун ёки кўлмак сувга айлантирувчи машинаси ёрдамида қатл этиладилар, яъни ликвидация қилинадилар. Лотинчада “liquid” суюқлик маъносини англатади. Оруэлл фаҳмлайди:

“Қатл, аниқроғи, асл моҳиятига кўра қурбонлик келтириш ва у тасвиrlenган саҳнада қадимги дунё қулдорлик жамиятига хос белгилар мавжуд. Тота-

¹ Атавизм (лот. "atavi" – "аждод") – қадимги аждодларда бўлган белгиларнинг бир неча бўгинда йўқолиб кетиб, кейинчалик бошқа авлодларда пайдо бўлиши.

литаризмнинг иррационал¹ тарафларини ички сезги билан идрок этиш чөхраларда зоҳир: инсонни қурбон келтириш, шафқатсизлик учун шафқатсизлик, раҳнамога сифиниш, унда илоҳий жиҳатларни “кўриш” – буларнинг барчаси Замятиннинг ушбу китобини Хакслининг романидан юқорироқقا олиб чиқади”.

Гап, шубҳасиз, Олдос Хакслининг “Биз” ҳамда “1984” йўналишида ёзилган “Ажиб янги дунё” романни ҳақида боряпти. Оруэлл “Ажиб янги дунё”ни узоқ келажак чизгиси сифатида қабул қила олмайди ва Хакслини “сиёсий тафаккур” етишмаслигида айблайди. Хаксли худди Замятин сингари озодлик учун баҳтдан воз кечиладиган утопияни тасвирлайди. Балки тақводор доктор Жонсоннинг ушбу атамани ҳам самовий қувонч, ҳам ёш қизалоқнинг янги кўйлак олгандаги хурсандчилигини ифодалашда бирдек эркин фойдаланилганини қаттиқ танқид остига олиб, “мамнунлик” сўзини ишлатиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги фикрлари эслангандир. Павловга кўра, пренатал биологик усууллар ва инстинкт шаклануви келажак фуқароларига давлат томонидан белгиланган тақдирдан қоникиши ҳиссини туйишида ёрдам беради. Тенглик, аслида, йўқ нарса. Жамиятда альфа-плюс, яъни зиёлилардан бошланиб, эпсилон-минус, яъни деярли заиф ақл эгаларигача бўлган бешта қатъий табақа мавжуд. Табақалар орасида алоқаларнинг йўқлиги биологик тизимлаштирилган. Зигмунд Фрейднинг таърифига кўра, инсоннинг қаноатсизлигига барча нарсадан кўра кўпроқ айбдор ҳисобланган оила йўқ

¹ Иррационализм – борлиқни иррационал, яъни қонун-қоидалардан холи деб билувчи, бинобарин, уни билиб бўлмайди деб ҳисобловчи идеалистик фалсафий таълимот.

қилинган; болалар пробиркаларда ўстирилади, ҳар қандай жинсий алоқа бетартиб ва стерилланган. Бу мутлақо барқарор жамият бўлиб, унда етакчи фалсафа гедонизм¹ ҳисобланади. Аммо Оруэлл бундай жамият ҳаракатчан эмас ва узоқ вақт яшолмайди, деб ҳисоблайди. “На ҳокимлик орзуси, на садизм ва на қандайдир майл-истаклар йўқ. Тепадагиларда бошқарув рулини сақлаб қолиш учун мотивация йўқ, гарчи барча бирдек баҳтли бўлса-да, ҳаёт шу қадар маъносизки, бундай жамиятнинг мавжуд бўлишига ишонгинг келмайди”.

Бошқача сўзлар билан айтганда, баҳтнинг ортидан қувиш bemâniilik. Эркинлик-чи? Бу нарса учун курашда маъно бор, дейиш мумкин. Оруэлл ҳукмдорлари бошқарилувчилари устидан ўзларининг юз фоизлик ҳукмини ўтказишга хуши йўқ жамиятни тасаввурига сиғдира олмайди. Ва айнан шу нарса унинг наздида “сиёсий тафаккур” ҳисобланади. Жамият мувозанати бошқарилувчиларнинг бошқарувчилар хоҳиш-иродасига қаршилиги асосига қурилган. Ҳукмрон табақа душманлик кайфияти дея баҳоланувчи, куч билан бостиришни талаб этадиган қарама-қаршилик ва шулардан ҳосил бўлувчи садистик лаззатни уюштиради. Оруэлл жамиятни айнан шундай баҳолайди ва тарих у тарафда. Нега бирорлар бошқаларни бошқаришга интилади? Бу уларнинг фаровонлиги учун эмас. Ушбу маслакка таяниш – “сиёсий тафаккур”ни намоён этиш демак.

Лекин Г.Уэллс кабиadolatli жамият қуриш мумкинлигига ишонувчи утопистлар мавжуд эди. “1984” – маъсум манзарали, эллинистик (ёки Муссолинига хос) архитектурали, кийимлардан ва иш қуролларидан оқилона фойдаланиладиган олам устидан,

¹ Гедонизм – ҳузур-ҳаловатга интилиш инсонга хос олий хислат, деб ҳисобловчи ахлоқий таълимот.

ақл-заковат ёрдамида бошқариладиган, қўпоплик, хукмронликка ташналик сингари инстинктив туйгулар шафқатсиз бостирилладиган жамият устидан масхаралаш. Оруэлл чиндан ҳам инглиз роҳиби бўлганида бу нарсани қайси атама билан изоҳлашни билган бўларди. У илмий социализм ғолиб бўлган ижтимоий жамиятни “пелагианик” деб атаган бўларди.

“Пелагианик” ва “Августинианик” атамалари гарчи теологияяга оид бўлса ҳам, инсоннинг борлиқ ҳақидаги тасаввурларидағи икки қутблиликтни изоҳлашда фойда беради. Пелагий ёки Морган (иккала ном ҳам “денгиз одами” деган маънони англатади) мавжуд диний ақидаларга хилоф иш қилганикда айбланиб, Фарбнинг ахлоқий фалсафасига таъсирини ҳеч қачон тўхтатмаган черков томонидан милодий 416 йилда судланган. Гарчи, анъанавий христианлик таълимотининг бир қисми эса-да, улар томонидан илгари сурилган инсон концепцияси ниҳоят даражада ишончсиз эди. Анъанавий таълимотга кўра, инсон бу дунёга Илк гуноҳнинг оғир юкини кўтариш учун келади. Бу юкка бардош бериш эса, ожиз инсон боласининг қўлидан келмайди. Ва унга Худонинг раҳм-шафқати ва Исонинг шафоати керак бўлади. Илк гуноҳ Одам томонидан жаннатда содир этилган ҳамда башариятнинг ёвузлика, жиноятга мойиллигининг сабабчиси, деб ишонилади. Замятин бизга эслатганидек, Одам Ато баҳтили бўлишни эмас, “эркин” бўлишни истади. У ўзига танлов ҳуқуқини тилаб олди. Яъни у ёки бу қилмишларидан бирини танлаш ҳуқуқини. Аслида, гап ахлоқий муҳокамадан ўтказилиб, сўнг танланган қилмиш ҳақида бормоқда. Озодликка эришиб, у катта эҳтимол или ҳақиқатдан кўра кўпроқ ёлғонни танлаши мумкинлигини сезмади. У Худога хуш ёқадиган эмас, ўз худбинлигини қондиралигандан ишлар-

ни содир этди. Бу билан у ўзини Худонинг жазосига гирифтор этди ва мазкур жазони бекор қилиш ёлғиз Худонинг марҳаматигагина боғлиқ.

Пелагий бу шафқатсиз тақдирни инкор этди. У илгари сурган ғояга қўра, инсон лаънатни ҳам, шафоатни ҳам бир меъёрда танлашга қодир: у гуноҳга ихтисослашмаган, Йлк гуноҳ эса умуман мавжуд эмас. Қизифи, у эзгуликка ҳам ихтисослашмаган ва мутлақ танлов хуқуки уни нейтралга айлантириди. У ҳеч қандай тўсиқларсиз ўзининг гуноҳларга мойил қалбига қулоқ солиши ёки шафоатга лойик бўлишга интилиши мумкин. Йлк гуноҳга асосланган анъанавий таълимотни ҳимоя қилиш учун янги далиллар келтиаркан, авлиё Августин, епископ Гиппонский Пелагийни қаттиқ суд қилди. Аммо, ўн беш асрдан ортиқроқ вақт ўтибдики, у ҳануз жим бўлгани йўқ.

Мазкур нуқтаи назарни биз кўпинча беътибор қолдирамиз ва гуноҳ ҳақида унтиб, жамият учун нима яхши-ю, нима ёмонлигига диққатимизни қаратамиз. Рухонийлар “Йлк гуноҳ” деб атаган нарса бечоралиқ, харобалар, нодонлик ва камбағалликка репакциядир. Илмий социализм гуноҳга даъват этувчи сабабларнинг илдизига етиб боради. Инсон нафақат ахлоқий бетараф: жамоавий “жонзот” бўлгани ҳолда у “яхши” ёки жамиятнинг маъсулиятли аъзоси бўлишни истайди; унга фақатгина муҳит ҳалал беради. Бироқ, агар дунёвий-пелагианлар бор бўлса (гарчи улар 1933 йилдагига нисбатан камроқ эсалар-да), дунёвий-августинианлар гўё хаёлга ҳам келмайди. Ахлоқий тараққиёт имкониятларини инкор этувчилар одамдаги бузғунчилик, ёвузлик, нафсга эргашиш кабилар унинг гуноҳкор табиатига хос белгилар деб ҳисобладилар, зарурий ҳолларда анъанавий теологик позицияларда турадилар. Агар инсонни яхшилаш учун бирор бир нарса зарур бўлса, у ташқаридан

– Худо, Ҳаётий Қувват ёки номаълум учар жисм томонидан олиб келинган ажнабий вирусдан келиши керак. Бироқ, мазкур дунёқарашларнинг кутблилиги уччалик қотиб қолмаган. Биз бир вақтнинг ўзида ҳар хил циклик фазалар ёки қўшфикарлилик туфайли ҳам Пелагиан, ҳам Августиниан бўлишимиз мумкин. Оруэлл пелагиан ва социалист, ингсоцни яратганда эса Августиниан эди. Баъзан эркин жамиятдаги сиёсий ҳаёт қутидаги циклга мувофиқ давом этаётганга ўхшайди: Пелагианлик эътиқоди натижасида одамлар ўзларини ривожланишга, либерал идеалга етишишга қодир эмас, дея ҳисоблаганларида ҳокимијатга у ёки бу либерал тартиб келади; либерал тузум қулайди, ўрнига авторитар тузум иқтидорга келади ва одамларни мажбурий тарзда яхши инсонларга айлантиради; кейин одамлар Августиниан фалсафасини ўрганадиган даражада аҳмоқ эмасдек туюла бошлайдилар; яна либерализмга йўл очилади. Биз худбинилигимиз туфайли ўзимизни жирканч ҳис этганимизда Августинианликка, ўзимизни яхши тута бошлаганимизда эса Пелагианликка мойил бўламиз. Эркинлик Пелагианлик учун ниҳоятда зарур; детерминизм (илк гуноҳ туфайли биз ўз ҳаракатларимизга тўлиқ жавоб беришга қодир эмасмиз) – Августинианлик учун. Орамизда ҳеч ким қанчалик даражада озод эканлигимизни билмайди.

Бир-бирига сингиб кетувчи икки теологик таълимотга мурожаат қилганимизда, “ёвузлик” ва “эзгулик” ўртасида ўйин ўйнаётгандек ҳис қиласмиз ўзимизни. Ўз илдизларидан узилиб, уларнинг маънолари хиралашса-да, ҳиссий бўёқдорлигини йўқотмайдилар. Сиёsatчининг оғзидан “яхшилик” ва “ёмонлик” сўзларини эшитиш ноқулай. Гарчи қўрқинчлироқ бўлса-да, бу сўзлар “тўгри” ва “нотўгри”га алмашганда ноқулайлик бироз чекина-

ди. Мухтасар айтганда, ушбу сўзлар билан ифодаланган ахлоқий иккиюзламалик давлат фаолиятига айнан мос келади, сабаби, ёвузлик ва эзгулик доимиий теологик тушунчалардир. Нима хато-ю, нима тўғри? Буни давлат белгилайди. Остазиядан нафратланиш тўғри, аммо кейинги лаҳзада бу нотўғри бўлиши ҳам мумкин. Кartoшкани мўл-кўлчилик вақтида истеъмол қилиш тўғри, ҳосилдорлик паст бўлган даврда эса – нотўғри. Консерваторлар ноҳақ, биз социалистлар ҳақмиз, масала – ёндашувда. Давлат қонунлари мудом ўзгариб туради. Улар билан биргаликда тўғри ва нотўғрининг қиймати ҳам. Ўзгармас қадриятларга давлатнинг ўзгарувчан хоҳиш-иродасини қарши қўйиш зарурияти, маълум бир қонуннинг қабул қилинишини, гарчи у нотўғри бўлса ҳам, эзгулик, бошқасининг қабул қилинишини эса ҳатто у тўғри бўлса-да, ёвузлик деб аташимизни тақозо этади.

Яхшилиқдан кўра ёмонликка мисол келтириш ҳар доим осонроқ. Августиниан айтиши мумкин: бу муқаррар, сабаби ёвузлик бизнинг табиатимизда мавжуд, эзгулик эса йўқ. Ва умуман, “Яхши” – турили маънолар жилвасига эга сўз, биз эса ахлоқий яхшиликтини, агар муносиброқ атама бўлмаса, эстетик яхшиликтини деб аталиши лозим бўлган нарса билан осонгина адаштирамиз. Башариятнинг энг буюк жумбоқларидан бири фашистларнинг ўлим лагерларида яширингани эди. Минглаб яхудийларнинг йўқ қилинишини назорат қилган қайсиидир комендант уйга қайтгач, Шуберт сонаталарини ижро этаётган қизига қараб, қувонч кўз ёшларини тўкади. Шундай бўлиши мумкини? Ёвузликка хизмат қилувчи инсон қандай қилиб бундай осон тарзда илоҳий эзгулик дунёсига ўта олади? Жавоб шуки, мусиқанинг “эзгулиги” ахлоққа умуман алоқадор эмас. Санъат бизни меҳр-оқибат ва адолатга ўргатолмай-

ди. У олманинг таъми сингари ахлоқий жиҳатдан бетарафдир. Оғзаки чалкашликларни англаш ўрнига биз аномалия ҳақида мулоҳаза юритамиз ёки Жорж Стейнерга ўхшаб, санъатга бўлган мухаббат, одамларнинг ахлоқий талабларни англашига туртки беради, дея даъво қиласиз. “Вертер ва Шопенга қайғуриб йиғлаган одамлар ўзлари сезмаган ҳолда дўзахдан ўтдилар”. Бу ерда ҳеч қандай жумбоқ йўқ.

“Худо бу эзгулиқдир” деганда нимани назарда тутамиз? Худо меҳрибон ва ўзи яратган маҳлуқотларнинг баҳтини таъминлаш билан шуғулланади, дейиш мумкин. Аммо бунга ишониш ва тасаввурга сиғдириш маҳол. Илоҳий “яхшиликни” панжарали мол гўшти ёки Моцарт симфониялари сингари “тоза нарсалар”га таққослаш осонроқ. Сабаби уларнинг иккаласи ҳам ўтқир ва туганмас лаззат беради. Хўранда истеъмол чоғида бир вақтнинг ўзида симфонияни тинглаши мумкинлигини ҳисобга олсак, улар бир-биридан мустақилдир. Санъатдаги “эзгулиқ” – илоҳий яхшиликка энг яхши метафора.

Мусиқа асаридаги “эзгулик” ва эзгу ишнинг умумий тарафи – беғаразлик. Давлат нима тўғри-ю, нима нотўғрилигини белгилаб беради ва унга ишонган, давлатнинг буйруқларига сўzsиз бўйсунган инсон яхши фуқаро, дейилади. Эзгулик ва фуқароликнинг бир-бирига сира алоқаси йўқ. Эзгулик қонунга бўйсуниш, мақтовга сазовор бўлиш ёки жазодан кутулиб қолиш учун қилинмайди. Эзгу ҳаракат альтруистик ҳаракатдир. У ўзи ҳақида чор атрофга жар солмайди ва ҳеч қандай мукофот ҳам таъма қилмайди. Эҳтимол, Бетховеннинг Тўққизинчи симфонияси (карлик, сўқирлик, касаллик ва қашшоқликда яратилган) ва камбағалларга плашини совға қилган, моховларни бағрига босган, ўзгаларни кутқариш учун ўзини қурбон қилган авлиёнинг эзгулиги ўртасидаги хаёлий

фарқни илғаш мумкин. Бетховеннинг эзгулиги авлиё амалга оширган яхшилик доираларидан ташқарида. Санъат бу жаннатни беминнат кўриш воситасидир. Ярим илоҳий ҳолатида санъат инсоний манфаат ва қизиқишиларидан анча юқори. Насронийлик таълимотидаги жаннатдан фарқли ўлароқ у яхши учун ҳам, ёмон учун ҳам teng – гўё Худонинг авлиё Августинга кўрсатган марҳамати сингари. Ва бу тор фикрли ахлоқшуноснинг наздида шубҳалидир.

Унда яхши иш нима? Фақирни кийинтиришми, bemorga ғамхўрлик қилиш, очларга таом бериш ёки жоҳилларга илм ўргатишми? Мазкур бир-биридан алоҳида ҳаракатларни тирик организмга табиий муҳитда эркин ишилаш қобилиятини қайтариш истаги нуқтаи назаридан умумлаштириш мумкин. Бу ҳаракатлар эзгу бўлса-да, ҳар доим ҳам тўғри эмас. “Жаҳолат – куч”, – эълон қиласи ингсоц. Фашистлар айтган эдилар: барча яхудийлар оч қолсинлар, музласинлар ва ўлим топсинлар. Эзгу иш манфаатдор кишилар орасидаги ирқий ва бошқа тафовутларни тан олмайди. Яхшилик – бу қушнинг синган қанотини тузатиш ёки гуалляйт¹нинг ҳаётини асраб қолишидир. Эзгуликнинг поклиги унинг қай даражада беғаразлиги билан ўлчанади; унчалик юксак бўлмаган одамларнинг яхшиликлари аралаш, тушунксиз ва ғайриихтиёрий мотивларга эга бўлиши мумкин; бироқ, яхши иш назоратдан чиқишига интилади, мақсадлар, қонун ва сиёsat унинг учун аҳамиятсиз тушунчалар бўлиб қолаверади. Биламизки, эзгу ният ёмон оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Темир йўл фалокатида Чарлз Диккенс бепарволик билан ярадорларнинг томоқларига бренди қўйди ва бу билан бир неча инсоннинг умрига зомин бўлди.

¹ Гуалляйт – немис миллий-социалистик ишчи партиясида вилоят миқёсидаги энг юқори лавозим ва унинг соҳиби.

Аммо, у қотил эмасди. Чинакамига яхшилик қилиш қобилияти юқори интеллект ва катта илм билан боғлиқ. Инсонда эзгуликни жоҳил ёвузлиқдан ажрата олиш қобилиятигининг босқичма-босқич ортишини тараққиёт деб аташ мумкин.

Соф шаклда ёвузлик ҳам яхшилик сингари беғараз хусусиятга эга. Агар эзгулик инсон организмининг куч ва имкониятларини эркин намоён этишга ҳисса қўшса, унда ёвузлик муқаррар равишда бу эркинлигни чеклашга интилиши керак. Модомики, биз пелагиан эканмиз, унда инсонга тўлиқ ахлоқий танлов эркинлиги берилганлигини қабул қилишимиз керак. Бу имкониятни йўқ қилиш – одамийликдан чиқаришдир. Ёвузлик тирик қалбни манипуляцияга айлантириш вақтида ўзини янада ёрқинроқ намоён этади. Ўлимга маҳкум этиш етарлича ёвуз қилмиш, аммо қийноқлар доимо ундан-да ёмонроқ, дея ҳисобланган. Давлат – инсонийликдан чиқаришдан энг кўп манфаатдор. Давлат ахлоқий танлов масалаларида ташаббусни қўлга олишга мойил ва шахснинг мустақил қарор қабул қилишини таъминлашга интилмайди. Ҳокимият эгалари ҳукмдор ва бошқарилувчининг хоҳиш-иродалари ўртасидаги фарқни англашлари ниҳоятда мухим. Идеал ҳолатда ҳукмдорнинг хоҳиш-иродаси мутлақо эркин бўлиши лозим; бўйсунувчиларнинг эркинлиги эса тузумнинг қай даражада авторитарлигига боғлиқ. Давлат – ҳукмдорнинг бошқарилувчилар устидан ҳокимиятни амалга ошириш воситаси. Шундан келиб чиқиб, мазкур восита ўз вазифаларини амалга оширишда иложи борича камроқ қаршиликка учраши керак ва давлатда мужассамлашган ёвузлик ҳеч қачон беғараз бўлмайди, дейиш мумкин. Бироқ, Оруэллнинг какотопиясидаги қудратли тузум вужудга келади ва у шу қадар ўзига ишонганки, у ёвузликни шунчаки эрмак

учун амалга оширади ҳамда бундан қувонч түяди – бошқача сўзлар билан айтсак, эркак ва аёлларни қасддан қийноқлар ичида фарёд чекувчи ва соғлом ақлидан секин-аста жудо бўлувчи ғайриинсонларга айлантиради. Бу фашистлар Германияси, Совет Россияси ва бошқа кичик автократик тузумлар истаган, аммо ҳеч қачон эриша олмайдиган какотопия. Эҳтимол, агностик Оруэлл учун давлат миясидан энг кичик суюгига қадар ёвузлик бўлиб қўринарди. Ёвузлик алоҳида шахс учун эмас, илк гуноҳ – қулгини қистовчи таълимот. Оруэлл социализми инсоннинг ахлоқий ва иқтисодий томонлама юксалишига нафақат йўл қўйиб берди, балки бу нарсага қаттиқ ундали. Унинг Августианлик пессимизми фақат олигархик давлатда дунёга келган инсон авлодларига тегишли эди. Давлат – иблис, аммо, Худо мавжуд эмас. Алмисоқдан қолган диний қараашларидан бошқа ҳамма нарсани ташлаган Ғарбда ёмонлик қандайдир тарзда индивиддан ташқарида мавжуд, деган қарааш шаклланган. Вьетнамнинг Милай қишлоғидаги хунрезликлар, Чарльз Мэнсоннинг қотилликлари, Американинг йирик шаҳарларидағи кўчаларда хукмрон зўрлашлар, қийноқлар ва одам ўлдиришлар ёвузлик каби қўринади ва қабул қилинади. Аммо, ёвузлини Августин таълимотида бўлгани каби одам табиатининг ажralмас қисми эмас, “ташқаридан келган касаллик”, деб қабул қилиш қулайроқдир. Иблис ва унинг хизматкорлари бўлмиш шайтонлар ёвузлик устидан якка монополияга эгалар, улар одам руҳини эгаллаб олиб, унда ёвузликнинг ҳар қандай қўринишларини – даҳрийликдан тортиб, каннибаллизмгача ўстиришга ҳаракат қиласилар. Балки шайтонларни қувиб юбориш мумкиндири. Аммо, ёвузлик инсоннинг ўзида кўпаймайди. Имонлилар анчагина баҳтлидирлар, боиси улар ўз гуноҳларини ёлғон Ота-

сининг бўйнига қўйишлари мумкин. Оруэлла гўра бутун гуноҳ Катта Оғанинг чекига тушади. Оруэлл гўё реал дунё (унинг bemor хаёлотидан фарқли ўлароқ) янада улканроқ ва ёмонроқ какотопиялар сари ҳаракатланаётганига ишонган. Давлатлар каттароқ ва қудратлироқ бўлиб боради. Босимнинг энг шайтоний усулларини қўллаб, улар борган сари кўпроқ одамларни гуманоид манқуртларга айлантирадилар. Оруэллнинг тасаввуридаги келажак давлат ва одам ўртасидаги тенгсиз кураш, унда инсоннинг муқаррар ва қақшатқич мағлубиятидир. Энди бизнинг вазифамиз – унинг башоратлари ҳақиқатга эвриладими ёки йўқ, шуни аниқлаш.

МАМЛАКАТЛАР ВА БЮОК ДАВЛАТЛАР: МУНОЗАРА

Замонавий дунёдаги кучлар мувозанати Оруэллнинг тўқималари билан қандай таққосланади?

Тамоман ўзгача. Супер кучлар пайдо бўлдилар, аммо, маълум бўлдики, улар учун кичикроқ давлатлар устидан назоратни амалга ошириш осон эмас. Митти давлатлар катталари томонидан ютиб юборилмади. Урушдан кейинги давр регрессив рух, беҳисоб собиқ мустамлакаларнинг ажralиб чиқиши, мустақил диктатуралар, олигархиялар ва чин демократиялар тўпламларининг вужудга келиши билан ажralиб турди. Тўғри, ҳозир таъсир доиралари, бир-бирига сингишиб кетган тизимлар ва ҳоказолар ҳақида кўп гапирилмоқда, лекин шунга ўхшаш мафкурага эга бўлган Оруэлл моделининг улкан марказлашган блоклари мавжуд эмас. Ҳокимият манбаи қани унда? Давлат механизмларини ағдариб ташлашга қодир ҳақиқий ҳокимият Ислом нефтида

оқмоқда. Оруэлл учун Яқин Шарқ улкан күчлар тасарруф этиш учун баҳлашадиган арzon ишчи кучи манбай бўлиши лозим эди. Ислом – мана, темир мушти билан қоронғу асрларда насронийликни тормөр этган, ҳақиқий жанговар эътиқодидан маҳрум этилган (Иккинчи Ватикан черковига раҳмат) Ғарбга ҳамон таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, кучли диний мағкурага эга том маънодаги супер куч.

Ё, Тангрим! Аммо, умуман олганда, сиз Оруэлл-нинг башоратлари айрим жабҳаларда амалга ошиганигини эътироф этишингиз керак. Америка, Россия ва Хитой тиши-тирногигача қуролланган, бир-бирига ҳужум қилишга шай турган учта даҳшатли буюк давлат ўрнига ўтишилари мумкин.

Аммо, улар ҳужум қилмаяптилар. Ҳеч қандай ошкора таҳдид бўлмади. Ҳа, оғзаки “жанглар” бор, бироқ, Москва, Пекин ёки Нью-Йоркка ядро ҳужумлари уюштирилмади.

Демак, ҳеч қандай мангу уруш йўқ, шундайми?

Тўғри, иилига бор-йўғи икки-учта майда урушлар. Ҳиндистон Покистон билан, Исроил Миср билан, Иордания Сурия билан жанг қилмоқда. Фаластин, Кения, Ҳинди-Хитой, Жазоир, Ангола, Мозамбик, Тибет, Нигерия, Юнонистон, Голландия Янги Гвинеяси, Конго, Кипр, Ява ҳамда Гоадаги отишмалар. Буюк мамлакатларнинг ҳеч қандай ошкора тўқнашуви йўқ, у фақат воситачилар орқали рўй бермоқда. Корея ва Вьетнам сингари. Ёки 1967 йилда Голан тепаликларидағи рус ҳарбий маслаҳатчилари каби. Руслар ҳам, хитойликлар ҳам Яман Ҳалқ Озодлиги фронти учун муҳоҳидларни тайёрламоқдалар. Ва рус қўшилари 1953 йилги Шарқий Германиядаги қўзғолонни бостириш, 1956 йилда венгерларга, 1968 йилда чехларга ўз жойларини кўрсатиб қўйиш учун бевосита ва очиқ иштирок этишди.

Аммо, Оруэлл Евроосиёсининг куртаклари, яъни советлаширилган Европа бор-ку.

Лекин, Европанинг қайси қисми унга кирди? Ғарбий Европа автократиядан нафақат Гитлер истибоди, балки узоқ йиллик пруссизм ва Габсбурглардан кейин ҳам чарчаган. Россия Евроосиёни куч билангина барпо этиши мумкин эди. Бирок, Россия ҳам, Америка ҳам ҳаддан ташқари куч ишлатишдан қўрқадилар. Митти давлатларнинг таваккалига маҳаллий урушларни бошлишга тайёргарлиги ва буюк давлатларнинг бир-бирига ошкора душманлик қилишни истамаслиги – 1945 йилдан кейинги даврнинг буюк парадокси.

Менинг фикримга кўра, тўғридан тўғри тўқнашувлар юз берган, бунга мисол қилиб, 1953 йилги Корея можароси ёки 1962 йил Кубада содир бўлган ракеталар билан боғлиқ ҳодисани келтириши мумкин.

Оруэллнинг тахмин қилишича (бу масалада у ёлғиз эмасди), ядро уруши ортида доимий, аммо ўтмишда бўлгани сингари чекланган ва доимий қуроллар ёрдамида олиб бориладиган уруш бўйича келишувга эришилади. Ҳаммамиз қачонлардир ядро бомбаларидан қўрқанмиз: улар бизнинг кундалик даҳшатимиз эди. Қирқинчи йиллар охири ва эллинчи йиллар бошида адабиёт қандай бўлганини эсланг. Ҳеч бўлмаса Олдос Хакслининг “Маймун ва моҳият”ини олайлик. Унда ядро урушидан сўнг варварликка қайтган Жанубий Калифорния, мутацияга учраган маҳлукларнинг туғилгандаёқ ўлдирилиши, мавсумий жинсий алоқа, Паашшалар Ҳукмдори ва Бомбалар Ҳомийсига ибодат, уларга келтирилган қурбонликлардан завқланиш ҳолатлари тасвиранади. Ёки Л.П.Хартлининг “Адолат мавжуд” асари дунё ядро урушидан сўнг айборлик ҳиссини бошдан кечирмоқда. Гўдакларга қотилларнинг исми қўйила-

ди. Одамзотнинг дунёни ўзгартиришга бўлган ҳар қандай уриниши блокланади. Ахир, биз қиладиган ҳар қандай иш бу ёмонликдир. Ёки “Доктор Стрейнжлав”ни олинг – бу энди олтмишинчи йилларнинг боши. “Хатоларга бардошли” романи каби руҳга эга асарлар ҳам бор. Оруэлл даҳшат ва террор ядро урушидан анча илгари бошланганлигини тушуна олмасди. Бироқ, ҳамма бир хил хатога йўл қўйди.

Шунингдек, у тез орада атом бомбаларидан кўра даҳшатлироқ потенциалга эга термоядрорий қурilmalар пайдо бўлишини олдиндан кўра олмаган. Ўйлашимча, ядро аспи ҳақида хулосаларингиз мана бундай: буюк давлатлар бошқалар номидан ёки ўзларининг таъсир доираларида маҳаллий жазо операцияларини амалга оширишдан ташқари тўғридан тўғри ҳаракат қилишидан қўрқадилар; кичик мамлакатлар ҳаракатсиз гигантларнинг оёқлари остида қирпичоқ бўлишишмоқда. Гигантлар ажаловар парвозларни амалга оширишининг қулайлиги ва уларнинг оқибатларига жавоб бериш ҳам хамирдан қил сугургандек кечишини биладилар: гап миллионлаб қурбонлар эмас, балки иккала ёки ҳар томондан ҳам зарар етган минглаб тонна электрон қурилмалар ҳақида боряпти. Пигмейлар¹ ўз жанговарликлари учун айбдор эмаслар.

Улар қанчалик узоққа боришлиари мумкинлигини тушунадиган даражада бегуноҳ эмаслар. Ва уларнинг иқтисодиёти қанчалик узоққа боришга имкон бераркин? Айтганча, Оруэллнинг уруш учун маҳсус иқтисодий назарияси ядро бомбалари даврида ишламаганлигини таъкидлаш ҳам қизиқ. Мен ҳаётнинг паст даражасини қўллаб-қувватлаш учун саноат ишлаб чиқариш маҳсулотларини ҳарбий мақсад-

¹ Пигмейлар – Африка, Жануби-Шарқий Осиё ва Океанияда жайдиган паст бўйли қабилалар вакиллари.

ларда сарфланиши ҳақида айтяпман. Фоянинг ўзи миллиатчи Германияда пайдо бўлди: сариёф ўрнига тўппонча. Америка иқтисодиёти эса қуролланишга сарфланган улкан харажатлар ва тинчлик даврида маҳсулот ва хизматлар ҳажмининг ўсиб бориши билан ажралиб турган. Гўё қитъалараро ракета ва рангли телевизор иқтисодий экспансиянинг бир йўналишига мансубдек. Замонавий дунёда технологияларнинг икки турини – ўлимга олиб келадиган ва гўёки ҳаётни яхшилайдиган хилларини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ва чиндан ҳам, бу даврни асосан ушбу иккаласининг синтези орқали тавсифлаш мумкин: сокин ва ёқимли оқшомда Вьетнам урушини хроматик ўйин-кулги манбаи сифатида телевизор орқали томоша қилиш. Америкалик ҳарбий эскапада¹ларга истеъмолчилик қувончлари билан ёнма-ён юрибдилар. Бу ерда Оруэллга хос ҳеч нарса йўқ.

Аммо, Американча империализм ҳақида Оруэллга хос бўлган нимадир бор – майли, тарқоқ ва яширин бўлса ҳам, ўзининг ингсоци ва куч марказларига эга Океанияни қуриши. Бунда Марказий Разведка Бошқармаси фикрлар полицияси ўрнини босади. Демократиянинг иккиласми ўйини: ўз тақдирини ўзи белгилаш, сўз ва эътиқод эркинлиги каби тушунчалар қўрқитиш ва босимлар билан муросага келади. Озод франкафоник Канада? Муртадларни ўйлаб ўтирасдан отиб ташланг. Шимолий қўшинига катта миқдорда Америка сармояси йўналтирилди. Итальядаги коммунистик ҳукумат? Буни хаёлингизга ҳам келтирманг. Мен Римда яшовчи, сиёсатга аралашмайдиган заарсиз ёзувчиман. Марказий Разведка бошқармаси глобал тинчлик ва озодлик шиори остида мени кузатамётганини, телефон сұхбатларим тингланаётганини жуда яхши билардим.

¹ Эскапада – а) гайриоддий хатти-харакат; б) ҳақиқий дунёдан қочиб, ўзининг хаёлий оламига яшириниш.

Кенгроқ фикрлайлик. Күшма Штатларнинг анъанасида авторитаризмнинг Европа моделига мойилликни келтириб чиқарувчи ҳеч нарса йўқ. Эллигинчи йиллардаги жазавали антикоммунизм гарчи ёқимсиз ва хавфли бўлса-да, марказлашган кучга нисбатан туғма нафратнинг ифодаси сифатида қаралиши мумкин. Америка Фарбий Европа демократиясининг тақдирини белгилашда улкан хисса қўшганини инкор этолмайсиз. Трумэн, Эйчесон, Маршалл режаси. Биз Американинг ҳамма нарсани олдиндан кўра олиш қобилиятидан, маърифий демократия анъаналари учун Худо уни ахлоқий устуңлик илиа мукофотлаганидан, мағурур ишончидан ҳеч қаёққа қоча олмаймиз, аммо бу жамоавий зулмга мутлақо ўхшамайди.

Аммо, авторитаризм йирик давлатларнинг монополияси эмаслиги ҳақиқат. Африка ёвуз ва майда диктатураларга тўлиб-тошган. Гўё мустамлака бўйинтуруги исканжасида фарёд чеккан ҳалқлар диктатура ўрнатилиши орқасидан зўрга озодликка эришдилар. Сингапурга саёҳат қилинг, у ерда жаноб Ли мусаффо ва рутубатсиз эркин савдо осмонига мамнун назар солмоқда. Унинг қамоқхоналардаги ёки чет элдаги сиёсий рақиблари ўзини-ўзи тарбиялаш, дея номланган курслардир. Полиция узун сочли ёшларни сартарош столига мажбурлаб судраб боради. Оммавий ахборот воситаларида Испаниядаги генерал Франко даврида бўлгани каби муаммосизлик бўшилиги мавжуд: дунёвий тантаналар, хушрўй ёшлар, лентали мушукчалар. Кинематографик бекарорлик порнография деб аталади. Мен бир неча йил Мальтада – цензурага учраган фильмлар, тақиқланган китоблар, ёшларнинг онгини бузмаслик мақсадида Англиядан келтирилган газеталардан кесиб ташланган ички кийим рекламалари мұхитида яшаганман. Мальта ҳукумати “хавфли”

газета ва китобларга тўла бўлган уйимни мусодара қилганди. Репрессив ҳукуматлар ҳамма жойда мавжуд ва уларнинг сиёсати иккюзламачиликка асосланган, гёё улар "халқ фаровонлиги учун энг яхши иш"ни қиласидилар. Майда, ёлғончи диктаторлар фонида О'Брайаннинг ҳукмронликнинг ўзи үчунгина ҳукуматга интилаётганлигини тан олиши ҳатто мақбул ва ишончили кўринади.

Келинг, бир дақиқага улкан, қўхна демократияга қайтайлик. Биз бу ерда шахсий эркинликка дахл қилиш аломатларини излашимиз лозим бўлади. Шубҳа йўқки, эски демократик давлатларда репрессив технологиялар мавжуд бўлиб, уларнинг фонида Оруэллнинг фикрлар полицияси ниҳоятда ибтидоий туюлади. Шу боисдан мени мазкур технологияларни баҳолашдаги қийинчиликлар ташвишга солади. Технологияни бундай қоралашни истамасдим. Компьютерларни олайлик. Норберт Винер ва Уоррен Маккалох мияннинг математик ва фалсафий фаолиятини тадқиқ этиб, кибернетика асосларини яратдилар. Уларнинг мақсади машина қанчалик даражада инсон онгини симуляция қила олишини, кейинчалик инсон моҳиятидан нима қолиши мумкинligини аниқлаш эди. Аммо, кибернетик ғоялари муқаррар равишда амалиётга татбиқ этилади ва биз "амалийлик" одатда қандай талқин этилишини биламиз. Назорат қилиниши мумкин бўлган объектларни бошқариш нуқтаи назаридан асосан бу одамлардир.

Компьютер – нейтрал нарса. Ахборот – нейтрал товар. Қанча кўп ахборотимиз бўлса, шунча яхши. Хотира банклари ва у каби нарсаларни мен шундай кўраман.

Бироқ, давлатнинг қўлларига компьютер тушishi биланоқ, у албатта ўз фуқаролари тўғрисида ахборот тўплашни бошлайди. Бу яхши ёки ёмон,

аниқ билмайман. Лекин, 1971 йилда эркин, хавфсиз ва демократик митти Англияда нима юз берганини ўйласангиз...

Аҳолини рўйхатга олиш ҳақида айтмасизми?

Давлат нималар ҳақида билмоқчи бўлганлиги ни эслаб кўринг. Оила бошлигининг мақоми, оиласда нечта машина борлиги, ошхонада газ плитаси бор-йўқлиги, ҳожатхона мавжудлиги, келиб чиқсан мамлакатингиз, ота-онангиз туғилган давлат, аввали манзилингиз, маълумот, оиласий аҳвол, болалар сони ва ҳоказо. Айримлар анкета тўлдиришдан бош тортдилар, аммо аксарият аҳоли бажонидил бўйсунди. 800 тонна қофоз, 10 500 та рўйхатга оловчи ходим. Ўтказиб юборилган ҳар бир савол учун максимал 50 фунт жарима. Романнавис Аллан Стиллито ёшини 101 да деб кўрсатгани учун 25 фунт жарима тўлади. Етмиш уч ёшли эркак ва олтмиш олти ёшли аёл шахсий ҳаётлари сир қолишини истадилар-у, бироқ жарима тўлашга қурблари етмагани учун панжара ортига равона бўлдилар. Сўнг рўйхатга олиш Департаменти сир сақлашга кафолат берилган мазкур маълумотларнинг бир қисми тижорат ташкилотларига етказилишини маълум қилди. 1980 йилга келиб, бир фирма аҳоли ҳақидаги 90 фоиз маълумотларни ўз компьютерида жамлаган бўларди. Полицияга бу маълумотлардан бемалол фойдаланиш имкони берилиди. 152 800 нафар руҳий касалликлар шифохоналарининг собиқ bemorлари ўз ҳаётлари тўғрисидаги энг интим маълумотларнинг аксарият қисми компьютерлаштирилганлигини аниқладилар: интеллект даражаси, қачонлардир қамоқда бўлишганми, "у ёққа" олиб кетиш учун қай даражада мажбурлаш лозим, руҳий хасталикларнинг тўлиқ ташхиси, дорига, алкоголизм ёки гиёҳванд моддаларга қарамалик даражаси, эпилепсия ҳақида маълумот берувчи маҳсус устунлар...

Аммо, чиндан ҳам бундан бирор ёмон мақсад кўзланганмиди? Демак, шахсий ҳаётга дахлсизлик қоидалари бузилганми? Ёшлар оммавий очиқ мулоқотга киришаётган бир вақтда нега биз шахсий ҳаётимиз тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилмаслигини истаймиз?

Билмайман, шунчаки билмайман. Бироқ, ўзингиз ўйланг, давлат – бор-йўғи восита. Ҳамма гап осонгина қуролга айлана оладиган бу восита кимнинг кўлида эканлигида. Диктатура асосларини қанчалик маҳкам тутмайлик, либерализм анъаналари барҳам топади, деб ўйлаш мутлақо асоссиз. Балки Европада янги Гитлер пайдо бўлар ва демократик ҳукуқнинг кўхна нормаларига асосланиб, давлат хизматлари унга тақдим этадиган маълумотлардан ўзида йўқ қувонар. Шубҳа йўқки, бутун дунёдаги компьютерлар узоқ вақтдан бери яхудийлар ҳамда хавфли даражада эркин фикрловчи зиёлилар тўғрисидаги ахборотларни сақлаб келишмоқда. Ҳатто ҳозир ҳам... Айтайлик, жиноят содир этилди ва ўрта ёшлардаги, эпилепсиядан азият чекувчи тўртта сохта тишли эркадан гумон қилинмоқда... Мамлакатдаги қон гурӯҳлари копьютерлаштирилган. Давлат барча маллаларнинг манзилини билади.

Айтмоқчисизки, бундай билимларни ишониб топшириши мумкин бўлган ҳеч ким йўқ. Таваккал қилишимиз керак. Мен билимларнинг бетарафлигини талаб қиласман. Адолат тантанаси эҳтимол, ҳар доим адолатсизликнинг ғалабаси кабидир. Дарвоқе, мен ҳамма ерда давлат ҳокимиётни мустаҳкамлаётганини эмас, аксинча уни йўқотиб бораётганлигини кўрмоқдаман.

Россиядами? Ёки Хитойда? Қонли митти республикаларда бу ҳақида хабарлар йўқми?

Мен азалдан озодлик дабдабаси сифатида тоза сув ва электр энергияси қабул қилинадиган мин-

тақалар ҳақида айтпман. Айтмоқчи, мен ҳаётдаги асосий нарса қандайдир тарзда яшаш эканлиги ҳақида унутганим йўқ. Яъни, кунлик бир ниёла гуручни олишининг бирдан бир йўли бадбўй қамоқхонада ўтириши бўлса... Майли, эшикларни очинг ва мени киргизиб юборинг. Ахир, дунёning аксарият қисмларида давлат зулмига қарши эркинлик эмас, шахсиятдан маҳрум тартибсизлик чиқмоқда. Йўқ, мен ҳозир тараққий топган Farb ҳақида гапира-ман. АҚШ, Буюк Британия, Farbий Европа ҳақида. Биз анчадан буён бўйни йўғон харизмалии йўлбошичиларни кўрмадик. Одатда, сиёсатчилар ҳақоратланишади, давлат арбоблари масхараланади, АҚШ президенти эса ҳақли қамчилашларга бардош беришига қодир. Оруэлл барча оммавий ахборот воситалари (айниқса, телевидение сингари янги авлод турлари) давлат қўлида тўпланади, деб ҳисобланган. Сабаби үлар риторика ва таргивотнинг кучли воситаси, мағрут кўрсатмаларнинг йўналтирувчиларидир. Аксинча бўлиб чиқди. Биз кўриб турган лавҳалар, шиорлар ҳар нарсага қодир Катта Озага эмас, истеъмол товарларига тегишили. Бизда серсоқол жанублик полковник бўлиб, у қулилкка эмас, қовурилган жўжа ейшига мажбурлайди ва бизда очиқ ҳавода "Кент" ва "Кул"ни чиройли тарзда чекадиганлар бор. Давлат таъм билиш рецепторларини қондира олмайди ёки ҳамдардликни қўзгатишга, кулгили одамлар билан ҳазиллашишга қодир эмас. У қалбларимизни забт эта олмаслигини яхши билади. У биздан тортиб олиши мумкин бўлган ягона нарса – пулларимиз. Бу эса ҳақиқий зулм. Шуни таъкидлаб ўтиши керакки, Оруэлла бу нарсанинг гўё аҳамияти бўлмаган (гарчи "1984" ва "Молхона" асаларидан олган гонорарларини ҳимоя қилиш учун масъулияти чекланган жамият тузишга ҳаракат

қилган бўлса ҳам). Давлат бизнинг устимиздан ҳо-
кимиятни солиқ зулми, бепарво ва ахлоқсизлик би-
лан пулларни тасарруф этиши, тўловчи истамаган
нарсаларни безбетларча унга тиқишириш йўл-
лари билан амалга оширади: бизга нақд пул беринг,
агар йўқ десангиз, қамоқقا равона бўласиз; уни нима
қилиш эса бизнинг ишимиз оғайни. Давлат ёшларни
Пентагон ва қурол ишлаб чиқарувчилардан ўзга ҳеч
кимга керак бўлмаган урушларда иштирок этишига
даъват этади. Давлат ўзининг хунук башарасини
тоталитаризмнинг қийноқ камераларида жаллод-
ларнинг қийноқ усувларига мурожаат қилувчи, то-
бора ҳукумат қўли эмас, аввал ўлдириб, кейин са-
вол беришга ўрганган квази-автоном куч сифатида
ўзини тутувчи полиция тимсолида намоён қилади.
Аммо, улар бизни мустаҳкам эътиқод доираси-
га таёқ билан ҳайдаб киргизишга шошилмайдилар,
чунки эътиқоднинг ўзи йўқ.

Демак, айтмоқчисизки, ҳукумат кучининг ҳажми
салмоқли, лекин бу куч ингсоц жамиятида бўлгани-
дек марказлаштирилмаган. Ўз нуқтаи назарига қўра
репрессив, давлат ҳокимиятини бузишга ёки куч-
сизлантиришга тайёр бўлган қудратли кучлар мав-
жуд. Масалан, ҳукуматларни барпо этиш ва ағдариб
ташлашга қодир трансмиллий корпорациялар бор,
бироқ, улар инсон тафаккури, ҳиссиётлари, санъат,
одоб-ахлок, анъаналар сингари номоддий нарсалар
олдидаги бурчларига тупуриб қўйишган. Шунинг-
дек, манипуляторлар, тарғибот борасида устаси фа-
ранглар, бошқача айтганда, иккиласми фикр, онг
ости таъсирлари мавжуд бўлиб, бизнинг истеъмол-
чи сифатидаги эркимизни чеклашлари ҳам мумкин.
Касаба уюшмалари. Ҳар хил озчиликлар – аёллар
хуқуқларининг курашчиларидан тортиб, гей-содо-
митларгача. Ва биз жамиятдаги энг жирканч, но-

пок ва бузғунчи кучлардан давлат ҳимоясини кутган чоғимиизда, пулларимизни олган давлат нақадар кучсиз эканлигининг аён бўлиши ғалати.

Сиз зўравонлик, талончиликни ўзига касб қилиб олган кўча тўдаларини назарда тутяпсиз. Океанияда бу ҳолатлар йўқ, боиси ўсмирлик даври инстинктiga хос тажовузкорлик давлат номидан фашистлар Германиясида бўлгани каби уюштирилган талончилик, зўравонлик ва "қурбон юзига этик кийдириши"га йўналтирилган. Ёки шунчаки "этикни тушириши". Унда янада шафқатсизроқ, этиклардан фойдаланишига уста полиция талаб этилади. Демократик жамиятдаги кўпчилигимиз учун бу ҳолат техника тараққиёти ва зўравонликнинг кучайишига ҳамоҳанг тарзда сунъий равишда яратилган. Ҳаёт нима? Иш, ортидан телевизор. Кечқурунлари уйдан чиқмаймиз, лекин ҳамма қизиқ нарсалар кумуш патнисда бизга тортиқ этилаётганда нима учун чиқишимиз керак?

Ранги телевизор айнан шу патнисга, оила ўчоғи суррогатига айланди. Бизга ўчоқлар, каминларга эгалик қилишга ижозат этилганда, алнга ичида янада яхшироқ манзараларни кўрдик.

Зерикиши ортидан зерикиши. Ҳақиқий түш ва суррогат түшнинг икки тури. Балки, Катта Оғани севиб, янада баҳтлироқ бўлармидик?

Худо ҳаққи, бундай деманг. Ҳатто ўйламанг ҳам. Айнан биз шахсий ҳаётимизга ноадекватлик етиш маслигини тан олганимизда, давлат зерикиш, деб номланган бўшлиқни тўлдиришга осонлик билан аралашади. Еттинчи рақамли зондер гуруҳнинг йигитлари билан айланиб қолдик, азизам. Мен этикларимни ялтиратдим. Свастика¹ли боғич тақиши ва миллатчилар митингида "Ғалабага шарафлар", дея

¹ Свастика – миллатчи фашистларнинг рамзий белгиси.

қичқириш ёқимли бўлди. Ҳаёт етарлича тўқ ва зе-рикарли бўлмоғи даркор. Модомики, бу зерикиш бизга ёқмаётган экан, дунёқарашимизни кенгайти-радиган пайт етиб келибди. Жорж Оруэлдан сабоқ олиш мумкин. Албатта, ғазабнок ҳамюртларимизга қарши қуролланганлар билан.

Афтидан, давлатга нисбатан адолатли бўла ол-маяимиз. Давлатдан қўрқмай қўйсак, уни хор қила бошлаймиз. Сизнингча қандай қилиб... давлатга хай-риҳоҳ бўлиш мумкин?

Англияда мавжуд, аммо Америкада бўлмаган умумжамият фаровонлиги давлати почта қутила-рини ижтимоий хизмат чекларига тўлдириб ташла-ган бўлса-да, талончилик олдида ниҳоятда заифдир. Давлатнинг ижтимоий ҳимоясига эга бўлиш яхши, бироқ, хайрия ҳақида нима дейиш мумкин? Агар ҳукумат қашшоқлик тушунчасини ўлдирса, биз кам-бағалларга нисбатан мурувватли бўла олмаймиз. Са-ноат миллийлаштирилди ва ишчилар ишдан бўша-тиб бўлмайдиган ва ўз вазифасига тупуриб қўйган давлат хизматчисига айландилар. Ишлашга бўлган эҳтиёж осонгина йўқолди. Ҳукумат тасарруфига ўтган бутун саноат таназзулга учрайди. Ва умуман, агар давлат ўзгаларнинг пулидан фойдаланса, қан-дай қилиб мурувватли бўла олади? Бюрократиялар ўз-ўзидан кўпаяди. Улар такаббур ва самарасиздир-лар. Бизга давлат нега керак? Ташқи сиёsat армияга эга бўлишни, ички сиёsat эса полиция кучига тая-нишни тақозо этади. Тағин ўша тўппончалар ва ах-борот йиғиш тизимлари.

Кeling, барибир озод Farb давлатининг оруэлло-на йўналишида ривожланмаётганлигини қабул қи-лайлик. Биз истаган нарсамизни ўқиймиз, кўчалар-да порнография томоша қиласиз, пластик чиқинди бўлакларини сотиб оламиз ва амалдорларнинг шо-

раларисиз ёримиз билан қовушиши мүмкін. Биз әркинликни истаб тобора күпроқ айюханнос соламиз ва одатда уни құлға киритамиз. Ҳанузга қадар давлат даҳшатли гигант бўлиб қолмоқда. Айниқса, ёшлар учун.

Эҳ, ёшлар...

БАКУНИН БОЛАЛАРИ

Давлатдан қўрқиши ёки унга нисбатан ишончсизлик янгилик эмас. Ўн тўққизинчи аср куч ишлатиш воситаси сифатида давлатни йўқ қилиш истаги эътибори билан биздан анча илгарилаб кетди. Жон Стюарт Милл каби мутафаккирлар урушни давлатнинг одатий эманацияси¹, шахслар ёки эркин инсоният жамиятлари учун хос бўлмаган ёвузлик деб билар эдилар, бу ўз-ўзидан давлатга нисбатан ғайритабиий махлук, дея қаралишини оқлади. Карл Маркс уни капиталистик зулм механизми деб топдива пролетариат ҳокимият тепасига келганда унинг занглаб, парчаланиб кетишига ишонди. Маркснинг замондоши Михаил Бакунин бутун умрини ушбу ёвуз девни ағдаришга бағишилади ва Бакуниннинг рухияти бизни бошқариб туради – аникроғи, вақти-вақти билан ёшлар орасида кўпинча жаҳолат туфайли ҳаётга қайтади. Маркс уни аҳмоқ, агар чоризм жосуси бўлмаса, позер², деб ҳисоблаган. Ўлимидан юз йил ўтиб, тарих уни инқилобий анархизмнинг отаси деб атади.

¹ Эманация – а) фалсафада оламнинг ягона худодан ажralиб чиқишини англатувчи концептуал атама; б) маълум нарсанинг қаердандир ёки мураккаброқ нимадандир ажralиб чиқиши натижасида бирор нарсанинг вужудга келиши.

² Позер – соҳта роль ўйнайдиган, маълум бир услубни, хулқ-атворни бошқаларга таъсир кўрсатиш учун ишлатадиган инсон.

Бакунин туфайли анархизм доимо зўравонник босқинига соҳиб бўлди: сўзнинг ўзиданоқ, кордит¹ хиди анқиб турибди. Аммо, сўзнинг ўзи заарсиз ра-вишда юонча таркибий қисмларга бўлинади: “ап” – сиз ва “archos” – ҳукмдор. Яъни ҳукмдорсиз. Қоматдор, сертуқ, таъсирчан, хушмуомала, зиддиятларга тўла, қўпол ва қаҳрамонсифат рус оқсуяги Бакунин мазкур атамада ўз шахсиятининг изларини қолдирди. Марксдан фарқли ўлароқ, у тизимли фикрлашга қодир эмас эди ва бу ҳолат номувофиқлик, қўшфикрлилик, икки ҳислиликни унинг фалсафаси, деб қабул қилинишига олиб келди. У одамларни севар, биродарликка ундар, шу билан бирга немислар ва яхудийлардан нафратланарди. Баррикадалар шамолида соқоли ҳилпираётган унинг қаҳрамонида фашизм аломатлари бор. Бакунин ҳокимиятни инкор этарди, лекин бир мунча вақт диктатуранинг ленинча моделини тарғиб қилди. У Жозеф Прудон ва Пётр Кропоткин томонидан илгари сурилган назариянинг қуруқ нонидан мазалироқ, янада оқилона анархистик сэндвичдаги чириган гўшт эди. У бўлмаганда анархизм деярли ҳеч ким ўқимайдиган китоблардаги утопик назариялигича қолиб кетган бўларди: Бакунин анархизмни инсонийлаштириди ёки унга қаҳрамон тусини берди. У анархистни Байроник шахсга айлантириди.

Бакунин 1814 йилда, Наполеон Ватерлоода батамом мағлубиятга учрамасидан илгарироқ туғилди. Европада ҳамон ҳукм суроётган деспотизм унинг онаси сиймосида акс этди ва гўёки онанинг зулми, Бакуниннинг ўзи таъкидлагани каби эркнинг чекланишига қарши бош кўтаришига сабаб бўлди. Бошқалар унинг болалиги шу қадар осуда ва фараҳбахш

¹ Кордит – тутунсиз, нитроглицироли порохнинг турларидан бири.

ўтган деб тахмин қилишадики, кейинги анархизм гўё Жаннат боғига қайтишга онгсиз равища уриниш сифатида қабул қилинган. У оиласда ўн бир нафар ўғил-қизнинг тўнғичи бўлиб, ука-сингиллари унга ниҳоятда катта ихлос қўйган эдилар ва айнан шу боисдан Бакунин инсонларнинг кичик жамиятида турли қизиқиш ва интилишлар, истеъод ва дидлар бўлиши мумкинлигини, аъзоларнинг марказдан қочувчи темпераментларига қарамай, улар бирдам бўлишга қодир эканликларини англади. Нима учун катта масштабдаги кишилик жамиятлари – шаҳарлар, қишлоқлар, давлат ва борингки, бутун дунёда оиланинг хусусиятларини амалга татбиқ этиб бўлмайди? Ҳаётининг сўнгида у Жаннат боғидаги илон – синглиси Татянага нисбатан жинсий майли бўлганинги тан олди, бироқ, шундай жўшқин одамнинг жинсий қуввати гўё йўқ эди. У турмуш қурди, аммо рафиқаси бошқа ётоқлар ва болалари учун бошқа оталарни изларди. Эҳтимол, жинсий алоқа ва инқиlob ҳақидаги ўйлар миясининг айнан бир қисмида шакллангандир. Бакуниннинг сўzlари доимо ҳараларидан кўра ёқимлироқ ва оташин эди.

Бакунин Россия армиясининг кадетига айланди ва уруш ҳақидаги тезисни илгари сурди. Уни қабул қилишга эса биздаги иккюзламалик халал беради. Бакунинга кўра, инсонлар ғалаба учун эмас, эндокрин гармонларидан маст бўлиш учун уруш қиласидилар. Урушлар кўплаб одамларнинг кундалик ҳаётидаги ҳайвоний монотонликдан афзалроқдир. Бошқа тарафдан урушлар зерикарли интизом ва ҳақоратли қоидаларни англатишини ҳам билар, армия ҳаётининг айнан шу жиҳатига қарши исён унинг инқиlobий шижаотига шижаот қўшди. У истеъфога чиқди ва Гегелни ўрганиш учун Берлин университетига ўқишига кирди. Гегелнинг инсон руҳия-

тига берган таърифи (яъни “мен” бу “биз”, “биз” бу “мен”) Бакуниннинг шиорида акс этди: “Мен мен бўлишни эмас, биз бўлишни истайман” ва бу ўз навбатида Замятиннинг “Биз” романи номини маъно билан тўлдирди. Тарихнинг ҳақиқатни аниқлаш ҳаракати, шунчаки воқеалар конвейери эмас, мафкуралар курашининг диалектик жараёни сифатидаги Гегельча тамойили Бакуниннинг кўплаб авлодларини руҳлар оламида қотиб қолган фалсафани рад этишга ҳамда ялпи материя оламини тадқиқ этиш тизимини қабул қилишга ундади. Социализм тарихнинг метафизик изоҳига муҳтож эди ва Гегель диалектикаси айнан шу изоҳга пойдевор вазифасини ўтади. Бакунин мазкур фалсафани қабул қилди ва ундан ўз мақсадларида фойдаланди. Тарих янги дунёни барпо этишга интилмоқда, шу боисдан янги эскидан кўра яхшироқдир. Агар эскисини йўқ қиласанг, янгиси пайдо бўлади. Шундай экан, келинг, ҳамма эски нарсаларни йўқ қиласиз. Айнан шу нарса “анаархизм”га даҳшатли ва жозибали жарангдорлик баҳш этади. Бакунин инқилобий анархизмни карьерага айлантирди. 1848 йил Европадаги кўплаб халқ қўзғолонлари (бошқача қилиб айтганда, зиёлилар томонидан халқ номидан уюштирилган қўзғолонлар) билан ажралиб турди. Бакунин ҳаммасига шошилди, аммо ҳар сафар уларнинг энг чўққига чиққан вақтига улгура олмади. У Париждаги баррикадаларга кеч қолди, лекин янги Франция пойтахтида шу қадар катта шижиоат ва ғайрат намоён этдики, оқибатда ҳукумати уни Польшада инқилоб бошлаш учун юборди. Йўлда у Прагада тўхтаб, кўчаларда қонли қирғинлар уюштирди: мазлум славянлар золим Габсбургларга қарши – олдиндан белгиланган натижа билан. Варшавага етиб бормай туриб Дрезденда саксонларга қарши қўзғолонда қатнашди ва

маҳаллий ҳукумат томонидан қўлга олиниб, ўлимга ҳукм этилди. Бироқ, афв этилди ҳамда подшоҳ полицияси ихтиёрига топширилди. Петербургда даҳшатли қамоқ таъмини татиб кўрди, сўнг Сибирга сургун қилинди. У қочиб кетиб, барибир Польшани озод қилишга уринди, аммо муваффақиятсизликка учраб, Лионда йигирма тўрт соатлик инқилобий коммунага бошчилик қилди, сон-саноқсиз маҳфий жамиятларни ташкил этди ва Карл Маркс билан Биринчи интернационал етакчилиги учун курашди. Ниҳоят, Болонъядаги кўча баррикадаларида қаҳрамонларча ўлим топишга уринди. Италиядаги қўзғолонлар ҳам муваффақиятсизликка учрагач, ўз ётоғида жимгина ўлиш учун Швейцарияга йўл олди. Бакунин ўкинч билан вафот этди. У инқилобий анархизм учун аксилкучлар ниҳоятда қудратли деб ҳисобларди. Аммо, анархизм у билан бирга ўлмади ва олдинга қараб интилишда давом этди.

Аниқроғи, конвульсив сакрашлар билан гумбурлаб, охиста чўқди. Бакуниннинг тўғридан тўғри издошлиари янгига автоматик тарзда эришиш мақсадида эскиларни йўқ қилиш билан овора эдилар: бомбалар улоқтиридилар, у ёқса ўт қўйдилар, бу ёқса ўт қўйдилар, империализмнинг таниқли арбобларига суиқасд уюштиридилар, нафақат буржуазия, балки пролетариатнинг ҳам кўнглига қўрқув солдилар ва гўёки уларнинг анархистик подшоҳлиги даври келадигандек эди. Анархизм аҳмоқона машҳурлика эришди ва реакцион кучлар томонидан матбуотда қаттиқ саваланди. Князь Пётр Кропоткин унга бой берилган фалсафий обрўсининг бир қисмини қайтариб берди, интеллектуал, утопик унсурларни таъкидлади, шу билан бирга уни ишчилар синфи учун ишончли таълимотга айлантириди. Демак, фақатгина аристократия ўйлаб топиши мумкин бўлган фалса-

фа секин-аста таъсир кўрсата бошлади – айниқса, у Йиспанияда касаба уюшмалари билан моҳирона муросага келди. Коллективизм ва кооперация гўё бирга фаолият юритаётгандек эди, аммо кейин Фуқаролар уруши бошланди. Жорж Оруэлл айнан необакуни-анлар билан ёнма-ён курашди. Октябрь инқилоби даврида расман Совет тарихий илми томонидан унуглиган анархистлар фаоллик билан ишлашга ўтдилар. Улар инқилоб манфаатлари учун кўп тер тўқдилар, лекин большевиклар диктатурасини тан олмадилар. Улар Россияда, кейинчалик Оруэллининг унуглилар даҳшатли тахминида бўлгани сингари Йиспанияда отиб ташландилар. Анархизм – марксистлар ҳам, капиталистлар ҳам қабул қила олмайдиган шерик. У қўпчилика ўз асири учун ҳаддан ташқари романтик ва ҳаётга ярамайдигандек таассурот қолдиди. Бироқ, кутилмаган жойларда кутилмаган авлиёлар дунёга келади. Сакко ва Ванцетти нафақат анархист-биродарлар сифатида қаралган, балки авлиё ва анбиёлар қаторига ҳам киритилганлар.

Анархизм кулдан бунёд бўлди, лекин асосан ёшлар орасида. Ёшлар, эҳтимол, ўзларини ҳам социализмдан, ҳам капитализмдан ажратишни исташади, зеро, уларнинг иккаласи ҳам полиция ва қонунларга эга, мулкка ҳурмат билан қарашади ҳамда ҳаддан ортиқ моддиятга берилиб кетишган. “Мулк, – деб ёзганди про-анархист Прудон, – бу ўғриликнинг маҳсули”. Ёшлар идеализмга мойил бўлиб, бу ўспиринлик, деб аталган касалликнинг аломати бўлиши мумкин, бироқ айнан шу нарса адабиётда дунёга романтик янгиланишни берди. Шунингдек, улар зерикарли, фақат пулни ўйлайдиган, мулкка эга бўлишга нисбатан носоғлом эҳтиросга эга отоналарига қарши исён қилишга мойил. Ота-оналар уларни ўз манфаатлари, яъни ёшлар эга бўлмаган

ва бўлишни ҳам истамайдиган мулк учун курашга юборишга, қурбон қилишга тайёр. Давлат (ва биз буни айтишдан зерикамиз) – бу ота тимсоли. Дунёдаги улкан ёриқлар диний, этник ёки иқтисодий эмас; улар ягона асл ёриққа – ёшлик ва қарилик ўртасидаги жарликка туташадилар. Менга бу жарлик бир неча йил илгари Ғарбий Берлинда намоён бўлган эди. Деворни бутун узунилиги бўйлаб кўздан кечириб, “Моби Дик” номли паб столига дам олиш ва ичиш учун ўрнашдим. Унда ёшлар ишлашар, ташриф буюрувчилар ҳам асосан ёшлар эди. Ҳеч ким менга хизмат қилиш учун келмади. Ярим соат ўтгач сабабини сўраш учун пештахта сари бордим. “Чунки, – деди орийча ташқи кўринишга эга йигит, – сиз урушни бошлаган авлоддансиз”.

Умуман олганда, сабаб адолатли эди. Ёшлик ва кексалик ўртасидаги жанг, аниқроғи, балоғат ва етуклик ўртасидаги уруш – динамикани келтириб чиқарди, адреналин шовқини ҳаётга қизиқиш уйғотади. Бу уруш табақавий ва мамлакатлар ўртасидаги курашларга қараганда мақбулроқ ва у қадимги юонон афсоналарига романтик тарзда боғланади. Аммо, одатий хатолардан топиб бўлмайдиган муаммо мавжуд. Биз ер ёки пул учун курашганимизда, фазодаги моддий нарсалар учун рақобатда бўламиз. Кексалик ва навқиронлик ўртасидаги уруш – вақтлар орасидаги жанг. Ёшлик вақтни қамчиловчи йигитча, унинг моҳияти вақтинчалик. Ёшлик вақт ўтиши билан етуклика, кексаликка эврилади – ўз душмани тарафига ўтади ва ҳеч ким чизиқнинг қай нуқтада кесишишини аниқ айтольмайди. Қарилик ҳам абадий эмас, лекин у бир лаҳзалик ва қайтариб бўлмайдиган ўлим билан тутайди. Ёшлик – мазкур жараённинг бир қисми, лекин ёшлар учун у доимий, фазовий турғун ҳолида қолмоги муҳимдир. Ёшлар келиб-кетавера-

дилар, ёшлик абадий қолади. Ҳар қандай ёш одам ўз ёшлигини ёшлар мұхитидаги иштироки билан тасдиқлаши керак. Ү ёшлар орасыда бўлса ва ёшлар уни қабул қиласалар, у ёшлигини англайди. Кексаларга эса қариллеклари ҳақида жамият кафолати керак эмас ва улар ёлғизликада ўлим келишини кутадилар.

Ёшлар гурухи қилишдан кўра бўлиш ҳақида қайғуради. У ўзини аъзоликнинг давомийлиги нуқтаи назаридан англай олмайди ва маданий узлуксизликнинг ўзи йўқ. Мухими, қаердадир ёшлар билан бирга ўтириш. Ҳеч нарса қилмаслик чегарасидаги ҳаракатлар мавжуд, масалан, кучсиз наркотиклар, галлюциногенларни қабул қилиш, рок мусиқасини тинглаш – ҳар иккиси ҳам санъат ва адабиётнинг ўрнини босишга хизмат қиласади. Кексалар жамияти ва қоидаларидан бегоналашишдан мубҳам ҳис пайдо бўлади ва бу бегоналикини тажовузкорлик билан изҳор қилишта ҳожат йўқ. Афсуски, геронтократия¹ агентлари ва эскилар ҳукумати тажовузкор ҳамда мувофиқликни талаб этмоқдалар. Ўзининг борлиги билан кифояланадиган ёшлик мавжудликдан экзистенциалликка ўтишга мажбур. Сиёsat ва контрамаданият кабилар орқали гурух ўзини етуклар жамияти сифатида англайди. У ўн тўққизинчи аср коммунасига ўхшаб ўз-ўзини ўрнатилган тартиб-қоидаларга қарши қўйган бўлса-да, аммо бу тартибни ағдаришга бел боғламаган.

Албатта, буларнинг бари ҳаддан ташқари соддалаштиришdir. Агар, олтмишинчи йиллардаги ёшлар ҳаракатларини ибтидоий анархизм нуқтаи назаридан таърифлаш лозим бўлса, анархизмга бериладиган таърифлар ниҳоятда кўпайиб кетади. Ўз бегоналик туйгуларидан келиб чиқиб Германия ва Скандинавиянинг “прагматик анархистлари” синга-

¹ Геронтократия – ҳокимиятнинг кексаларга тегишлилик таомойили.

ри изчил сиёсий фалсафани яратган ёшлар ҳам бор бўлиб, улар асосан зиёли қатlam вакилларидан иборат эдилар. Хитой Халқ Республикасининг Юньян провинциясида 1968 йилда марказий ҳукумат томонидан бостирилган анархист ёшлар ҳаракати мавжуд эди. Бакунин образига асосан Америка ва Европадаги ўз пайғамбарларининг катталаштирилган суратлари билан полиция, телевидение, автобанлар, уруш, қотиллик, қамоқхоналар, борингки, эскилар томонидан яратилган жамики нарсалардан шикоят қилиб намойишларга чиқсан ёшлар мурожаат қилдилар. Бакунин ўжарлик билан давлат мавжуд эмаслигини таъкидловчи ёки ўзини давлатга кўнгилсизликлар туғдиришга бағишилаган, аъзолик ва чиқиб кетиш мутлақо ихтиёрий бўлган ҳаракатнинг илоҳий раҳнамоси бўлиб хизмат қилишга қодир эди. Аммо йигирманчи аср анархистик ҳаракатларининг мақсади асосан давлат ҳокимияти ва куч ишларат тизимларнинг ҳақиқий альтернативини таклиф этиш эди. Ёшлар коммуналари ва ҳатто кексалар кибуц¹лари ҳам хоҳлашса-хоҳлашмаса, давлат мавжудлигини тан олишларига тўғри келади: уларнинг ўzlари давлатнинг марҳамати туфайли мавжуддилар. Бугун давлат йўқ бўлган жойнинг ўзи йўқ.

Озод дунёнинг сиёсий келажаги борасидаги ҳар қандай мунозарада ёшлар ҳаракати анъанавий эркинликка қандай хавф туғдириши мумкинligини жиддий кўриб чиқиши керак. Ёшлар учун бу нарса ғалати кўриниши мумкин, боиси эркинликни чеклашга бўлган уринишлар тобора авж олаётган замонда улар ўзларини озодликнинг ягона қўриқчилари, деб хисоблайдилар. Тўғри, кексалик ёшликтининг эркини

¹ Кибуц – мулкий жамият, фаолият ва истеъмолда тенгликни назарда тутувчи Исроилдаги қишлоқ ҳўжалик коммунаси. Бу ерда турӯҳ маъносида.

чеклашга ҳаракат қиласы, лекин аслида, айнан шу нарса ҳамма нарсага рухсат берувчиликдир. Агар одамлар эркин туғилсалар, унда ингсоцга күра ҳайвонлар эркин туғилғандырлар: иккита турли хил ҳаракатлар орасыдан бириниң танлаш әркинлеги танлов нимани англатишини билишни тақозо этади. Биз билимларни тұғридан тұғри тажриба натижасыда оламиз, масалан, қуйган болакай оловдан құрқади ёки китоблардан үрин олган үзгалар тажрибаси орқали. Нео-анахистларнинг овози кинематограф Девид Хоппернинг “Китобларда ҳеч нарса йўқ, йигит” деган, ёки “Ёшларга билимнинг кераги йўқ. Ёшлик ҳамма нарсага ўзи эришади”, деган Англиялик поп-қўшиқчисининг овозидир. Примитивизмнинг кичик бир хабарчасига қулоқ солиб, доктор Сэмюэль Джонсон шундай деган: “Ҳаммаси ачинарли, жаноб. Бу ҳайвоний жиҳат”. Мазкур ёндашув шерга қараганда сигирга кўпроқ мосдир. Сигир узоқ вақт далада юради, шунда оқсилини гўштдан тезроқ ва самаралироқ олиш мумкин. Биз кексалар, таълим гўштини таклиф этамиз, контрамданият ўт-ўланларга қайтмоқда.

Таълим ўтмишдан олинган тез ва тежамкор таомлар асосига қурилган. Бақунин Гегелнинг эксцентрик назарияси билан ўтмишни рад этади. Яъни янги бўлмаган ҳар қандай нарса аҳмоқонадир. Ёшларнинг ўтмишни рад этишлари мутлақо мантиқий, сабаби абадий ҳозирги замонда яшовчи одамлар учун у бефойда. Кексалар ёшларни бостиришга урина бошлиганда, тўқмоқлар ўтмишнинг муқаддас номи билан сайқалланади. Ёшлар таълим муассасаларини рад этишлари шарт эмас, чунки сенга таълим бериладётган вақтда сен ўз мухитингдасан ва ўқув жараёни бунда аҳамиятта эга бўлмаган ёки рад этилиши керак бўлган нарсаларга умумий нуқтаи назар сифатида қаралади. Яъни ёшлик мафкураси исталган протест-

га қаратилган. “1984” пайдо бўлган дастлабки йилдан буён ёш анархизм марказий ҳукумат устидан қай даражада устунлик қила олганини мисол сифатида келтириш ибратлидир. 1949 йилда орадан йигирма йил ўтгач, олийгоҳлар бошқаруви вакиллари анъанавий таълим тизимидан осонликча воз кечиши ҳеч бир талабанинг тушига ҳам кирмаган. Талабалар шунчаки талаб қилиш орқалигина ажойиб ҳуқуқ-эркинликларга эга бўлдилар. Кексаларнинг бунга саволи “Нима учун?” бўлди, ёшларники эса – “Нега энди йўқ?”. Соғлом ақл доирасида талабалар ётоқхоналарда нега аралаш ҳолда яшай олмасликлари, нега бетартиб қовушиш мумкин эмаслиги, нима сабабдан гиёхванд моддаларни бемалол қабул қилиб бўлмаслиги тўғрисидаги саволларга умумий сабабларни топиш қийин. Истеъмолчилар жамиятида таълим ва билимни бошқа истеъмол товарларидан ажратиш қийин. Агар талабалар Петромузикология (рок-музиқаси тарихи ва эстетикаси), суахили тилининг базавий курси ёки Боб Дилан шеъриягини ўрганмоқчи бўлсалар, улар истеъмолчи сифатида ўз пуллари эвазига ўzlари истаган нарсаларга эга бўлишлари керак. Таълимнинг юқори қийматта эга эканлигини тушуниш учун маънавиятимиз етмаса, у ҳолда унинг мазмuni, Лотин тили ва Ўрта асрлар иқтисодиётини ўргатишга керакли сабабларни топишимиз мушкул. Табиийки, талабалар ўз хоҳиш-истаклари ва норозиликларини ўzlари томонидан сайланган етакчига изҳор қилишлари лозим. Ҳатто анархистларга ҳам раҳбар лозим, деб таъкидлаган Бакунин лидер сифатида ўзини назарда туттанди. Ўз издошлари сингари у ҳам янги раҳбарият турлари эски диктатура ва олигархияларда мавжуд иллатлардан холи бўлиши кераклигини таъкидларди: озод эркак ва аёллар жамиятининг раҳнамоси уларнинг зулмкори эмас,

хөхиш-истакларни қондирувчи вакил бўлиши лозим, сабаби зулм вайрон этилган ўтмишга тегишли. Замонамизга хос бўлган кулгили феномен – 1968 йилги Париждаги талabalар томонидан содир этилган тартибсизликларда баррикадаларнинг асосий қаҳрамони Даниэль Кон-Бендит ёки Халқаро ёшлар партияси асосчиси Жерри Рубин сингари талabalар етакчиларининг катта саҳнага чиқиши. Ҳозир жуда камчилик эслай оладиган бу номлар француз коллажларида “ўз-ўзидан пайдо бўлган маоистлар”, “голландиялик қўзғолончилар” қотиллик, дўкондаги талончиликлар ва инцест сингари *arte gratuit*¹ларда катта “муваффақият” қозонган пайлари янгиликларнинг доимий қаҳрамонлари эдилар. Шу ерда савол туғилади: сиёсий фаолиятнинг таълимга қандай боғлиқлик жиҳати бор? Ёшларнинг ҳақиқий етакчилари етарлича билим ва кўникмаларга эга, маданийлашган жамиятда жон сақлаш ва замон шиддатига дош бериш учун нималарни ўрганиши лозимлиги ҳақида хабар берувчи педагоглар бўлиши керак, аслида. Навқирон авлод вакилларининг ўзларига раҳнамо танлаш истаги ўн икки ёшли болалар тенгқурлари орасидан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун етакчи сайлаганиларида ўз мантиқий чегарасига етган эди. Бу билан ёш тоифалари чегараси кенгайишдан тўхтаб қолмайди, масала етакчиларни қандай топища.

Талabalар етакчилари матбуот уларни тасвиirlагани сингари эклектик² мулоҳазали маҳмадона экстремистлар, ўзларининг куруқ ва тумтароқ нутқларида Маркс ва Бакунинни, Дзен-буддизм ва маоизмни чалкаштириб юборувчи, борган сари торайиб борувчи озодлик ҳақидаги талабларидан ўзга аниқ дастурга

¹ Arte gratuit – қизиқишиз ҳаракат (фр).

² Эклектика (ёки эклектизм) – милодий II асрда пайдо бўлган, бир-бирига ўхшаш бўлмаган ғоя ва қарашларни бирлаштиришга асосланган фалсафий таълимот.

эга бўлмаган кишилардир. Асл хавф-хатар шундаки, ёшлар етук, нимани исташини аниқ биладиган ва чиндан ҳам радикал ақллар қўлида ўйинчоқ бўлишлари мумкин. Талабалар кураш олиб борадиган нарса, айни пайтда оғизларда бўлган, шу туфайли муҳимдек туюладиган ғоядир. 1968 йилда Париж кўчаларига чиққан талабаларни ҳам катта ёшли агитаторлар бошқарган. Ёшлардан иборат гурухлардан таран¹ сифатида фойдаланиш, айниқса, қулай: ёшларда энергия, қизиққонлик ва соддалик бор. Улар ингсоцни амалга татбиқ этишни истовчи тарғиботчилар учун бебаҳо ҳисобланган барча сифатларга эга. Ёшларни ўтмиш ва кексаларнинг душмани сифатида Катта Оғани севиб қолишга ўргатиш осон. Ахир, у эҳтиёткор ва ўзини Ота, деб ҳам атамайди.

Дастлаб Оруэлл дунёси ёшларни ўзига жалб этиши мумкин эди. Унинг ажойиб анархистик хусусияти бор: унда қонуналар мутлақо мавжуд эмас. У ўтмишни ҳозирги кун тўқиб чиқаришни истайдиган ҳар қандай афсоналар билан тўлдириш мумкин бўлган бўшлиқ деб ҳисоблайди. Оруэлл дунёси нафратланадиган қавм сифатида кўхна анъаналарга содик, кескин ва консерватив дахлсиз инсонларнинг кенг гурухини яратади. Эски тил ёшлар ва партия оламига хос бўлган мангуликка доҳил тушунчаларни ифодалаб бера олмаганилиги важидан рад этилди, аммо янги тилда ёшлар сўзлашув услубининг лаконик шиддати мужассам. Кейинги ҳодисалардан ташқари, ингсоц аввалига ўтмишни йўқ қилишга тайёр ёшлар орасидан шижаотли тарафдорларни топади. Сабаби – бу ўтмиш. Ингсоц инқилобини қабул қилинг, боиси у аллақачон Мао, Че Гевара, Кастро ва Бакуниннинг мифологик аралаш-қуралашларини ўзида мужассамлаштирган. Эскини йўқ қилиш ва

¹ Таран – қадимги жангларда қалъа ва шаҳар дарвозаларини бузишга мўлжалланган оғир мослама.

янгилик яратиш қувончи инқилобнинг истиқболлари саналади. Инқилобдан кейин нима бўлади – бу бошқа масала.

Агар, янгилик содда ва жоҳил ёшлар томонидан шубҳа остига олинса, уни ўтмишдан олинган меъёrlар асосида қайта таҳлил қилиш мумкин. Албатта, мен ҳайвоний ҳаётдан бошқачароқ, инсонтарварлик ҳисобланадиган, биргаликда биз зерикканча урфодатлар деб атайдиган қадриятларни ташкил этувчи бало-баттарларни назарда тутмоқдаман. Таассуфки, бу қараш мутлақо назарий ва тахминларга асосланади, яъни Худо инсонни яратганиари ичидаги қадрлиси сифатида севиш учун бунёд қилди, сабаби ҳамма маҳлуқотлар ичидаги инсонгина унга энг кўп ўхшайди. Илоҳий мавжудликка инсоний масса эмас, алоҳида шахс яқинлашади. Худо якка-ю ягона, шу жумладан, эркак ёки аёл ҳам худди шу сифатга эга. Худо ҳам, одам ҳам озоддир, аммо одамнинг озодлиги мазкур неъматнинг моҳиятини англағандагина кучга киради.

Инсон озодлиги – мунозаралардан тушмай келаётган мавзу: гарчи у кўпинча таърифларсиз, илоҳиёт ва метафизиканинг моҳиятини тушунмасдан туриб муҳокама қилинса ҳам, ҳамон талабалар йиғинларида ҳаётга қайтмоқда. Пелагий ва Августин издошлиари “Инсон озодми, ёки йўқ?” – деган савол билан найзаларни синдирадилар; калвинистлар ва католиклар бир-бирларига бақиришга уринадилар; ҳатто Милтоннинг жаҳаннамида ҳам шайтон шаҳзодалар эркинлик ва тақдирни илоҳий ҳақида баҳслашмоқдалар. Тақдирни олий битиклари Худо ҳамма нарсани билгани боис, инсон нима қилмасин, унинг ҳар бир ҳаракати Худога аён бўлиши, айнан шу сабаб туфайли одамзод эркин бўла олмаслигини таъкидлайдилар. Мухолифат бу муаммони Худо инсон-

га ирода эркинлигини атайлаб келажакни кўришни тақиқлаш эвазига берганлигини таъкидлаш орқали ҳал этади. Инсон агар Худо олдиндан кўришни истамаган ҳаракатни содир этса, у ҳолда Худо ўзининг олдиндан кўриш ҳақидаги хотирасига ўтади. Бошқача айтганда, Худо ҳамма нарсани билади, дея таърифланади, аслида эса у ўзининг бу фазилатидан фойда чиқаришга уринмайди.

Эркинликка қарши бўлган далиллар фуқаролик соҳасига ўтказилиши мумкин. Инсон тақдири нафақат генетик жиҳатдан олдиндан белгиланган, балки унинг жисмоний ва руҳий ривожланишига маълум чекловлар муҳити кўйилган. Шу сабабли эркин кўринадиган хатти-ҳаракатлар ғайриихтиёрий ва механик омиллар кўплиги билан белгиланадиган жараённинг якуний оқибати бўлиши мумкин. Инсон ўзининг рефлекс реакцияларини бошқара олмайди. Тарих циклиkdir, инсон тўғрисида ҳам шундай деийиш мумкин: у эски жойларга қайтади ва эски ҳаракатларини такрорлайди. Инсон – ижтимоий мавжудот, жамият эса шахсий эркинликни инкор этишdir ва ҳоказо ва ҳоказо. Одам – эркин бўлмаган маҳлуқот деган тасаввурни енгib ўтиш қийин ва буни катталарнинг ҳаракатлари онг остида яшириниб ётган болалик тажрибаларидан келиб чиқади, дея таъкидлаган Фрейд ҳам, илк бор ягона мақсад сари ягона йўлдан ҳаракатланишга маҳкум этилган буғ паррагини кўрган Маркс ҳам қўллаб-қувватлайди.

Инсон эркининг ҳимоячилари унинг ниҳоятда кўп тўсиқлар борлигини тан оладилар, аммо эркинликни рўёбга чиқариш иложсиз соҳалар борлигини ҳам таъкидлайдилар. Акс ҳолда, инсон ўз инсонийлик қиёфасини йўқотади. Биринчидан, одамнинг ўзига хослиги, маълум мезонлар асосида маълум хулосалар чиқаришида намоён бўлади. У мазкур ме-

зонларни тажриба ёрдамида бир-бирига боғлаши мумкин; инсон уларни тажриба ва интуиция комбинацияси орқали ўзлаштиришга қодир. Одам уларни кўллашда мутлақо эркин. Хуллас, инсон объектни чиройли ёки хунук, яхши ёки ёмон, рост ёки ёлғонлигини таъкидлашда эркин танлов хукуқига эга. Уинстон Смит ўз қайдларида эркинлик бу икки карра икки тўртга тенглигини айта олиш имкониятидир, деб ёзади ва у мавжуд бўлган учта эркинликдан фақат бири эканлигини таъкидлайди. Учта тоифани бир-биридан шундай ажратиш керакки, предмет ахлоқсиз бўлгани учун беўхшов ёки (Жон Китсга хурмат билан) чиройли бўлгани туфайли ҳақиқат сифатида талқин қилинмасин. Бари динга бориб тақалади: бизга ҳақиқат, гўзаллик ва эзгулик Ҳудонинг фазилатлари, деб уқтирилади. Бироқ, тоза эмпирик ёндашув билан булар одам ҳукм чиқариши мумкин бўлган легитим жиҳатлар эканлигини ҳеч ким инкор этмайди. Агар инсон баҳо беришда эркин бўлса, демак, ўз баҳолари асосида ҳаракатланишда ҳам эркин. Одам билимсиз баҳолай олмайди, сабаби у бўлмаса ҳаракатланиш ҳам мумкин эмас. Таълим ҳам билим, ҳам баҳолаш мезонларини эгаллашдан иборат. Шу туфайли биз билим олмасликдан озод этилмаганмиз. Бу – эркинликнинг биринчи шарти. Бироқ, бизни қандай баҳолашга ва нимага баҳолашга ўргатадиган таълимни золим, дея ҳисоблаш тўғри эмас: у бор-йўғи анъана, бошқача айтадиган бўлсак, ўтмиш бугун билан мулоқот қиласди. Мабодо янги сиёсий таълимот пайдо бўлиб, унда ҳукмдорнинг вазифаси қўй остидагиларни нима яхши, гўзал ва тўғри эканлигини танлашдек оғир юқдан халос этиш, дея таъкидланса, яххиси, бу таълимотдан воз кечган маъқул, боиси бу сингари қарорлар фақатгина алоҳида шахс томонидан қабул қилиниши мумкин. Агар сиёсий

партия бадиий асарни ёлғон (яъни партия ҳақиқат деб топган мезонларга мос келмаса) ёки ахлоқсиз (яъни партиянинг хулқ-автор ҳақидаги қарашларига номувофик бўлса) деб қораласа, қаршимизда шахснинг мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқига бўлган тажовузга яққол мисол зоҳир бўлади. Бундай ҳукмларни жамоага ўтказиш мумкин эмас: улар индивидуал рух нуқтаи назаридан мантиқий.

Одам нафақат ўз қарорлари доирасида ҳаракат қилиш жиҳатдан, балки ўз қарорлари асосида ҳаракат қиласлик жиҳатдан ҳам эркиндир. Ба энг муҳими – бу инсоннинг табиатига хос бўлиши мумкин – у ўз қарорларига зид равища ҳаракат қилишда ҳам эркин. Мен кўп чекаман, ўзимда қарамлик аломатларини сезганим учун эмас, чекиш ёки чекмаслик масаласида эркин бўлганим туфайли. Тамакининг зарари тўғрисида менга кўп ва хўб гапиришган, мен чекиш соғлигим учун хавфли, деган холосага келдим. Шунга қарамай, ўз ҳукмимга қарши ҳаракат қилиб, чекишда давом этаман. “Заарли одатлар”дан воз кечишни истамаслик эркинликдан кўра кўпроқ қулликка ўхшайди, аммо бу тақдирга тан беришга ва у билан ҳамдард бўлишга ўргатган черков (гарчи давлат бўлмаса ҳам) қаршисида инсоний саркашлини намоён этади. У сиз хоҳ кулгили, хоҳ фожиали бўлсин, адабиёт мавжуд бўлмаган бўларди. Женева ва Массачусетснинг илгариги диний ташкилотлари одамнинг ўзини жазолаш орқали уни гуноҳкор қулликдан (заарли одатлар назарда тутилган) халос этишни таклиф этганилар. Секуляр теократиялар ва социалистик давлатлар шу каби мафкурани илгари сурадилар ёки жазони “ижобий муносабат”га ўзгарирадилар. Улар фуқаронинг руҳий саломатлиги билан бирга унинг ахлоқи тўғрисида ғамхўрлик қилиш масъулиятини ўз зиммаларига олишни таклиф

этадилар. Бундан келиб чиқадики, улар буни бажа-ришга қодир эмаслар, боиси шундай ҳукмлар борки, уларни фақат якка шахстгина чиқаришга қодир.

Айнан, озодликнинг моҳияти ва уни амалга оширишга имконият берувчи шарт-шароитларни билмаслик туфайли кўплаб ёшлар сиёсий зулм доктриналари чангалига тушмоқдалар. Агар, улар анъана ва ушбу анъанани таълим воситасида етказишни рад этсалар, ўзларини диктатурадан ҳимоя қилишни ҳам рад этган бўладилар. Бошқача айтганда, улар зулм нима эканлигини билишмайди. Ўтмишни рад этиш ва ўз-ўзидан, гегелианлик зарурияти билан янги эскидан яхшироқлигини таъкидлаш ортидан анархизм диктатура учун йўл очади. Бундан ташқари анархист ёвузликни бошқарув воситаси сифатида давлатга боғлайди. Ва эркин жамият ҳам ўз мавжудлигини сақлаб қолиш воситаларини топиши кераклигини тан олишга қодир эмас. Бакунин ўзининг издошлиаридан фарқли равища аниқ тушунардики, хавф-хатар нафақат давлат тимсолида, балки олимлар жамияти, банкирлар жамияти сингари нимани исташини биладиган гуруҳлар сиймосида ҳам на-моён бўлиши мумкин. Давлатда ҳокимиётни сақлаб қолиш истагини туғдирувчи сеҳрли ҳеч нарса йўқ. Зулм ҳар қандай ижтимоий гуруҳнинг маҳсули бўлиши мумкин.

АҚШда икки сабабга кўра хавфли бўлган ёшлар "коммуна"ларини кўрдим. Улар нодонлик, агрономиянинг асосий тамойиллари асосига қурилган. Ургуни етиштириш ва чўчқаларни боқиши ўтмишдан ўрганилиши керак, лекин ўтмиш рад этилган. Улар кичик бўлса-да, жамиятни бирлаштирадиган принципларнинг моҳиятини билмас эдилар. Улар гуруҳдагина умумий ирода мавжуд, деб ҳисобладилар, кейинроқ маълум бўлдики, гуруҳ бир-бири

билин қирпичоқ бўлаётган алоҳида шахслар тўдаси экан. Энг кучли шахс ҳукмронга айланди ва итоат этишни талаб қилди. Итоаткорликка кўпинча иррационал равишда мажбур қилинарди – бундан маълум бўладики – мистик тарзда. Чарльз Мэнсон тўдаси – раҳнамонинг қандай тарзда халоскор ва Исо Масих хусусиятларини ўзида мужассам этганилигининг ажойиб намунаси. Унинг издошлиари фашистлар давлатига нисбатан камроқ жиноят содир этишган, бироқ ёвузлик миқдор билан ўлчанмайдиган тушунча. Давлат рад этган ижтимоий бирлиқ, ўзини ўша давлатнинг қуроли бўлганлардан кўра яхшироқ тутишига кафолат йўқ. Анархист жамиятлар томонидан асос солинган жоҳиллик ва анъаналарни тан олмаслик туфайли, унинг аждодларидан кўра ўзини ёмонроқ тутиши эҳтимоли юқори.

Ҳар қандай жамият, кибуц ёки жамоавий “Уолден”нинг аномалияси (Б.Ф.Скиннер руҳида) – улар бир вақтнинг ўзида юқори даражадаги ижтимоий моҳиятни қабул қиласидилар ва инкор этадилар: улар ўзларини ижтимоий тананинг томирларидан узуб қўядилар, лекин унинг бир қисми бўлиб қоладилар ҳам. Скиннернинг “Уолден икки”¹ жамоаси ўз озиқ-овқат маҳсулотлари ва электр энергиясини ишлаб чиқаради, бироқ на асбоб-ускуналар, на механизмлар ишлаб чиқаришга қодир эмас. Унинг симфоник оркестри йўқ, аммо Бетховен ёки Вагнерни лента ва пластинкаларда тинглаш ҳуқуқи бор. Унинг каттагина кутубхонаси бор, аммо ўзи китоб чоп эта олмайди. Американинг баъзи кулгили ёшлиар жамоалари ўз уйларини кока-кола қутилари, эски машиналардан қурмоқдалар. Истеъмолчилар жамияти уларни ахлат сифатида қабул қилиб, нафратланади.

¹ “Уолден бир”, эҳтимол, Торо томонидан тасвиранган идеал жамоани назарда тутади.

Антонионининг “Забриски пойнт” фильмни апокалиптика саҳна билан якунинг етади – у ерда истеъмолчилар жамияти Бакуниннинг кўхна ва меҳрибон руҳида қирғин қилинади, аммо бу манзаралар машинасида радиоси бўлган қизнинг миясида содир бўлади. Анархизм бўлиши мумкин эмас. Бакунин – ўлган пайғамбар.

Улкан жиноятлари ёшларнинг кўз ўнгидаги майшийлик ва жангарилик бўлиб кўринадиган Америка Кўшма Штатлари ҳамда Буюк Британия сингари демократик жамиятларда аксил-маданий жамоалар ва норозилик гуруҳлари аксар ҳолатларда давлат аталмиш муассасанинг мустаҳкам зирхини муваффақиятли тешиб ўтадилар. Вақт ўтиши билан улар қонуналарни ўзгартирадилар ва бюрократияни кучайтирадилар. Аёллар тенг хуқуқлилиги ҳаракати, гомосексуалистлар тенг хуқуқлилиги ҳаракати фойдали ва адолатли бўлса ҳам ишга қабул қилиш жараёнидаги хуқуқ бузилишларини жиноятта тенглаштирадилар, аммо улар ҳатто тилни ўзгартиришга ҳам тайёрлар, бошқача сўзлар билан айтганда, мен ёзувчи сифатида заррача бўлсин камситувчи сўзлардан фойдалансам, жиноий жавобгарликка тортилишим ҳам мумкин. Худди шу нарса Британиянинг ирқий муносабатлар қўмитаси каби мутаассиблиқ, камситиш ва “ирқчи тил”ни ҳақли равища қоралайдиган ташкилотлар учун амал қиласи. Бирор, натижада шахснинг хукм чиқариш ва ҳаракат қилиш эркинлиги бузилмоқда. Касаба уюшмалари – мамлакатнинг янада каттароқ жамоаси таъсир доирасида қай даражада улкан кучга эга бўлиш мумкинлигининг ёрқин мисоли (айниқса, Европада). Баъзида таъсир кучлари адолатли асосга эга бўладилар, баъзида эса йўқ. Эҳтимол, ҳаддан ташқари асоссиз талаблар қўядиган таъсир гуруҳлари билан музокаралар жараёнида давлат ахлоқий

тамойилларга таяна олмайди. Таъсир гурухлари қонуний қабул қилинган жамоавий ҳаракатлар доира сидан мутлақ чиқиб кетишлари ҳеч гапмас: гап сиёсий сабабларга кўра одамлар ўтирланиши ва самолёт-ларнинг гаровга олиниши ҳақида бормоқда. Устига устак террорчилар Парвоз йўлаги I ни тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада иддао қилмоқдалар. Яқинда катта шаҳарларимиз ҳам гаровга олинганилиги ҳақидаги хабарлар чиқса ажабланмасдим. Бу ўзининг энг юқори чўққисига чиқсан бакунинчилик. Ўтган кунлар анархиячисининг карикатураси – асосчи авлиё сингари соқолдор, рождество пудингига ўхшаш тутайдиган қора бомбани кўкрагига босган, ажаловар маҳлукқа айланган инсон. Ингсоц яратмоқчи бўлган инқилобчиларнинг анъанавий анархистлардан фарқи, уларнинг маъсумлигида ва юқори интеллектга эга эканликларида. Ингсоц мавжуд Farb ҳукумат тизимларининг бирортасида пайдо бўлиши мумкин эмас, у осмонларда Бакунин томонидан дуо қилинган ташқарини кўзламоқда.

Фақат шахсина ҳақиқий анарх бўлиши мумкин. Оруэлл буни шахс ва коллектив ўртасидаги абадий тўқнашув ҳақидаги аллегорияси – “1984”ни ёзганда тушунгандай. Ўттиз саккиз ёш бўлишига қарамай Уинстон Смит ўз нодонлигининг таъсири туфайли ниҳоятда ёш кўринади, гарчи бу жоҳиlliқда барча айб унинг гарданида бўлмаса ҳам. У хаёлига келтириши мумкин бўлган ягона озодлик – ҳақиқат ва ёлғонни айта олиш ҳуқуқи. О’Brien тўғри айтганди: унда давлат мағкурасига қарши тура оладиган метафизика йўқ. Гарчи у аниқ дунёқарашга эга бўлган тақдирда ҳам, партияning қудратли машинасини мағлуб этишга кучи етмасди. Мағлуб бўлаётганини билса-да, бироқ унда Сенека қаҳрамонлари сингари курашаётганигининг ўзиданоқ ички мамнуният

туйгуси бор эди. Мазкур ҳолат бутунги кунда ҳатто энг бағрикенг демократик тузум шароитида ҳам эркин фикрловчи индивиднинг бўлиши мумкинлигини мелодрамик бўрттиришdir. Ҳақиқий раҳнамоси Торо бўлган шахс мудом давлатта қарши туради ва таъсир доираларнинг борган сари ўзларига кўпроқ эркинлик талаб қилишлари ҳисобига унинг озодлиги муқаррар равишда чекланиб боради. Онгини тўлдиришга сарфланиши мумкин бўлган вақт ҳар хил қофозбозликлар, бюрократия билан умидсиз курашларда ўтди. Унинг пуллари мусодара қилинади. У бутун дунё бўйлаб эркин саёҳатга чиқа олмайди, боиси валюта айирбошлишга доир қонун-қоидалар туфайли валюталарни алмаштиришга тақиқ қўйилган. Тамаки ва алкоголь сингарилардан лаззат олиш акциз солиқларининг кескин кўтарилиши ҳисобига мумкин бўлмай қолади. Аммо, у ҳамон эпистемологик¹, эстетик ва ахлоқий масалалар бўйича эркин хукмлар чиқаришга қодир ва айнан шу хукмлар асосида ҳаракат қилиш ёки қилмасликни ўзи белгилайди. У урушни ёвузлик деб атагани туфайли қамоқقا тушиши ҳеч гап эмас. У узоқ мулоҳазалардан сўнг, агар ўлдириш шахсияти, мол-мулкига нисбатан тажовузларга қарши ягона реакция, деган хulosага келса, қотиллик содир этиши мумкин. У ўғирлай олади, одобсизлик қила олади, ёзиши, чизиши, бўяши, ижод қилиши мумкин. Шубҳасиз, ўлимiga қадар ўз эркинлигини рўёбга чиқариш йўлида азоб чекишига мажбур. “Истаган нарсангни ол, – дейилади испан мақолида, – аммо пулини тўлаб қўй”. Мухими шундаки, инсон ўз қилмишининг моҳиятини тўлиқ тушунмасдан ҳаракат қилмаслиги лозим. Бу озодликнинг муҳим шарти.

¹ Эпистемология – билимларнинг тузилиши, таркиби, фаолияти ва ривожланишини ўрганадиган фалсафий-методологик дастур.

МУРВАТЛИ АПЕЛЬСИНЛАР

Мен юқорида баён этилган инсон эркинлиги тұғрисидаги нүктаи назарда чидаң бўлмас романтик нимадир борлигини биламан. У гўёки, душман қанча уринмасин, бош чаноғимиз ичидаги мустаҳкам қалъада индивидуализм қадриятлари сақланиб қолишини иддао қиласи. Сангин деворлар қамоқхонани яратмасин. Бу жуда эскирган ва замонавий диктатурани етарлича тушунмаслиқдан далолат беради. “1984” асосида суратга олинган дастлабки иккি фильмда (улар энди намойиш этилмаса ҳам керак) Жулия ва Уинстон отишга буйруқ берилишидан аввал қичқирадилар: “Йўқолсин Катта Оға”. Уларнинг муаллифлари китоб моҳиятини умуман тушунмаганлар. Партияning мақсади душманларни йўқ қилиш эмас, уларни намунали фуқарога айлантиришdir. Жазо қўллаш эмас, бидъатларни йўқотиш муҳимроқ. Еттинчи қопламани ўзгача фикрловчи ақл билан тушириш керак, шундагина унга партия таълимотини зўрлаб сингдириш мумкин. Бироқ, ҳеч қандай мустаҳкам қалъа йўқлигини билган ҳолда, орамиздан кўпчилигимиз индивидуал қалбимизда зулмдан қочиб кутуладиган қисм борлигига ишонамиз ёки ишонишни хоҳлаймиз. Ингсоц жасадлари йўқ қилинган, аммо овозлари ҳамон янграгувчи насроний жафокашларнинг сабогини ўзлаштириди. Этимологик жиҳатдан “жафокаш” – бу гувоҳ. Янги давлатнинг адолати “гувоҳликка” йўл қўймайди.

Хозирда аксариятимиз қамоққа тушишга ҳаракат қилмасак-да, у ерга лаззатланиш учун бориш ҳақидағи яширин орзуларимиз бор – парадоксал! – ҳақиқий эркинлик. Замонавий ҳаёт стресслари тоқат қилиб бўлмас даражада қўпаймоқда ва биз фақатгина давлатни айбламаслигимиз керак. Ҳаражатлар кетидан

харажатлар, гоҳ автоуловимиз бузилади ва таъмирлаш бефойда бўлиб қолади, томдан чакка ўтади, автобуслар келмай қолади, зерикарли ишни бажариш орқали тирикчилик қиласиз, сұғурта, касаллик, эрталабки газеталарга кўчган шафқатсиз дунё манзараси. Кафка руҳида содир этмаган гуноҳ учун жазоланиши истаймиз, лекин шу билан биргалиқда айбдорлик ҳиссини ҳам татиб кўргимиз келади ҳамда барча жавобгарликни ўз зиммамизга олишни хоҳлаймиз. Жон Буньяннинг “Зиёратчининг саёҳатлари”, ёки Оскар Уайлднинг “Рединг қамоқхонаси ҳақида баллада”си сингари асаллар ёзиш учун ҳам якка қамоқقا тушиш истаги бор. Ҳатто китоблардан, қоғозлардан, ёруғлиқдан маҳрум бўлиш ва ақлдан озиб қолмаслик учун мияда қаҳрамонлик мисраларидан иборат ниҳоясиз достон тўқиши хоҳиши ҳам. Қафасни ҳеч қандай темир қулфлай олмайди. Инсоннинг тутқуналиқда бажарган юмуши унинг қай даражада эркинлиги синовидир. Ингсоц инсон бебошлигининг тузатиб бўлмас иродасини жуда нозик тушунади ва сиз билан жазо камерасида ҳам bemalol жойлаша олади.

Бироқ, Оруэлл какотопияси барча эркин бўлмаган жамиятларнинг тимсоли бўлса-да, биз эркин ақлнинг илм-фан методларига бўйсуниши ҳақида жуда кам биламиз. 1990 ёки 2900 йилларда нималар рўй бериши ҳали номаълум, лекин 1984 йилда жарроҳлик ёки турли психотехникалар ёрдамида миянинг ўзгартирилиши бўйича аломатлар йўқ. Дарҳақиқат, романда шундай эпизод борки, Мехр-муҳаббат вазирлиги ертўлаларида О'Брайан қандайдир техника ёрдамида қандай қилиб инсон миясига Партиянинг ҳақиқат тўғрисидаги нуқтаи назарини киритиш мумкинлигини кўрсатиб беради.

“ – Бу сафар оғримайды. Күзларимга қаранг.

Даҳшатли портлаш юз берди, ёки овоз ҳамроҳ бўлгани боис унда бу нарса портлашдек таассурот уйғотди. Аммо, кўзни кўр қилгулик даражадаги чақмоқ шубҳасиз эди. Уинстонга заарар етмади, лекин ииқилди. Гарчи чалқанча ётган бўлса-да, уни юзтубан ташлашгандек туюлди. Даҳшатли ва оғриқсиз зарбадан сулайиб қолди. Ва миясида нимадир содир бўлди. Кўзлари равшанлашгач, кимлигини, қаердалигини, юзига ким тикилиб турганини эслади; аммо миясининг қаеридаидир жойлашган бўшлиқли соҳа бўлак каби бошидан чиқариб олингандек эди назарида [...]

О’Brien чап қўлини бош бармоғини яширган ҳолда кўрсатди.

– Бешта бармоқ. Бешта бармоқни кўряпсизми?

– Ҳа.

Ва миясидаги ҳамма нарса жойига тушишдан аввалроқ, кўз очиб юмгунчалик фурсатда уларни кўрди. Унинг кўзлари бешта бармоқни кўрар, ҳеч қандай бузилишни сезмасди. Сўнг қўл табиий кўринишга келди ва шу заҳоти онгини аввалги нафрат, қўркув, чалкашликлар қамраб олди [...]

– Энди ҳеч бўлмаганда, – деди О’Brien, – бунинг иложи борлигини тушунгандирсиз”.

Аммо, бу агар астойдил ҳаракат қилинса, мия ни маларга қодирлигини намойиш этувчи хийла-найрангдан ўзгаси эмас. Ва бизга аён бўладики, ингсоц эрксизлиги у даражада ғайритабиий эмас, анъана-вий ақл эркинлигига нисбатан қаттиққўл муносабатга асосланади. Агар О’Brien томонидан тушунирилган партия дастурига ишонилса, қийноқ ва шафқатсизлик самарали бўлиши учун эркин фикр га таъсир кўрсатмоғи даркор. Эҳтимол, сиз итга нисбатан қилган қўпол муомалангиздан қониқиши

хосил қиласиз, аммо содир бўлаётган воқеаларни ва улар нима учун юз берәётганинги чуқур тушунган одамга қилинган қўпол муомаладан олинган қоникиши ҳисси ширинроқдир. Идеал ҳолатда Партия жаллодлари Шекспир, Гёте ёки Эйнштейнни – юқори ақл ва беназир онг эгаси бўлган инсонларни тутиб, уларни кулранг нимарса ва фарёдан бўкираётган гўшт массасига айлантиришни афзал билишади.

Афтидан, партия одамни умидсиз ва бўш аҳволга келтириш учун Совет Россияси ва Фашистлар Германиясидан ўрганилган усулларни қўллайди, бу эса мазлумнинг содир этилмаган жиноятларни тан олиши ва пушаймондан кўз ёш тўкишига олиб келади. Ба 101-хона механик терроризмнинг авж пардасини англатади, зоро, “дунёдаги энг ёмони”га жабрлувчининг ички имкониятлари қандай бўлишидан қатъи назар бардош бериш мумкин эмас. Бу усул иррационал, қўзғалишга нисбатан рефлексли жавобга асосланган бўлиб, субъектдан субъектга ўзгариб туради: Уинстон Смит ҳолатида каламушлар, илонлар ёки қора сувараклар, бошқа бирорга нисбатан тирноқларни синдириш – ёвузлик материаллари маълум шахснинг фобияларини қунт билан ўрганиб чиқиб бўлингандан сўнг танланади. Буларнинг бари ажойиб, аммо ишончли эмас.

Агар Уинстоннинг реакциясига қарасак, ҳаракатлар ишончсиз. Мана, унинг устига оч каламушларни кўйиб юбормоқчилар. Улар Уинстоннинг юзига чанг солади, оғзини йиртади, тилини ейишни бошлайди. О’Brien қафасни очиб юбормаслиги учун Уинстон керакли сўзларни айтиши кифоя. Барча қийноқлар давомида у севгисига хиёнат қилмади, энди ўзи эмас, маҳбубасининг каламушларга ем бўлишини сўраши керак. Сўзлар етарли. Энди у ҳаммага ва ҳамма нарсага хиёнат қилди. Уинстон тузалди. Лекин, биз билан

мизки, зўравонлиқ туфайли қилинган хиёнат хиёнат эмас. Виждон тезда ўзини оқлаб, айбни ақл-идрокдан ташқаридаги рефлексларга тўнкайди ва айбордлик ўрнига тўғрилик, манипуляторга нисбатан янада кучайган ҳамда мустаҳкамланган нафрат пайдо бўлади. Аслида, ингсоцнинг шахс қаршилигини синдириш учун ҳар қандай воситалардан фойдаланиш ҳақидаги ғоялари жуда содда ва ибтидоий. Аммо бу кўшфирлилик фалсафасига мос келади. Катта Оға бир вақтнинг ўзида мутлақ ҳукмдорликни истайди ҳам, истамайди ҳам. Агар унда заррача умид қолмаса, қурбон ҳақиқий қурбон бўла олмайди.

Давлатнинг Уинстон Смит устидан ғалабаси шахсни муентазам ёки павловчасига синдириш ва уни шартли рефлекслар массасига айлантириш ҳисобига қўлга киритилмади. Оруэлл аниқ-равshan таъкидлаганидек, Уинстон Смит Катта Оғага нисбатан қаршилигини ўз хоҳиш-истакларига кўра ва Мехр-муҳаббат вазирлигининг озгина кўмаги ёрдамида енгиши керак. Шунингдек, қийноққа солувчилар мазлумга ақлий ресурсларининг етишмаслигини, унинг фитрати партиянинг қаҳри қаттиқ ва қатъий метафизикаси олдида шунчаки жўн фикрлар ҳамда жозибали иборалар уюми эканлигини кўрсатиб беришлари керак. Унга ўтакетган тутуриқсизлигини намойиш қилдилар, энди у мазкур бўшлиқни энг муносиб нарса – Партияга садоқат ва Катта Оғага нисбатан муҳаббат билан тўлдириш лозимлигини билади. Бошқача қилиб айтганда, партия ҳам қайсиadir маънода эркинликка, хоҳиш-истаклар ифодасига таянади, боиси Партия обрўси, унинг ваколатлари ихтиёрий қабул қилинмас экан, қадр-қимматга эга эмас.

Оқшом бўйи Уинстон клубда ингсоц ва шахматнинг ўзаро алоқаси тўғрисидаги аҳмоқона маърузани тинглаб ўтиришга мажбур. Биз маърузанинг

мазмунидан бехабармиз, лекин давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларда шахматга ўхшаш нимадир борлигини биламиз, сабаби тизимнинг ўзини қўллайдиган интеллектуал техникада шахматсимон нарсалар бор. Қўшфикриликин қўллаш шахмат ўйнашга ўхшайди: фикрлар стратегиясини режалаштириш, шу жумладан, тўсатдан уюштирилган ҳужум орқали унинг кутилмаган ҳалокатини ҳисобга олиш; янги тилда гапириш – чегаралангандан белгиланган юришлар мавжуд, вақт эса чегаралангандан: унга манёвр қилиш эркинлиги берилади, аммо қудратли рақиб устидан ғолиб бўлиш умиди йўқ. Роман сўнгига келиб, Уинстон “Каштан остида” қаҳвахонасида ўтириб, “Times”да берилган шахмат жумбогини ечади. Оқлар қанчадир юришда ғалаба қозониши керак:

“У шахмат масаласига кўз югуртириб, доналарни жойлаштириди. Бу иккита от ёрдамида амалга ошириладиган айёrona якун эди. “Оқлар бошлайди ва икки юришда мот қиласди”. У нигоҳини Катта Оғанинг суратига қаратди. Оқлар ҳар доим мот қиласди, – ўйлади у аллақандай мубҳам туйғу билан. – Ҳар доим шундай бўлиб келган. Истиснолар йўқ. Қадим замонлардан бўён ҳеч бир шахмат жумбогида қоралар ғалаба қозонмаган. Бу эзгуликнинг ёвузлик устидан абадий, ўзгармас ғалабасининг рамзи эмасми? Сокин, қудратли ва улуғ чехра унга нигоҳлар орқали жавоб қайтарди. Оқлар ҳамиша мот қиласдилар”.

Оқлар доим ғолиб чиқишининг сабаби, яхши ўйинчилар доим оқ доналарни танлайдилар. Аммо қора доналарни сураётган ўйинчида, агар уддаласа,

ғолиб чиқиши эркинлиги сақланиб қолади. Бунда, онгни бошқариш ўйинида фуқаролар мафкурадаги хийла-найрангларни илғаш эркинлигига эга бўладилар. Оруэлл давлати ингсоц эмас, инглиз социализми фаолият қўрсатадиган ҳукумат билан тўғридан тўғри боғланган. Оддос Ҳакслининг “Ажиб янги дунё”сида бўлгани каби инсон руҳияти гўдакликдаги шартли рефлексларни ўзгартириш орқали шакллантирилмаган. Оруэлл янги павлов жамияти аъзолари жинсий ёки ижтимоий норозилик туфайли баҳтсиз бўла олмаслигини тўғри фаҳмлаган. Ҳақиқий тоталитаризмга ҳаёт берувчи зиддиятлар – шахснинг онгига ўсувчи, диктатор томонидан эрки чекланганлиги ҳақидаги зиддиятлар суръатдан маҳрум этилган. Бошқа томондан, ҳокимият билан озиқланиш шартли рефлекснинг маҳсули бўлиши мумкинлиги, дунё давлатининг альфа амалдори ўзининг аввалдан тайёрланган ўрнидан гамма фаррош сингари қутула олмаслиги унинг хаёлига келмаган. Оруэлл эркинликнинг ашаддий курашчиси бўлиб, ҳатто ундан ўз даҳшатини яратди. Ҳаксли утопияси кўрқувга эмас, баҳтга қурилганлиги важидан ҳаётий қуввати йўқдек туюларди унга. Азоб-уқубатларсиз диктатура мавжуд эмас.

Инсон қалбини бутунлай манипуляция қилиш усуллари “Ажиб янги дунё” олам юзини кўрган 1932 йилдан бери мавжуд. Иван Петрович Павловнинг яна тўрт йил умри қолганди. У ўз ишини бажарди ва уни ижтимоий ҳаётда амалда қўллашнинг айрим имкониятларини кўриб чиқди ҳам. Ватандоши Бакунин сингари Павлов ҳам подшоҳ истибдоди ушлаб тура олмаган интеллектуал оптимизмнинг буюк босқичи маҳсули эди. Аслида, цензура ва обскурантизм¹ фал-

¹ Обскурантизм – таълимга, фанга ва тараққиётга душманларча муносабатда бўлиш.

сафий ва илмий тафаккур учун ажойиб рағбат вазифасини ўтади. Бакунин одамлар яхшига айланыб бўлишган деб, Павлов эса уларни яхшига айлантириш лозим деб ҳисобларди. Ўн тўққизинчи асрнинг ҳақиқий материалисти, инсон миясида Вунднинг сўзлари билан айтганда, жигар сафро ишлаб чиқарганидек, фикрлар ишлаб чиқарувчи аъзони кўрди ва олимлар учун мияни тадқиқ этишдаги жумбоқлар қолган тана аъзолариникидан каттароқ эмас, деган хуносага келди. Мия фикрлар ва ҳис-туйғулар омбори, ҳаракатлар ташаббускори, уни ўрганиш, кесиш, тубдан ўзгартириш мумкин, аммо уни ўзгартириш инсон тана аъзоси сифатида соҳибини янада мукаммаллаштиришга қаратилган самарали ҳаракатлар воситасида амалга оширилади. Бу пелагианизмнинг олий шакли эди. Тақводорлик ила такомилга интилиш илмий дастурга айланди. Павлов итлар билан тажриба ўтказиб, уларнинг рефлексларини ўзгартириш мумкинлигини аниқлаган: овқат олиб кел ва қўнғироқчани чал, ит сўлак ишлаб чиқаради. Овқат олиб келмасдан қўнғироқчани чал, ит барибир сўлак ишлаб чиқаради. Мазкур кашфиёт катта салоҳиятта эга эди ва Ҳаксли буни тушуниб етди. “Ажиб янги дунё”да куйи табақа ёшлари катта бўлгач сотиб ололмайдиган истеъмол товарларидан нафратлашишни ўрганишади. Болаларни қувончдан чақнаб, ёрқин рангли ўйинчоқларга қараб эмаклашга даъват этамиз; уларга тегмоқчи бўлганларида сиреналар чалинади, электр қўнғироқ кескин жаранглайди, бундан ҳатто ўйинчоқларнинг ўзи даҳшатга тушишади. Шу каби бир неча сеанслардан сўнг болалар ўйинчоқларни ёмон кўриб қолишади. Худди шу тарзда вояга етгач, улар шампан виноси ва суррогат икрадан ҳам нафратланишлари мумкин. Салбий шартли рефлексларнинг бундай тарзда мослаштирилиши

рад этиш ё қабул қилмасликни ўргатиш мақсадида амалда қўлланилади. Худди шундай тарзда ижобий шартли рефлексларни ҳам тарбиялаш мумкин. Ахлат қутиласидан ёқимли хид таралса, ундан ёқимли куй эшитилиб турса, болакай умрбод ахлат йиғувчи бўлишга ҳам тайёр.

Совет давлати одамларни ўзгартиришни истарди, русларнинг характеристини билган ҳолда ҳис қилиш орқали бунга эришишга интилди. Павлов телба, лоқайд, романтик, интизомсиз, бесамар, анархист рус қалбидан нафратланар, бир вақтнинг ўзида англосаксларнинг совуқ мулоҳазакорлигига қойил қоларди. Ленин ҳам ундан нафратланган, бироқ у ҳамон мавжуд. Совет ресторанларида официантларнинг дангасалигига дуч келганингизда (баъзида буюртмани уч соат кутишга тўғри келади), такси ҳайдовчиларининг манқуртларга хос депрессияларида, совет ичкиликбозларининг нола ва ҳайқириқларига гувоҳ бўлганингизда беихтиёр хаёлингизга шу нарса келади: коммунизмсиз бу одамлар омон қолмас эдилар. Аммо, сиз Павловнинг услуби воситасида рус характеристини қайта қуриш, Чехов ва Достоевский асаларини узоқ келажак ўқувчилари учун тушунарсиз ҳолатга келтириш ҳақидаги Ленин таклифларини эшитиб, қўрқувдан қалқиб кетасиз.

Ленин буюк олим Совет Кишисини яратиш йўлини кашф қилмоғи учун Павловнинг оиласини капиталистик ҳашаматга буркади, барча керакли воситалар билан таъминлади, ҳамма шароитни муҳайё қилди. Павлов ўз итлари билан тажриба ўтказишида давом этди (“Одам қандай қилиб итга ўхшаши мумкин?” – бу саволга Шекспир агар Б.Ф.Скиннерни ўқиганида жавоб берган бўларди). Уларни ниҳоятда ғамхўрлик билан касалдан фориғ этиш, жониворларнинг миасидаги яrim шарларда ҳаёт уруғларини топиш учун

Павлов уларга асаб тизими касалликларини юқтириди (аслида, итларни Павловчалик ҳеч ким севмасди). Айни пайтда совет полицияси олимнинг рус рухиятини синдириб, неврозни юқтириш борасидаги күрсатмаларини бажааради. Дунёда яхши нарса ҳам, ёмон нарса ҳам йўқ, ҳаммаси инсон улардан қандай мақсадда фойдаланишига боғлиқ, деган қадимий ҳақиқат яна бир бор ўз исботини топди. Шубҳасиз, гуманизмни алдадилар: одамни ўзгартириш, жиноятчини оқил фуқарога айлантириш, муртадни итоатга келтириш, исёнкорнинг рухини синдириш мумкин. Аммо совет одами бундай яратилмаган.

Бугун биз олим Павлов ҳақида эмас, олим Скиннер ҳақида кўпроқ эшитамиз. Амалиётчи хулқ-автор психологии Б.Ф.Скиннер “Озодлик ва қадр-қимматдан ташқари” китобида кишилик жамияти омон қолиши мумкин бўлган шароитлар ҳақида ёзади ва бу шароитлар ижобий шартли рефлекслар орқали инсонни ўзгартиришга асосланади. Инсонга фақатгина жамият онгини ривожлантириш ва тажовузкор майлларни йўқотишнинг мантиқий зарарини на-мойиш этиш (шундан келиб чиқадики, у онгли мавжудот) етарли эмас. Хулқ-авторнинг у ёки бу модели лаззат туйғуси билан боғлангандагина кераклидек кўринади. Яна бир салбий усулда хулқ-авторнинг қарама-қарши модели инсонлардаги оғриқ ва меҳрисизлик билан боғланади. Аммо, қандайдир сабабларга кўра биз цирк жониворлари қандай тарбияланишига аҳамият бермаймиз, у қамчи бўладими ёки қанд бўлаги, ўргатиш усули бизга ёқмайди. Биз ўргатиш ва шартли рефлексларни тарбиялаш ўртасидаги Фарқни кўрамиз. Агар бола қайсар бўлса, хархаша қиласа, сиёҳ тўпчаларини ўқитувчига отса, бу ҳеч бўлмаганда эркинликнинг далилидир. Аммо, агар сиз гипнopedия ёки уйқуда ўргатиш (бу ҳақида “Ажиб

янги дунё”да ҳам ёзилган), шартли рефлексларни беланчакдаёқ тарбиялаш, бихевиористик¹ хатти-ҳаракатлар арсенали ҳақида ўйласангиз, гарчи мукофоти қанд бўлғаги бўлса ҳам, шахсий эркинликнинг йўқотилишидан даҳшатга тушасиз. Скиннернинг сарлавҳаси ҳам қўркув уйғотади. Ҳақиқатнинг ўзга томонида, гўзалликнинг ўзга томонида, Худонинг ўзга томонида, эзгуликнинг ўзга томонида, ҳаётнинг ўзга томонида... Катта Оға у қадар узоққа бормайди.

Коммунистларнинг қамоқ ва қийноқларини бошидан кечирган Артур Кестлер мияни манипуляция қилиш фикридан даҳшатга тушишга мойил бўлиб қолди². Инсониятни ўзгартириш учун нимадир қилиш керак, акс ҳолда одамзот яшамайди. Хиросима ва Нагасакига тушган атом бомбалари янги даврни бошлаб берди, бу шундай даврки, биз башариятнинг мана шундай даҳшатли ўлим топиш ҳолатига дуч келишимиз мумкин. Одамнинг ғалати мия тузилиши туфайли яратилган даҳшат инсониятни батамом қириб ташлаш воситасига айланиши мумкин. Юксак тафаккурнинг маҳсули ақлсизнинг қўлида. Ўзининг “Янус” китобида Кестлер “хиссий эътиқодга асосланган рационал ва иррационал фикрлаш ўртасидаги параноидал жарлик” ҳақида тўхталиб, бир вақтлар *homo sapiens* эволюциясида даҳшатли фалокат бўлганилигини тахмин қиласиди. У Мериленд штати Бетесда шаҳридаги Миллий Психологик саломатлик институти доктори Пол Д.Маклин назариясини мисол сифатида келтиради. Унга кўра инсонга таби-

¹ Бихевиоризм – одамлар ва ҳайвонларнинг хулқ-авторларини ўрганишга тизимли ёндашиш. Бунда барча ҳаракатлар рефлекслардан, маълум стимулга реакциялардан иборат, деб тахмин қилинади.

² Қандайдир хато ўтган бўлиши мумкин: Испаниядаги фуқаролар уруши вақтида Кестлер аксинча, франкистлар томонидан хибсга олинган.

атан учта мия тури берилган: биринчиси судралиб юрувчи, бошқаси пастки сут эмизувчилардан мерос, учинчиси – “инсонни инсон қилган” сут эмизувчилар ривожланишининг маҳсули. Ушбу уч мия бир-бирига боғлиқ эмас, “шизофреник” атамаси том маънода марказий асаб тизимиға нисбатан қўлланилиши керак: инсон аввалбошдан касал мавжудотдир.

“Инсон ерни тарк этиши, ойга жойлашиши мумкин, – дейди Кестлер, – аммо Шарқий Берлиндан Гарбий Берлинга ўтишга қодир эмас. Прометей тел-банамо қулги ва қўлидаги тотемик рамз билан юлдузларга етиб боради. Гомогенетик мия ярим шарининг, бошқача қилиб айтганда, изокортекснинг эски, ҳайвоний мияни бошқара олмаслиги, одамнинг қандай бўлса, шундай бўлишига олиб келади. Шунингдек, инсон туғуруқдан кейин ажабланарли даражадаги узоқ вақтни бошқаларга қарам ҳолда ўтказади, бу эса ҳокимиятга кўр-кўrona бўйсунишга олиб келади. Айнан шу нарса диктатор ва ҳарбий раҳбарларга қўл келади. Инсон ўзининг тажовузкор инстинктларини қондириш учун эмас, унга хайрли иш дея уқтирилган нарсага кўр-кўrona ишонгани боисидан урушга боради. Тағин тил – узоқ даврларни қамраб оловчи, олий асаб фаолиятининг ютуғи сифатида қараладиган мўъжиза иррационал, уруш воситасида ўзини намоён этубучи, адоват уруғини экувчи унсурларга кўмак беради. Бундан ташқари тил ёрдамида юксак санъат барқ уриб ўсади, “унинг қўзғалувчан ва таъсирчан ҳиссий потенциалини ҳисобга олган ҳолда, яшашга доимий таҳдид”ни ҳис этиш мумкин”.

Кестлер “редукцион” ёндашувни, одамнинг уни Павлов ёки Скиннернинг мулојим материясига айлантирадиган нуқтаи назарини инкор этади. Аммо, у психотроп препаратларни қабул қилишни тарғиб қиласди:

“Тиббиёт шизофреник ва манъякал-депрессив психозларнинг айрим турлари учун дорилар яратди. Унинг изокортексга архаик миянинг инжиқликлариға тақиқ қўювчи, эволюциянинг қўпол хатосини тузатувчи, ҳиссиёт ва ақлни муросага келтирувчи ҳамда инсон ва манқурт орасидаги жарлиқда катализатор вазифасини бажарувчи, фойдали ферментлар комбинациясини топишига ишониш – энди хомхаёл эмас”.

Ёндашув ва терапия қандай бўлмасин, одамга қасал мавжудот каби муносабатда бўлиш нуқтаи назари тўлиқ самимий ифода этилган. Скиннер ва Кестлер томонидан эълон қилинган вазиятни тузатишга кодир инсонга бўлган эҳтиёж эса жуда долзарб бўлиб қолди. Одам қарзга яшайди, дори керак, чунки тун яқинлашмоқда. Ажабо, эксперталар ҳам, психотроп моддаларни тарқатувчилар ҳам одамларнинг ўзи. Биз бу ғазабнок мавжудотларнинг ташхисига чиндан ишонишимиз керакми? Аммо, бу ерда, модомики ҳамма одамлар қасал экан, баъзилари бошқаларга қараганда камроқ даражада хаста, деган фараз илгари сурилади. Келинг, ана ўша “камроқ қасал”лар учун қулайлик яратамиз ва икки турни ажратиб оламиз: “биз” ва “улар”. “Улар” хаста, “Биз” эса уларни даволашимиз лозим.

Айнан соғлом “биз” ва қасал “улар”га бўлиниш ҳисси мени 1960 йилда “Мурватли апельсин” номли кичикроқ роман ёзишга ундади. Менинг фикримча, роман унчалик яхши чиқмаган – жуда дидактик, шунингдек, лингвистик жиҳатдан ниҳоятда жимжимадор. Аммо, у баъзи одамлар жиноятчи, бошқалари эса йўқ, деган кенг тарқалган нуқтаи назарга менинг самимий нафратимни ифода этган. Илк гуноҳнинг умумбашибариятга таъсирини инкор этиш Англия

каби оролларда яшовчи жамиятларга хосдир. Ва 1960 йиллар оралиғида Англияда обрў-эътиборли шахслар ёшлар орасида жиноятчилик (ёки ҳақиқий жиноятчилардан кўра тажовузкорроқ “модлар” ва “рокерлар” каби тўдалар) урчиб бораёттанилиги ҳақида гапира бошлиди ва газеталарда босилган шов-шувли мақолаларни ўқиб, қоидабузар ёшлар ўзидан кетаёттанини, ғайриинсоний қилмишларга ғайриинсоний муносабат билан жавоб бериш лозимлигини талаб қилишди. Тажрибали жиноятчилар қамоқ ва ўспириналар учун ахлоқ тузатиш каби муассасалардан фойда йўқ. Бепарво одамлар нафратли шартли рефлекс реакциясини ривожлантириш орқали даволаш ҳақида, эмбрионлиқдаёқ жиноят импульсини куйдириб юбориш ҳақида гапирдилар. Агар ёш қонунбузарлардаги антисоциал ҳаракатларга мойилликни электрошок, дори-дармон ёки павловча тоза рефлекслар ёрдамида йўқ қилишнинг имкони бўлганида эди, яна туниари хавфсиз кўчаларда юрган бўлардик. Ҳар доимгидек жамият биринчи ўринга қўйилди. Шубҳасиз, жиноятчилар тўлиқ инсоний мавжудот эмасдилар: улар вояга етмаган, улар овоз бериш хуқуқига эга эмас, улар бутунлай “улар”, яъни жамият вакили бўлган “биз”га мутлақо қарама-қарши эдилар. Жинсий тажовуз айрим зўравонлар, яъни биринчи бўлиб танилов шартини бажариши ёки бошқача сўзлар билан айтадиган бўлсак, қандайдир хужжатларга кўл қўйиши лозим бўлган шахслар томонидан ёқиб ташланган. “Жинсий озчиликларни озод қилиш” деб номланувчи даврга қадар гомосексуаллар аралаш ижобий-салбий психологияк муолажаларни бошдан ўтказар эдилар. Мен, зўрлашдан тортиб қотиллиkkача – тасаввурга сифадиган барча жиноятларни содир этган қайсиdir қоидабузар шартли

рефлекс терапиясидан сүнг антисоциал ҳаракатлар ҳақида ўйлаш у ёқда турсин, жиноят сўзини эшитгандаёқ кўнгли айнийдиган даражага келадиган экспериментал муассасани тасаввур қилдим.

Китоб баъзи сабабларга кўра “Мурватли апельсин” деб номланди. Лондонлик кокни¹нинг “мурватли апельсин каби ғалати” ибораси менга жуда ёқиб қолганди. Боиси, бу тасаввур қилиш мумкин бўлган энг ёввойи нарса ва мен мазкур иборани сарлавҳа сифатида қўллаш учун йиллар давомида кўз қорачиғимдек асраб келдим. Асарни ёзишни бошлиганимда, сарлавҳа мен хикоя қилмоқчи бўлган павловча ёки механик қонуналарни мева сингари ранг ва ширин таъмга эга бўлган организмга татбиқ этиш ҳақида ги воқеага айнан мос тушишини англадим. Бундан ташқари мен одамга нисбатан “orang” сўзи қўлланиладиган Малайда ҳарбий хизматни ўтагандим. Китобдаги антиқаҳрамоннинг исми Алекс. Унинг тўлиқ исми бўлмиш Александр юонон тилидан ўтирилганда “одамлар ҳимоячиси”, деган маънони англатади. Алекс исмининг бошқа маънолари ҳам бор: a lex – қонун (ўзи учун), a lex (is) – сўз бойлиги (ўзигагина тегишли), а (юонча) lex – қонунсиз. Романнавислар одатда қаҳрамонларга исм танлашга катта эътибор берадилар. Алекс – олижаноб исм ва мен унинг соҳиби симпатия, ачиниш уйғотишини, “улар”га тескари равишда “биз” билан қалбан тенглашишини истагандим. Аммо, бу мавзудан четлашаман.

Алексни ёвузлик содир этиш қобилиятидан шунчаки маҳрум этмайдилар. Мусиқани севадиган ин-

¹ Кокни – Лондон аҳолисининг қуи қатламга мансуб кишиси шундай масхараомуз лақаб билан аталган. Оммабоп эътиқодга кўра, кокни Сент-Мери-ле-Боу черкови кўнғироқлари овози эшитилиб турадиган (уларнинг овози черков жойлашган ҳудуддан беш миль радиусдан кам бўлмаган масофагача эшитилиб турган) худудда туғилган Лондон фуқароси.

сон сифатида Алекс, унга мажбуран кўрсатилган, зўравонлик саҳналарига бой фильмларда ҳиссиётни кучайтириш учун ижро этилган куйлардан таъсирланарди. Унинг қонига юборилган кимёвий моддалар мазкур манзараларни томоша қилиш чоғида кўнгил айнишини келтириб чиқарар эди, бироқ кўнгил айниши мусиқа билан ҳам боғлиқ бўлиб қолди. Давлат хизматидаги манипуляторларнинг хаёлида қўшимча маңбаат етказиш, ёки қўшимча зарар бериш мақсади йўқ эди: мутлақ тасодиф туфайли қаҳрамон автоматик тарзда энди Моцарт ва Бетховенга ҳам зўравонлик, қотиллик сингари муносабатда бўлади. Давлат ўзининг асосий мақсади бўлмиш Алексни ахлоқ танлов имкониятидан маҳрум этишга муваффақ бўлди. Давлат нуқтаи назарига кўра бу танлов ёвузлик эди. Аммо у кўринмас жазо ҳам қўшиди: жаннат дарвозалари энди йигит учун ёпик, зеро, мусиқа – самовий саодат унсури. Давлат қўш гуноҳга йўл қўйди. У инсон шахсиятини синдириди, боиси одамийлик ахлоқий танлов имконияти билан белгиланади, шунингдек, у фариштани ҳам йўқ қилди.

Роман унчалик ҳам тушунарли эмасди. Асарни ўқиганлар, унинг асосида ишланган фильмни томоша қилганлар мендек хотиржам ва муросали одамнинг зўравонликка берилиб кетгани ҳақида айтишиди. Мен уларга мойил эмасман, камина – танлов эркинлиги курашчиси, яъни, модомики мен ёвузлик қилишни танлай олмас эканман, унда эзгулик танлови ҳам менда йўқ. Шахс эркинлиги топталганидан кўра тунлари кўчаларимизда безори қотиллар изғиб юргани маъкулроқ. Буни гапириш оғир. Аммо, бу нарсани айтиш зарурати менга ғарб цивилизациясининг вакили сифатида мерос қилиб олганим ахлоқий қадриятлар томонидан юклатилган. Жамиятни сақлаб қолиш учун қандай шароитлар зарур бўлмасин, ин-

сонни асосий хукук-эркинликларидан маҳрум этиш мумкин эмас. Ирода эркининг ёмон ёки шунчаки нотўғри намойиши жазо ёки бошқа чекловчи омиллар ёрдамида жиловлаб турилиши мумкин, бироқ уни амалга ошириш лаёқатини йўққа чиқариш иложсиз. Алекснинг мусиқадан лаззатланиш қобилиятидан бехосдан маҳрум этилиши, давлатнинг инсон табиатини заиф даражада тушуниши (ёки атайнин тушунишни истамаслиги) ёки хукумат қабул қилган нотўғри қарорлар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигининг рамзиdir. Эҳтимол, биз инсонга, яъни ўзимизга тўла ишона олмасмиз, бироқ давлатга бундан ҳам камроқ ишонишимиз лозим.

Шуни хавотир билан таъкидлаш ўринлики, инсон онгини манипуляция қилиш тамойили, айнан эркинлик дахлсизлигига асосланган демократик давлатларда қабул қилинган меъёр бўлиши ҳам мумкин. Ингсоц тамойилларида шахс онги эркин бўлиши, яъни эркин тарзда қийноқларга дучор этилиши лозимлиги уқтирилади. Парвоз йўлаги I да гўё наркотиклар мавжуд эмас, албатта, вақтинчалик эсдан оғдирувчи арzon ва жирканч жинларни ҳисобга олмасак. Террорнинг кучли методлари билан марказлаштирилган давлат ўз кўчаларини қотиллар ва жиноятчилардан тозалашга қодир (Қиролича Елизавета I Англиясида қўзғолончи халфалар жойида осилган). Бизнинг демократик жамиятимиз эса заифлашаётир. Марказлашган хукумат гуруҳларининг барча турлари, жумладан, кўча тўдалари ва тажовузкор талабалар таъсири остида ўзини тобора чеклашга тайёр. Фалсафий ўзакнинг етишмаслиги (бу борада на ингсоц ва на коммунизм камчилик сезади), жиноятчиликка қарши курашда қатъиятсизлик билан ёнма-ён келади. Бу инсонпарварлик руҳига тамоман мос: даҳшатли қўрқитиши ва жазо

усулларини биз тоталитар тузумли давлатларга қолдирғанмиз. Аммо охир-оқибат, демократиянинг жиноятчиликка муносабати энг инсонпарвар ёндашув бўлиши ҳам мумкин: одам табиатининг иккиланганинги, инсон ҳам яратувчи фаришта, ҳам вайрон қилувчи ҳайвон бўлиши мумкинилгини ҳисобга олиш, унинг ҳақиқий “шизофрения”сини дорилар, Электрошок ёки Скиннер психологияси услуби билан даволаш. Навқирон қонунбузарлар жамият тартибини бузадилар, етук жиноятчилар эса башариятни йўқотиш билан таҳдид қиласидилар.

Кестлер ҳам, Скиннер ҳам ўзгаришлар даври келганинги тан олишни ҳамда янги ирқ – homo sapientior ни яратиш лозимлигини таъкидлайдилар. Аммо, такрорлайман, биз каби номукаммал терапевтларга қай даражада ишониш мумкин? Янги одам учун кимнинг лойиҳасига амал қиласиз? Биз қандай бўлсак, шундай қолишни хоҳлаймиз ва оқибатларга тупурғанмиз. Мен инсоннинг тавба қилмайдиган табиатини ардоқлаш, тараққиёт имкониятларини инкор этиш ва такомиллаштиришнинг мажбурловчи воситаларини рад этиш истаги жуда реакцион эканлигини тан оламан, бироқ инсоннинг янги фалсафаси бўлмаган тақдирда, борига қаноат қилиш лозим, деб ҳисоблайман. Менда эса инсонга нисбатан яхудо-эллинистик-насроний-гуманистик дея аташ мумкин бўлган нуқтаи назар бор. Бу нуқтаи назар “Ажиб янги дунё”даги Уильям Шекспир асаллари таъсирида тарбияланган Ёвойини барқарор AF632 утопиясига олиб келади: “Мен қулайликни истамайман. Мен Худони, шеъриятни, ростакам хавфни, озодликни, эзгуликни хоҳлайман. Мен гуноҳ қилмоқчиман”. Ва дунё бошқарувчиси Мұхаммад Монд буни холосалайди: “Моҳиятан, сен баҳтсиз бўлиш ҳуқуқини талаб қилмоқдасан”. Эҳтимол, ҳаётни зерикарли, деб

топмаслик хуқуқинидир. Эҳтимол, “Гамлет”, “Дон Жуан”, нисбийлик назарияси, Пикассо ва Гаудиларни дунёга келтиришга қодир башарият ўзини ўзи энг митти хужайрасига қадар ядро бомбасининг дўзахий хавфи билан қўрқитиши лозим. Ва айниқса, менда Пелагий ва Августин ўртасида тебраниб турадиган, алмисоқдан қолган насронийликнинг аллақандай шакли бор. Исо Масих ким бўлишидан қатъи назар, “имон орқали таълим бергани” учун одамлар унга қойил қолишган. Гарчи, дунёда бир дунё авторитар демагоглар учраса-да, обрўли ўқитувчилар жуда кам эди. Балки, Исо Масих ўргатган ўз-ўзини назорат қилиш усулларини секин-секин қўллаш орқали ўзимиздаги шизофрениядан фориғ бўлармиз. Бунга икрор бўлиш – Ибтидо Китобига бориб тақалади. Ўйлашимча, Инжилда баён этилган ахлоқни дунёвий ҳаётда қўллаш мумкин. Шунга ҳам аминманки, ҳали ҳеч ким бунга жиiddий тарзда киришмаган.

Инжил таълимотининг асоси, гарчи атамалар эмоционал бўлса-да, реаллик борасида доктор Скиннернидан кам эмас. Гуноҳ – бихевиористлар бурдалашни, кулини кўкка совуришни, дорилар ёрдамида заҳарлашни истаган ҳар қандай нарсанинг номи. Коинот бирлиги ва инсон ботинидаги уйғунлик ўртасида ўхшашлик мавжуд. Бу Исонинг Худо ҳақидаги таълимотларига мазмун бағишлиайди. Одам ички дунёсидаги уйғунлик шунчаки интилиш бўлиб қолмаслиги учун севги, раҳм-шафқат, бағрикенглик ва сабр-қаноатни амалда қўллаш лозим. “Яқинингни сев” техникасини бошқалар сингари ўрганишга тўғри келади. Севги амалиёти ўйноқи характерга эга, дейиш мумкин: унга ўйин каби ёндашиш керак. Аввало, ўзни севишни ўрганмоқ зарур, бу жуда қийин, сўнг бошқаларни севиш енгилроқ кечади. Агар мен ўнг қўнимни текстура, тузилиш ва

психонейроник мувозанат мўъжизаси сифатида севишни ўргансам, у ҳолда Гестапо¹ терговчисининг ўнг қўлини севиш учун имкониятим кўпроқ бўлади. Душманингни севиш жуда қийин, аммо айнан шу қийинчилик ўйинни қизиқарли қиласди.

Севги ўйини ёки *ludus amoris* билан жиддий шуғулланадиганлар вақти-вақти билан кичик гурӯҳлар ёки “черковлар”да тўпланиб, ўзаро далда ва илҳом олиш учун учрашиб туриш фойдали бўлишини пайқайдилар. Улар ўйин асосчисининг рухига мурожаат этишлари мумкин. Улар ҳаттохи унинг мавжудлигини бир бўлак нон ва бир шиша шаробда тасаввур этиш имконига эга бўладилар. Агар улар асосчининг келиб чиқиши илоҳийлигига ишонсалар, инсон хотиржамлиги учун инсон мұхаббатини тарбиялашга бўлган эҳтиёжларини мустаҳкамлайдилар. Чунки бу нарса Тангри яратган коинот уйғунилигини ўзида мужассам этади. Эркак ва аёллар ўзларини коммуналар ёки монастирлар дунёсига қамаб қўймасликлари, аксинча реал дунёда севги техникасини қўллашлари лозим. Давлатнинг мавжудлигига иқрор бўлиш керак, аммо ҳаётдаги мақсадларга унинг унчалик боғлиқ эмаслигини эътироф этиш ҳам ўринли. Қайсар²нинг мұхим деб билган ўз ишлари бор, аслида эса уларнинг кўпчилиги аҳамиятсиз юмушлардир. Севги амалиётининг сиёсат билан умуман алоқаси йўқ. Табассум қилишга ижозат бор ва ҳатто бу рағбатлантирилади. Гарчи узоқ вақт талаб этилган бўлса ҳам, одам Худо томонидан яратилган. Тангри бирлаштирган инсон миясининг гуноҳкор учлигидан одам ажралмасин. Доктор Скиннер учун ибодат қилинг. Марҳум Павлов хотиржам ором олсин. Омин.

¹ Гестапо – Фашистлар Германиясидаги сиёсий полиция.

² Қайсар – қадимги Рим ҳукмдори назарда тутилмоқда. (Тарж.)

СЕВГИНИНГ ЎЛИМИ

Кундалик уюштирилган нафрат сеансида Уинстон Смит тўсатдан шовқин ва товушларнинг икки дақиқалик монтажи ёрдамида моҳирлик билан қалбida нафрат ҳисси уйғотилаётганини тушунади. Шунингдек, унинг нафрати қуролга айлантирилиб ҳар кимга ёки ҳар нарсага бепарволарча йўналтирилиши мумкинлигини фаҳмлайди. Эҳтимол, Оруэлл “1984”да тасвирлашни режалаштирган ва бу режани амалга оширган даврнинг энг катта янгиликларидан бири, қачонлардир ундирилган нафрат ўсимлигининг уруғи давлат томонидан нафратга лойик, деб эълон қилинган ҳар қандай обьектга сепилиши мумкинлигидир. Албатта, қўшфикрилиқда ҳиссиётлар автоматик равишда, ўйланмасдан бир обьектдан бошқасига ўзгариши муҳим, чунки нафратга лойик инсон севимлига айланishi ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Кўз очиб юмгунча Остазия душмандан дўстга айланади ва ҳиссий қайта қуриш ҳам ёруғлик тезлигига амалга ошиши керак. Шубҳасиз, Оруэлл ўз мамлакатининг бир вақtlар фашистлар Германияси сингари ғазаблантирган, энди эса айнан фашизм тажовузи курбонига айланган Совет Россиясига нисбатан муносабати қандай қилиб лаҳзаларда ўзгарганлиги ҳақида ўйларди. Иккюзламачиликнинг буюк даври бошланди.

Ивлин Во “Офицерлар ва жаноблар” трилогиясининг “Шараф шамшири”, деб номланган сўнгти романида бизга Совет Россияси қандай қилиб нафақат демократик эркинликнинг намунасига, балки муқаддасликнинг қон томирига айлангани ҳақида эслатади. Буюк Британия ҳукумати Сталинград мудофаачилари шарафига қимматбаҳо тошлар қадалган қилич ясатишни буорди ва бу экскалибур Вестган қилич ясатишни буорди ва бу

министр аббатлигидан тантанали равища намойиш этилди. Сталинни ёмон кўрган эркин дунё энди уни севар ва Жо амаки, деб атарди. Уруш интиҳо топга ч өса шубҳасиз нафрат яна кун тартибига чиқди. Танк минораси сингари ҳиссиётларнинг бир юз саксон даражага бурилиши, замонавий даврнинг кундалик техникасига айланди. Анъанага кўра, биз ҳар доим ниманидир ёмон кўрамиз, боиси ўша нимадир ўз табиятига кўра нафратлидир. Насронийлик одамларни севишга буюрса-да, уларга хос бўлган шафқатсизлик, муросасизлик, таъмагирлик сингари сифатлардан жирканишга буюради. Бир вақтлар қандай сифатларни ёмон кўришни билардик, энди эса ишончимиз комил эмас. Одатий иллатлар машҳур оммавий ахборот воситалари томонидан фазилат сифатида талқин қилинмоқда. Мағрур, шаҳватпараст, очкўз, ҳасадгўй ва шу каби иллатларга берилган машҳур кино юлдузи ёки магнат бугунги кунда ҳайвон эмас, балки қаҳрамондир. Андиша, бағрикенглик ва сабр заифликка, кўрқоқлик эса эҳтиёткорликка айланди. Доимий нафрат ғояси ортиқ мавжуд эмас.

Бундан хулоса келиб чиқадики, муҳаббатга ло-
йиқ бўлган нарсалар ҳам йўқ. “1984”да муҳаббат
бор, фақат у “Инжил”да баён этилган беғараз ёки ўн
тўққизинчи аср романларида бўлгани каби роман-
тик эмас. Ва албатта бу муҳаббатга никоҳ қасамлари
ҳам ҳамроҳлик қилмайди. Уинстон ҳатто исмини ўзи
ҳам билмайдиган қиздан мактуб олади. Унда шунча-
ки “Сени севаман” жумласи ёзилганди холос. Ва шу
захоти ҳаяжон ва қўрқувдан унинг вужуди тер билан
қопланади. Номаълум қизнинг муҳаббати (кейин-
чалик унинг исми Жулия эканлиги ойдинлашади)
Уинстоннинг сиёсий эътиқоди сустлигидан, умид-
сизликка тушиб қолганлигидан фойдаланган ҳолда,
у билан зино қилиш, шаҳвоний ҳирсни қондириш

учун восита холос. Қўшилиш эса давлат томонидан тақиқланган, боиси унда давлат назорат қила олмайдиган лаззат туйғуси мужассам. Жинсий алоқа – бу исён. Мазкур ғоя жинсий алоқага (гарчи унга умуман алоқаси бўлмаса ҳам) бир қатор эзгу фазилатларни боғлайди. Аммо, “Сени севаман” жумласи нафақат мазкур ибора билан алоқадор ижобий қадриятлар, балки давлат ва Меҳр-муҳаббат вазирлигининг устидан ҳам масхара қилишдир.

Айнан шу ерда “1984”нинг адабий заифлиги билинади. Шахс ва давлатнинг муҳаббат борасидаги нуқтаи назари ўртасидаги зиддият етарли даражада очиб берилмаган. Уинстон ва Жулия Катта Ofaga чин никоҳ ва оиласвий қадриятларнинг кучи билан қаршилик кўрсатмайдилар. Улар яширинча қовушишди ва қўлга тушишди. Эркинлик тўғрисидаги ҳақиқатни исталган одам билан жинсий алоқа қилиш ҳуқуки билангина ўлчайдиган Жулия Уинстонга ўз ишқий саргузаштлари ҳақида сўзлаб берган таъсирили эпизод бор. Уинстон қизнинг бузуқилигидан завқланади ва шу жойда гўё Оруэлл ёлғон антитета – давлатнинг ёвузлигини қарши шахснинг ахлоқий бузуқлигига қарши қўйишни қўллаб-куватлагандек таассурот уйғотади. Лекин биламизки, Оруэллнинг муҳаббат ҳикояси севги ва садоқат ҳикоясидир: у ўз умидсизлигини адабиётга ўтказмаган. У шунчаки башорат қилганлиги эҳтимол. 1984 йилда Катта Ofa бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъи назар севги ҳақидаги анъанавий тасаввурлар йўқолади ва бу золим давлатнинг айби билан юз бермайди.

Америка цивилизациясининг энг катта ютуғи никоҳ институтининг қадрсизланишидир. Бу асосан пуританлар томонидан зинонинг оғир гуноҳ сифатида қораланиши билан боғлиқ; алвон ҳар америкалик қалбida жизғанак бўлди. Хиёнатдан кўра ажralиш

афзал. Ажралиш гоҳида кўпхотинлилик учун эвфемизм¹дир. Лекин ажрашиш камдан кам ҳолларда Америка адабиёти ва ҳаётида ачинарли ҳодиса, маддалаб кетган ярани олиб ташлаш учун сўнгти жарроҳлик чораси сифатида талқин қилинади. Севги бамисоли машина ва уни охир-оқибат янги русумига алмаштириш керак. Севги – ёритиш вақти олдиндан ҳисобланган электр лампаси. Оруэллнинг Жулиаси учун севги жинсий майлга тенглашади. Жинсий истак ўлмайди, аммо обьектни тез-тез алмаштиришни талаб этади. У курол, замбарак – нафрат каби.

Бироқ, севгини интизом сифатида талқин қилиш ҳам мумкин. У бефарқлик, ёқтирмаслик, нафратнинг ўткинчи босқичларини қамраб олиш учун етарли дарражада улкан. Унга энг яхши таъриф – шаҳвонийлик, аммо бу таърифни моҳият билан, сўзни эса ҳодиса билан аралаштириб юбормаслик лозим. Уинстон ва Жулия севиш билан бирга, ўз-ўзини таъминловчи, асосий вазифаси жинсий алоқа, меҳр-оқибат ва ижобий туйғулар улашиш бўлган ўзига хос коммуна тузадилар. Аммо, Уинстон ва Жулия муносабатлари узоққа бормаслигини яхши биладилар ва улар учун ягона интизом бу қўлга тушиб қолмаслиқдир. Бу жазо билан якунланиши муқаррар бўлган юзаки муносабатларнинг қисқа даври эди. “Тамом бўлдик”, – дейди Уинстон ва буни Жулия ҳам оҳиста такрорлайди. “Сизлар марҳумларсиз”, – дейди девордаги телекрандан тараалган овоз. Ўлим уларнинг муносабатларига бошиданоқ хос эди. Кўп муносабатларда бўлгани каби бизнинг либерал жамиятимизда ҳам ўлим ташқи томондан белгиланмайди, у ўз-ўзидан пайдо бўлади.

Жинсий хатти-ҳаракатлар севгидан ажратилгач, севги тили ўз-ўзидан қадрсизланади. Эркинлигимиз-

¹ Эвфемизм – айтиш ноқулай бўлган пардали сўз.

нинг бир жиҳати – тилнинг мутлақ қадрсизланишига бўлган ҳуқуқимиз, шунинг учун унинг синтагмалари шунчаки овозга айланади. Катта Оға гарчи жамиятимиз томонидан рағбатлантирилаётган, фильм ва журналлар томонидан тарғиб қилинаётган пала-партиш жинсий алоқадан қайғуга чўмса-да, оиласий қадриятларнинг заифлашувини кўришдан хурсанд бўлади. Коммунизм оиласи барбод этишга уринди (Хитойда катта қийинчилик билан), боиси оила давлат яратишни истаётган гротескли шишган нусханинг оригинални эди ва шунинг учун оила ўз-ўзини йўқ қилиши яхшироқ бўларди.

Жинсий ҳаракатга, сўнгра жинсий ҳаракатларнинг тартибсиз кетма-кетлигига бўлган муҳаббатни камайтириш, жинсий шерикларнинг ролини объект даражасигача камайтиришга таъсир кўрсатади. Сўнг барча одамларга – қандай ижтимоий шароит юзага келишидан қатъи назар, айни ўша вазиятда ҳис-туйгуларни улашувчи объект сифатида қараш осонроқ кечади. Объект индивидуалликка эга эмас: у умумлаштирилган от. Шундан келиб чиқиб, янада умумлаштирамиз: у аёл ёки аёл эмас, балки ишчилар синфининг вакиласи ёки умуман ишчилар синфининг ўзи. Севги қадрсизланганидан сўнг, миллионлаб индивидуал қалбларнинг проллар деб номланган синфга умумлаштирилиши – “1984”да тасвирланган энг ёмон нарса.

Одамларни бундай объектлаштириш бизга ишончсиз туюлса ҳам, ҳамон уни ингсоц сингари олигархия пайдо бўлишининг асосий шарти сифатида қабул қиласиз. Агар аҳолининг юз фоизини фикрлар полицияси ва телекранлар ёрдамида назоратда ушлашга тўғри келса, у ҳолда олигархик давлат узок яшамайди: у барчани бостириш учун етарли ресурсларга эга бўлмайди. Шу важдан давлат проллар аҳ-

мок, қўрқоқ, бекарор ва жамият барқарорлигига таҳдид солишга қодир эмас, деб ҳисоблашга мажбур. Борди-ю, проллар орасида исёнга бошловчи демагог пайдо бўлса ҳам (бунинг эҳтимоли ниҳоятда кам), уни топиш ва ҳибсга олиш қийин бўлмайди. Аммо, мистика ва ингсоц методи саксон беш фоиз аҳолининг инерциясиغا шубҳасиз ишонади. Биз ҳам буни қабул қиласиз, акс ҳолда ингсоц даҳшатининг амалга ошиши бизни қўрқитмаган бўларди. Биз деганда мен нафақат бу каби китобларни ўқийдиганларни, балки “1984” асосида саҳналаштирилган телешоудан сўнг барда пинта ичиб, Катта Оға уларни кузатаётганлиги ҳақида ҳазил-мутойиба қилувчи ишчилар синфи вакилларини назарда тутмоқдаман. Бу бўлим Шекспирнинг Шейлокида бўлгани каби Венецияда кемалар ва юкларни суғурталашнинг имкони йўқлигига ўхшаш шунчаки сюжетни ривожлантириш учун биз танлайдиган адабий восита эмас. Бу Оруэлл томонидан 1948 йил ишчиларидан олинган интиқом эди. Улар Оруэллни ерга уришганди. Шунингдек, бу ёзувчи зодагонларга хос талафуздан ҳалос бўла олмаганидек, қочиб қутулиб бўлмайдиган синфий бўлинишни тан олиш ҳам эди.

“Молхона”ни ёзиш ғояси унда саффолк-панч зотли ҳўқизлар подасини ҳайдаётган болакайнин кўргач пайдо бўлди. Агар бу улкан жониворлар ўз кучларини англаб, митти ҳўжайинларига қарши бош кўтарсалар-чи? Молхонадагилар жаноб Жонс ва унинг оиласига қарши исён кўтариб, тарихдаги илк уй ҳайвонлари республикасига асос соладилар. Аммо, Оруэлл инқилобчи пролетариатни ўз синфининг вакилларидан ўзгача, одамларнинг бошқа зоти сифатида қабул қилганда бундай китобни ёзиши мумкин эди ва улар “1984” да қаламга олинган бошқача зотлардир. Уларда чин инсоний ҳаёт йўқ эди. Ҳа, тан

олиш керакки, Уинстон Смитда агар ўзгаришлар даври етиб келса, улар проллар сафидан чиқадилар, деган романтик орзу бор эди. Агар пролларнинг тақдирида ҳайвонга айланиш ёзилмаган бўлса, унда улар олижаноб ёввойиларга айлансалар керак: уларга Уинстон ва унинг яратувчиси сингари оддий одам бўлиш насиб этмайди. Уинстон проллардан бўлган, таралаётган қўшиқча жўр бўлганча кирларини дорга осаётган семиз аёлни кузатмоқда:

“Кушлар қўйлашмоқда, проллар қуйламоқдалар, партия эса қуйламайди. Бутун ер юзида, Лондон ва Нью-Йоркда, Африка ва Бразилияда, чегара ортидаги тақиқланган сирли мамлакатларда, Париж ва Берлин кўчаларида, Россиянинг сарҳадсиз кенгликларида жойлашган қишлоқларда, Япония ва Хитой бозорларида – ҳамма жойда, туғилганданоқ даҳшатли ва асрий меҳнат гирдобига ташланган бу кучли ва енгилмас аёл ҳеч нарсага қарамай қуйлайди. Шу кучли бағирда бир кун келиб онгли қавм тарбия топади. Сен – энди ўликсан: келажак уларники. Агар улар ўз таналарини сақлаганлари каби тирик онгни сақлаб қолиб, икки карра икки тўрт ҳақидаги маҳфий таълимотни етказа олсанг, келажакнинг бир қисмига айланишинг мумкин”.

“Кучли, енгилмас...”, “кучли бағир” – бу сўзлар “Молхона”даги жумлалар сингари ҳақоратли. Ва О’Brien қаҳрамонга чиройли сўзлар билан ҳикоя қилган истиқбол ҳам бемаъни.

Оруэлл сингари зиёли учун бор-йўғи иккита варант мавжуд эди: ёки илоҳийлаштириш орқали ишчини романтик қаҳрамонга айлантириш ёки ғайри-инсонлаштирган ҳолда ишчини ерга уриш. Ҳақиқий ингсоц аллақачон унда мужассам эди: у ўша вақт-

да ишчилар сариқ матбуотни қандай ўқисалар, "Нью стейтсмен"ни шундай ўқиди. Ишчилар унинг китобларини сотиб олишмади. Улар менинг китобларимни сотиб олмайдилар, аммо нолимайман. Рухий ҳаёт жисмдаги ҳаётдан юқорироқ, деганча хатога ҳам йўл қўймайман. Док ишчиси ва романнавис ёзувчи жамият деб аталмиш организмга мансуб ҳамда нима деб ўилашидан қатъи назар, иккаламиздан биримиз бўлмасак ҳам у мавжуд бўла олмайди.

Оруэллнинг омадсизлиги шундаки, у қуёши уфқ ортига равона бўлган Британия империясининг ҳукмрон синфи вакили эди. У ва сўконғич, бадбўй пастки синфлар орасидаги жарликдан раҳм-шафқат ва тасаввурнинг юксак парвози орқалигина ўтиш мумкин эди. Адабий фаолиятининг сўнгига Оруэлл ишчиларга нисбатан барча ишончини йўқотди. Бу эса муқаррар равишда эркаклар ва аёлларга бўлган ишончнинг, бир шахсият ва бошқаси ўртасида беш мил, беш миллион мил ҳатто чексизликни лаҳзада босиб ўтишга қодир муҳаббат учқунига бўлган эътиқоднинг сўниши эди. "1984" нафақат башорат, умидсизликка хужжат ҳам эди. Бу келажақдаги одам тақдиридан умидсизлик эмас, севиш қобилиятини йўқотган шахснинг умидсизлигиdir. Агар Оруэлл эркаклар ва аёлларни сева олганида, О'Брайан Уинстонни бу қадар қаттиқ қийноққа sola олмаган бўларди. Уинстон Смит оғриқдан бўкирганча озод ҳолда ўлишни талаб этаётган бир пайтда, эркак ва аёлларнинг катта қисми сигирдек кавш қайтариб экранга термулганча ўтирадилар. Бу башариятнинг эҳтимолий келажаги учун пародия.

Пролетариат деган нарса йўқ, фақат турли дарражадаги ижтимоий, диний ва интеллектуал онгта эга эркак ва аёллар бор. Уларга марксизм нуқтаи назаридан қарашиб, вице-қиролнинг кажавадан паст-

га қараши каби ҳақоратлиидир. Биз таълим, лаҗжа ва ҳатто хидлар орасидаги жарликдан ўз мұхитимизга мансуб бўлмаган инсон билан турмуш қуриш орқали ҳатлаб ўтишга ёки намчил душанбада Уиган бандаргоҳида қаққайиб туришга мажбур эмасмиз. Бироқ, бизнинг вазифамиз “ирқ”, “табақа” сингари тушунчаларни тоқатсизлик, қўркув ва нафрат байроқларига айлантирмаслиkdir. Афсуски, биз ҳаммамиз бир хил, яъни жирканч эканлигимизни мудом ёддан чиқармаслигимиз лозим. “1984”да Оруэлл мавжудлиги иложсиз бўлган ўпқонни ва бу тубсизликда ўз ёвузлик мамлакати – какотопиясини бунёд этди. У ҳам самовий қасрлар сингари ўткинчи. У бизни шу қадар ўзига ром этадики, оқибатда қасрни вайрон қилиш мумкин, деган шубҳага асло бормаймиз. 1984 йилда эса бундай бўлмайди.



ИККИНЧИ ҚИСМ
1985

1. РОЖДЕСТВО ГУЛХАНИ

Рождество арафасидаги ҳафта эди. Намчил ва қильт эттан шабадаси йўқ душанба кунининг ўртала-рида Фарбий Лондон муаззинлари азон айтардилар.

— Ла ила-аҳа илла'лаҳ. Ла ила-аҳа илла'лаҳ.

Бев Жонс "Диск бутиги" ёнидаги кўп миллатли харидорлар тўдасидан тирсаклари билан ўзига йўл очиб ўтди-да, томида ёмғир томчилари осилган, Макка шаҳрига ташрифларни амалга оширувчи, "Ал-Балнбаш" номи ила машҳур турагентликка айланган, собиқ супермаркет ва паб¹ ёнидан Толпаддл-роуд ва Мартир-стритта бурилди. Ниҳоят, "Ҳогарт" кўп қаватли уйи олдида пайдо бўлди. У бу ерда истиқомат қиласиди. Ичкарига кираверишдаги йўлни безори ўспириналар тўдаси тўсиб қўйганлигини ўйлаб, юраги орқага тортиб кетди. Бу балосифат кўча куминлар тўдасига қаради. "Куми на" жумласидан келиб чиққан ушбу сўз суахили² тилида "ўн" деган маънони англатарди, яна ҳам аниқроғи ўн-йигирма ёшлиларга нисбатан қўлланиларди. Кўпинча бундай вақтларда улар мактаб ошхонасини талон-торож қилишарди. Аммо, ҳозир ўқитувчилар иш ташлашган. Шу сабабдан ҳам Бевнинг ўзи ошхонада қолгани йўқ. Унинг қизи Бесси уйда қаровсиз ва ёлғиз бўлиб, хотини Эл-

¹ Паб – қовоқҳоиа ёки қаҳвахона.

² Суахили тили – Шарқий Африка соҳилларининг туб аҳолиси ва улар гаплашадиган тил.

лен касалхонада ётарди. Бев ошхонани бориб очиши ва руҳан заиф қизини овқатлантириши керак. Ўн уч ёшли қизалоқ ёшига нисбатан жисмоний етилган, қолган жиҳатлар бўйича эса тенгдошлиаридан орқада эди. Давлат соғлиқни сақлаш хизмати враchlари барчасида туғилишларни меъёрга солиш учун қўлланилган препарат – “Енетлий”ни айбдор қилишди. Унинг иккиласми асоратларини ҳеч ким хисобга олмаганди. “Ҳеч ким айбдор эмас, – деди доктор Зазуби. – Тиббиёт олдинга қараб интилиши керак оғайни”.

Бев етти куминга ялтоқланиб илжайди. Аммо оғзининг атрофидаги тўқималар худди у бир кило лимонни сўргандек увишарди. Бев уларни танимади, афтидан, улар бу ерда яшамасдилар. Куминлар хавфли, янада хавфлиси – ақлли эдилар. Йдроклари ёмон таълим кўрмаган инсонницидан баландроқ эди. Муаммо ҳам ана шунда: давлат таълимни қўллаб-куватламасди. Илмли бўлиш антисоциал, дея баҳоланарди.

– Агар қарши бўлмасангиз жентельменлар, – деди Бев, – мен шу ерда яшайман.

Тошли зинанинг иккинчи поғонасида турганда улар Бевнинг йўлини тўсдилар.

– Ба озгина шошиляпман.

– *Festina lente*¹, – жилмайди йигитча. Унинг какао рангли кўйлагида катта муштли, мовий плаш кийган Шекспир сурати бўлиб, сурат остига “Барча ҳокимият Уиллга”, – дея ёзилганди. Шу ерда уни ўраб олдилар. Бевнинг чўнтакларини титкиларкан, лотинча мақол айтган бояги йигитча энди лотинча қўшиқни давом эттириди: “*Guadeamus igitur, juvenes lium sumus*”². У кучанмасдан, жарангдор овозда қўйларди. Қўлга ки-

¹ *Festina lente* – Жим юрсанг, узоқча борасан (лот.).

² Дунё талабаларининг мадхияси – “*Guadeamus igitur, juvenes lium sumus*” – “Ёш эканмиз, қувнаймиз”.

риттан ўлжаси эса унча катта бўлмади: “Интербанк” кредит талони, деярли бўш “Хамаки майлд” тамаки қутиси, бир марталик ёндиригич, уч фунт ва ўн центлик бешта танга. Ёндиригичдан бошқа барча нарсани тортиб олди. Сўнгра чақин Бевнинг кўзига тегиши, аникроғи, унинг кўриш қобилиятини текшириш учун уни ёқиб кўрди. Эснаганида қорни ғулдиради.

– Майли арслонлар, – деди у, – овқатланишга кетдик.

Сўнгра Бевнинг соchlарига ўт қўйиб, галасига ўтни мушталар ёрдамида ўчиришга рухсат берди. Кейин барчалари Бев балетта тушиши учун оёқларидан енгил тепиб қўйдилар. Бундан баттар бўлиши ҳам мумкин эди. Хайриятки, дангасалик қилдилар. Бев вестибюлга кирганда бу эринчоқликнинг сабаби аён бўлди. Лифт эшиги ёнида яланғоч, калтакланган ва озроқ қонга беланганд Ирвинарнинг ўғли хушсиз ётарди. Бу жамоавий баччабозлик, еттинчи маротаба зўрлаш ҳолати эди. Шўрлик бола! Ирвинарлар ўнинчи қаватда яшайдилар ва табиийки, лифт ишламаган. Бев чақириш тутмасини босди. Жаноб Уинтерс кавшантганча, иягида мармелад қолдиги билан чиқди. Қонга беланганд болакайга қарапкан, кавшашда давом этди.

– Сиз ҳеч нарса эшитмадингизми? – сўради Бев. – Ирвинар уйдами?

Жаноб Уинтерс ҳар иккала саволга ҳам “йўқ” дея жавоб қайтарди.

– Мониторлардан ҳам ҳеч нарса кўринмадими?

– Камералар ишламаяпти. Ҳали ҳам келиб, тузатишларини кутяпман. Қўмита бу ишга жиддийроқ қараса бўларди. Сиз қўмитада ишламасмидингиз?

– Энди йўқ, – жавоб берди Бев. – Яххиси “Тез ёрдам”га сим қоқинг.

– Барчасига лаънати эркинлик сабабчи.

Бев учинчи қаватга пиёда кўтарили. Охирги пайтларда узлуксиз давом этаётган кўчадаги, йўлакдаги ёки квартирадаги тажовуз қурбонларини кўриб одамнинг раҳми келади. Кўнгилнинг бузилиши уйдан бошланди. У ўзининг З “б”-квартирасига яқинлашди. Уй. Митти Бесси уйда бўлган пайт қўнғироқни босишдан маъно йўқ. У мураккаб қулфларни очишни эплай олмасди. Бев девор панелидаги хира қизил рангли “кўз”га исмини айтди. Курилма унинг овозини идентификация қилди ва унинг тирқишидан Бевнинг қўлига калитлар шодаси тушди. Очиш учун Бевда қирқ сония бор.

Бесси оёқларини керганча телевизор қаршисида ўтиради. Бев қизининг мактаб қўйлагининг ичидан ич кийим киймаганини фаҳмлади. Чуқур хўрсинди. Экран пирпирав, болалар мультфильмидағи маъраш ва портлаш овозлари эшитиларди: ўлимга олиб борувчи қийноқ ва зўравонлик. Аммо ҳеч ким ўлиш тугул, ҳатто жароҳат олмайди. Ўн иккинчи қаватда яшовчи Порсонларнинг олти ёшли ўғли Ажабтур Жўжа бир юз йигирма қаватли осмонўпар бинодан юзида табассум ва ишонч билан сакраганини кўриб, ўзи ҳам парвозни амалга оширди. Бу воқеага бир йилдан ошиди. Порсонлар ўзларига келишди. Ҳатто телевизордан ҳам қутулмадилар.

– Касалхонага қўнғироқ қилдингми? – оҳиста сўради Бев.

– Нима? – қизининг кўзлари экрандаги тасвирдан узилмади.

– Онанг ётган касалхонага. Кўнғироқ қилдингми?

– Ишламаяпти.

– Нима ишламаяпти? – тоқат билан сўради у. – Бизнинг телефонми? Ёки касалхонадаги рўйхатга олиш бўлимими?

– Ишламаяпти, – такрорлади Бесси ва шляпали сичқонни болға билан уриб, эзіб ташлашгач, ўрнидан ирғиб туриб, қасос олишга шайланганини күриб, аҳмоқона қувончдан оғзи катта очилди. – Қорним очди, – қўшиб қўйди у.

Бев йўлакчадаги телефон сари юрди. З 591 111 (“Бир, бир, фақат ва фақат бир” – бу худди касалхона рақамини эслаб қолиш учун буйруқ сингари. Биринчи учта рақам эса, шубҳасиз бошқа масала.)

Мулойим механик овоз жавоб берди:

– Касалхоналар бошқармасидан гапирамиз. Марказий Брентфордда кутқарув ва эвакуация ишлари давом этмоқда. Ҳар қандай шахсий масалалар йигирма тўрт соатдан кам бўлмаган муддатда қаноатлантирилмайди. Касалхоналар бошқар...

Унинг юраги бояги уч ташвишдан сўнг энди-энди тинчланганди: балет калтаклари, Ирвииларнинг ўғли ва пиёда кўтарилиш. Энди у ноумид дукиллай бошлади. Телевизор қаршисига ўтиаркан, Бев каналларни бирма-бир айлантира бошлади. Бесси чинқириб, унинг тўтиғига мушт тушира бошлади. Янгиликларга етиб келди. Кичкина иякли ва хурпайган соч турмакли митти одам даҳшатли аланга фонида сўзларди:

– ... жиддий ташвишга солади. Тасдиқланмаган, аммо Скотланд-Ярд томонидан ўрганилаётган далилларга кўра, ёнгинда масъулиятсиз унсурларнинг кўли бор. Тахминларга кўра, жиноятчи шахслар ҳам жиҳатлик белгиси сифатида уч ҳафтадан бери давом этаётган ўт ўчирувчиларнинг иш ташлашларидан фойдаланиб, Лондон яқинидаги қуролли кучларнинг муваққат биносига ҳам тўсатдан ўт қўйганлар. Ёнгин хавфсизлиги бўйича профессионал ходимлар етишмаслиги туфайли жамоат хавфсизлиги вазири жаноб Галифакс фуқаролардан сабабсиз ёнгинлар-

га алоқадор масалаларда хүшёрлик кўрсатишини ва ёнгин хавфсизлиги қоидалари билан қайта танишиб чиқишини сўради.

“Эй, Тангрим!” деди-да, Бев хонадан отилиб чиқиб кетди. Сухандон ҳамон жаварарди:

– Энди эса футбол ҳақида. Бутунги учрашувлар...

Бесси эса увиллаганча, секинлик билан ўз мультфильмига ўтди. “Денгизчи Папай” эндиғина бошланганди. У тинчланган эди. Аммо, кейин очлиги эсига тушиб қолди. Бирок, Бев унинг хархашалари авж олган вақтда уйдан чиқиб кетиб бўлганди.

Бев ўпкаси тўлиб, зиналарнинг поғоналарига қоқилганча пастга тушарди. Ирвиларнинг ўғли “Тез ёрдам”ни кутган кўйи ҳамон бехуш ётар, ҳойнаҳой, жаноб Уинтерс тамаддисини давом эттираётган бўлса керак. Бев Чизвик-Хай-стрит бўйлаб югуриб борарди. Бирорта такси йўқ. Тиқилинчда қолиб кетган Брентфорд йўналиши автобусига кўзи тушди. Унга сакраб кирган заҳоти эсига тушиб қолди: ахир, йўлкирага пули йўқ-ку. Садқаи сар! Ёнаётган осмонга таҳлика аралаш қарапкан, ўзини ийғишириб олди – бу етарли тўлов эмасми? Шундай бўлиб чиқди шекилли, автобус олдинга жилди, қора танли назоратчи сўз қотди:

– Аҳволинг ҳалигиdek шекилли, йигит. Майли, бошқа сафар тўларсан.

Ярим соатлардан сўнг у полициячилар занжирини узишга ҳаракат қиласарди. Афтидан, улар ҳали иш ташламаган эдилар. Бев қичқиради:

– Менинг хотиним, менинг хотиним, у ерда хотиним бор, жин урсин сизларни!

Осмон қизғиш-жигарранг, олхўрисимон, қизғишимовий, наврўзгул ва момақаймоқ тусига кирган, тутун кўкка ўрлар, олов шафқатсиз талончилик бостириб келарди. Деразалар ёнгиндан бошқа баридан

жудо бўлган квадрат кўзлар каби ғамгин боқишар, худди шу қайғу билан ойналар ҳароратга дош беролмай синарди. Бир неча ромлар ағдарилиб, ёнаётган жарроҳлик халатидаги икки врачга тегди. Яқин атрофдаги пиво корхонасидан олинган койка ва замбилларни платформага юклашди.

– Менинг хотиним! – қичқирди Бев. – Миссис Жонс! Эллен! 4с-палата!

Врачлар бош чайқадилар, тўғри, ҳозир бош чайқаш жуда оғриқли эди.

– Сиз! – Бев оппоқ соchlари куйган, мадорсиз яланғоч танаси чойшабга ўралган кампирга қичқирди. – Сиз мени танийсиз, сиз хотинимни ҳам биласиз!

– Кутулиб кетишларига йўл қўйма, – таниш овоз базўр шивирлади.

– Ё, Худойим, Элли! Элли...

Бев замбил юкланишини кутиб чўккалаб қолди. Унинг хотини, йўқ... унинг хотини эмас. Бу танада нималардир оловдан омон қолган, аммо унинг асосий қисми суюклардан иборат эди. Бев хотинининг қаршисида тиз чўқди, сўнг умидсизлик исканжасида зор йиғлаб, уни бағрига босишга уринди. Бироқ, қўлларида куйган тери парчалари, Эллендан эса пишган гўшт қолди холос. У энди ҳеч нарсани ҳис қилмасди. Аммо овоз уники эди. Унинг сўнгги сўзлари на “Севги...”, на “Сени севаман”, на “Бессига ғамхўрлик қил...” ёки “Худойим, нега бекор харажат қилдинг”, ёки “Биз учрашамиз...” эмас, йўқ. Бу сўз – “Кутулиб кетишларига...”

– Бечорагинам мени, азизам, севгилим! – ҳўнграб юборди Бев.

– Мана буни, – ёнларида ҳорғин овоз янгради, – МХБга. Тезроқ тутаттан яхши. Булар орасида кўпчилик барибир тирик қолмайди. Мурдалардан халос бўлиш, тирикларни эвакуация қилиш керак. Плат-

формаларда бүр билан ёзилган “МХБ” ва “ТЭ” белгилари турарди. Бевни охисталик билан ўрнидан турғизиши.

– Ҳеч нарса қўлимдан келмайди, ошна, – деди меҳрибон ва бўғиқ овоз. – Бундай бўлиши уят ва шармандалик. Қандай дунёда яшаяпмиз-а!

Бир-бир босиб уйга йўл олди. Пиёда кетиб боркан, ойналарда нотаниш Бев Жонс аксини кўрди: соchlари энди башоратга эврилган кичик гулханда куйган, оғзи қийшиқ, кўзлари ғазабкор. “Ҳогарт” кўп қаватлисининг вестибиулида ҳаракатсиз лош, афтидан, энди келмайдиган “Тез ёрдам”ни ҳамон кутиб ётарди. Бев зиналардан уйига кўтарилиди.

Бесси билан кўришиш, унга энди онаси йўқлигини, масъулиятсиз унсурлар уни пишириб ўлдиришганини айтиш ниҳоятда оғир эди. Вазифаси оловни ўчириш бўлган кимсалар мана, бир хафтадан буён маошлари ошишини талаб қилиб иш ташлашган. Кўрқиб кетган ёки мустаҳкам мафкуравий эътиқоднинг кучи билан ўз хукуқларини талаб қилган армия исён кўтарди. Аммо “исён” – эски сўз. Унинг мажрух услуги инглиз флоти ҳақидаги кўхна фильмларни ёдга солади. Бу сўз “бурч” ва “ғуур” деган тушунчалар мавжуд бўлган оламга тегишли. Эркак ва аёллар хукуқ дея аталувчи намойил туфайли ўз ишларини бажаришдан бўйин товладилар (бурч ва шараф тўғрисидағи бемаъни тортишувлардан сўнг). Ниҳоят, хукуқ цехлардан намойиш майдонларига кўчди. У Бессига ҳозирча ҳеч нарса демасликка қарор қилди. Унга нимадандир қайғуриш ҳамда Бессини қийнамасдан, қизнинг миясида фикрловчи соҳани топиб, ўз фикрини етказиш бир хил даражада оғир эди. Бесси америкаликлар ва японлар уруши ҳақида қандайдир эски фильмни томоша қилиб ўтиради.

ди. У қутидаги сутта ивитилган мюсли¹ни картондан оқсан сут ва тўкилаётган шакарга парво қилмасдан еганди. Уларнинг полдаги қолдиқлари шундан дарак бериб туради. Сабаби Бев шошилинчда Бесси кириши мумкин бўлмаган ошхонани қулфлашни ёдидан чиқарганди. Энди Бев у ерга кириб, оҳисталик билан Бессига тушлик тайёрлай бошлади. Ҳамманинг тушлик қилиш хукуқи бор. Тушлик вақти аллақачон ўтиб кетган, лекин хукуқ аҳмоқона хронологик аргументлар ва физикадан устунроқдир. Унинг ўзи ҳам бугун ишга бормайди. Эртага бошқача бўлади. Эртага ҳаммаси буткул ўзгаради.

Бев сосискаларни қовурди, қадоқдаги картошка пюресига қайноқ сув қўйди, чой дамлади.

– Бесси, азизам, – деди у ликопчани узатаркан.

Шўрлик етим қизча янкилар японларнинг ўтакасини қандай ёраётганиклиарини томоша қилмоқда. У бақлажон рангидағи эскириб, увадаси чиққан креслога ўтирди-да, кўлларини йифиб, қизининг овқатланишини томоша қилди. Бесси қарамасдан егуликни ўзига тортди. Еб бўлгач кекирди-да, яланғоч қорнини қашиб қўйди. Шўрлик етим ва бегуноҳ қиз. Фанфара²дан таралган мусиқа садоси остида “ТАМОМ” сўзи экранда пайдо бўлгач, Бев секин телевизорни ўчирди. Бесси ҳайвоний ғазаб остида қўл узатди. Бев бу қўлни мулоҳимлик билан тутди.

– Сенга айтадиган муҳим гапим бор.

– Лекин ҳозир “Спиро ва Сперо” бошланади.

– Спироми ёки Спероми, ким бўлишидан қатъи назар, кутиб туради. Мен сенга онанг вафот этганлиги ҳақида айтишим керак. У касалхонадаги ёнғинда ёниб кетди. Мени тушуняпсанми, Бесси? Сенинг

¹ Мюсли – қурӯқ мевалар, ёнғоқлар, буғдой нишлари, асал ва дориворлар қўшиб тайёрланадиган таом.

² Фанфара – пуллаб чалинадиган чолғу асбоби.

азиз онанг, менинг қадрли аёлим йўқ. Биз энди уни бошқа ҳеч қачон кўрмаймиз. – Ва шу кезда у ҳиқиллаб йиғлаб юборди: – Кечир, қўлимдан ҳеч нарса келмайди. – У рўмолчасини излаб чўнтакларини титкилай бошлади.

Аммо куминлар тўдаси уни ҳам тортиб олишганди. Кўз ёшлари орасидан оғзини очганча, айтилган сўзларни фаҳмлашга ҳаракат қилаётган Бессини кўрди. У ўзининг онасиз келажагини тасаввур этишга тиришарди.

– Ким бизга энди Рождество тушлигини тайёрлаб беради? – сўради у.

Бу бошланиши эди: қизалоқ одатий қулайликлар йўқ бўлган келажакни тасаввур этди.

– Сиз онамдан ёмонроқ пиширасиз, – давом этди Бесси ва бурнини тортиб қўйди. Қизнинг миясига янада кенгроқ фикрлар кела бошлади. – Бечора ойим. Бечора мен.

– Мен ўрганаман. Биргаликда ўрганамиз. Биз сен билан иккимиз қолдик Бесси-қадрдан.

У ўн уч ёшли, кўриниши йигирма яшар, боз устига иркит йигирма яшарлик инсонга ўхшайдиган, БҚ, аниқроғи Бирлашган Қиролликка (аллақачон Кўшма Қиролликка эврилиш вақти етиб келган) ақли ноқис ишчиларни дунёга келтириш даражасида етилган қизига чуқур таассуф билан боқди. Бев унга – расво тиббиёт, расво ҳаво, ёмон озиқ-овқат, аҳмоқона таълим тизими ва разил оммавий маданият қурбонига телевизор панелидаги тутмаларни ўзлаштиришдан бошқа нарсани ўргата оладими ёки йўқ? – ўзича тасаввур этиб кўрди. Мияси етти ёшгача ривожланди ва шу билан тўхтади. Ўтган йили мажбурий равишда балоғатта етаётган қизлар билиши зарур бўлган айрим нарсалар ҳақида тушунтиришга тўғри келди. “Мана бу тўғри”, ўйлади у. “Кутулиб кетишларига

йўл қўйма". Агар Бев мавжуд тузумга қарши ҳаракатга келса, Бессидан ёрдам кутиш бефойда.

Келгусидаги бўшлиқни қисман тасаввур этиб, уни тўлдириш учун "Спиро ва Сперо"ни ёқди. Бев хўрсинганча бошини чайқади. Спиро ва Сперо хитойча талаффузда инглиз тилида гаплашадиган икки дельфин экан.

Бошига тушиши мумкин бўлган қийинчиликларни Бев ҳис қиласди, шунинг учун тайёрлана бошлади. Ошхона шкафида яrim шиша австралия брендиси ("Сохта маҳсолотдан эҳтиёт бўлинг") ҳар эҳтимолга қарши турарди. Стулга ўтирганча шишини кўтариб, оғзидан брендини ича бошлади. Кран зерикарли томчиларди – ҳаёт сингари. Девордаги тақвимда ялангоч қизлар қишдан хурсанд, орқа тишларида пломбалар кўриниб турган оғизларини очган кўйи қорни томоша қилиб турардилар.

1984 йилнинг декабри. Эллен 10 декабрни касалхонага ётадиган, 20 декабрни эса уйга рухсат бериладиган тахминий кун сифатида белгилаб қўйганди. Ростдан ҳам унда Той касаллиги мавжудми ёки йўқ? Аниқлаштириш керак эди. Доктор Зазибунинг ташхисини аниқлаштириш учун эса ниҳоясиз азобли тестлардан ўтиш лозим бўларди. Агар натижалар умидбахш бўлса, қораталоқ олиб ташланиши кўзда тутилганди. Операция осон ва хавфсиз ўтиши ҳақидаги жарроҳ доктор Мэнинг айтган сўзлар ёлғон эди. "Шундай соғлиқни сақлаш хизмати учун тақдирдан миннатдор бўлишингиз керак, йигитча", – деди жарроҳ. Бироқ, Бев халқ кутубхонасида Той касаллиги ҳақида ўқиганди. Умуман хавфсиз эмас!

Кўз ёшларини тутиб туришга уриниб, брендидан ҳўплади. Тилида қолган қанднинг ачимсиқ таъми юрак қаъридан отилиб чиқаётган муҳим ва аччиқ сўзнинг илк бўғинлари каби сезилди. Бу сўз билан

эса тоза ҳислар ҳақидағи романтик шеър бошланади: режа бор, маъно бор, барини олдиндан күргувчи Касб-кор. У күз ёшларини ортиқ тутиб тура олмади. Күз ёшлари юзларини ювди: Умуман хавфсиз әмас! Шундагина у на таҳлика, на андух ва на титроқни ҳис қилмаётганини тушунди. Олдиндан тахмин қилиш мүмкін бўлган ҳеч нарса содир бўлмади. Той касаллиги. “Қораталоқни олиб ташлаш қасаллик белгиларининг вақтингчалик заифлашувига сабаб бўлиши мүмкін, аммо саксон беш фоиз ҳолатда таҳлиллар салбий”. Бев ич-ичидан Элленнинг ўлишини ҳис қиласди, лекин бундай даҳшатли ўлим... Элленнинг сўнгти сўзларига қадар ҳам Бев қалбида исён тишлари ёриб чиқаётганди. “Хотинимнинг охирги сўзлари, биродарлар! Наҳот жуфтимнинг энг сўнгти истагини бажо келтира олмасам?” Аслида, бу исён тишлари беш йил олдин чиқа бошлаган, аммо кейинчалик ўтмаслашиб қолганди...

Олтмишинчи йилларда Бевнинг амакиси Жорж келинойиси Роза билан Австралияга қўчиб кетишиди. Аделаида гарчи ўтакетган расмиятчи шаҳар бўлса-да, улар баҳтли яшардилар: устрица ейишарди, черковга қатнардилар, Жорж ўз босмахонасини муваффақиятли юргизар эди. Шу тариқа деярий йигирма йил ўтди. Улар маҳаллий осси¹ларга айланышган, Англияни соғиниб бир қатра ёш ҳам тўкишмасди. 1978 йилда эса Роза дардга чалинди. Унинг дарди энг ёмони эди – ўпка фалажи. Шу сабабдан ҳам Парксайд-авенюдаги “глория-соум” меҳмонхонасида (австралия лаҳжасида алоҳида турар-жой дея аталишини амакиси хатида ёзганди) умрбод сунъий нафас олиш аппаратига уланганча ётарди.

Сўнгра ҳеч бир огоҳлантиришларсиз электростанция ишчилари иш ташладилар. “Иш ташлаш”

¹ Осси – австралийцлар. Англия, Канада ва Америкада австралийцлар шундай аталади.

– жуда кўрқинчли сўз. Роза ва унинг аппаратини авария генератори бор касалхонага кўчиришга вақт бўлмади. Электр токи йўқлиги боис у вафот этди. Аслида, ўлдирилганди, дея Жорж фарёд чекди. Кейин эса... бу барча газеталарда шов-шув бўлди. Жорж иш ташлаш ҳаракати йўлбошчиси Жек Ризни қотилликда айблади. Касаба уюшмаси жавобгарликни ўз зиммасига олмади. Иш ташлаш “ёввойи-ларча” норасмий тарзда бўлганлиги иддао қилинди. Ҳа, амакиси фарёд чекди, лекин ким бу қуролни ўйлаб топди? Синдикализм¹га айланиб кетган ҳамма касаба уюшмаси тизимларига лаънат бўлсин! Ижозат этинг, бир сўз айтсам: бирор бир шахс нима бўлишидан қатъи назар ўз ишидан бўйин товлаши мумкин эмас. Ҳар қандай шароитда ҳам. Айнан ишлашга тайёрлик инсонни инсон қиласди. Ана шу аламзадалик ортидан Жорж амаки Австралия Иттифоқининг² электротехника саноати ходимлари синдикати бош котиби Альфред Уиггни ўз хусусий қароргоҳидан хизмат лимузинида чиқаётган вақти отиб ташлади. Жек Риз эркинликда қолди. Жорж амаки эса ўзининг гоҳ туманли, гоҳ ғазаб чақмоғи ярқираган сўнгти кунларини ёқимли ва яшил табиатли “Патрик Уайт бошпанаси” да яшаб ўтди.

БҚ ёки Британия газеталарида ёритилмаган яна бир ҳодиса рўй берди – сабаблари ҳар хил бўлиши мумкин: журналистик этика, пора бериш ёки жамоат тартибига алоқадор бирор-бир қарорни оҳистагина эслатиб қўйиш. Хуллас, совуқ январь кунларининг бирида АҚШнинг (кимдир бу қисқартмага ҳазиллашиб, Анқайтан Кўшма Штатлар, дея таъриф берганди)

¹ Синдикализм – ишчилар ҳаракатида сиёсий курашни, ишчилар синфининг сиёсий партиясини инкор этиб, фақат касаба уюшмалари доирасида иқтисодий курашни тан олувчи майдада буржуа оқими.

² Австралияning расмий номи.

Миннесота штати, Миннеаполис шаҳрида ҳарорат нолдан 37,2 даражада пастта тушди. Электромеханика саноатининг Федерал касаба уюшмаси агар президентнинг фавқулодда қарори билан уюшма аъзоларини қаноатлантирадиган даражада ойлик маошлар оширилмаса, электр етказиб бериши номаълум муддаттагача тўхтатишини айтиб, пўписа қилди. Ҳаддан ташқари совук қотиш натижасида ҳаётдан кўз юмган ўн беш минг инсон. Бунга жим қараб туриш жуда мушкул. Талабларга бўйсунмасликнинг оқибати шундай аянчли бўлди. Тахмин қилинганидек, уюшма аъзолари ўзларига зарур нарсани олишди. Шунда шаҳар хўжалигининг бошқа соҳалари – газ, сув, ёнилғи, истеъмол маҳсулотлари етказиб бериш ва ҳоказоларда меҳнат қилувчи ишчилар ҳам мазкур иблисона усолдан фойдаланишини синаб кўрдилар. Ҳамон “исён” сўзининг маъносини тушунувчи ҳукумат Миллий гвардияни оёққа турғизди. Соқчи отрядлар билан муштлашувлар, отишмалар, нихоят, уят ва касаба уюшмаси бошлиғи Катта Жим Шелдоннинг ўғли ваҳшийларча ўлдирилгач, яна қайта ўрнига тушган тартиб ва виждан... Бев буларнинг барини аниқ-равшан биларди. Тоғаваччаси Берт анчадан бери Миннесотанинг Дулут шаҳрида яшарди. У мактуб юборганди. Мактублар келмай қолиши эса цензура билан эмас, почтачиларнинг иш ташлашиари билан боғлиқ. Ўша вақтда почта ходимлари иш ташлаш эълон қилимагандар, шу боисдан хатлар келиб турган.

Үлим олдидан айтилган “Қутулиб кетишларига йўл қўйма” сўzlари кўхна қўшиқнинг акс садоси каби қулоқлар остида жаранглайди. Бев деярли бўшаб қолган бренди шишасини симириди. У тўплашиб келаётган норозилик ҳаракатга эврилишини олдиндан сезмоқда эди. Бев ҳар ким ҳам мағзини чақа олмайдиган эркинлик ва озодлик йўлида жафокаш

бўлишни истамасди. Аммо унда боражак манзили номаълум поездда сафар қилиш учун чипта бор. Балки бу поездда у ягона йўловчидир. Бироқ, бу сафар жуда ҳам зарур эканлигини ҳис этиб турарди.

2. МУЗАФФАР БҚ

Девлин хира кўзлари билан хужжатга қаради.

– Бев? – сўради у. – Бу чиндан сизнинг исмингизми? Беверли ёки шунга ўхшаш бошқа исмнинг кисқартмаси эмасми?

– Уч нарсани ифодалаши мумкин, – жавоб берди Бев, – Бевридж, Бивен ва Биван. Туғилганимда бу уч исм анча таниқли эди. Социалистларда. Отам катта социалист эди.

– Бевридж либерал эди, – қўшилди Девлин. – Бироқ, шубҳасиз, ижтимоий кафолат анчагина радикал ғоя эди.

– Бисмарк Германиясидан ўзлаштирилган радикал ғоя, – тузатди Бев.

Девлиннинг қовоғи осилди.

– Ўқимишли одам каби гапиrinting.

Ибора жуда эскидек туюлди, ахир Девлин олтмишларга борган ва унинг луғат бойлиги ИЗ, яъни Ишчилар Забони (ёки тили) даги сўзлар билан унчалик бойитилмаган эди.

– Сиз бундай гапирмаяпсиз, – у нигоҳини яна хужжатга қаратди, – қандолатчилик конвойерининг оператори. Ҳа, албатта, бу ерда ҳаммаси ёзилгандек. Аслида, сиз Жек Смит ўрта мактабида Европа тарихидан дарс бергансиз. Бу ерда эса бу ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Хўш, нега мактабдан кетгансиз?

– Вазирлик кўрсатмаси туфайли, – жавоб берди Бев. – Бизнинг ўқув дастуримизни ҳаддан ташқари

қисқартириб ташлашди. Касаба уюшмалари ҳаралати тарихи бутун бир тарих эмас, ҳатто унинг ахамиятли қисми ҳам эмас. Буни билардим, аммо ўз нуқтаи назаримни ифода этмадим. Очиқ норозилик билдирмадим ҳам. Мен шунчаки янада кўпроқ нарсага эришишни хоҳлашимни айтдим.

– Болаларнинг ошқозонини бузишни, – кулди Девлин, – уларнинг онгини шаклантириш ўрнига. Сифат назорати бўлимидағи болалар бу ҳақида нима дейдилар?

– Аммо мен кўпроқ нарсага эришдим, – деди Бев. – ҳафтасига йигирма фунтдан кўпроқ ишлайман. Янги йилдан эса маошим ўттиз фунтдан ошади.

– Демак, келгуси йилда сиз “Пен шоколад фабрикаси”да ишламайсиз, тўғрими? Агарда бу... бу атавизмни ўжарлик билан давом эттирангиз.

– Мен қатъият кўрсатища давом этишим керак. Бу ёвузлик қандай касофатларга сабаб бўлишини билатуриб сиз жим қараб тура олган бўлармидингиз? Ўзини ҳимоялаш билан бошланган бу ҳолат жамиятга нисбатан ахлоқсиз босим уюштиришга айланиб кетди. Барчамиз ухладик. Уйғониш фурсати етди. Бу аҳмоқона тизим хотинимнинг бошига етди. Сиз ушбу лаънати қабиҳлик билан муроса қилишимни кутмоқдасиз. Кўз олдимда хотинимнинг жизиллаб пишган териси ва суюкка айланган жасади ҳамон турибди. Сиз эса пасткаш ўт ўчирувчиларнинг иш ташлаш ҳаракатини қўллашимни истаяпсиз.

– Сиздан ҳеч нарса талаб этилмайди, – мулоиймлик билан сўзлади Девлин ва сигарет қутисини Бев томонга сурди. Бев бош чайқади. – Аллақачон тутиш вақти келганди, – деди у чекаркан. – Аммо у иблислар энди кимнинг ортига беркинган экан?

Сигарет қутисида саратонга чалинган ўлканинг кичик, аммо бежирим тасвири бор эди. Соғлиқни

сақлаш вазирлигининг кўрсатмаси. Огоҳлантирувчи сўзлар фойда бермаганди.

– Ўт ўчирувчилар ҳам йўлларида юрадилар. Армия ҳам ўз йўналишида ҳаракатланишда давом этади. Асосан биз буни маъкуллаймиз. Биз иш ташлашларни пролетариатнинг асосий қуроли сифатида маъкуллаймиз. Фикрлашга ҳаракат қилиб кўринг. Синдикализмнинг ўлимида айбдор ҳисобламанг. Касалхонага ўт қўйган ярамасни гуноҳкор деб билинг.

– Албатта гуноҳкор деб биламан! – деди Бев. – Аммо мен бир ўзим бу ёвуз тамойилга қарши исён кўтардим. Чунки бу ишни содир этган ҳаромилар ваҳший қотиллар тўдаси. Агар уларни тутишганида қийноққа солишарди! Йўқ, қийнаш – эски усул, тўғрими? Уларни қайта тарбиялаган бўлишарди. Агар уларни ўзим кўлга тушира олганимда эди... Ўлдирган бўлардим. Биласизми, уларнинг жонини қандай олардим...

– Бу ҳам ўтади, – деди Девлин бармоғидаги узугини ўйнаркан.

– Ҳаттоқи, улар кўз ўнгимда бўкириб, дод-фарёд солсалар ҳам, хотиним азобланган каби азоблансалар ҳам мен ўзимни ночор, норизо сезган бўлардим. Ёвузликка ёвузлик билан жавоб қайтариб, мен ҳам бу иллатнинг ёйилишига ўз хиссамни била туриб қўшган бўлардим, ахир. Аммо ёвузлик мавжуд бўлишда ва тарқалишда давом этаверади. Ёвузлик – маҳв этиб бўлмас, бузиб бўлмас ҳайвоний, абадий куч.

– Бу сизнинг соҳангиз эмас, – таъкид оҳангида сўзлади Девлин. – Бу – теология. Черковдагиларнинг иши. Аммо, жуда чиройли ва равон нутқда гапирдингиз. Албатта, бу нарса ўз йўлида фойдали. Ёшлигимда мен ҳам бу нарсага мурожаат этганман. Масалан: “Капитализмнинг ёвузлиги ер юзидан бутунлай

супуриб ташланиши лозим” сингари ибораларни ишлатганман. Теологларда яхши метафоралар бор. Белига тепганим учун кечиринг.

– Келинг, буни бошқача йўсинда айтсак, – давом этди Бев. – Кўчада кетаётган одамга ҳужум қилишди, уни талашди, дўпослашди, ҳатто зўрлашди ҳам. Ўткинчилар эса бир чеккада, ҳеч нарса қилмасдан, кузатиб туришибди. Ўша “кузатувчилар” ҳам, жиноятчилар билан бир қаторда гуноҳкор эмасми?

– У даражада эмас. Улар ҳеч қандай аҳмоқона иш қилишгани йўқ. Умуман, улар ҳеч нарса қилмадилар. Одамлар содир этмаган қилмишлиари учун эмас, қилган ишлари учун айбдордирлар.

– Ва бу нотўғри, – таъкидлами Бев. – Уларнинг гуноҳлари эҳтимол, янада оғирроқ. Ёвузлик инсоннинг ажralmas бир бўлагидир. Уни ҳеч қандай қонунлар, жазо чоралари-ю ислоҳотлар билан йўқ қилиб бўлмайди. Аммо бошқаларнинг бурчи – содир этилаётган ёвузликка тўсқинлик қилишдир. Айнан мана шу бурч уларни инсон қиласи. Модомики, инсонлар ўз бурчларини бажармас эканлар, улар айбдордирлар. Уларни гуноҳкор санаш ва жазога тортиш лозим.

– Бурч ва унга ўхшаш нарсалар энди йўқ, – деди Девлин. – Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Фақатгина хуқуқ бор. Инсон хуқуқлари бўйича комиссия – ўтакетган аҳмоқона нарса, тўғрими? Ҳар доим ҳам аҳмоқона бўлиб келган. Бу нарсани ҳам яхши биласиз.

– Оила олдидаги бурч, – давом этди Бев. – Касб-коринг олдидаги бурчинг, Ватан олдидаги бурчинг... Куракда турмайдиган сафсата, тушунаман.

– Бурчлар – хуқуқларни хурмат қилишнинг кафолати, – қўшиб қўйди Девлин. – Бунга қўшилмасдан илож йўқ. Аммо, агар сиз “Хуқуқлар ва ҳоказолар кафолати” ҳақида гапирсангиз бу худди бемаънилилек эшитилади. Сизнинг бурчингиз йўқ, жин урсин.

– Демак, касалхона ёнаркан, ўт ўчирувчиларда ҳеч нарса қымасдан шунчаки томошабин бўлиб ўтириш ҳукуки бор, – куйиниб гапирди Бев. – Ва улар “Бизнинг ҳукуқларимизни қайтаринг ва бу бошқа содир бўлмайди. Ҳар ҳолда, кейинги сафаргача” дейдилар. Мен буни биринчисидан кўра даҳшатлироқ жиноят, деган бўлардим.

– Унда балки бу сизни қизиқтирар, – сўзлади Девлин сигарет қолдигини кулдонга босиб ўчирапкан.

– Брентфорд касалхонасида содир этилган ёнгин ҳодисаси ижобий натижа бера бошлади. Ўт ўчирувчилар бутун қўмита билан маошлар масаласида музокара столига ўтирадилар. Ёвузлик ҳақида ғазабланиб сўзлашдан олдин, бу ҳақида ўйлаб кўрсангиз бўларди. Ишчиларнинг оғирини енгиллатувчи ҳеч бир иш аҳмоқлик эмас. Мулоҳаза қилиб кўринг. Ва буни бир минг тўққиз юз саксон бешинчи йил учун бошлаган кундаликкагизга ёзиб қўйинг.

– Сиз эса ўз қайдларингизга мана бу нарсани ёзиб қўйинг. ОДАМЛАР ЭРКИНДИРЛАР. Сиз, одамлар, эркинлик нима эканлигини унутиб ҳам юборгансизлар.

– Очликдан ўлиш эркинлиги, эксплуатация курбони бўлиш эркинлиги, – жавоб қайтарди Девлин аччиқ устида чукур-чукур нафас оларкан. – Эркинлик, сизга мамнуният билан айтсан, қачондир ўргатганингиз тарих фани дарслкларида гина мавжуд. Сиз қонхўр индивидуалистсиз, оғайни. – Девлиннинг гап оҳангидан деразалар зириллаб кетгандек бўлди. – Сиз ваҳший реакционерсиз, дўстим. Сиз ҳатто марҳум Исо Масихта ҳам эркинлик сўрайсиз ва қасам ичиб айтиманки, уни оласиз. – У Бевнинг олдига цех бошлиғи юборган тавсифномани ташлади. – Эски, жирканч эркин кунлар тугади, болакай, – шу ерда у ирландча шевага мурожаат қилди. – Сиз ва сизга ўхшаган ре-

акционерлар учун. Сиз тариҳдан дарс беришни тўхтатдингиз ва ўтмишга ёнбошингиз билан қайтдингиз. Балки сизга эслатиш жоиздир, йигирма йилларча илгари сиз-у бизнинг касаба уюшмамиз умуман мавжуд эмасди. У фақат туғилиш хуқуки учун курашди ва Худо ҳаққи ҳам қайғу-уқубат, ҳам ғалаба билан дунёга келди. Шоколадли батончик, карамель ва кремли кокос ишлаб чиқарувчи конвейерлар қаршисида туродиган эркакларнинг ахволи кончилар, темирийўл ишчилари ва металургларницидан аянчлироқ эди. Биласизми, нега? Сиз каби реакционерлар ва сизларнинг аҳмоқона мулоҳазаларингиз туфайли.

– Буларнинг сафсата эканлигини ўзингиз биласиз.

– Нимани назарда тутаётганлигимни жуда яхши сезиб турибсиз, минг лаънат! – бақирди Девлин. – Кончиларнинг иш ташлашларини чўзишилари ва истеъмолчиларнинг юмшоқ жойларини музлатишларига йўл қўювчи архаик ва буржуазия қадриятлари бор-у, аммо ҳаётий зарур бўлмаган, тақчил товарлар ва шунчаки ҳашамат воситаларини пасткашларча етказиб беришда бу қадриятлар ўз аҳамиятини йўқотади. Қандолат саноати ҳам ана шулар орасида. Ҳуллас, шу билан ҳаммасига барҳам берилди болакай! Биз иш ташласак, ортимиздан новвойлар ҳам эргашадилар. Шоколадли йигитларнинг маошни ошириш тўғрисидаги талаблари жавобсиз, халқ nonсиз қолади. Ва ҳеч бир реакцион абллаҳ уларга муруват кўрсатиб, истеъмол қилиш учун пирожнийлар бермайди, чунки бирини олмасангиз, бошқасини ҳам қўлга киритмайсиз. Ҳар қандай иш ташлаш оммавий иш ташлашга айланадиган кунларга оз қолди. Балки бу тўқсонинчи йиллардан ҳам эртароқ кириб келар. Ҳали тиши чўткаларининг ҳар бир ишлаб чиқарувчи-си Электр ўчиши, одамлар совуқ қотиши, мактаблар ёпилиши ва поездлар ҳаракати тўхташини олдиндан

билиб, ўзига ишонган ҳолатда иш ташлаши мумкин. Мана, биз нимага қараб кетяпмиз, биродар. Петтиг-рю яхлит синдикализм деб атаган вақтларга ҳам кўп вақт қолгани йўқ. Сизда эса эркинлик ҳақида гапириш учун безбетлик, телбалик, реакцион ғазаб етарли даражада. – У оғир сўлиш олди ва жаҳл билан яна бир сигаретни чекиб тутатди.

– Мен фақатгина цех ёпилиши тўғрисидаги қарорнинг бекор қилинишини сўрайман. Мен озод инсон сифатида касаба уюшмасига мажбурий тарзда аъзо қилинишга қаршиман. Бу ерда қандай номаъкулчилик бор? Менга ўхшаб цех ёпилишига ахлоқий тамойиллар орқасидан қарши чиққанлар...

– Бу ахлоқий тамойил эмас, жин урсин сизларни ва бу ўзларингизга ҳам маълум. Гап ахлоқ ёки тамойилларда эмас, нафрат ва ғазабда, бунинг учун эса сизларни айбламайман. Аммо сизни ўз нафратингизни қандайдир тамойилга айлантираётганингиз учун гуноҳкор санайман. Хўш, гап бундай: Рождествогача кутинг. Ичинг, курка гўштидан хузур қилинг, бош оғриғидан озгина қийналинг, кейин яна янчилган ёнғоқларни шоколадли крем ва яна алламбалоларга қўшиш билан боғлиқ юмушингизга қайтаверасиз.

– Сиз тўғри айтдингиз, – деди Бев, – менинг ғазабим ёпиқ цех бу ёвузлик, одамларни лоқайд ва йиртқичликни ўзида жамлаган катта бир ёғли организмнинг ҳужайраси бўлишга мажбурлаш адолатсизлик, деган ақидалар, одам истасагина ишлаши, цех бошлигининг ҳуштаги билан ҳаракатланишга мажбур эмаслиги ва фавқулодда вазиятларда ишлап унинг бурчи эканлиги тўғрисидаги эътиқодларимнинг натижасидир. Агар унинг касби ўт ўчирувчилик бўлса, оловни ўчириш унинг бурчи. Бурч...

У “майдалантган ёнғоқни шоколад кремига қўшиш ҳам бурч” – демоқчи бўлди, аммо бу жуда беўхшов

янграшини билиб, оғиз очмади. Аммо сўнг бу ерда ҳеч қандай бемаънилик йўқлигини тушунди: болакай ўляпти ва бор-йўғи бир қути “Пенн ассортиси”-ни хоҳлаяпти. Барча иш ташлаган ва бутун дунёда ақалли бир дона қути ҳам қолмаган. Исёнкор ишчи эса босимлар ва таҳликага бардош бериб ўз конвейери сари бормоқда... Йўқ, бунақаси кетмайди. Инсон эътиқоди, ҳамма гап эътиқодда.

Девлин ўрнидан қўзғалиб, сув идиши сари юрди. Унинг хонаси жуда тартибли эди. Оддийгина, сарғиш ва жигарранг мебеллар Девлиннинг табиатига мос тушар, бунинг устига хона қуруқ ва иссиқ ҳам эди. Деворда – рамкадаги плакат: Рамзий ишчи Биллнинг сурати. Бу нусха эмас, Тилсоннинг муаллифлик асарининг ўзгинаси эди. Билл кўркам, пишиқ, ақлли, нигоҳлари ўткир ишчи, жингалак соchlари кепка остидан кўриниб турган, мовий комбинзони ўзига ярашган ва қўлида гайка қалитини ушлаб турган йигит эди. Девлин деразадан тушган ёруғликка қараб, қоғоз стакандаги сувни ҳўпларкан, тўсатдан Бевнинг хаёлига суратдаги Билл бу Девлин, деган фикр келди. Сурат Девлин ўттиз ёшлиар атрофига бўлган вақтда чизилган бўлса керак.

– Бу сизми? – сўради у.

Девлин Бевга қаттиқ тикилди.

– Нима? Буми? Биллми? Мен эмас – менинг ўғлим.

Унинг овозидаги нимадир Бевнинг яна сўрашига туртки берди:

– Вафот этганми?

– Мен учун. Жин урсин унинг балетини-ю, ноз-карашмаларини.

– Гомосексуалист¹ми?

– Эҳтимол. Қаердан билай? У қандайдир қаланги-қасангি фоҳишалар-у баччалар билан алоқадор.

¹ Гомосексуализм – бир хил жинс вакиллари ўртасидаги жинсий майл ва ахлоқ.

Падарига лаънат. – Девлин бу телба билан муомала қилишда чегарадан чиққанилигини тушунди ва аянчли илжайиб, давом этди: – Сизни даҳшатли зиддият қийнайти шекилли оғайни: ноз-карашмалар, эркалашлар, корсетларини таранг боғлаб олган камзулли ўт ёқувчи ёки юк машинаси ҳайдовчилари ҳақида билиш... мен эркак-моделлар, раққослар ва ҳатто гейпрофлар ҳақида гапиряпман.

– Гей нима эди?

– Гомосексуалист-фоҳишалар. Яъни, эркак ғарлар. Минимал тўлов миқдори ва ҳоказолар. Мен сўзларимни истеҳзога ботириб олиб, роҳатланишга устамон эмасман, бизнинг Билл ўз қалити ёки бошқа бирор нарса билан куролланади. Мана, сиз яраттан дунё.

– Фикримча, бу жуда ҳам чўзилиб кетди, – деди Девлин. Столга қайтаркан, у цех бошлиғи томонидан Бевга берилган тавсифномани олди. – Сиз дўстларингиз кўз ўнгига касаба уюшмасига аъзолик гувоҳномасини йиртиб ташладингиз. Бор овозда тизимдан норози эканлигинги изҳор этдингиз. Биродарларингиз хушингиз жойида эмаслигини сезиб, сабр қилишган. Бундай вазиятларда маъмурий жазо талаб этилади, деб ўйламайман...

– Қанақа маъмурий жазо?

– Низомни ўқиб чиқинг. 15 боб, д бўлими, 12 қисм. Икки йилликдан кам ва беш йилликдан кўп бўлмаган бадал пули миқдоридаги жарима. Майли, бунга эътибор бермаймиз. Гувоҳномани йиртиш – арзимаган иш. Бу худди эски даврлардаги одамларни чўқинтиришдек гап. Чўқинганлик тўғрисидаги хужжатни йиртиш билан сиз диндан чиқиб қолмайсиз. Сиз касаба уюшмаси аъзосисиз ва шу билан масала тамом.

– Ўз йўлимдан ҳозирча юрмайман ва хуштакка қараб ҳаракатланишни тўхтатмайман. Шундайми?

– Сиз касаба уюшмасига аъзосиз ва ўз-ўзингизни аъзоликдан чиқара олмайсиз. Қайдларда шундай ёзилган. Касаба уюшмаси архивлари эса – Мусо лавҳидек гап. Бироқ...

Шу вақт у Бевга қаттиқ тикилди. Қаримсиқ ва қўпол юзли тақириб бош эркак. Кўзлари қаҳрли бўлса ҳам шўх ва зиёлиларники каби. Серҳаракат лаблари гўё ҳавони чайнамоқчи ёки эрталабки нонуштада тиш орасига кириб қолган овқат қолдигини сугуриб олмоқчидек қимиirlайди. Рамзий Ишчи Билл Бевга тасдиқ ишорасини қилгандек мулойим жилмайиб турибди.

– Бироқ, – якун ясади Бев. – Менинг ишлаб чиқариш акциясида кейинчалик иштирок этмаслигим ўз-ўзидан аҳамиятли бўлиб қолади...

– Рождество арафасида тегирмончилар иш ташлайдилар. Умид қиласманки, ўша вақтгача сиз бу сафсаларингиздан қутуласиз. Акс ҳолда, фишт қолипдан кўчди, деб ҳисоблайверинг.

– Мана кўрасиз, – деди Бев ўрнидан тураркан.

– Сиз кўрасиз оғайни, жин урсин, – ўшқирди Девлин.

Ўз касаба уюшмаси ёки собиқ касаба уюшмаси бош котибининг хонасидан чиқишида Бев йигирма учинчи қаватдан лифтда ўтган вақтларни эслатиб турувчи вестибюлга тушди. Эндиликда Янги транспорт уйига топширилган бинода бир пайтлар “Хилтон” меҳмонхонаси жойлашган эди. Бу ерда мамлакатнинг синдиқалистик тармоғида мавжуд бўлган бирор бир касаба уюшмаси қайд этилмасдан қолмаган эди – мўри тозаловчилардан тортиб, фильмларга мусиқа ёзувчи бастакорларга қадар. Ресепшиндаги катта тахтада ёзилганди: “БИРЛАШГАН ҚИРОЛЛИК КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚЎМИТАСИ”. Пастда логограмма жойлашганди: мамлакатнинг сод-

далаштирилган харитаси ва “БҚ=БҚ=БҚси” ёзуви. “Times” журналистининг топқириллиги ҳам шунда эди: мамлакатнинг БҚ номи “Бирлашган Кўмита” тарзда шифрланганди. Бу топқириликка барча касаба уюшмаларнинг шефлари ёпишиб олгандилар ва дарров ишчилар мадҳиясига уни қўшиб қўйдилар:

*Мушаклар бақувват,
Юраклар бардам,
Музaffer БҚ ҳақида куйлаб
Биродарлар, ташлаймиз қадам.
Кўшикка жўр бўламиз шодон,
“Қабрдаги жаннат” не даркор бизга?
Бешикдан то мозорга қадар
Музaffer БҚ кўч берар бизга!*

Ишчиларнинг ҳаммаси ҳам қўшиқ сўзларини билиши ҳақида гапириш ўринисиз. Кўчада эса илиқ ёмғир шифалаб ёғмоқда. Бев намикқан, устида қизил-қон тусдаги байроқ ҳилпираб турган маҳобатли иншоотта нигоҳини қаратди. Эндиликда ўроқ ва болға бутунжаҳон ишчилар иттифоқи рамзи эмас, улар меҳнатнинг муқаддас номи билан Европада синдикализмни инкор этувчи репрессив давлат тузумини ўрнатмоқчи бўлган ва мақсадига етган Социалистларга бериб юборилганди. Энейрин Биван (эҳтимол, Бевнинг ilk адашидир? Ахир, у ҳам Уэлслик эди) бир куни жамоат олдида бўлмаса ҳам, доно сўзларни айтди: “Синдикализм – бу социализм эмас”. Агар ишчиларнинг ўзлари иш берувчи бўлсаларгина, бирор билан курашишга ҳожат йўқ. БҚда эса капитал ва меҳнатнинг эскича бўлинини мавжудлиқда давом этмоқда: Эҳтимол, жуда узоқ вақт сақланиб ҳам қолади. Бунда капиталист иштирокчи-мулқдор ёки (тезда йўқ бўлувчи) давлат бўлиши мухим эмас.

Бев ҳилпираб турган байроқقا қараб табассуми-ни тутиб туролмади. У бу мулк меңнат фалсафаси-га тамоман номувофиқлиги ва БҚ ўз штаб-кварти-расини араблардан ижарага олганлигини эслади. Арабларсиз БҚнинг ҳоли нима кечаркин? Нархи осмон нефть исломдан оқиб келиб, БҚ саноатининг тўхташига йўл қўймади. Ислом бу нафақат жази-рама сахро, балки Шимолий муз океани ҳам. Са-баби Шимолий денгиз нефти араблар томонидан ҳукумат қарзининг кафолати сифатида тасарруф этиларди. Ҳалқаро валюта фонди Британия учун ўз манбаларини ёпиб, гаров сўраганида Шимолий муз океани узра янги ой тасвири бор байроқлар ҳил-пиради. Араблар Британияга умрбодга келдилар. Уларнинг қўлида “Ал-Дорчестер”, “Ал-Клариджес”, “Ал-Браунс”, бир қатор “Ал-Ҳилтон”лар ва “Ал-Ида-инн”лар, алкоголли ичимлик ва нонуштага бе-кон сотилмайдиган барлар бор эди. Одамлар БҚ да вино ва пивопазлик саноатидан ташқари араблар нималарга эгалик қилишларини билмасдилар ҳам. Ва тез орада Грейт-Смит-стритда улар куч-қудрати-нинг рамзи – Масжид-ул-Ҳарам ёки Буюк Лондон масжиди қад ростлади. Бу иншоот Англияга ислом фақатгина бойларнинг эътиқоди эмаслигини эслатиб қўйиш учун барпо этилди: Шарқий Африка ва Покистондаги кўплаб ғайратли мусулмонлар бу ерга арабларнинг иқтисодий мададига таянишдек сиёсий мақсадни кўзлаб, муҳожирлар тўғрисидаги қонунарнинг (улардаги квоталар ниҳоятда хасис-лик билан ажратилганди) мусулмонлар фойдасига юмшатилиши натижасида тўсиқларсиз келдилар. Ўз насронийлиги ҳақида унутган ишчилар эса улар нафратланадиган “Қабрдаги жаннат” ҳақида куй-лай бошладилар. “Улар, – чақмоқ тезлигида ўйлади Бев, – қабрдаги жаннатни ҳали инкор этмаганлардан ҳаммадан ҳам кўпроқ қўрқишилари керак”.

3. СИЗНИ ТЕЛЕВИЗОРДА КҮРСАТИШДИ

Эътиқодли мусулмонлар сингари инглизлар ун деб атайдиган (концерагенли, жуда ҳам кам озуқа-вий таркибга эга) нарсани ишлаб чиқарувчи британиялик тегирмончилар иш ташлашни тонгда әмас, оқшом пайти бошладилар. Рождество арафасида-ти тонгда нон умуман йўқ эди. Сабаби новвойлар ун омборларининг эшикларини қулфлаган ва улар ҳам иш ташлаган эдилар. Қандолатчилар ҳам бу ҳа-ракатга қўшилдилар. Ҳали ўз касаба уюшмаларини тузмаган, на батон, на пирожное топган уй бекала-ри Хай-стритда тартибсизликлар уюштира бошли-дилар. Қундузги соат учда маошлар бўйича қўмита тегирмончиларнинг кечки вақт учун қундузги ма-ошнинг уч бараварини тўлаш тўғрисидаги талаб-ларини ижобий тарзда қондиришга ваъда берди ва иш ташлаш ярим соатга тўхтади. Сабаби – оддий ходимлар учун Рождество таътили бошланаётган, улар хотиржам ўз хўжайинлари ҳисобидан байрам қадаҳларини кўтаришлари мумкин эди. Рождество эса барибир нонсиз ўтди.

Оёқларини букиб, елкаларини ростлаб ва кўкраги-ни кериб, Бев ҳар доимгидай эрталабки соат саккиз-да “Пеннинг шоколад фабрикаси” дарвозаси олдида ҳозир бўлди. Бу ерда уни кичик соқчилар отряди кутиб туради. Полиция отлари сувлиқларини чай-нардилар. Гарчи ўzlари унчалик истамасалар ҳам Бевга кичик тош отган одамни “тартибга солдилар”.

– Ким тарафдасиз, ҳой ҳаромилар?! – деган қички-риқ кўтарилиди.

– Сиз қонунни мендан кам билмайсиз, – хушла-май жавоб берди сержант.

“Темза” телеканалининг фургони етиб келди. Бев кутди. Унинг акцияси, агар бу ҳақида дунё билмаса

хеч қандай күчгә эга бўлмайди. Янги давр келди: телевизорда нима кўрсатилса – ўша ҳақиқат. Фургондан Жефф Фэрклафф чиқиб келди: қўллари башанг “барберри” плаши чўнтағига солинган, малла жингалак соchlари шамолда хилпирайди. Унинг ортидан камера кўтарган тасвиричи ва микрофонли овоз оператори эргашдилар. Бев ва Фэрклафф бир-бирларига ишора қилдилар. Бев Фэрклаффга кечга яқин қўнғироқ қилганди. Қачондир улар ҳамкасб әдилар: Фэрклафф то ИЗ нинг янги ўқув режаси муомалага киритилмагунча инглиз тилидан дарс берарди. (Янги қоидаларга кўра, оғзаки нутқда фақатгина битта форма қўлланилиши мумкин. “You was” – 85 фоиз инглиз халқи томонидан ишлатиладиган форма. Демак, “you was” – тўғри форма. Расмиятчиларга эслатиб ўтамизки, “you were” ўн саккизинчи асрда Жонатан Свифтга ўхшаган ўтакетган майдакашлар томонидан қўлланилган китобий форма“.) Бев ҳамда журналистлар дарвозалар очилишини кутишарди. Иш ташловчилар камерага ташланиб, унинг қаршисида сўкиниб, яхшигина томоша кўрсатдилар. Овоз оператори буларни микрофонга ёзиб олмади: “Онангни...” ёки шунга ўхшаган алламбало сўкишларни архивдан топиш муаммо эмасди. Бев уларни дирекция жойлашган тарафга бошлаб борди. Уларнинг қаршисига жуда ҳам асабий жаноб Пенн-кичкина чиқди. Қулоқчиниларни таққан овоз оператори микрофонни ёқди ва бош бармоқлари билан Фэрклаффга ишора қилди. У эса гапирди:

– Мотор.

– Хайрли тонг, жаноб Пенн, – бошлади Бев. – Мен одатдагидек ишга келдим.

– Келмаслигингиз мумкин. Биласиз, биз ёпилганимиз. Озгина ўйлаб иш қилинг.

– Сиз мендан ишлашдек асосий ҳукуқимни тортиб оляпсизми?

- Аҳмоқ бўлманг, жин урсин. Позициямиз қандайлиги сизга ойдек равшан.
- Сиз квакер¹мисиз жаноб Пенн? Дўстларингизнинг диний жамияти аъзосимисиз?
- Тушунмадим, бунинг нима алоқаси бор? Энди эса, қўзимдан йўқолинг.
- Мени ишдан бўшатасизми, жаноб Пенн? Қайси асоста кўра? Штатлар қисқариши?! Самарасиз иш?! Субординацияга риоя қилмаслик!?
- Сизни бўшатмайман. Таътилга чиқасиз.
- Сиз квакерлар – шоколад ишлаб чиқарувчиларнинг асосий ақидасини бузяпсиз, яъни – ҳар қандай ёлланма ишчи ишлаш ҳукуқига эга ва уни ишламасликка мажбур қилувчи ҳар қандай буйруқقا бўйсунмасликка ҳақли. Шундай эмасми?
- Сизнинг ҳолатингиз меникидан яхшироқ эмас. Сизнинг конвойерингиз ёпиқ цехда. У ерда қиладиган ишингиз йўқ. Менинг қўлимдан ҳам ҳеч нарса келмайди. Одоб сақлай олмадингизми, биродар?
- Мамнуният билан одоб қоидаларига риоя қиласман. Очинг ва ўз конвойеримга боришга рухсат беринг.
- Аммо, электр йўқ. Даф бўлсангиз-чи! – Жаноб Пенн ғазабда эди.
- Сизнингча, буadolatdanmi? – сўради Бев. – Сизнингча, узоқ асрлик эътиқодингизга кўра сиз ва тарафдорларингиз адолатлимисизлар?
- Сизга айтяпман, гап бунда эмас. Ҳозир янги давр.
- Биз, сиз билан жаноб Пенн шартномавий муносабатларни чалкаштириб юбордик. Иш берувчи ва ходим сифатида. Сиз бу шартнома қоидаларини бузмоқчимисиз?
- Бўпти, – хўмрайиб жавоб берди жаноб Пенн. – Юргилар мен билан.

¹ Квакер – христиан динининг Англия ва Америкада тарқалган квакерлик мазҳабига мансуб киши.

Ва барчани цехга бошлади (тасвирчи олдинга ўтиб, уларни тасвирга тушириб борарди).

Бев ўзининг совуқ конвейерида атрофини ўраб турган совуқ нигоҳлар қаршисида Жефф Фэркляффга интервью берди.

– Демак, жаноб Жонс, бу сизнинг иш ташлашга қарши курашиш тамойилингиз. Мёнимча, сиз эскича фикрлайдиган одамлар тоифасидансиз.

– Адолат эскича нарсами? Ҳамдардлик-чи? Бурччи? Модомики, замонавий дунёда бегуноҳ одамлар ёнаётган вақтда ўт ўчирувчилар ўз ҳуқуқларини талаб қилиб, ҳеч нарса қимай турарканлар, мен эскича фикрлайдиган одам эканлигимдан содир бўлаяптими бу?

– Биласизми, жаноб Жонс, сиз бу билан ўзингизга муаммо орттиришингиз мумкин. Бунинг устига бошқа жойларда сизга иш таклиф этилмаслиги ҳам мумкин. Ёпиқ цех – ҳаёт ҳақиқати ва бу ягона даромад манбами?

– Ҳар ишчида ўз меҳнатидан бўйин товлаш ёки товламасликни танлаш ҳуқуқи бор. Мен фақатгина синдикализмни айблайман.

– Сиз ҳозиргина ўзингизга умрбод ишсизликни сотиб олдингиз.

– Майли, шундай бўлақолсин.

Камера суратга олишдан тўхтади. Овоз оператори микрофонни ўчириб, йиғиштира бошлади.

– Яхши чиқдими? – сўради Бев.

– Яхшилика яхшику-я, – жилмайди Фэркляфф. – Худонинг ўзи сени қўлласин.

Кетишиди. Полиция томонидан тўхтатилганлар, зобитлар мазах аралаш пўписа қилдилар. “Темза” телеканали Бевни банккача ташлаб қўйди. 150 фунт ечиб олган Бев ҳисоб рақамида 11.50 фунт қолганилиги тўғрисида огоҳлантирилди. Рождество дастур-

хонига ул-бул харид қилиш учун дўконга борди. Шўрлик етим қолган Бессини байрам зиёфатидан маҳрум қилиш мумкин эмас. У Рождество нима эканлигини биларди: унинг ўқитувчиси Абдул-бакар хоним бутун байрам тарихини сўзлаб берганди. Набий Исо Мұхаммад (с.а.в) дан олдин келган буюк пайғамбар. Халқ уни Исо Масиҳ деб атайди ва у бу дунёга ягона, құдратли Аллоҳ томонидан адолат, меҳр-шафқатни қарор топтириш учун юборилган. Демак, шунчалик кўп ейиш керакки, қайт қилиш даражасига қадар етсин.

Бев Рождество арафасида ошхонада виски ичаёт-ганди. Бирдан Бесси қичқириб қолди:

– Дада, дада, телевизордаги амаки сизга жуда ўхшаркан!

Меҳмонхонага кириб, ўзини янгиликларда кўрди, аммо овозини эшитолмади. Ҳаммаси аён, телевидение ходимлари касаба уюшмаси, агар бутун дунёга бемаъни, мавжуд қоидаларга хилоф хабарлар тарқалса, иш ташлаш билан қўрқитган. У ўзини жаноб Пенни билан биргаликда совуқ конвойер ёнида атиги ўн сония томоша қилди. Маҳаллий янгиликлар якуни арафасида бошловчининг ҳазили эши-тилди: яъни бир одамга қувноқ Рождество тилаш мумкин, аммо, Янги йилда баҳт тилаш бироз мушкулроқ. Сўнгра, Шопеннинг дафн марши садоси остида экранда бўр билан чизилган дорга осиғлиқ одам тасвири пайдо бўлди. Шу билан маҳаллий янгиликлар ниҳоясига етди.

– У худди сизнинг ўзингиз, дада.

– Албатта менга ўхшайди-да, қизим. Ахир, у – менинг ўзимман-ку!

Бесси отасига бошқача, ҳурмат назари билан қаради. Ахир, ҳамманинг ҳам дадаси телевизорда чиқавермайди-ку.

Бев чуқур хүрсинашынан, унга ҳаммасини айтиш түғри-
сида үйлади. Иүк, яхшиси куттан маңқул. Шүрлик
Рождество зиёфатини яхши кайфиятда ўтказсин.
Улар биргаликда хурмо едилар, ёнгоқларни шақи-
латдилар. Бессининг нигоҳи бутунлай экранда эди.
Ҳар замонда қовоқлари қайгули тарзда юмиларди.
Улар Сент-Бинг ва Розмари Клуни иштирокидаги
“Оқ Рождество”ни томоша қилдилар. “Араб вақти”
бошлангач, “Рождество ҳикояси” номли янги мю-
зиклга ўтишди. Унда тавба қилимаган, намунали ва му-
руватли иш берувчига айланмаган Эбенезер Скруж
шарпасифаат меҳмонлар томонидан қўрқитилиб,
ишчилар ҳокимияти нималарга қодир эканлигини
тушуниб етади. Совғалар кунини эса, Боб Крэтчit
бошчилигидаги янги черков ходимлари касаба уюш-
маси билан биргаликда террор руҳида нишонлайди.
Бев полга – телевизор ва ёниб турган электр каминъ
қаршиисига дастурхон ёзди. Чўчқа гўшти, турли хил
тузламалар, эски бисквитлар ва тухумсиз кремдан
Бевнинг ўзи тайёрлаган шерри торти дастурхонга
тортилди. Сўнгра улар австралия шерриси (“Қалба-
ки маҳсулотдан эҳтиёт бўлинг”) ва ширин чой ичди-
лар. Кечга яқин “Биби Марям қўнғироқлари” ном-
ли фильм намойиш этилди. Тағин авлиё Бинг похол
шляпали қизил хоч руҳонийси, Ингрид Бергман эса
роҳиба ролини ижро этгандилар. Лекин фильмни
шу қадар кўп кесиб ташлаган эдиларки, у асл моҳи-
ятини тамоман йўқотганди. Ниҳоят, Бесси ўзининг
кир чойшабига (Бев кир ювиш ҳақида унугланди)
ўраниб, ухлашга ҳозирланди. Тонгти соат тўрт ара-
фасида эса уч бошли ва узун тирнокли одам ҳақи-
даги қичқириқлари билан отасини уйғотиб юборди.
Бесси қўрқувдан ўрнини ҳўллаганди ва Бев ўнғайсиз
аҳволда унга шўрлик мархум Элленнинг ўрнида –
ўзининг ёнида ётишга руҳсат берди. Қизалоқ бусиз

ҳам тунги кийимини ҳўллаб қўйган, бу эса Бевни янада нокулай ҳолатта солиб қўйди. Даҳшатлардан унинг мияси озроқ чалғигач, тинчланди ва сўзлади:

– Сизни телевизорда кўрсатиши, дада.

Бев қизининг гапини маъқуллаб бошини қимирилатиб қўйди.

Бечорагина, ҳали унинг муаммоли кунлари жуда кўп бўлади. Бев хаста қизини чалғитиш учун мавжуд вазият ҳақида сўзлай бошлади. Бу билан унинг байрамига путур етмайди. Тонгда барибир ҳаммасини эсидан чиқаради.

Кизининг ухламаёттанига ишонч ҳосил қилгач, деди:

– Бесси! Оғир кунлар яқинлашяпти. Мени ишдан ҳайдашади. Пуллар умуман бўлмайди, ҳатто давлат суғуртаси томонидан ҳам берилмайди. Тез орада бизни бу уйдан ҳайдаб солишади, чунки мен ижа-ра пулини тўлай олмайман. Менинг аҳмоқлигим туфайли, бизни оғир кунлар кутяпти... мана шуни сенга айтишади.

– Ким айтади?

– Ўқитувчиларинг, ота-онаси барчаси ҳақида уларга гапириб берган бошқа болалар. Сен буни нима учун қилаёттанимни тушунишинг керак, Бесси. Ҳеч бир инсон хочга осилиши керак эмас. Исо ҳам хочга михланиши керак эмасди. Лекин, шунаقا нарсалар борки, улар ўзгармайди. Ва мен касаба уюшмаси илгари сураётган бу каби нарсаларга бўйсунишни истамайман. Тушуняпсанми?

– ...

– Сен айтганларимни тушунишингни истайман, Бесси. Сенинг бояқиши онанг ўлимидан олдин айтганди: “Кутулиб кетишларига йўл қўйма”. Бу қанчалик аҳмоқона – мен касаба уюшмасининг ҳукмронлигига қарши чиқмоқчиман. Уларни енга олмасман,

аммо ҳеч бўлмаса озодлик йўлида жонфидо бўлиш имконияти бор менда. Ва бир кун келиб, эҳтимол, ўлимимдан бир неча йиллар ўтиб, одамлар мени эслайдилар ва касаба уюшмалари уюштираётган адолатсизликларга қарши курашадилар. Мени тушуняпсанми, Бесси?

— ...

— Қизлар уйи деган жойга боришингга тўғри келади, қизим...

— Қаерга?

— Давлат сенга ғамхўрлик қиласиган жойга. У ерда барча қизалоқлар биргаликда яшайдилар. Сен қизлар уйида вояга етиб, ўзингга мос иш топа оладиган даражага етгунча яшайсан.

— У ерда телевизор бўладими?

— Албатта бўлади. Телевизорсиз уй, уй эмас, ахир. Ўз телевизорингни албатта оласан.

— Балки у ерда янги, катта экранлиси бордир?

— Ажабланмаган бўлардим.

— Унда кўпроқ фильмлар кўрсатилса керак, қачондир биз томоша қиласиган маҳлуқлар ҳақидагисига ўхшаш.

— Балки.

Бев қизини иложи борича Қизлар уйига олиб бориши кераклиги тўғрисида ўйлади. Қанча тез бўлса, шунча яхши...

Чизвикдаги масжидда илк тонгти фажр янгради. “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ”.

* * *

Эртаси куни Бев қийма билан тўлдирилган курска гўшти, картошкали гулкарар (у 3 фунту 11 пенс турагди) тайёрлади ва консерваланган Рождество пудингини иситди. Бесси эса телевизор ва совғалар билан овора эди: узун оёқли, безбетларча табассум

қилиб турған транзиторли құғирчоқ, стереокулок-чинли радио ва 1985 йилги “Телетүплам” эди унинг совғалари. Бесси “Онамнинг тайёрллаганларидан сира кам әмас”, деб таърифлаган тушликдан сүнг биргалиқда қиролнинг янги йил табригини томоша қилдилар. Қирол Карл III миқтигина, қулоқлари каттароқ, деярли Бевнинг тенгдоши бўлган, қирқ ёшлардаги киши. У мамнун қиёфа ва овозда ушбу баҳтли ҳамда муқаддас вақт ҳақида сўзлади. Табассум қилганча, қўл ишораси билан кимнидир ёнига чорлади. Экранда ҳазрати олиялари – қиролича (нафақадаги қиролича Елизавета II билан адаштирунг. У энди она қиролича) пайдо бўлди. Ва бу буғдойранг, марваридлар оғусидаги чироили аёл ҳам самимий жилмайди. Қирол рафиқасини бағрига босди ва улар биргалиқда томошабинларга қўл силкидилар. “Тангirim, қиролни паноҳингда асра” номли қўшиқ янгради.

Оқшом пайти, улар совутган қурка, чўчқа гўшти, гулкарар қўшиб қовурилган картошка еб, “Байрам меҳмонхонаси”да яна ўша Бингни (Бесси уни Рождествонинг ажралмас бўлаги, деб хисобларди) томоша қилишаркан, электр учиб қолди. Экрандаги тасвир уфқдаги ёруғлик сингари ғойиб бўлди, электр камин хиралаша-хиралаша бутунлай учди, лампоч-кадан хириллаганга ўхшаш товуш эшитилди. Уларда шам йўқ эди ва уйни қуюқ зулмат қамраб олди. Бесси эса увиллаб, йиғлай бошлиди.

– Энди тушундингми? – ҳайқирди отаси. – Энди нимага қарши курашаётганлигимни билгандирсан?

У бир нарсани тушунгандек зорланиб йиғлашга тушди, аммо шўрлик қиз абстракт тушунчаларнинг мағзини чақишига қодир әмасди. Тиббиёт олдинга интилишда давом этиши керак, оғайни.

4. ҚУВФИНДИ

27 декабрда Бев ишга қайтди ва ҳуштаклар билан кутиб олинди. Касаба уюшмаси билан шартномага риоя қилган ҳолда, фабрика раҳбарияти Бевни расман ишдан бўшатди. Бев меҳнат биржасига борди. Директор билан кўришишга тараддулданиб тураркан, қаршисида сақич чайнаб турган, нигоҳлари бефарқ котиба қизларни кўрди. У директорга ўзининг ҳозирги ахволи тўғрисида сўзлади. Директор эса ортиқча мулозаматларсиз уни ишсизлар рўйхатига кирита олмаслиги, сабаби у ишга ёлланишнинг асосий қоидаларини бузгани, фикрлаш билан боғлиқ иш шоир ва ёзувчиларнинг касби эканлиги тўғрисида сўзлади. Бев давлат сугуртаси тўғрисидаги Низомга кўра ишсизлик нафақаси олиш учун борди. Унга нафақа олишга ҳуқуқи йўқлиги, ўз ихтиёрига кўра бандлик муносабатлари қоидаларини бузгани, 1974 йилги Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунда белгиланган шартларга (мажбурий аъзолик) риоя этмаганилиги тушунтирилди.

– Мен жамғармага пул тўлганман. Илк маротаба ишга кирган йигирма ёшимдан бери ҳар ҳафта пул тўлайман...

– Нега бунчалик кеч бошлигансиз? – панжара ортидан сўради соchlари қўқимтири рангта бўялган, семиз ва мижғов аёл.

– Университетда ўқидим. Илмий даража олдим.

– Давлат сугуртасига мажбурий тўлов сизга автоматик тарзда ишсизлик нафақасини олиш ҳуқуқини бермайди. Мавжуд қоидаларга риоя қилиниши керак. Сиз эса буни истамаяпсиз.

– Унда нима қилишим керак? Очликдан ўлайми?

– Қонунга бўйсунинг.

Бев ярим пинта ичимлик ичиш, бепул хантал билан бериладиган совуқ сосиска ейиш учун пабга борди. У ўз парламенти аъзосига, аникроғи, унинг котибасига кўнфироқ қилди ва иш куни якунида учрашишга келишиб олди. Сессия тугаган, парламентдагилар дам олишда эдилар. “Жаноб Протеро жаноб Жонс билан ўзининг бешлик “қабул”ларида кўришадилар”.

Парламент аъзоси Ж. Р. Протеро келишган, ўрта ёш остонасига қадам қўя бошлаган, шаҳар ташқарисидаги уик-эндларга мос тарзда кийинган бўлса-да, соқол олгандан сўнг суртган лосьонидан шаҳар ҳиди уфуриб турган эркак эди. У зўрга ўчмасдан турган трубка чекар, ёнидаги кулдон куйган гутурт чўплари қабристонини эслатарди. Бевнинг ҳикоясини тинглаб бўлгач, сўради:

– Мендан нима кутяпсиз? Қонунни ўзгартиришними?

– Қонунлар ҳам ўзгариши мумкин, ахир. Тўғри, бу жуда узоқ давом этадиган жараён. Қуий Палата менга ўргатишгани каби адолатсизликка қарши курашадиган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жой.

– Кўринишидан, сизга ўргатишганига жуда ва жуда узоқ вақт бўлган. – У ниҳоят трубкани чекиб бўлиб, икки-уч маротаба тутун бурқситди. Шундан сўнг трубка ўчди. – Бу ҳам қийналиб кетди!

– Нега ташламайсиз? – сўради Бев.

– Нимани ташламайман? – тикилганча ва яширин шубҳа билан сўради жаноб Протеро.

– Чекишини. Бу ҳаётни хавфга қўйишга арзимайди, қолаверса, уч-у эллик унция тамаки мижозингизга ҳам тўғри келмаслиги кўриниб турибди.

Жаноб Протеро тин олди.

– Мен ўйлабманки... ўзингиз яхши биласиз.

– Кўринишидан, сиз ўзингиздан парламентдан қандай наф бўлиши мумкин, дея кўп маротаба сўра-

гансиз, – жавоб берди Бев. – Тан оламан, ёнингизга катта умидлар билан келмадим. Мен замондан ортда қолган, парламент аъзолари ўз сайловчилари ҳақида қайғурадилар, деган фикрда юрган аҳмоқ бўлсам керак. Аммо, камина мана шу умидсизликдан ҳам лаззатланмоқдаман. Мен ўзимни гўёки демократик озодлик ҳали-ҳамоң мавжудлигига ишонадигандек кўрсатиш имконини берарди. Бу гўё хиёнатини билиб туриб ҳам хотининг вафодор эканлигига ишонишдек гап. Ўлим бизни айирмагунча. Ҳукумат одамлар учун. Аҳмоқона, шундай эмасми? Ностальгия.

Бев жаноб Протеронинг трубкадан ажrala олмаётгани ихтиёрий эканлигини тушунди. У гутуртни чирт-чирт эттириди ва сайловчиларининг биридан фарқли равишда уни беҳафсала ёқди. Аммо жараённинг самарасизлиги унга нокулай саволлардан қочиши имконини берарди. Ниҳоят, барибир у ҳали совуқ трубкани бир четга суриб, гапирди:

- Тарих билан курашиш мумкин эмас.
- Қизиқ бўлди-ку. Унда тарихни ким яратади?
- Ҳаракатлар. Интилишлар. Ҳаётий куч-куват.

Жараёнлар. Ким эмас, нима? Англияда содир бўлган ҳодисалар қонли ёки беҳуда инқилоблар натижаси эмас. Биз ўз демократик йўлимиздан юрдик ва босқичма-босқич ривожланиш йўлида бўронли ўзгаришларга хос белгиларни кўрмадик. Қачонлардир тонгда уйғондик ва бизга айтдилар: “Пролетариат даври келди”. Бошқа юртларда қон билан амалга ошган инқилоб бизнинг мамлакатда жуда силлиқ ўтди. Агар Карл Маркс тирик бўлганда нима деган бўларди, билмадим, лекин...

- Маркс айтган бўлардики, кутилган инқилоб келмади, ҳукумат тўла ишчилар қўлига ўтмади ва капитализм устидан ғалабага эришилмади.

– Капитализм мағлуб бўлиш жараёнида, – таъкидлади жаноб Протеро. – Бу жараён ниҳоятда тез рўй беряпти. Давлатнинг кўлига ўтмаган ҳеч йўқ биттагина фирмани топиш ўта мушкул иш ҳозир. Давлат – энг катта иш берувчи.

– Тўппа-тўғри. Иш берувчига доим ёлланма ишчилар қарши қўйилади. Давлат – абраҳ хўжайин ва қасаба уюшмалари доим унга қарши курашадилар. Ва улар доим ғолиб чиқадилар. Мана, муаммо қаерда. Ҳукумат қоғоз пуллар ишлаб чиқарувчи механизмга айланиб қолган. Инфляция даражасига бир қаранг. Парламентда ҳеч бўлмаса битта қўл мамлакатнинг муқаррар ҳалокатига қарши қўтарилидими? Орангиздан кимдир ўтирган курсисини гаровга қўйиб бўлса ҳам эркинлик, интизом ва урфдан қолган соғлом фикр учун овоз бериши керак. Ўша вақт етиб келди.

Жаноб Протеро ўзининг ашаддий душманини қўлга олди-да, яна олов ёқишига тутинди. Чақилган гутурт доналари қабристони кенгайиб борарди. Узоқ сукутдан сўнг у деди:

– Ҳар ҳолда “қамчилар”¹ бор. Биз бор-йўғи биллар учун овоз берамиз ёки овоз беришдан тийила-миз. Сайловчиларимиз, улар қандай атамасинлар, ортиқ ҳудуддагилар эмас. Бизнинг сайловчилари-миз – бутун синдикалистик тизимининг танлови. Шикоят қилишдан наф борми? Бу ҳеч ким қарши чиқа олмайдиган тарихий жараён. Ҳозир Фокс, Берк ёки Уилкс даври эмас. Бор-йўғи иккита коллектив мавжуд, холос.

– Худди шу аснода битта бўлиши ҳам мумкин. Оппозиция концепциясининг ўзи масхарабозликка айланиб кетди. Социалистлар ва консерваторлар – бор-йўғи ностальгик ва тарихий маънога эга номлар холос. Энди сизнинг мафкураларингиз орасида

¹ Парламент партиявий ташкилотлари.

қандай тафовутлар бор? Ҳукумат бошқарувини ким ўз қўлига олмасин, ишчилар уни мутлақо кучдан қолиш даражасигача олиб борадилар. Айтганларимизни қилинг ва биз иш ташламаймиз. Баъзида эса, – шу жойда унинг овози қўполроқ ва қаттиқрок эшишилди, – бир ёки икки кун инфляцияни бартараф этиш ва товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш борасида расмий мунозаралар ўтади. Сўнгра яна янги, ҳеч қандай қурби йўқ пуллар босиб чиқарилади. Бу давлат чиндан ҳам бошқармоқда, деган тасаввур үйғотиш учун холос. Совуқдан ёки Худо кўрсатмасин, жазирамадан ўладиганлар учун булар номигагина қарама-қаршилик эмас.

– Бундай бўлаётганидан афсусдаман, – бепарволоварча сўзлади жаноб Протеро. – Афтидан, сиз жуда ҳам аламзадасиз. Агар бу сизни тинчлантирса, ўт ўчирувчилар эртадан яна ишга қайтадилар.

– Афсуски, куйдириб ўлдириш учун уларга берадиган бошқа хотиним йўқ. Майли, унугинг, мен ҳам буни унутишим лозим. Олдингизга мен учун нимадир қила оларсиз, деган ўйда келган эдим. Қаршигизда ишсиз, ҳали-бери қўлига иш тегмайдиган, ўз виждони амрига қулоқ тутиб, жамоанинг хоҳиширодаларига қарши боргани туфайли давлат нафақасидан ҳам маҳрум этилган инсон турибди.

– Мен ҳеч нарса қила олмаслигимни, афсуски жуда яхши биласиз, – жаноб Протеро труккани маҳкам чангллаганча минфиirlади. – Сиз бутун бир тарихга қарши курашмоқдасиз. Бундай қилмаслик учун менда соғлом фикр етарли даражада. Қўпол қилиб айтганда, сизнинг ёнингизни олиб, ҳатто оғзимни озгина очиш ҳам менга тақиқданган. Сиз қонундан ташқаридашибиз, ахир. Касаба уюшмасига аъзолик – сиёсий хоҳиширова билдиришнинг асосий шарти. Сиз ортиқ тавсия этилмайсиз.

– Мен қариялар, мияси айнигандар ва жиноятчилар қаторидаманми?

– Кексайгандарнинг касаба уюшмаси ҳам бор, бу, жин урсин, сизга маълум албатта. Мияси айнигандар... жиноятчи... ҳа, бу атамаларни қўллаш мумкин шекилли. Сиз энди ёлғиз жангчисиз, ўртоқ.

У “ўртоқ” сўзини социалистик одати тақозоси билан айтдими ёки Америка фильмларига тақлидан киноя ва масхара аралаш гапирдими, номаълум эди. Ҳар ҳолда, Бевга бу ўзининг ишсизлиги ва абгор ҳолатининг ифодаси каби туюлди.

– Албатта, шундай бўлишини кўнглим сезганди, – деди Бев. – Қисман ўзимнинг ҳам айбим бор. Мени гувоҳ деб атайверинг, бу юонон тилида “азоб-уқубатта гирифткор” деган маънони англатади. Аммо мен йўлимдан қайтмаслигим шарт: қачондир унтилган, музейдаги экспонатга айланган механизм ҳамон ишлаётгандек таассурот уйғотишим лозим. Умид қиласанки, менинг укубатларимдан кечалари кўркинчли тушлар кўриб чиқасиз, жаноб Протеро. Жин урсин! Бу аҳмоқона трубкадан тезроқ кутулинг.

Ва у кетди.

Квартирага қайтди. Бесси ҳамон таътилда бўлиб, совиб қолган курка гўштини қўллари билан ер, телевизорда намойиш қилинаётган “Ред, Род ва Рид”ни бақрайганча томоша қилиб туради. Чарчаган кўйи креслога ёнбошларкан, квартирадан ҳайдалиш муддатини оз бўлса-да чўзиш учун ниманидир сотиш ҳақида ўйлади. Аммо унда Элленнинг кийимлари ва бир жуфт эски жомадондан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Мебель тунд ва меҳр-шафқат, ҳамдардлик сингари инсоний туйғуларга тоқат қила олмайдиган уй хўжайнита тегишли эди. Квартирани бўшатиш тўғрисидаги эълон бир ҳафтадан сўнг ёки ундан олдинроқ келса керак. Ва ИП (яъни ижара полицияси) ёки шунга ўхшаш кулфбузарлар қувғинни амал-

га ошириш учун ҳозир бўладилар. Ҳатто телевизор ҳам унга тегишли эмасди. У “Визион лимитед” томонидан ижарага берилганди. Ойниг охири, янам аниқроғи, йилнинг охири яқин. Мусодаралар ва кувғин кунига оз қолди.

– Бесси, менимча вақт етди. Нарсаларингни йиғиштир.

– Нега? Бир дақиқадан сўнг “Диш ва Дэш” бошлигади ахир.

– Майли. Улар ким бўлишидан қатъи назар “Диш ва Дэш”дан сўнг. Сен билан бир жойга кетамиз, ўзинг яхши биласан.

– Қаерга? – Унинг нигоҳи ҳамон телевизордан узилмасди.

Ошхонага кириб, Бев Рождество вискисининг қолганини ҳам ичди. Бу ерда сотадиган нима бор? У буфет тортмасини очди: ҳаммаси квартира эгасининг буюмлари. Шошма-чи, бу нима экан? Пичоқ, яхшигина ҳолатда, оғир ва ўткир, ҳам тифини алмаштириш мумкин, қўлда ушлаш ҳам қулай. Пичоқни Бессининг кўзидан нарирок, дея шу ерга яширишганди. Буни қаердан олганди? Ҳа-я... иккита олти яшар бола бу билан беш ёшли қизчани кўча ўртасида қўрқитишаётган эди. Нима учун? Умуман, маълум бир сабабларсиз, қўрқитишига бўлган қизиқиш туфайли. Пичоқни болалардан тортиб олганди. Модомики, парламент аъзоси уни жиноятчилар қаторига қўшган экан, нима учун улар каби қуролланмаслик керак? Бев Бессини “Диш ва Дэш” бошлангунча олиб бориб қўймоқчи эди. У ортиқча айюҳаннос солмади, чунки янгиликлар эфирга узатилаётган эди.

– Фақат тезроқ, – деди у. – Тез орада “Ёмон йигитлар” бошланади.

Болалар уйининг қаердалиги фарқсиз, фақат у ерда телевизор бўлса бўлгани.

5. МАЬНАВИЯТ ВА АНАРХИЯ

Янги йил совуқ изғириң билан биргаликда кириб келди. Бесси Ислингтондаги Қизлар учун мўлжалланган уйга жойлашганди. Бу ердан унинг мактабига автобус қатнар, отаси эса Бессининг ўртоқларидан бири билан танишиб олган ва уларни мактабга элтувчи автобусни ҳазил аралаш “автобус қиз” деб атарди. Мактабдан қайттач, Бесси яна севимли иши – чой ва телевизор кўриш билан машғул бўларди. Бевнинг ўзи эса тўғри келган жойда тунаб қоларди: қутқарув Армияси қўноқгоҳларида, темирйўл вокзалларида... бир куни ҳатто Вестминстер аббатлигига ҳам ётишга тўғри келди. Озгина пул ҳам тез орада тугади, умуман, Бевда етти ярим фунт ва ўн пенслик тангалар бор эди холос. Ўн пенслик тахминан викторианлар ўнлик тизимни амалда татбиқ этиш умидида (кейинчалик бундан оқилона тарзда воз кечилди) муомалаға киритган эски флоринни ўзида мужассамлаштирганди – улар соверен¹да ўнта эдилар. Флоринни ўнга бўлиш олтмишинчи йилларда Британияни Европа ҳамжамиятига тенглаштириш мақсадида қилинган, аммо янги юз пенсликлар инфляциянинг ошиши ортидан ўз аҳамиятини йўқотди. Натижада ўнтаси бир фунтга teng ўн пенсликлар пайдо бўлди, аммо майдароқ тўловлар учун сизда бўлишга имконият йўқ. Бев БК фунти келажакда фақатгина назарий жиҳатдан бўлинишга қодир итальян лирасига ўхшаб қолишини тахмин қилди. Ўн пенсликларга гутурт сотиб олиши мумкин эди, аммо бундан маъни кўрмади. Тамаки бекорчи эркак учун энг яхши юпанчиқ эди-ю, ҳозир унга эришмоғи мушкул. Булочка ёки

¹ Соверен – Британия, кейинчалик Англияда муомалада бўлган олтин танга.

сэндвич бир фунтдан камроқ турарди. Қутқарув Армиясидагилар қаттиқ ялиниш шарти билан унга бир коса ёвғон шұрва бердилар. Унинг афт-ангори афто-да ҳолатта келди: кир, соқоллари ўсган. Бев куннинг асосий қисмини жамоат кутубхоналарида ўтказишга умид қылғанды, бирок, жамоат кутубхоналари унчалик ҳам күп қолмаган, борлари ҳам мункиллаган қариялар билан тұлғанды.

– Ишчилар кутубхонани бошига урармиди, – деди куминлардан бўлган болакай. – Уларга клублар керак.

– Мен улар учун йигин ўтказган бўлардим, – деди бошқаси чўзилиб.

Уларнинг кичикроқ тўдаси Бевни дўппослаш ва талаш учун тўхтатди. Бев қўрқувни ҳис қилмади, афтидан, йигитчалар ҳам буни сезгандилар. Рамзий Ишчи Билл чизилган йиртиқ плакат (қайсиdir граффити ишқибози БҚ сўзидағи “Б” ҳарфига мўйлов чизиб қўйибди)га суюнганча ўнг қўли билан чўнтағидаги пичоқни маҳкам ушлади.

– *Sunt lachrimae rerum, et menten mortalia tangent.*

Бунинг учун болалар уни гўё ҳидлашни ўрганаётгандек ўраб олишди.

– Юнон тилини ҳам биласанми, биродар?

– *Me phunai ton hapanta nika logon*, – жавоб берди Бев. – Софокл. “Колонлик Эдип”дан.

– Яъни?

– Яхшиси, умуман дунёга келмагани маъқул.

Болалардан бири бор кучи билан, чукур нафас олди. Куминлар бошлиғи – қора танли, аммо қиёфаси орийларга тортиб кетадиган йигит “Сеңвьюк финнс” тамаки қутисини узатди.

– Чекишини хоҳлайсанми?

– Раҳмат, аммо кетиши вақти бўлди.

– Ишсизмисан? Касаба уюшмасидаги mashaki¹-ларми? Антигосмисан²?

– Ҳа, ҳа ва ҳа.

Күминлар етти нафар, ҳаммаси қора танлилар эди.

– Тушунарли... – чүзіб деди бошлиқ.

Вестминстердеги пойдевори совукдан оқариб кетген масжиди бор Грейт-Смит-стрит күчаси бўйлаб, кўринишидан анча ақлли, қаерга кетаётгани номаълум эркак юриб борарди.

– Али ва Тод! – буйруқ оҳангида сўзлади күминлар сардори.

Ислами айтилган икки ўспирин чаққонлик билан бояги эркакни чалиб йиқитишиди ва чап биқинига тепишиди. Эркакни тинтиб, ўттиз беш фунт билан қайтиб келдилар.

– Ҳўп, майли, – деди сардор. – Сен мен билан юр, Тод. Қолганлар ўн бирлар атрофида “Йиғлоқи”да. Бўладими?

– Бўлади.

– Бўлади, Тасс.

Тасс ва Тод – кўринишидан сарикқа мойил, озгин ва совукдан рақс тушаётган йигитча Бевни Вестминстер кўприги ёнида жойлашган ишсизлар учун та-маддихонага олиб боришиди. У ерда Бевни чўчқа гўштли сэндвич, хамирга ўралган сосиска, макаронлар ва қоғоз стакандаги томатли шўрва билан меҳмон қилишиди. Шу ердаги аёл арzon таомлардан истеъмол қилишдан аввал, ишсизлик тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилиши лозимлигини айтди. Йигитлар жавоб ўрнига аёлни жеркиб ташлашиди.

Бев овқатни иштаҳа билан еркан, Тасс сўради:

– Сен қачонлардир Мизусако ҳақида эшитганмисан?

¹ Кўнгилсизликлар (афр).

² Антигос – мавжуд давлат тузумига қарши маъносида. Тарж.

– Японияликми? Волинка методининг кашфиётчиси.

– Ажойиб. Аммо озрок адашдинг. “Волинлар” деганингда түғрироқ бўларди. “Волина” – замбарак, ствол. Метод ҳақида эса түғри айтдинг. Бу ерда айнан метод ҳақида гап боради. У айтадики, ахлоқни маънавиятдан ажратиш улкан муаммо, – жиддий қиёфада ўрнидан турди Тод. – Маънавият жамиятнинг маҳсали бўлганлиги туфайли, жамият қадриялари ҳақида ваъз ўқииди. Унинг сўзларидан хулосам шуки, китоблар ёвузликка ўргатмайди. Улар яхши бўлишга ундаиди.

– Жиддий гапирадиган бўлсак, китоблар бирор нарсани ўргатишилари керак эмас, – кавшангандан сўзлади Бев. – Билим ва гўзаллик – этика доираларидан ташқарида. Бу ерда сизнинг Мизасуонгиз нима деган бўларди?

– У Штатларнинг қаериададир қамоқда, – деди Тасс, хушбўй тутун ҳалқачаларини оғзидан чиқараркан. – У талабалар оромгоҳига борди, дарслар ўтди. Беға... жин урсин... бе... жин урсин, жин урсин, жин урсин...

– Беғаразми?

– Бу сўз тилни синдириши ҳеч гап эмас. Ҳа, худди ўзи. Бепул таълим, эркин ишлаш. У МУ ҳақида айтганди.

– МУ?!

– Ҳа, маҳфий университет. Зўравонлик, яъни талончилик билан ҳақ тўланадиган даргоҳ. Ва у ерда умуман фойдасиз нарсалар ўқитилади. Лотин, юнон тили, тарих. Бизда таълим расво, тўғрими?

– Тўғри.

– Расволигининг сабаби касаба уювшасига хос. Расволиги шундаки, унда ҳамма битта тароқ билан таранади. Ақллilarга уларнинг орасида жой йўқ. Бирор ишни мустақил қилишга рухсат берил-

масмиш, бу бефойда ҳам. У ердан ягона ўрганишга арзийдиган нарса бу – улар қилишга рухсат бермайдиган иш ёки ҳаракат. Тушундингми?

– Бу ерда мантиқ бор.

– Биз мактабга борамиз, ҳаммамиз ўн уч ёшгачамиз. Қонун шундай. Майли, барибир улар социология ва ИЗ деб атайдиган сафсалаларни барибир эшийтмаймиз. Биз охирги партага ўтирамиз-да, лотинча ўқийверамиз.

– Сизга лотинчани ким ўргатади?

– Антигосов ўқитувчилар бор. Ўзинг ўқитувчимисан?

– Тарих ўқитувчиси. Мутлақо фойдасиз.

– Бўлти, аллақандай сафсалалар ҳақида дарс ўтишни истамай, мактабдан ҳайдалганлар бор. Фаҳмлаяпсанми? Улар худди сен каби дарбадарлик қиласидилар. Биз уларга пул берамиз. Худди сенга бергандек. Улар эса бизга озгина билим берадилар. Ҳақиқийсини, давлат мактабларидағи ахлатни эмас.

– Ҳозир бирор нарса билишни хоҳлайсизларми?

– Бир нарсани, – деди Тод. – Қандай қилиб биз бундай жирканч аҳволга тушиб қолдик?

Бев кўкрагига ҳаво тўлдириди ва шу пайт томоғига сосиска қолдиқлари тиқилиб, йўтала бошлиди.

– Ишчилар бу ҳолатни жирканч деб атайдиларми? Ота-онангиз буни жирканч дейдиларми?

– Улар ҳеч нарса дейишмайди, – жавоб берди Тасс. Бев Тасснинг тўғрисўзлигидан беихтиёр табасум қилди. – Келинг, бу расво аҳволимизни соддароқ тарзда тушунтиришга ҳаракат қиласман. Дастваб, мулқдорлар ва мулксизлар тарихи бор эди. Сиёсатда иккита партия пайдо бўлди ва ривожланди: бирининг вазифаси бой ва мулқдорларнинг бойишда, ҳукмронлик қилишда давом этишини кафолатлаш, бошқасиники – камбағалларни мулқор бойга ай-

лантириш. Уларнинг ғояси: бойлар ҳам, камбағаллар ҳам бўлмасин, барча бойлик тенг тақсимлансан. Левелизм, эгалитаризм,adolatli жамият. Ҳозир биз яшётган давлат социалистик ҳукумат қўлида. Бу бизда қирқ бешинчи йилдан бери деярли ўзгармасдан келяпти. Мулксиз ва камбағал қатламдагилар ким? Ишчилар, пролетариат. Улар бойларга, яъни капиталистларга ситам ўтказдилар. Ишчилар шу қадар катта ташкилотга бирлашдиларки, энди мулкдорлар уларни эксплуатация қила олмайдилар. Касаба уюшмаларига. Шундай қилиб, капиталистлар синдикализацияланмаган ишчи кучидан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Шундай вақт келдики, улар қонундан ташқарида бўлиб қолдилар. Касаба уюшмалари ғалаба қозондилар ва устунликни ўз қўлларида сақлаб туришибди. Илгари эксплуатация қилингандар яхши яшамоқдалар. Бунинг қандай бемаънилик жиҳати бор?

– Ахир бирор бир нарса бўлиши керак, – жавоб берди Тасс, – агар ҳаёт бунақа рутубатли бўлса.

– Нишонга урдинг, – давом этди Бев. – Ҳеч қачон мустақил Лейбористлар партияси – эски ЛП мавжуд бўлмаган. Сўнгра Янги лейбористлар партияси пайдо бўлди ва эскисига барҳам берди. Янги лейбористлар партияси дастлаб касаба уюшмалари Кўмитасининг сиёсий ижроқиси сифатида фаолиятини бошлади. Касаба уюшмасига тўланадиган бадалларнинг бир қисми партияни молиялаштиришга сарфланарди – мутлақо мантиқий. Хуллас, социализмнинг бош мақсади – ҳамма нарсани ва ҳаммани национализациялаштириш¹. Иложи борича хусусий мулкчилик шаклига нуқта қўйиш. Агар, илгарилари темирийўллар ва конлар келтирадиган улкан

¹ Национализациялаштириш – давлат мулкини хусусий мулкка

даромад бой акционерлар чўнтагини қаппайтирган бўлса, энди бу фойда давлатга тегишли. Ўз навбатида давлат ишчиларга ўзи пул беради ва маълум бир қисмини ривожланишга сарфлаш мақсадида ушлаб қолади. Бу ерда ягона ишкан жойи шуки, давлат та-сарруфидаги саноат ҳеч қачон даромад келтирмайди. Нега? Чунки даромаднинг ўзига эҳтиёж йўқ.

– Буларнинг барини биламиз, – ғаши келиб гапни кесди Тасс. – Ҳамма ерда бюрократия, ҳеч ким бўшатилмайди, амалдорлар юмшоқ жойларини курсилардан кўтартмайдилар.

– Энди катта ҳарфлар билан ёзилувчи Буюк Қарама-қаршилик ҳақида тўхталсан, – давом этди Бев. – Социалистик давлатга, жиддий айтадиган бўлсак, касаба уюшмалари ортиқ керак эмас. Сабаб? Чунки хукумат ишчиларнинг кўлида ва улар кимга қарши бирикадилар? Шарқий Европа социализмида касаба уюшмалари йўқ ва бу мантиқан тўғри. Аммо, бир туғилган инглизча синдикализм асрлар оша умргузаронлик қилмоғи даркор. Зеро, у ўз зиддиятларига ва душманларга муҳтож. Шубҳасиз, бир нечта хусусий хўжайинлар ҳамон топилади, лекин асосий иш берувчи давлат ҳисобланади. Ҳали ҳам иш берувчи ва ходим ўртасидаги эски дихотомия¹ мавжуд. Ишчилар сиёсий вакилларини ўзларининг нуқтаи назарлари жиҳатидан эмас, қаршилик кўрсатиш зарур бўлган тузилма сифатида кўришлари лозим. Улар қаршилик кўрсатадилар, оппозиция ортга чекинади, чунки у ҳақиқий оппозиция эмас. Шунинг учун иш ҳақини оширишга бўлган талаблар доимий қондирилаверади, инфляция эса ўстдан ўсиб бораверади.

айлантириш.

¹ Дихотомия – табақаларнинг ички (табақа ичida табақаланиш) бўлиниси тамойили.

Иккала йигитчанинг ҳам нигоҳида қониқиши хисси йўқ эди.

– Бу ҳеч нимани англатмайди, – хўмрайиб жавоб берди Тод. – Нега мактабда миямизни бўлмагур сафсаталар билан ифлослашади? Нима учун сен билан мен бу ерда ўтирибмиз? Айтганларинг бирорта саволимизга жавоб эмас.

– Майли, – деди Бев. – Ишчилар кураши ўн тўқкизинчи асрда нафақат иқтисодий, балки маънавий асосга ҳам эга эди. Нега буржуазия ҳамма гўзал ва яхши нарсаларни монополия қилиши керак? Рескин ва Уильям Моррисга ўхшаган одамлар ишчилар маърифатли бўлишини истаганлар. Марксизмга асосланиб гапирадиган бўлсан, маънавият ва тарихнинг асоси иқтисод ҳисобланади. Чиройли гулқоғозлар, бепул ўқув заллари унчалик ҳам муҳим нарсалар эмас. Билим ва нозик дидга таянувчи истеъмол таълимот сифатида йўқ бўлди. Энг муҳими, истеъмол қилиш, вассалом. Аммо, нега? Берилган нарсалар енгил ва тез эҳтиёжларни қондиради. Бузилган дид. Ишлаб чиқарувчилар ҳақиқий маҳсулот номи остида соҳталари чиқишини кутадилар. “Сотиб олиш” тушунчаси “Эҳтиёжни қондириш” билан бир хил бўлиб қолди. Сен ўзинг тушунмайдиган китобни сотиб оласан ва бундан жаҳлинг чиқади. Модомики, сотиб олган экансан, тушунишинг керак, ахир. Шундайми? Нарсалар эҳтиёжларни қондиришнинг оддий ва енгил манбаси бўлмоғи керак, бу эса мўлжалнинг пасайишини англатади. Ҳар қандай пули бор ишчи ўша пулга сотиб олиниши мумкин бўлган энг яхши нарсаларга ҳақли, энг яхшиси эса энг кам кучланишда эҳтиёжни қондирувчи нарсадир. Бу жиҳатни эса қайта ва қайта ўйлаб кўриш керак. Ҳаммада teng таълим ва маданият ҳукуқи бор – тенглик шундан бошланади. Нега кимдир бошқа-

лардан кўра ақллироқ бўлиши керак? Бу тенглик тамойилига зид-ку. Бизларда ишчиларга гўзаллик нима эканлигини тушунтирувчи ўн тўққизинчи аср тараққийпарварлари йўқ. Биласизки, кекса ишчилар орасида қадимги юон тилини ўргангандар бор. Ёки иброний тилини. Бу ўз-ўзига таълим бериш деб аталади. Лекин, бу шуни ҳам англатадики, кимдир ўзини ривожлантириш билан машғул, кимдир эса йўқ. Қўрқинчли даражадаги тенгсизлик. Сизнинг бўлмағур таълим тизимингиз ҳам ана шундан. Рутубат ва зерикишнинг илдизи ҳам шу. Наполеон ваҳшийдир, лекин ҳар ҳолда, у зерикарли эмасди. Буюк одамлар, масалан, Юлий Цезарь ёки Исо Масих ишчиларга қандай ёрдам бера оларди?

– Бизда иш йўқ, – аччиқланиб деди Тасс, – ва ҳеч қачон бўлмаса ҳам керак. Биз пода ортидан эргашувчи кўйлар эмасмиз. Бизни жиноят ва зўравонликка асосланган ҳаёт кутмоқда. Маънавият ва анархия. Мехрибон Исо, уларнинг бирлашувини жуда ҳам истайман. Вергилийни ўқисанг-да, кейин кимнингдир жагини синдирсанг. Менга бу нарса ёқмайди... қандай аталарди-я... хўш...

– Ноизчиллик, – ёрдам берди Тод.

– Ундан қочиб бўлмайди, – жавоб берди Бев, озигина титроқ аралаш, – агар сен инсон бўлсанг. Агар ишчилар ҳукуматига қарши бўлсанг, жиноятчи тамфасини олишга маҳкумсан. Менга буни парламент аъзоси айтди.

– Жиноят икки хил кўринишда бўлади, – алам билан шивирлади Тасс. – Бугун кўрганинг, Робин Гуд услубидаги талончилик. *Acte gratuit*.

– Сенга *acte gratuit* ҳақида ким айтган?

– Хартуэлл исмли киши. У бизлар билан кўп гаплашарди. Қаердалиги эсимда йўқ. У жинни қандай ичарди-я! У бизга Камю ҳақида гапириб берган...

Бир франко-жазоирик футболчи, балки у ҳақида әшитгандирсан... Шундай қилиб, бу тур бошқа турни йўқ қилди ва шундагина унинг одам эканлигини тушундим. У бу ишни ҳеч қандай сабабларсиз содир этди ва тушундимки, бу уни эркин инсонга айлантиради. Фақат инсонларгина *Acte gratuit* га қодир. Қолган бари – мен Коинот ва барча юлдузлар ҳақида айтяпман. Барчаси қандайдир қонуниятга бўйсунади. Аммо одамлар ўзларининг ҳур эканликларини ҳар хил ишлар содир этиб исботлашлари керак... масалан, қотиллик, жанглар.

– Биз қилаётган иш *gratuit* эмас, – деди Тод. – Бўлиши мумкин ҳам эмас. Модомики, биз антиос эканмиз, ўзимизни шундай тутишимиз зарур. Бу дегани давлат қонунарига тупуриш керак. Ҳудди лотин ва қадимги юон тили антиос бўлгани каби. Шунинг учун зўравонлик, Шекспир ва Афлотун ҳам жиҳат. Биз яқдил бўлмоғимиз лозим. Адабиёт ҳам қасосни ўргатади. “Дон Кихот”ни ўқиб тутатгач ким баланд бўйли, озғин ва озгина хаёлпараст бўлмаса, абжағини чиқарганман. Бўйи паст семизларга ҳам тегмаганман.

– Кеча сен қистириб ўтган юонча доно сўз нима эди? – сўради Тоддан Тасс.

– Симбиозми?

– Ҳудди ўзи.

– Айнан. Бечора “Махфий Исо”чилар бизсиз нима қилишарди?

Бевнинг боши айланди. Буларнинг бари чиндан юз бераётганди.

– Тушунтириинг, – сўради у.

– МИ, яъни “Махфий Исо” жамиятини тузган болалар, – жавоб берди Тасс. – “Дистрикт-лайн”да, ёпилган ер ости йўлида. Улар муҳаббат зиёфати деган йигинлар уюштирадилар, унда йигит қиз билан,

Йигит йигит билан жинсий алоқа қиласы, фақат бу “зиёфат”да ейиш мүмкін бўлган нарсалар бир бурда нон ва озгина арzon ичимлик. Батъизда уларни шилиб турдимиз. Уларнинг фикрича, шароб ва нон – бу Исо. Шундан сўнг бошларига бало орттиргани чиқадилар.

– Христианча зўравонликми? – сўради ҳамма нарсага ишонишга тайёр турган Бев.

– Йўқ! Улар калтак ейишни истайдилар. Исо сингари ўз душманларини севишга ўрганиш учун. Ана шунда биз катта саҳнага чиқамиз. Муаммо шундаки, биз ҳаддан ташқари раҳмдилмиз ва уларни жуда унчалик бежамаймиз. Майли, ўзлари учун вино ўғирлаб юраверишсин, – тўсатдан жаҳл билан деди у.

– Бу ерда муҳими, – чўчиброқ деди Бев, – илдизи қуриёттан маънавиятнинг белгилари бор. Санъат устуниларга путур етказади. Фалсафа ҳам. Давлат Суқротни йўқ қилганди.

– Ҳа, биламан, – шумшайди Тасс. – Критон, биз Эскулапдан¹ хўroz қарздормиз.

– О, Kriton, – таржима қилди Бев, – to Asklepio opheilmen alektrouna.

– Яна, яна! – ҳаяжон билан деди Тасс, Бевнинг эски пальтоси ёқасидан тутаркан. – Худойим, бу ҳақиқий сўз, бу чиндан ҳам қалбни тирнаяпти.

Бев сақлаб юрган ручкасида лотинча жумлани Тасснинг сигарет қутисига ёзди. Тасс жим ютиниб жумлани ўқиди ва деди:

– Илк бор инглизча ўқиганимда вужудимда титроқ турганди. Суяк-суягимга қадар. Энди ҳаммаси қайталајапти. Кемберсуэллда бадбўй ресторанни юритадиган юнонларнинг таъзирини берса арзийди. Мана шунинг учун. Кейин эса Суқрот исмини ўз газакхона-

¹ Эскулап – қадимги Римда табобат илохи, юонон худоси Асклепийнинг прототипи.

сига тиркаб қўйган нусхани топдим. Масхаралаш, дедим-да, этикларим билан бошини мажаҳладим.

Бев вужудида титроқ сезди: кўз ўнгида Ирвингларнинг абжағи чиққан ва зўрланган ўғли гавдаланди. Наҳотки у бадиий қаҳрамон бўлмаганлиги учун азоб чеккан ва ўлган? Ёки экстремал христианик ортидан буни ўзи истагандир? Инсоннинг қора юрагини ким тушуна олади?

– Сизни тутиб олишлари ва қамоққа тикишларидан қўрқмайсизми? – сўради у.

– Йўқ, – Тасс оҳиста бош чайқади. – Кўрқув йўқ. Бу олий синов, тушуняпсанми? Тошбақадек коса ичига беркингандча яшаш мумкинлигига ишонасанми? Бу ўз ҳолингча яшай оласанми ёки йўқ – билишнинг усулларидан бири. Ҳақиқий озодлик – камерада ўз миянг билан ёлғиз қолиш. У билан бутун мамлакат бўйлаб сайр қилишинг мумкин. Ҳеч ким ҳеч қачон сени тутиб олмайди. Нгурувлар биздан узокроқ юришади.

– Бу сўзни билмас эканман. Полициячиларми?

– Суахили тилида “чўчқа” дегани. Шанзирим – бу арабча – улар мундирларига қон тегишини истамайдилар. “О, Критон, – ўқий бошлади у – то Аск...

– “Шу сабабдан тўла. Уларга паст назар ила қарама”, – деди Бев. – Давоми шундай.

– Қани, юнончасига айт-чи. Аслиятида айтсанг-чи. Ўтмиш қаршимда худди ҳозиргидай зоҳир бўлишини истайман.

– Қолгани ёдимда йўқ, – деди Бев, – кечирасан. Ўтмиш борасида ҳақсан. На бутун, на келажак олдида қарзимиз йўқ. Ўтмишнинг ўлишига йўл қўймаслик, қарзни узиш керак. Кимдир буни қилиши керак, ахир.

6. ОЗОД БРИТАНИЯЛИКЛАР

Кейинги тунда музлаб кетган Бев юриб-юриб Хэммерсмит-бродвейдаги ташландик фабрикага келиб қолди. Девор ва дарвоза ёрдамида күчадан ажратылған ҳовлида жулдур кийимли одамлар гулхан ёқиб ўтиришарди. Пиширилған гүшт ҳидидан Бевнинг сұлаклари оқиб кетди. Дарвоза қия очиқ әди.

– Жой йўқ, жой йўқ, – деди кир ва тўзиб кетган шалварли, резина этик кийган олим қиёфали киши қафас ортидан. Аммо унинг кўзлари меҳрибон әди.

Бев таклифсиз эски бочка устига ўтирди.

– Антигосмисизлар? – сўради у. – Ҳаммангизми?

Улар Бевга чўчиброқ қарашибди.

– Машғулотингиз қандай? – сўради олим.

Бев айтди. Ҳалиги киши бош силкиб қўйди.

– Менинг фамилиям Рейнольдс. Эллик тўққиз ёшдаман. Агар тахминан бир ой оғзимга қулф осиб юрганимда ҳозир оддий инсонлардек, тинчгина давлат берадиган нафақани олиб ўтирган бўлардим. Уиллингден ўрта мактаби. Адабиёт фани катта ўқитувчиси, сэр.

– Бўлди энди, проф, бу ҳақида юз марталаб эшитганмиз, – ғингшиди кўзлари чақчайган, афтидан, темираткига қарши бўлса керак, боши устара билан қиришишланган эркак.

– Бунаقا воқеаларни қайта ва қайта эшитиш керак, Уилфред. Бундан ташқари, мен жаноб Жонсга юзланмоқчиман. Ўрта маълумот шаҳодатномасини олиш учун ўтказилиладиган давлат имтиҳонига тавсия этилган китоблар тўплами қуйидагилар әди. Шеърият: “Абжирлар борарлар” гурухининг яккахони ва қўшиқлар муаллифи Жед Фут исмли йигитчанинг лирикаси ва америкалик қайсиadir Род алламбалонинг шеърий тўпламчаси. Драматургия:

мархума Агата Кристи хонимнинг “Қопқон” номли пьесаси – адашмасам Уэст-Эндда премьерасига қирқ йил түлган бўлса ҳам ҳамон саҳналаштирилмоқда. Беллестиристика: Гарольд Робинснинг “Омад овчилари” романи, уни аниқроқ қилиб, “Қисқартирилган омад овчилари” деб атаса тўғрироқ бўларди ва сэр Жонс Брейн¹ социал карьеризм ҳалокати ҳақидаги аллақандай сафсатаси. Ростини айтинг, шу адабиётми? Мен ариза ёздим.

У олқишилар кутиб, даврага нигоҳ ташлади.

– Жуда мардона, – деди Бев. – Шу гўштдан бир бўлак есам, майлими? Очликдан ўлай деяпман.

– Ўзи учун ўзи қайғурсин! – тўнғиллади қора танли киши.

– Марҳаматли бўл, дўстим, марҳаматли, – уқтирган товушда сўзлади Рейнольдс. – У тирикчиликни эртадан бошлайди, агар жамоамиз аъзосига айланса. Мана, сизга бир бўлак стейк, сэр. Пишириш осон эмас, лекин жуда тўйимли. Менимча, кўмирлар орасида, кўрда пиширилган пиёздан озроқ қолганди.

Темир таёқ билан пиёзбошини илиб олиб, Бевга узатди. Қорайиб кетган пўчоқ ичидан шарбат кўпирив чиқди. Айловчи ва ўткир нигоҳ билан Рейнольдсга қараган Уилfred Бевга аччиқ ичимлик тўлашишани узатди – унинг ҳар томчиси оғудек, ичгач, йўтални орттириб олиш ҳеч гап эмасди. Овқатланиб, сўзлашардилар. Тимми исмли қалпоқли киши йиртиқ чўнтағидан Янги аҳдни олиб, нолали оҳангда ўқий бошлади.

– Ҳар бир лаънати тун бизда шундай, – деди Уилfred.

– Сенга шундай туюлади, – жавоб берди Тимми.

– Баҳлашиб тамойилини Худонинг ўзи ишчига

¹ Жон Брейн (1922 – 1986)нинг “Юқорига йўл” романи назарда тутилмоқда.

тақиқлаган. "Динарий¹ учун мен билан келишмагандирсан?"² Бу анчайин тушунарли ва муҳими Ҳудонинг сўзлари. Шунинг учун ҳар нарсага тумшуғингни суқаверма.

– Агар овоз чиқариб ўқилса, – деди Рейнольдс, – Александр Поупнинг сўзларини тингланг.

– Бизга папизмнинг кераги йўқ, – ҳиқиллади Уилфред.

– Кўяпсизми? – деди Рейнольдс. – Нодонлар билан бир қайиқда сузсанг, мана, нима бўлади? Поупни Илингдаги Жамоат кутубхонасидан ҳайдашган. Кутубхона қўмитаси раиси дунёвий давлат ҳақида аҳмоқона гапларни айтиб, агар сизга попчалар керак бўлса, Римга жўнанг деганиши. Аммо, сиз эшитишингиз керак, дўстларим! – Ва мамнун қиёфада қироат билан ўқий бошлади:

*– Буюк тартибсизлик пардаси тушибди,
Абадий зулматда кўринмас ҳеч зоғ.*

– Буюк тартибсизлик, – деди Бев, – муаллиф уюшкоқ социализм аннигиляцияси тўғрисидаги Хартияни назарда тутган шекилли. Поупга жамият билан қурашиб ҳеч қачон керак эмасди. У мақтovлардан маст бўлди. Шубҳасиз, бу элитар жамият эди. У пайтда нон ўғирлаганлар дор остига жўнатилиб, фақирлар яраларини қашлашарди.

– Инсофли бўлинг, – эътиroz билдириди художўй Тимми. – Мен ҳам ейман.

– Аммо, Коинот адолатининг мурватлари қанақа? – сўради Рейнольдс. – Абадий зулмат ҳақида Поуп ҳеч қачон билмаган. Поуп ҳаётнинг буюк душмани бўлган ва ҳамон у мавжуд деб ҳисобларди.

¹ Динарий – қадимги Римда муомалада бўлган пул бирлиги

² Матфей Инжили 20:13.

- Нажотсизлик, – луқма ташлади Бев.
- Аҳа, – мамнунлик билан тасдиқлади Рейнольдс, – энди эса ёруғлик кўрина бошлади. Хуш келибсиз, Сжигетти, сиз ҳам Тетрис, хайрли оқшом!

Гулхан атрофидаги даврага скрипка ғилофи кўтарган икки киши қўшилди. Улардан бири сербар пальтосининг чўнтағидан таҳминан бир кило чўчқа гўштидан тайёрланган йўғон колбасани олди.

- Аввал, санчиб қўйинг, – тавсия қилди Рейнольдс,
- бўртиб чиқишига чидолмайман.

Еб бўлгач, янги келганлар ғилофларни очишиди. Скрипка ва виола. Улар Моцартнинг ҳайратомуз дуэтини, сўнгра Бахнинг қўш скрипка учун ёзилган асарини ижро этдилар. Уларнинг даражалари юксак эди; улар шаклланган, тажрибали ижрочи эдилар; касаба уюшмаси гувоҳномасига эга бўлмаган профессионаллар.

– Мени етмиш еттинчи йилда эшиттан бўлсангиз керак, – деди Тетрис. – Ўшанда “Ковент-Гарден”да биринчи скрипкада эдим. Нимадир бўлиб, опера-ни иккинчи актдан сўнг тўхтатдилар. Айтдиларки, опера жуда ҳам узун. Қайта ишлангандан сўнг ҳам қабул қилишмади. Мен норозилик билдиридим.

– Бу ҳали ҳолва, – давом этди скрипкачи. – Улар Бетховеннинг тўққизинчи симфонияси охирги қисмининг дастлабки уч тактига хуштак қўшдилар. Хор қўшишнинг умуман кераги йўқ эди ва хуштак мусиқани бузди. Яна бу “Роял фестивал-холл”да бўлди! Етмиш тўққизинчи йилнинг сентябрида. Тангрим, узинг ёрдам бер бизга!

“Кутулиб кетишлирига йўл қўйма”, – олов қаъридан Элленнинг овози эшитилди.

- Нима қиласиз энди? – сўради Бев.
- Кутамиз, – жавоб берди Рейнольдс. – Тарихнинг қандайдир кутилмаган совғасини кутамиз. Ухлашни

таклиф этаман, жентльменлар, – Сүнгра Бевга юзланиб, деди: – Бу фабрика етмиш түккизинчи йилда ойлик маошларга бўлган талабни қондира олмагани туфайли ёпилган. Ҳукумат национализацияга пул кетказишдан маъно йўқ, деган холосага келди. Фабрика матраслар ишлаб чиқарган. Омбордан бир дунё пўпанак босган матраслар топдик. Агар биз билан тунашни истасангиз, ўзингизни сэндвич ичидаги масаллиқ каби ҳис этасиз. Тревор, – тўсатдан қора танлига қараб гапирди у: – адёл олиб келмоқчи эдингиз шекилли?

– Бу унчалик осонмас.

– Ўз вазифангизга жиддийроқ ёндошсангиз бўларди, Тревор. – Бевга эса: – Сизда алоҳида қобилият борми, сэр?

– Ўғрилиқдами?

– Биз бу сўзни ёқтирмаймиз. Биз олиб келмоқ, қўлга киритмоқ, юлиб олмоқ сингари эвфемизмларга мурожаат қиласиз. Сиз ҳарбий хизматда бўлганмисиз?

– Мен Узоқ тинчликнинг бошида туғилганман.

– Тушунарли. Менинг ҳарбий хизматим гарчи қисқа муддатда поёнига етган бўлса ҳам, у менда мулкка нисбатан соғлом муносабатни тарбиялади. Майли, кўрамиз. Юринг, сизга ётиш учун жой излаймиз.

У чўнтағидан шам бўлагини олди-да, гулхан оловида ёқди.

Фабриканинг бўм-бўш биноси қўнғир рангли горни эсга соларди. Бу ерда овоз баланд ва аниқ эши-тиларкан. Шам қолдигидан Рейнольдс қурум босган мойчироқни ёқди. У Бевга ухлайдиган жойни кўрсатди – матраслар тоғи устида. Ухлайдиган одам совқотмаслиги учун яна иккитаси кўндаланг қўйилганди. Бев гўё орадан асрлар ўтиб исингандай бўлди, аммо ўзини иркит сезарди.

– Бу ерда ювиниладими? – сўради у. – Ахир, муваффақиятни қўлга киритиш тартибли ташки кўришишга ҳам боғлиқ.

– Чаканаси учун – ҳа. Улгуржиси учун тозаликнинг унчалик аҳамияти йўқ. Юк машинасидан гўшт туширилаётган пайтда иркит елкангни ичинигта суқасан-да, ўз бўлагингни оласан, олдиндан белгиланган дўконга у билан кирасан ва яширин йўлдан қочиб кетасан. Аммо баъзан муаммо чиқиб туради. Эртага оддий бир усулни сизга кўрсатамиз, агар истасангиз. Соқолнинг ҳам унчалик заари тегмайди. Юзни соувқ сувда чайишнинг ўзи етарли. Агар супермаркетга кирмоқчи бўлсангиз, албатта, дурустроқ кийим бўлгани маъқул. Бизда “ПП” деб аталадиган бир нарса бор. Уилфреднинг кичкина ҳазили: “Пластикли пальто”. Тоза пальтони олдиндан тайёрланган пластик пакетда сақлаймиз. Пластиқдан муаммо йўқ, пластик ҳамма ерда бор, текин ва Худо сингари уни ҳам йўқотишнинг иложи йўқ. Аҳа, бу инсонни эслаб қолинг... Парсонс Ота, руҳоний Жонс.

– Жаноб, жаноб! – жўр бўлиб эътиroz билдиришиди икковлон.

Сархуш, юз ифодаси мулойим, дароз – деярли етти футта етадиган бўй-басти бор Парсонс тўладан келган одамдек таассурот қолдирди, аммо жулдур кийимини ечгач, қоқсуяк бўлди-қолди.

– Умуман, яхши оқшом бўлди, – сўзлади у. – Кэмден-таундаги жангари ўспириналар черков тарихидан бир шингил эшитиш учун менга виски куйишиди. Улар жуда қизикувчан чиқиб қолишиди. Худди католиклар каби бощдан оёқ лотин тилига шўнғиган эканлар. Ҳатто Махфий кечанинг афв этилишига ҳам қаршилар. Кейин, ҳеч қандай дин ва сиёсатга ишонмайдиган пабнинг хўжайини сухбатга аралашди. Бир йигитча ўша эркакка: “дард-у фикринг ҳар

қандай йўл билан пул ишлаш бўлса-ю, биз билан баҳслashiшга нима бор? Жимгина заҳрингга ичиб ўтиранг-чи”, – деди. Муштлашув бошланиб кетди. Бир уюм қўрқоқ полициячилар келишди. Хуллас, оқшомнинг белига тепишид. – У ҳузурланганча баланд овозда бақирди: – Эх-хей!

Ва матрасга ёнбошлиб, бир зумда ухлаб қолди.

Файзиз ғор туновчилар билан тўлди. Хурраклар, нолишлар, инграшлар, ғудраниб қўйишишлар ва қичқириқлар. “Бу ҳаёт эмас, – деди Бев кўзлари юмилиб бораркан. – Ҳеч ким учун бу ҳаёт эмас”.

Тонгда қора тани Тревор сут маҳсулотлари ортилган фургондан нонуштага йогурт ўмарди. Бев эски, ярмигача ёмғир суви билан тўлган темир бочкадан сув олиб, ювинди. Рейнольдс катта ҳарфлар билан “сочиқ” деб атаган нарсага артинди. Шундан сўнг унга анчагина дуруст “ПП” ва башанг фетрдан тайёрланган шляпани кийдиришиди ҳамда у супермаркетдан ўлжа олиб келиш учун тайёр бўлди-қолди.

– Чўнтакларингиз жуда қаппайиб кетмасин, хушёр бўлинглар, – тайинлади Рейнольдс. – Иложи борича катта ва япалоқ нарсалардан олинглар. Мана, сизга бир фунт. – У қирол Карл III нинг болаларча табассумли тасвири туширилган банкнотани узатди.
– Фавқулодда нимадир сотиб олишга тўғри келиб қолиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, Бев юраги пўкиллаганча ўзининг илк жиноятини содир этиш учун энг яқин супермаркетга жўнади ва қуруқ шўрва, сабзавотлар, бекон ва кесилган пишлоқ ўмарди. Маҳсулотларни плаши ичига яширди. Супермаркет харидга чиқсан аёллар билан тўлганди. Рўмоли остидан металл бигуди тақсан бир аёл бошқасига деди:

– Газеталарда барибир ҳеч нарса йўқ, тўғрими, мен комиксларни яхши кўраман, аммо бугун телевизорда тож кийдириш маросимининг такори бор. Менимча, улар бир тақтдан ошириб юбориши, ярамаслар.

Афтидан, барча оммавий ахборот воситалари иш ташлаган эди. Лекин нега? Бев бир фунтга бир кило қадоқланган нон сотиб олди. Унинг қаппайган ён чўнтақларига ҳеч ким эътибор бермади. У еттинчи осмонга чиққандек бўлди.

Фабрика ҳовлисидағи гулхан чиройли ёнарди. Рейнольдс иш ташлаш ҳақида анча олдин хабар топган экан.

– Чой халтачалари, – деди Бев томон юзланиб. – Ажойиб, анави кир чойнакка дамлаймиз. Менга зангнинг таъми ёқади. Иш ташлаш, нима бўлгти? Ахир у ҳақида олдиндан огоҳлантиришганди. Сизларга маълумки, факатгина Миллий Журналистлар уюшмаси аъзоларигагина газета ва даврий журнallарда мақолалар эълон қилишга рухсат берилган. Ўтган ҳафта “Times” да мисршунослик бўйича қандайдир Америка монографиясига тақриз чоп этилди. Тақриз бир тийинга қиммат, қолаверса, саводсизларча ёзилган бўлса-да, унинг муаллифи МЖУ аъзоси эди. “Times” безбетларча ушбу бир ярим минг сўздан иборат узун, сиз-у бизга ўхшаган дарбадарлар, уларнинг жоҳиллиги, саводсизлиги-ю ҳеч нарсага лаёқати йўқлиги тўғрисида ёзилган “мақола”ни эълон қилди. Очик айтадиган бўлсак, бу нарса босмахонага қадар қандай етиб борганига ақл бовар қилмайди. Шундан сўнг иш ташлаш бошлианди. Шу сабабдан ҳам радио ва теледастурлар тўхтади. Менимча, раддия ва узрнома кутишмоқда. Ҳа, яна маънавий зарарни қоплаш учун МЖУнинг ҳисоб рақамига маълум миқдорда пул ўтказилишини кутаётган бўлишлари ҳам мумкин.

Дерек – дурустгина кийинган, малларанг йигит табассум билан гулхан олдига келди.

– Ишга жойлашдим, – мамнуният билан деди у. – Бугун оқшомдан бошлайман.

– Қулоққа лағмон илма! – түнғиллади Уилфрид.

– Алдамадим! – жавоб берди Дерек. – Хусусий босмахона, барчаси мутлақо махфий. Тош, сен Тошни танирдинг-ку, сен ва мен у билан Бродвейдан унча узоқ бўлмаган ерда танишгандик. Ўша шипшишиб қўйди. Айтишича, унинг ёнига бир пўрим кийинган, гапни ҳам ўрнига қўювчи нусха келган ва Тошга бир фунт бериб, босмахона ускунасини бошқара олиш-олмаслигини сўраган. Барчаси худди мен айтгандек – махфий. Хуппер-авенюдаги хусусий уйда. Мени бурчакда кутишади. Бугун соат тўққизда.

Унинг қўллари плёнка пресси билан ишлаётгандек ҳаракатланди.

– Маоши қанча экан? – сўради Рейнольдс.

– Беш фунт касаба уюшмаси талаб этганидек.

Узун кун Бев куттандек зерикарли ўтмади. Рейнольдс, Парсонс ота ва янги келган, давлатнинг наздида умуман фойдасиз, Тимблригт фамилияли асиролог билан мунозара бўлди. Уилфрид ўмарган, ёки “қўлга киритган” бир қоп картошкани гулханда пиширдилар. Шу гулханда кларнетчи ўз чолғусини иситди ва Брамс сонатасининг биринчи қисмини ижро этди. Парсонс ота диний буюмлар сотиладиган дўконда сохта кредит талонига олиб, ёқаси тагига яшириб келтирган меҳроб виносидан қўиди. Тревор овдан кўча бозорида қўлга киритган иккита ўроғлик адёл билан қайтди.

– Эртага яна олиб келасан, – деди Рейнольдс сунъий жунни силаркан.

Кейинги тонгда кўчаларда текинга тарқатилган янги газетанинг илк сони пайдо бўлди. Парсонс ота

уни сут билан биргаликда олиб келди. Газета “Озод британияликлар” деб номланганди. Парсонс давра-дагиларга ўтирган ҳолда оловда нон ва беконни пишириш ҳамда эски консерва банкаларида чой ичиб ўқиши учун йиртиқ шолча бўлакларини тарқатиб чиқди. Газета бор-йўғи тўрт бет, шрифт нафосатдан тамоман ҳоли извога тўла мундарижа бўртиб, ўзига жалб қилиб турарди. Озод ишчилар армияси тузилиши ҳақидаги хабарни айтмаса, газетада янгиликлар умуман йўқ эди. Жуда секин ўқиган Тревор учун Рейнольдс муҳаррир колонкасининг бир қисмини ўқиб берди:

– Ушбу мамлакат бекорчилик, бефарқлий ва қасаба уюшмаларининг очиқ обструкционизмидан¹ азият чекмоқда...

– Бу узун жумлалар нимани англатади?

– Муҳим эмас, Тревор. Кел, қисқача тушунтираман. Ўзини полковник Loурэнс деб атовчи бир жентльмен бор. – Рейнольдс бир сония ўйга толди. – Тахаллусми? Ҳақиқий исми бўлиши ҳам мумкин. Бу нарсага фикрни қаратиш учалик муҳим эмас. Ўша жентльмен, Тревор ўз шахсий армиясини тузяпти. Ҳазрати Олийларининг қуролли кучларига ишонч йўқ, боиси улар ҳам ўз қасаба уюшмаларини туздилар ва исталган пайтда ўз вазифаларидан бўйин товлашлари мумкин. Мехрибон полковнигимиз эса гарчи ноқонуний бўлса ҳам ҳарбий тузилмаларга бўлган ишончни қайтариш керак деган фикрда... Аммо, полковник Озод Британия армияси (армия шундай ном олиши кутиляпти)ни қўллаб-қувватловчи халқнинг буюк норозилиги ёрдамида қонунни ўзгартирмоқчи. Армиянинг офицерлар сафи қисман шакланган, аммо оддий аскарларнинг тўпланиши кутиляпти. Унвонлар қуйидагилар: тўла ҳукуқли

¹ Обструкционизм – қасдан бузиш.

озод оддий аскар, озод капрал, взвод старшинаси, рота демократи. Офицерларнинг унвонлари анъана-вийроқ: кичик капитан, катта капитан, майор ва ҳоказо. Унвон ва лавозимларнинг ошиши кўрсатилган намуна ва жасоратта эмас, асосан қобилият ва мала-кага боғлик. Тўланадиган маош эса ниҳоятда катта.

– Қанча, оғайни?

– Тўла ҳуқуқли озод оддий аскар ҳафтасига бир юз эллик фунт олади, аммо тўлов индекси инфляция даражасига кўра ўзгариб боради. – Рейнольдс қовоғини солганча тағин ўйга чўмди. – Озод Британия армиясининг мақсади – иш ташлашлардан нураб бораёттан, полковник айтмоқчи азиз ва жонажон юртимизга ҳаётий зарур хизмат кўрсатиш. Озод аскарлар қасамёд қабул қиласидар – барча нарсада ўз командирларига бўйсуниш тўғрисида. Улар ўз ватанларига ортиқча саволлар бермасдан хизмат қилишга қасамёд қиласидар. Ҳатто ҳарбийча қўшиқлари ҳам бор: “Онт ичарман сенга, она юрт...” Мана бу ерда қандайдир таниш жиҳат бор. Ажойиб қўшиқ. Агар хотирам панд бермаса, қайсиdir шведники эди.

– Густав Хойстники, – жавоб берди скрипкачи Тетрис. Исмига қарамай, у тоза қонли инглиз. Қўшиқ “Планет”дан олинган. Юпитернинг бир қисми. Ми бемоль¹, учта чорак, маэстозо².

– Қаерда рўйхатдан ўтиш мумкин?

– Тревор, – жиддий қиёфада сўзлади Рейнольдс, – умид қиласманки, сен бу фашистик ташкилотга аъзо бўлиш ҳакида ўйламаяпсан. Озодлик, Озод британияликлар, озод оддий аскар – бари кўзбўямачилик. Бу Лоурэнс Гитлер сингари фитна қўзғатмоқчи. Исо ҳақи, сендан ўтиниб сўрайман, улардан узокроқ юр.

¹ Бемоль – товушнинг ярим тон пасайишини билдирувчи нота белгиси.

² Маэстозо – улуғвор.

- Бу пуллар менга зарар қилмасди.
- Қизик, пулни қаердан олишаркин? – сўради Бев.
- Ўз-ўзидан аён, деган бўлардим. Тўртингчи бетнинг энг қўйисига қаранг.

Бев ўқиди: “Келинг, бизни уйғотгувчи, йўқ, синдикалистик давлат ҳақида унтишига мажбур килувчи ҳақиқатни эсдан чиқармаймиз. Бизнинг ватан олдидаги бурчимииздан кўра Худо олдидаги бурчимииз юқорироқ ва энг катта бурчни камбағал-факир ўз зиммасига олади. Худо бизни заминда ўз унсурларини намоён этишимиз учун яратди. Ҳар инсонда Худонинг кичик бўлса-да, қисми мужассамдир. Бизнинг инсонийлик моҳиятимиз – гўзаллик ва эзгуликни замин узра ёйиш. Мен инглизлар яратган, крикет ўйновчи ахлоқли худо ҳақида эмас, Иброҳимдан Мұхаммад (с.а.в)гача бўлган пайғамбарларнинг Тангриси ҳақида гапирмоқдаман...”

Пул қаердан келишини энди тушунгандирсиз? – сўради Рейнольдс.

7. ҚЎЛГА ТУШИРИШДИ

Бев ҳаддидан ошди. Ўлжа олиш ёки қўлга киритишда у тамоман эркин эди. Супермаркетлардаги кичик муваффақиятлар унинг бошини айлантириб юборди. Унга “Бернеттнинг кумуш атласи” шиша-сини ўғирлашга уриниш тайинланмаганди. Камера кўзи уни шишани чўнтағига яширишга уринаётган вақтида пайқади. У эллик пенсли қора нон билан навбатда турган пайтда ёнига жиддий қиёфали, қора соchlари орасида нимаси биландир шўрлик Бессини эсга солувчи чиройли ёрқин толалари бор қиз келди.

– Чўнтакларингиз шишиб турибди, – деди у. – Майлими, текширсак? Илтимос.

– Нима шишиб турибди? Қаерда? Меники! Шахсий мулк. Мен буни рухсат этилмаган қоидабузарлик, деб ҳисоблайман...

– Сизнинг анави қатордан бир шиша жин олганингизни кўришган. Унинг пулини тўлай оласизми?

Шишани ушлаганча Бев уни олган қаторга қараб юришга ҳаракат қилди. Унга бутун бир халқ қараб турарди. Бир кампир маъқулламаган қиёфада танглайнин қоқиб қўйди.

– Ҳисоблаб кўриб, билдимки, барибир пулим етмас экан. Жуда қиммат.

Қиз уни йўлаккача кузатиб борди. Ҳудди жарроҳдек кўрқинчли, оқ халат кийган супермаркет бошқарувчиси пайдо бўлди.

– Олган жойимга қайтияпман, – деди Бев ва ўтиб кетишга ҳаракат қилди: – Ижозат берсангиз...

Аммо унга рухсат беришмади.

– Хўш-хўш, – деди бошқарувчи. – Қўлга тушди. Полицияни чақиринг, мисс Парлок.

– Хўп бўлади, жаноб Оллсон.

Ва чиройли оёқли қиз кетди.

– Қулоқ солинг, – бошлиди Бев, – сиз ўзингизни телбадек тутяпсиз. Мен ҳеч нарса ўғирламадим. Агар шишани кассадан олиб ўтганимда бу ўғрилик бўларди, тўғрими? Лекин мен олиб чиқмадим. Сизга бир нимани исботлаш ниҳоятда қийин экан.

У яна шишани олган жойига қайтариб қўйишга уринди. Бошқарувчи уни итариб юборди.

– Олвин! Жеффри! – чақириди бошқарувчи.

Маҳсулот қўйиладиган қатордан узоклашган пайтда оқ халатли яна икки киши пайдо бўлди. Бев ҳозир ҳудди хавфли жарроҳлик амалиётига олиб кетиладигандай хис қилди ўзини. Таҳликаға тушиб, қўлида жин шишасини ушлаганча қочишга ҳам уриниб кўрди. Сўнг ҳалоллик рефлекси уйғониб қолиб,

ичимликни ҳамдардлик назари билан боқиб турган Олвинга узатишга ҳаракат қилди.

– Ушла уни, Жеффри! – буюрди жаноб Оллсон.

Олвин ва Жеффри Бевга ташланишди. Аммо, Бев таслим бўлишни хаёлига ҳам келтирмасди. Бегона қўллардан шиша ёрдамида ҳимояланмоқчи бўлди. Мўйловлари гангстерларникига ўхшовчи икки нафар полициячи билан мисс Парлок етиб келди. Нафасларидан иссиқ ширин чой ҳиди келиб турган полициячилар Бев томон кела бошлидилар. Уни ушлаб олишди. Бев жим турмади. У яна шишани олиб бормоқчи бўлди. Лекин, констебль¹ уни ушлаб олди ва мисс Парлокка топширди. Бев юлқиниб чикмоқчи бўларди. Харидорлар қараб турадилар. Бу деярли ўчирилган телевизордаги сингари эди. Бев касса олдидаги навбатга қараб интилди, кимдир уни орқага итариб юборди. Полициячилар уни яна ушлаб олишди. Бев уларни тирнамоқчи бўлди. Рождестводан бери тирноқлари олинмаганди. У қайси биринингдир чап юзида нозиккина қонли из қолдирди.

– Йўқ, фақат бу эмас, – деди констебль, – фақат бу эмас, биродар.

Улар Бевнинг чотига тиззалари билан уришди. Улар Бевни ўраб олиб, қўлларини қайирганча етаклаб чиқдилар. Икки кўча наридаги бўлимда ўтирган сержант чой ичиб, кремли ўрама ширинликни чайнаганча, катта ҳарфлар билан Бевнинг жиноятларини ёзарди: ўғирлашга уриниш, хибсга олишта қаршилик кўрсатиш, полициячига ҳужум қилиш, қурол сақлаш (улар йиғма пичоқни топиб олишганди), яшаш жойининг йўқлиги.

– Герти, – полициячи аёлга юзланди сержант, – бу телба ҳақидаги ҳаммасини МД дан топ.

¹ Констебль – Англия ва Америкада полициячиларнинг қуий узвони ва унинг эгаси.

“МД” бу Марказий девонхона бўлиб, Бевнинг бутун таржимаи ҳоли компьютердан чиқишини кутиб турарди.

- Исмим Жонс, Б.
- Рақаминг? – сўради полиция ходимаси.
- Рақаминг қанақа, ҳой телба?
- Касаба уюшмасидаги рақамимми? Ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома рақамими?
- Барча рақамлар, оғайни.
- Жин урсин рақамларни, – жавоб берди Бев. – Мен одамман, қандайдир лаънати рақам эмас.
- Балки ёрдам берарсан, – тавсия оҳангига деди сержант, – дунёда Жонслар тиқилиб ётибди, ҳатто Б. билан ҳам маълумотларингни топиш қийин бўлади. Қани, йигит, бизга ёрдам бер.
- Нега бу лаънати тузумга ёрдам беришим керак?
- сўради Бев.
- Яхши, – деди сержант, ёзаётиб, – ҳамкорлик қилишдан бош тортиш. Кел-чи, бармоқ изларингни олайлик.

Уни бармоқларини сиёҳга ботириб, карточкага босишга мажбур этишди ва карточкани МД га фототелекс юбориш учун олиб кетиши.

– Бирор нарсани унутмадингми? – сержант констеблларнинг биридан сўради. – Ҳаммасини тўлиқ айттанингга ишончнинг комилми? Сен у пичоқ билан ҳамла қылганини айтишни эсингдан чиқардинг.

- Бу тухмат! – аралашди Бев.
- Ҳамкорлик қилиш керак, – мулоим тарзда деди сержант. – Ҳамкорлик – ҳаётнинг бош мезони, ўғлим. Уни ўзимизнинг усулда кузатиб боринглар, йигитлар.

Бевни тепкилаб (“ўзимизнинг усул” деганда шуни тушунмоқ керак) камерагача олиб бориши. У ҳам жавоб тариқасида депсиниб қўярди. Хуллас, Бевнинг

күз ўнгидა, тузатиб бўлмас аҳмоқлик билан сержант яна бир қайдни ёзиб қўйди. Айблов ҳужжатига яна бир яхшигина банд қўшилди.

– Гап бундай, – деди Бев супермаркетда тимдалаган констебль, – шу ерда кут, жўжахўroz. Эртага суд.

У Бевни миттигина, иккита осма каравотли, тунги тувакли иссиқ ва тоза жаннатга итариб юборди. Қолаверса, у ерда сувли тоғорача, қўпол сочиқ ва яшил совун бўлаги ҳам бор эди. Панжаралардан ташқарида эса телба ва гуноҳкор дунё. Бев кийимларини ечиб, ювинди. Қовоғи осилган эркак унга бир кружка иссиқ чой ва ликопчада жаркоп узатди. Тепа қаватга жойлашган Бев сукутга чўмди. Эрта қиши оқшоми етиб келган, шифтда флоуресцентли чироқ заиф нур сочарди. Бев уйқуга кетди.

У қувноқ қўшиқ садосидан уйғониб кетди. Иккита нотаниш констебль ва янги сержант ортиқча қийинчиликларсиз, кўринишидан бўкиб ичган иркит эркакни камерага олиб келишиди.

– Қани, бўлақол Гарри, – буюрди сержант. – Итотали бўл. Каравот сенга мунтазир. Пахмоқ бошингни ёстиққа қўйсанг-чи.

Аслида, эркакнинг боши пахмоқ эмас, кал, чандиқлари ва ажин босган юзларидан, қачондир куйганигини билиш мумкин эди. Эркак куйлади:

*Уни бош эгдирдилар ва кўкка этдилар занжирбанд,
Зўриққандан сал қолди ўлишларига,
Айлантирдилар ва уни синдирдилар.
Хўрозлар! Чўнтагинигина йиртдилар холос.*

Бу тушунарсиз, қўшиқ деб ҳам бўлмайдиган мисраларни у “Сен бор эдинг, укам” ва “Бу қария Берт, Берт қадрдоним менинг”, “Яна биттадан, майли, сўнгра ёнсин вужудинг” ҳамда “Мен кечки овқат-

га нима едим, балки күргандирсиз” кабиларга алмаштириб турди. Эркакни пастки ўринга ётқиздилар. Бев бу кеча уйқу йўқлигини фаҳмлаб, хўрсинди. Кўринишидан методик руҳонийга ўхшаб кетадиган озғин сержант тўсатдан айтиб қолди:

– Барчамиз сен ҳақингда биламиз ҳароми, сен қасаба уюшмасидан эмассан. Сенинг ҳужжатларингни ўқидим, кўнглим айниб кетди. Тонгда сени кекса Эшторн кутади ва Худога илтижо қилиб сўрайманки, сени столга қапиштириб қўйисин. – Эшикни қулфларкан, маст кишига деди: – Ўзингни яхши тут, Гарри ва қовоқ каллангни кўтарма.

Гарри хуррак ота бошлиди. Бев яна ухлашга ҳаракат қилиб кўрди. Хуррак овозининг ўрнини қаердадир, шаҳардан ташқарида эшитилаётган тахта тилиш дастгоҳининг ёқимли овози эгаллади: қуёш куйдирар, ҳатто август учун бу ҳаддан ортиқ эди ва улар Эллен билан анхор қирғоғида ўтиришар, оёқларига балчиқ ёпишганди. Митти Бесси – у бор-йўғи тўрт ёшли – юзлари чиройли, яшил кўзлари катта-катта, пучук бурунли ва оғзини катта очиб кулаётган қизча эмиш; озғингина баданида пиппин-рассет олмаси рангидаги ёзлик кўйлакча. Каклик қанотларини қоқиб қўйди. Ёғоч тилувчи дастгоҳ жимжит бўлиб қолди. Бевни жуда қўпол равища туртишди. Гарри оёққа турган ва Бевга мушт туширади.

– Кекса дўстинг учун бирор томчи бўлса ҳам топилмайдими? – ғўлдиради у. – Томоғим худди қирғичдан ўтказилгандек. Гичирлаш овозини шундоққина эшитиб тургандекман.

– Сув ана у ерда, – деди Бев бошқа ёнбошига ўтирилишга ҳаракат қиларкан.

– Сув?! Мен сув ичайми? Мен ўз вақтида бу зормандада́н миллионлаб галлон симирганман, лекин ҳатто тасодифан бўлса ҳам томоғимдан сув ўтказга-

ним йўқ. Бўпти, ёрдам беришни истамас экансан, керак эмас, қорангни ўчир унда, оғайнни.

Энди Бев тамоман уйғонганди.

– Ҳозиргина сув ҳақида нима дедингиз?

– Мен унга ақалли бир марта ҳам яқинлашмаганман, ишни ҳисобга олмаганда.

– У қанақа иш эди? – сўради Бёв каравотга ўтириб оларкан. – Мабодо ўт ўчирувчи бўлмаганмисиз?

– Биринчи мартадаёқ нишонга урдинг, оғайнни. Б15 станцияси. Расво жой... – Панжара олдига келиб бақирди: – Ҳозир ташналиқдан ўлиб қоламан, ярамаслар! Пиво ҳам бўлаверади. Биламан, сизда ўн икки дона “чаррингтонлар”дан бор, ўзим кўрдим! Пасткашлар!

Жавоб келмади. Атроф қоронғу эди. Каравотдан пастга тушган Бев Гарри томон яқинлашиб келарди:

– Қотил. Сен менинг хотинимни ўлдирдинг, лаънати қотил!

– А? – Гарри ҳайратдан ҳатто гандираклаб кетди.
– Сенинг хотинингни қаердан биламан, биродар. Ҳаётимда бирорта аёлни ўлдирмаганман. Яхшилик учун бир-иккитасини гумдон қилганман, бу бошқа масала. Эй Худойим, менимча келяпти. – Тувак ёнига келиб ўзига тортди-да қайт қилиб юборди, – жирканч нарса, – нафас чиқараркан, деди у.

– Сен иш ташладинг, – деди Бев. – Сен Брентфорд касалхонасининг ёниб кетишига йўл қўйиб бердинг. Хотиним ўша ерда ётганди. Мен уни жон бераётган вақтда кўрдим.

У кўзига мушт туширишни мўлжаллаб, Гаррига ташланди. Гарри маст, устига-устак катта қоринли, семиз бўлиб, Бевнинг қўлинин осонлик билан қайтариб юборди.

– Ақлдан озибсан. Биз ёнгин бошламаймиз, уларни ўчирамиз, фаҳмладингми?

– Ўша ёнгинни ўчирмадинг. Пасткаш қотил!

У Гаррининг юзига мушт туширмоқчи бўлди, аммо зарбада янгилиди. Унинг юзи катталигидан, зарбада адашиш мумкин эмасди гўё.

– Қулоқ сол, – жавоб берди Гарри. – Ёнгинни ўюштирган аblaҳлардан аламингни ол, хўпми? Улар қотил ирлаклар¹ эди. ИРА, эшитганмисан? Менинг бир дўстим Шерпхердзбушдаги пиво барида уларнинг бу ҳақида тапираётгандарини эшитган. Дўстим уларни бежаб ташлаган ва бунинг учун калтакланган. Биз ёнгинларни ёқтирмаймиз, биродар. Ёнгинлар қанча кам бўлса, шунча яхши. Бу ҳақида вайсашни бас қил, майлими?

– Сен иш ташладинг, – деди Бев, – қолгани мени қизиқтирмайди. У суюкларигача ёниб кетганди, ундан пишган гўштнинг ҳиди келиб турарди. Менинг хотиним. Мана, ўзингнинг жирканч иш ташлашинг билан нима қилдинг сен.

– Эшит, – Гарри деярли хушёр бўлиб қолди.

– Улар айтадиларки, биз хуштакка қараб сакраймиз, шундайми? Биз қўнғироқ овозини эшитамиз, устундан сирғалиб тушамиз ва саволлар бермаймиз. Ҳуштак билан ҳам шундай. Бизга айтишади, иш ташланглар. Хўп, унда иш ташлаймиз. Агар иш ташламасанг, думингни тугадилар, шундайми? Менинг бешта болам бор. Менинг кампирим эса тонгда уйга қайтсан нақ дўзахни ҳозирлаб қўйган бўлади. Менинг ишим бор ва бу қўлимдан келадиган ягона нарса. Қилишга мажбурман. Менга пул керак, нархлар осмонга чиқавергани сайин янада кўпроқ пул зарур. Кампиршо ва қолганларнинг жағини ёпиш лозим, иш ташлаб эса хоҳлаганингни оласан.

¹ Ирлак – бу ерда асарда тилга олинган ИРА, яъни Ирландия республикачилар армияси номли жиноий турӯҳ аъзолари назарда тутилмоқда.

Бунинг нимаси ёмон? Бундан ташқари бу нарсаны биз йигитлар билан ҳал қилмаймиз, ҳозир ёки эртага иш ташлаймиз, деб. Юқоридан буйруқ беришади, биз ижро этамиз.

– Ярамас, қотилсан, – заиф эътиroz оҳангида деди яна бўш келмай Бев.

– Аҳволингни тушуниб турибман. Тўғри, ёнгинни учиринш керак эди. Биз бу билан армия шугулланади, деб ўйлагандик. Худойим! Ахир шунинг учун ҳам армия мавжуд эмасми? Бу ҳаромиларнинг бўйин товлашларини ҳеч қачон кутмагандик. Иш ташлаш арафасида сенга айтган нарсалардан қўрқиб тургандик, сабаби улар бош тортишни ва фуқаролар билан ҳамжиҳат эканликлари ҳақида баҳона тўқишини бошлаб юборишганди. Армияда аскарлар буйруққа биноан ҳаракатланишади, деб ҳисоблайдилар, аммо отишма вақтида эмас. Отам доим шу ҳақда гапиради. У “Сахро каламушлари”дан эди. Еттинчи танкчи дивизияда хизмат қилган ва Худони ўртага қўйиб онт ичаманки, у ҳақ бўлган экан. – Гарри панжара сари борди. – Ҳой, сиз! Мен уйғондим, чиқишини хоҳлайман! – панжарани қаттиқ силкитиб, қичқира бошлади: – Берт, Фил, сержант Макалистер!

Бев қимиirlаб қолган ёғоч стулга ўтиреди-да, изтиробга чўмди.

8. СУД ҲУКМИ

Олдиндан Бевга айтишганидек, З-рақамли залдаги судга кекса Эшторн раислик қилди. У баттол, тирноқ остидан кир қидиравчи, етмишлардан ошган, тепакал, ияги ортидан кўриниб турган жингалак соchlари жун шарчаларга ўхшайдиган киши эди. Ёнида ёрдамчиси – кўримсиз, кўкраклари те-

кис, шляпа кийган аёл ўтиради. Суд котиби баланд овозли ва безбет киши эди. Бевга шунчаки Жонс деб мурожаат қилишди. Констеблнинг чаккасидаги тиртиқни қасам ичиб айтиши мумкинки, лаб бўёғи билан моҳирона кенгайтиришган, жабрланувчи сержант ўргаттани каби айбловни ҳаддан ортиқ бўртгириб юборди. Албатта, бу қулоқقا жуда хунук эшитиларди. Супермаркетдаги мисс Парлок бўлимда содир бўлган ҳодисалардан ташқари барчасини тасдиқлади. Суд котиби пичоқни қария Эшторнга узатди ва судья чўчитувчи ҳаракат билан полициячилар атайлаб қолдирган қон доғларини кўздан кечирди. Вақт ўтиб, судья Эшторн Бевга бу айбловларга қарши ўзини оқлаш учун бирор сўз айта олиш-олмаслигини сўраб, мурожаат қилди.

– Ўғирлашга уринганимни тан оламан, – деди Бев.
– Аммо ишсизман. Ишчилар давлати менга ишсизлик нафақаси тўлашдан бош тортди. Мен яшашим керак ахир. Ўғрилик қилишга мажбур бўлдим.

– Ва айнан жин ўғирладингиз, – кекса Эшторн қўлида шиша (ашёвий далил)ни айлантириб, кўздан кечирган бўлди. – Нон эмас, жин. Бунинг устига олий сифатлиси.

Узун, қоқсуяк бармоқларидан уйча ясаб, жиддий қиёфада бор оғирлигини столга ташлади. Ёрдамчи мавжуд ёзувларни сўзма-сўз ўқиб, ҳатто аниқ-равшан нарсаларга билдирилаётган эътиrozлардан ҳайратланиб қўйишга ҳам улгурди.

– Сиз қонуний ҳибста олишларига қаршилик қўрсаттансиз, – деди қария Эшторн. – Сиздан қонга белангтан курол топишган.

– У қонга беланмаганди. У пичоқдан ҳеч қачон фойдаланилмаган.

– Сизга савол беришгандагина гапиринг, Жонс! – қичқирди суд котиби.

– Мен ҳам айнан шундай қилдим, – жавоб берди Бев. – У ёлғон гапирди ва мен уни тузатдим. Бу ерда нима хато?

Ёрдамчи Эшторннинг қулоғига ниманидир узок шивирлади, судья эса фақат бош ирғаб турди.

– Сиз қонунни буздингиз, – деди кекса Эшторн.
– Жамиятни сизга ўхшаган нусхалардан ҳимоя қилмоқ керак.

– Мен каби нусхалар?! Бу билан нимага шаъма қиляпсиз? Мен ўз билимларини ўқувчиларга етказиши тақиқланган ўқитувчиман. Мен лондонлик ўт ўчирувчилар юмшоқ жойларини иссиқ ўриндан узмай, тиш кавлаб ўтирган вақтда ёнгин оқибатида хотини куйиб кетган, оқибатда аянчли ўлим топган аёлнинг эriman.

– Бундай беодоб сўзларни ишлатганингиз учун миссис Фезерстоундан кечирим сўранг! – бақирди суд котиби.

– Узр сўрайман, Фезерстоун хоним, – деди Бев судья ёрдамчисига, – бундай сўзларни ишлатмаслигим керак эди. Сўзлар – жудаям хунук, тўғрими? Ёнгинлар ва ўт ўчирувчилар ўзларининг бешинчи нуқталарида турарканлар, ўт ичиди қолиб кетиш бундан-да қўрқинчлироқ. Мен сиз айтганингиздек “нусха” эмасман, жаноби олийлари. Мен ўз ҳаётий ҳақиқатлари туфайли ишидан маҳрум этилган одамман. Мен касаба уюшмаси ва улар бошқарадиган қўйларга қарши бош кўтардим.

– Нималар деганингизни тушуняпсизми? – сўради кекса Эшторн.

– Жуда яхши тушуниб турибман. Ҳуқуқ ва одил судлов синдикализм туфайли бузуқ ҳолга келиб қолди. Нафақат кенг маънодаги ҳуқуқ, балки судлар чиқарадиган қарорларга ҳам таъсир қилувчи адолат

тамойили ҳам. Касаба уюшмаси аъзосини қамоққа жўнатинг ва сизни иш ташлаш кутади.

– Бу судга нисбатан ҳурматсизлик, – кибр аралаш таъкидлади суд котиби.

– Келинг, айтайлик, – таклиф оҳангиде деди қария Эшторн, – буларнинг бари нотўғри. Келинг, яна, – тўғри Бевга юзланди у, – озроқ ақлимизга ҳам қулоқ соламиз, майлими? Зеро, қонун ақлга асосла-нади. Сизга жарима жазосини тайинлаш ақлсизлик бўлади, боиси уни тўлашга имконингиз йўқ. Бу сиз-нинг илк қоидабузарлигинги. – У қўлидаги Бевнинг таржимаи ҳолига бир қур назар солди. Сизнинг ахлоқингиз илгари судланмаганингиз сабабини аён этиб турибди. Сизни қамоққа жўнатиш менинг қў-лимда эмас. Башарти, бу менинг қўлимда бўлган тақдирда ҳам қамоқ муддати сизнинг вазиятингизни ўзгартирмаслиги ойдек равшан. Айтганингиздек, сиз ўғриликка мажбуран қўл ургансиз. Кенг маъно-даги адолат ҳаётингиз шарт-шароитларини шундай ўзгартиришни тақозо этадики, сизда жиноят қи-лишга сабаб, хоҳиш, эҳтиёж қолмасин. Сиз шартли равишда озод этиласиз. Жаноб Хоукс, – деди қария Эшторн, – олижаноблик қилиб, бизнинг шартли озодлик жараёнимиз ҳақида изоҳ берсангиз...

Иккинчи қаторда ўтирган юзлари ялтироқ одам ўрнидан турди. Бев уни ҳар доимги бекорчи суд тингловчиларидан бири деб ўйлаганди, аммо у судга алоқадор одам бўлиб чиқди. У лўппи юзли, олифта кийинган, “Юпанч бўлай сенга, эй, халқим”ни куй-ловчи уэлслик тенор сингари ўзига ишонган киши эди. Хоукснинг шеваси ҳам уэлсча экан.

– Ҳа, жаноби олийлари, – деб бошлиди, сўнгра Бевга қараб илжайди: – Келинг “шартли озодлик” атамасини янада маънодор “реабилитация” атама-

сига алмаштирамиз. Сиз Кроуфорд-Мэнор ҳақида әшиттеганмисиз?

– Йўқ, – жавоб берди Бев, – әшитмаганман.

– Сэр, – деди жаноб Хоукс Бевга ҳам тазийик, ҳам узрех юмор қиёфасида қааркан. – Кроуфорд-Мэнор – БҚ томонидан ташкил этилган, қисман хазинадан молиялаштириладиган реабилитация маркази. Сизга ўз позициянгиз ҳақида қайта ўйлаб кўриш имконияти берилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам илгариги, касаба уюшмаси аъзоси мақомига қайтишга мажбур этилмайсиз. Олдинга ўтиб айтиш мумкинки, реабилитация курсида сиз зулм ва мажбуrlаш деб баҳолаётган ҳуқуқ табиатининг асл моҳиятини тушуниб етасиз ва якунда худди мен сингари ишчилар жамияти аъзоси эканлигингидан фақат ва фақат мамнун бўласиз. Нима дейсиз?

– Бормайман, – деди Бев.

– Бошқа иложингиз йўқ, деб кўрқаман, – деди судья ёрдамчиси.

– Сизнинг анави дўстингиз мажбуrlаш йўқ, деб айтди.

– Реабилитация жараёнида ҳеч қандай мажбуrlаш йўқ, – кулди жаноб Хоукс. – Лекин кўрқаманки курсга ёзилиш мажбурий. Ахир, қонунни бузганингизни инкор этолмайсиз, шундайми?

Бев ўйланиб қолди. Бев уни нимадандир муқаррар пар маҳрум этишларини тушунганди: ёки жаримани сўндириш учун пул ёки озодлик. Қонунни буздингми – агар тутишса, жазога ҳам кўнасан.

– Навбатдаги иш, – тантана билан деди қария Эшторн.

Констебллар судланувчилар курсисидан тураркан, Бевга еб қўйгудек қарадилар. Жаноб Хоукс табассум қилди.

– Ҳозир кетаманми? – заҳарханда билан сўради Бев.

– Уч соатдан сүнг. Соат бир яримда Чарингтон-Кросстан поездда йўлга чиқасиз. Кроуфорд-Менор – Шарқий Сассексдаги Беруош қишлоғининг ёнгинасида. Сизни транспорт кутади ва қолгани Этчингем темирийўл бекатида. Жаноб Б...

– Бу ҳақиқий расвогарчилик! – жаҳл билан деди Бев. – Ахир ҳукумат дараҳтининг шоҳлари қачондир бир-биридан ажратилганди. Энди эса сиз пасткашлар ҳатто судни ҳам назорат қиляпсизлар, худди...

– Эндинга айтмоқчи бўлиб тургандим, суд залининг ташқарисида сизни жаноб Бузи кутяпти. У – Пробация хизматидан. Сизни кузатиб борувчи нозир. – Тўсатдан жаноб Хоукс овоз оҳангини ўзгартириди ҳамда секингина бўғиқлик билан деди: – Сен билан яхшилаб шуғулланамиз, анқов! Фалаба қозонишни хаёлингдан чиқар, дўстим. Унутма, бизнинг кўлимиздасан.

– Бир қоп ахлатдан ўзга нарса эмассан, жирканч, – деди Бев.

– Жуда соз. Ана энди ҳақиқий ишчилардек гапира бошлидинг. Қани, юмшоқ орқангни кўтар ва бу ердан тезроқ қорангни ўчир.

9. КУЧЛАР НАМОЙИШИ

Омадсиз хусусий детективга ўхшаб кетадиган, катта, чавкар муштини гўё қурол ишлатишга шайдек тутиб ўтирган жаноб Бузи билан қўшиб ҳисоблаганда йигирма бир киши тўпланганди. Лекин, Чаринг-Кросс вокзалида ҳомуза тортиб, афтидан, жўрттага камзули ичидаги чарм филофли тўппончани ҳаммага кўрсатди. Гуруҳдаги кўпчилик унинг ёнида тўппончаси борлигига шубҳа қилди. Ахир, бу

Англия, бу ерда жиноятчиларгина қурол олиб юрадилар.

Тұпланғанларнинг күпчилиги маълумотли бўлиб, гуруҳда яна муддати тугаган кредит картасига ўхшаш пуч тамойилларга ўралашиб, умиддан маҳрум бўлган ёшлар ҳам бор эди. Диний ақидапарастлар ҳам йўқ эмасди. Айниқса, қуюқ қошли бир шотланд Танбридждан бошлабоқ жаноб Бузига ваъз ўқишига киришди.

– Қулоқ сол, қовоқбош бефаҳм, биласан, Худонинг сўzlари Шотландияда қандай муқаддас. Кимнидир омбори шекилли? – у ҳилвираб қолган Инжил билан катта қисми фабрикалар ва қуюқ тутун билан тўсилган Ибодатхонага ишора қилди.

– Нима ҳақида вайсаётганинг менга умуман қизиқ эмас, тентак, – жавоб берди жаноб Бузи. – Агар ҳожатга чиқиши хоҳлаётган бўлсанг, поезд жойидан қўзғалишини кут.

– Фу, – юзини буриштириди шотландиялик ва тоза инглиз тилида сўзини давом эттириди: – Сизларга тўғри йўл кўрсатмоқчиман оға, сиз ва ҳамтоворқларингизнинг фикрича, Худонинг сўзи ўлган ва агар ҳозир Исо тирик бўлганда дурадгорларни иш ташлашга бошлаган бўларди.

– Агар қуруқдан қуруқ Инжилда нималар ёзилганини ҳақида жаврамоқчи бўлсанг, поезд юришини кут. Мен сизларни шунчаки олиб бориб қўяман. Тушунарлимни?

Мидлендслик ёш, заиф кўринишдаги, кулранг кўзлари чиройли йигитча “Олға, Исо жангчилари” қўшигини куйлади. Ҳеч ким унга жўр бўлмади.

– Бизни шер чангалига ташлайдилар, – сўzlади у ўз юрти шевасида. – Йигирманчи асрнинг азоб-уқубатга гирифтор инсонларини.

Ҳамма жим кетарди. Жаноб Бузи обаки олдида, ҳеч кимга таклиф қилмай, ўзи шимишга тушди.

– Эҳ, сиз қалбсиз ярамаслар! – йигитчанинг гапини маъқуллаган бўлди шотландиялик.

– Тилингни тий абллаҳ, – оғзида обаки билан гапирди жаноб Бузи.

Поезд Танбриж-Уэллсда тўхтади. Қора ёмғир-пўшдаги баланд бўйли эркак сўзлаганча ўрнидан турди:

– Шу ердан жойимизни ўзгартиришимиз керак эмасми?

– Ўтири, – тўхтатди жаноб Бузи. – Текшириб кўрдим. Бошқа жойга ўтмаймиз.

– Сиз менга буйруқ бердингизми?

– Сизларга айтяпман.

– Ўйлайманки, – деди баланд бўйли эркак, жаноб Бузига совуқ қараганча, – барибир мен чиқаман!

– Қани, чиқиб кўр-чи, – деди жаноб Бузи. – Қани, уриниб кўр.

Шундагина чарм ғилоф камзул остида шунчаки турмагани маълум бўлди. Жаноб Бузи қора плашли дароз эркакка мойланган қирқ бешинчи калибрли “сугу”ни ўқталди. Дароз жойига ўтириди. Ҳамма итоаткорона бир ҳолатга кирди. Жаноб Бузи эса деди:

– Йигитлар, яхшиси жиноятчи эканлигинизни эсдан чиқарманг.

– Бундай бўлади, деб сира ўйламагандим, – ҳайратда айтди Бев. – Қурол сақлаш ҳақидаги қонун. Сиз қайси қўшин туридансиз, гермафродитларданми?

– Секинроқ! – жаҳл билан деди жаноб Бузи. – Муштумдан татиб кўрма тағин.

– Ана холос! – луқма ташлади шотландиялик. – Тағин гапиради-я бу!

– Йўқ-йўқ, мен ҳеч қандай жинсий ҳақоратни на зарда тутмадим, – тушунтириди Бев. – Киплинг Қи-

роллик флоти денгизчилари, Ҳазрати Олияларининг денгиз пиёдалари, аскар ва матросларни шундай атаган. Сиз – қонун вакили ва БҚ амалдори, Этчинем поездидаги зулм ғалабасининг тирик тасдиғисиз.

– Бейтменс¹ уларнинг кўлида, – деди қора танли, кўзойнак таққан киши. – Бероушга борсак ҳали кўрасиз. Империя куйчиси бўлган шоирнинг уйи энди минтақавий компьютер маркази. Тағин, унинг электрон оқсимли Пак тепаликлари² ҳайратта солади.

– Эшитинг, ҳамма бу ёқقا, – паст ва қатъиятли оҳангда сўзлади жаноб Бузи. – Мен ўз ишимни бажаряпман, тушунарлимни? – У йўлак бўйлаб ўз одамларига, ҳатто ростланганча “Озод британияликлар”ни ўқиётганларга ҳам ўткир нигоҳ ташлаб кўйди. – Мен ўз ишимни бажаряпман. Ўз ишимни. – Бундан ортиқ нарсани эмас.

Йўлак бўйлаб форма кийган қўриқчи қичқирганча секин юриб келарди.

– Ҳамма чиқсин! Поезд бошқа юрмайди! Биз иш ташлаяпмиз!

Шартли жазога тортилганлар қизиқиши билан жаноб Бузининг муносабатини кутишарди. Қоида бўйича у бундай дейиши керак эди: “Жуда соз, биродар!” Аммо, маълумки, ҳали холистик синдикализм даври етиб келмаган ва ҳеч ким унинг ўзи қолган касаба уюшмалари ёки пробацион нозирлар гильдиялари билан бирга иш ташлашга чиқишини олдиндан айта олмасди. Ва албатта, ҳеч ким унинг қовоқ осишини кутмаётганди.

– Олиб борасиз бизни, – деди баланд бўйли қора ёмғирпўш кийган киши яна қўзғаларкан. – Бизни қа-

¹ Шарқий Сассексдаги XVII асрга мансуб уй. Бу ерда Р.Киплинг 1902 йилдан, 1936 йил, яъни вафотига қадар истиқомат қилган.

² Р.Киплингнинг шу номли эртаклар туркумидаги ҳикоячи қаҳрамон.

ерга олиб бормоқчи бўлсангиз, ўша ерга етказасиз, оғайнни.

– Кулоқ солинг, – қўриқчига юзланди жаноб Бузи,
– телефонлар ишлаётгандир?

– Ҳозиргина, транспорт уюшмасидан хабар келганда ишлаётганди. Аммо қўнғироқ қилмоқчи бўлсангиз, шошилганингиз маъкул.

– Киплинг тирик, – деди қора кўзойнак таққан қора танли киши.

– Агар сизга автобус ёки бошқа бирор нарса керак бўлса, – давом этди қўриқчи, – вазиятни мендан кўра яхшироқ биласиз.

– Э, Худойим, – чуқур нафас олди жаноб Бузи.

– Чин эътиқодлилар ўзларини бундай тутмайдилар, – луқма ташлади Мидлендслик йигитча.

– Ҳақсан азизим, – деди қўриқчи. – Кетдик, сизларни олиб чиқамиз.

Норизо қиёфада жаноб Бузи ўз одамларини Марказий Танбриж-Уэллс вокзалидаги паст даражали платформага олиб чиқди. Ёмғир бошланди. Узокда момақалдироқ гумбурлади. Шу пайтгача жим турган, қорамагиз, пакана киши деди:

– Тоннервернотоунотравонуретнгромодагромер...

– Жағингни юм! – бақирди жаноб Бузи. – Ўчир, тушундингми?

Қўриқчи қизиққан қиёфада қаради.

– Нима, у хорижликми? – сўради қўриқчи. Сўнг:

– Сиз Мэнорга, ёки уни яна қандай номлашарди, хуллас, ўша ерга борасизми? Чунки, агар ҳа, бўлса, пиёда боришингизга тўғри келади. Уларни полотно бўйлаб олиб боринг, бунга қарши қонун йўқ. Икки пункт орасидаги энг қисқа масофа.

Кир ёмғирпўш кийган, чўнтағида “Озод британийликлар” кўриниб турган қирмизи юзли киши ҳазиллашиб, деди:

– Қадам бос, ярамаслар!

Жаноб Бузи хурсанд ҳолда рельслар бўйлаб жа-нуб тарафга кетаётган взвод бошқарувини қўлдан чиқарди.

– Ҳой, ҳой сен, ҳаромилар! – қичқирди жаноб Бузи.

Кўриқчининг ҳайратдан оғзи очилди.

Икки кишилашиб, колоннাবўлиб ҳаракатлана бошладилар. Бевнинг шериги илгари қишлоқ кутубхоначиси бўлиб ишлаган, баланд бўйли, ёмғир-пўш кийган жаноб Миффлин эди. Атроф қоронгулашиб борарди. Жаноб Бузи койинди. Стоунхенжга этишганида қирмизи юзли киши деди:

– Ҳар соатда беш дақиқалик танаффус. Армия низоми.

– Тўхтамаймиз. Сиз ҳозир аҳмоқона ҳарбий хизматда эмассиз!

Этчингхемга яқин қолганда жаноб Миффлин сўзлади.

– Абжагини чиқармайсизми?

– Унда тўппонча бор.

– Тўғри. Келинглар, ўқланганми-йўқми текширамиз. Бир, икки, уч!

Тўппонча ўқланган экан. Бев қулоғи олдидан бир нарса визиллаб ўтиб кетганини эшилди. Улар жаноб Миффлин билан биргаликда чирмашиб ўсувчи ўтлар устига аҳмоқона тарзда ётиб олдилар.

– Энди тушунарлими? – ҳарсиллаб гапирди жаноб Бузи. – Сизнинг болаларча аҳмоқлигиниз нима оқибатларга олиб келиши мумкинлиги энди тушунарли бўлди. Бу ерда ким хўжайнлигини билиб олдингиз, жин урсин сизларни.

10. ИККИ ОЛАМ

Қачонлардир Жошуа Рейнольдс¹ Салони, деб аталган бинонинг суваб, беркитиб ташланган камини ёнида турганча жаноб Петтигрю ўзининг бир юз эллик кишилик аудиториясига бепарво боқиб турарди. Ҳамма унинг кимлигини билар ва аксига олиб, атайин ўзларидан мамнун инсон қиёфасинигина ясай олишарди холос. Озғин, дағал соchlари пешонасига тушиб турган, ўзининг қирқ ёшига нисбатан навқирион кўринишга эга, буюк назариётчи ва БҚ раёсатининг доимий раиси табассум қилди-да, узокни кўра олмайдиган кўзларини қисиб (олтин чизиқли, қизил рангли), галстутига кўзойнагини артди. У кўзойнагини тақди ва шиша ортидан унинг ўткир ва ваҳимали кулранг кўзлари аниқ кўринди. Кўрқинчли кўзлар, ўйлади Бев. Жаноб Петтигрю эса профессорларга хос мулојимгина товушда сўзлай бошлади:

– Оғайнилар! – Шу ерда у табассум қилиб, чиройли бир суръатда қўлларини ёзи. – Менга одатий самимилик билан бу атамани қўллаш қийин. Опа-сингиллар! Йўқ, бунақаси кетмайди. Тўғрими?

Аудиториядаги тахминан етмиштacha аёл гўё бу фикрга қўшилди: ҳи-ҳилаб кулиш ва заиф пишқириклар эшитилди.

– Ишчи аёлларни опа ёки сингил деб атайдилар-у, америкалик дўстларимиз нозик муносабатларга ишора қиласидилар. БҚ ни мазах қиласидилар ва гумоним борки инцест²га ҳам панжга орасидан қарайдилар.

Кулги. “Эҳтиёт бўл, эҳтиёт бўл, – Бев ўз-ўзига деди, – кулма, унинг таъсирига берилма, у душман”.

¹XVIII асрдаги инглиз портретчиси.

² Инцест – бир оила аъзоларининг ўзаро жинсий муносабатда бўлиши.

– Шунинг учун мен айтаман: хонимлар ва жаноблар! Ба бу ерда шилқим цех бошлиқлари ҳам йўқ, шундай экан, ҳеч ким мендан қўрқмаса ҳам бўлади. Хонимлар ва жаноблар, сизни бу ерга тўплашганинг сабаби, сизлар ўзгача одамсиз. Сиз балки ўзингизни ягона инсоний қалбни, Бирлашган ишчилар жамоаси деб номланувчи мавхум тушунчадан юқорироқ қўювчи индивидуалист деб атарсиз. Сиз курашни кўрдингиз, оғриқни хис этдингиз. Ўзингизга хос қадриятлар ва тамойилларни барча нарсадан устун қўйиш, оқибатда сизларни ёлғизлика, жиноятга, дарбадарлик ва қочқинликка, телбалар томонидан барпо этилган қамоқ панжаралари ортида фарёд чекишига маҳкум этди. Кимда қандай, буни билмайман. Ҳар бир кун қўрқинчли, ҳар тун эса даҳшатли ва ниҳоясиз руҳий, ақлий кураш билан ўтарди. Бу мен билан ҳам содир бўлган ва балки менга сизлардаги мардлик туйғуси етишмас.

Бу руҳий курашнинг табиати қандай? Мана бундай. Инсоният, умуман, муроса қилиб бўлмайдиган икки қадриятга муҳтоҷ. Эркак – ёки, бизни аёл ва эркакнинг teng ҳуқуқлилигига ундейдиган Ҳаракат тушунчасига кўра, аёл-эр – ўз қарашларига кўра яшаш билан биргалиқда, жамиятнинг қадриятлари билан ҳисоблашишга, ундан узилмасликка ҳараткат қиласди. Ички олам бор, ташки олам бор. Ички олам орзулар ва ҳис-туйғулардан қувват олади. Ана шундай ҳиссиётлардан бири, айтиш керакки, энг олийси Худо – барча қадриятларнинг ягона манбаи, алоҳида олинган исёнкор қалб талпинадиган манзил. Бу яхими? Йўқ, бу инсоний ички оламга ҳаддан ортиқ боғланиб қолишимизга, усиз бор-йўғи походдан ясалган яратиқ эканлигимизга кўр-кўронада ишонишимизга сабаб бўлади. Лекин, – мен бу “лекин”ни алоҳида белгилашингизни сўрардим, – ички

олам ҳеч қачон ташқи олам билан аралашиб кет-
маслиги зарур. Ўтмиш инсониятнинг ички дунёсига
улкан талафот етказган зулм, қабоҳат, жабр-жафо
ва ғам-андуҳларга тўла. Барчаси эҳтимол, ёнаётган
шоҳ-шаббада Ҳудони ҳис этган, бунинг натижасида
яхудийларнинг ўн йиллаб дарбадар кезишига сабаб-
чи бўлган Мусодан бошлангандир. Авлиё Павел ўз
ички оламини Исога қарши бош кўтарган бутун дунё
билан боғлашга уринган. Кальвин, Лютер ва Саво-
нарола билан ҳам шундай бўлган... Давом эттириш
лозиммикан? Дунёвий соҳада-чи? Биз, Европа ва
Осиёда аллақандай мистик таълимотларни давлат
сиёсати билан боғлаш миллионлаб инсонларга жабр
етказганлигини кўрдик, ёки улар ҳақида ўқидик.

Нимани назарда тутаётганлигимни тушуняпсиз-
ми? Менда интизом деб аталмиш куч тутиб турган,
ташқи оламдан ёпиқ эшиклар или ажратилган ички
дунёга қарши ҳеч нарса йўқ. Ташқи олам ички ҳис-
сиётларни қабул қила олмайди, сабаби ички дунё-
да ташқи оламдагидан кўра аълороқ қадриятлар
бор. Бу, худди сув билан фосфор хавфли ёнғинсиз
бир-бирига бириколмаганидек гап. Энди сиз мендан
сўранг: ички оламнинг қандай қадриятлари бор?
Улар оддий ва уларнинг оддийлиги – универсаллик-
нинг муқаррар жиҳати. Улар барча инсонлар учун
умумий бўлган нарсалар – яшаш, ишлаш, пул то-
пиш ва ҳоказоларга олиб боради. Ишчилар давлати,
ишчилар жамоаси ҳақида гапирганда, биз, агар ло-
зим бўлса, мамнуният билан ушбу терминни марк-
сист олигархларнинг безбет сиёсий тасаввурлари-
дан халос этган бўламиз. Ишчилар давлати ҳақида
сўз борар экан, биз бор-йўғи ишлаш ва шунга яраша
ҳақ олишдек инсоннинг асосий ҳукуқлари ҳамиша
устувор бўлган тизимни назарда тутамиз. Балки маз-
кур таълимот ўзида қарама-қаршиликни мужассам-

лаштиар. Негаки, давлат – ишчиларнинг мулки, уларнингadolat йўлидаги курашлари муваффакиятли яқунланиши керак, ахирadolатга бошловчи восита улар қўлида. Аммо ҳар куни курашни давом эттиришга янги-янги сабаблар топилаверади ва бу курашнинг ниҳояси йўқ. Иш берувчи ва ходим ўртасидаги кураш – сиёсатимиёнинг бош ақидаси. Оддий мантиқ кўзи билан қаралганда, давлатнинг ягона иш берувчига айланиши фойдадек, аммо амалиётда заарга хизмат қиласди. Қайтараман, мазкур дихотомия ниҳоятда зарур. Зарурлиги шундаки, бу доимий равишда иш ҳақини оширишга хизмат қиласди, уни ҳаракатга келтирувчи куч эса қарама-қарши томонларнинг курашидир.

Ўйлайманки, ишчилар ҳукуқининг ушбу оддий фалсафасини социализм фалсафаси билан тенглаштириш мумкин эмаслиги сизларга энди аён. Социализм ишчилар томонида туриши лозим, акси бўлса – батамом барҳам топсин! Бу – капиталистик имтиёзлар, таъмагирлик ва очкўзлик метафизикаси. Социалистик ҳаракат – бу ишчиларнингadolат учун курашига асосланган меҳнат ҳаракати эканлигини сизларга тушунтиришим шарт бўлмаса керак. Бироқ, ҳаракат давлат тузумидан ажратилган. Социалистик бошқарув шундайки, у барча муҳолифатларни йўқ қиласди, курашларсиз ҳамма нарсани идора қилишга асосланади. Аммо ўзини сақлаб қолмоғи учун у жанг қилишга мажбур. Ялпи миллий маҳсулот ҳажмини кўтариш, инфляцияни жиловлаш учун курашлар ана шундан ва улар ўз табиатига кўра ишчилар учун интизом воситаси ҳам. Меҳнат тарафдори бўлгани ҳолда, давлат меҳнаткашларга ишонмайди. Бошқа тарафдан, фундаментал фалсафа ишчилар жамоаси ва сиёсий ижро органи учун умумийдир. Бошқарув механизмлари ёрдамида эҳтиёжлар тўғрисидаги

мунозараларни соддалаштириш тамойили ишчи-ларнинг маълум бир ҳаётий заруриятларини у ёки бу даражада ўзида мужассам этади. Шубҳасиз, мен соғлиқни сақлаш ва таълим тизими каби жамоавий эҳтиёжларни қондирувчи, аммо сиз сингари, марҳаматли хонимлар ва жаноблар, индивидуалистларнинг ички олами заруриятларига мутлақо бегона ҳисобланган воситалар ҳақида гапирияпман. Ва шаксиз ички ва ташки олам ўртасида мустаҳкам чегара ўрната олмаганингиз туфайли, ижтимоий ҳимоядан ўз-ўзингизни ихтиёрий равишда маҳрум этгансиз, дэя оламан, хонимлар ва жаноблар.

У табассум қилди, кинояли тарзда қўшилиш мажбурий бўлмаган расмий нуқтаи назардан иқтибос келтириди. Ва яна хаёлпарастларга хос жилмайиб, давом этди:

– Агар биз енгил, гумбурлашларсиз ва тутунларсиз, кўпчилик сезмай қоладиган инқилобни (сабаби, инқилобий портлаш доим ички оламда рўй беради) қўрсак ва у Британиянинг институцион шедеврларидан бири, деб ҳисобланувчи ёзилмаган Конституциясини барбод этса, мен ажабланмайман. Парламент, барчангизга маълумки, ёшини яшаб бўлган, вақтни бекор ўтказиш ва расмиятчиликдан ўзгаси ҳозир унинг қўлидан келмайди. Бизга фақатгина ижроия ҳокимияти ва ижтимоий хизматлар керак, холос. Келажак раҳбар ва сиёсатчиларини етказиб беришга ихтисослашган янги услубдаги коллеж қурилиши аллақачон бошланган. Ижро ҳукуматининг мистик меросийлиги учун доимий раҳбарга зарурият бор. Агар бу Рамзий Ишчи Билл бўлади, деб ўйласангиз, адашасиз. Сиёсатдан ташқарида мавжуд бўлган монархиялар шундоқ ҳам етарли. Инглиз ишчиларининг қироллик оиласига садоқати узоқ тарихга эга ва ягона раҳбарга инстинкттив бўйсунишни ўзида акс эт-

тиради. Бу сиёсий профессионалларнинг кўп йиллик меҳнати ҳамда пешона тери маҳсулидир. Бизнинг америкалик ишчи-биродарларимиз, президентлик қўрқинчли абсолютонизм ва ҳокимият учун курашнинг жирканч меваси эканлигини кўриб, республика тамойилларидан юз ўгира бошлишмоқда. Ким билади дейсиз? Балки келажакда мустақиллик Декларацияси бекор қилиниб, бутун дунёдаги инглиз забон, ёки ИЗ да гаплашувчи одамлар умумий мақсад йўлида бир ёқадан бош чиқарарлар. Аммо, бу келажакда содир бўлиши мумкин бўлган воқеалар. Мавзудан озгина четта чиққаним учун узр сўрайман хонимлар ва жаноблар, бутун сиз билан булар ҳақда гаплашмаймиз. Бутун қайси мавзуга тўхталамиз? Сиз Кроуфорд-Мэнорда афсуски мажбурий (акси бўлишини жуда истардим) ўтказишингиз лозим бўлган вақтда қайси мақсадга етишишга ҳаракат қиласиз? Биринчидан, онгингиз билан қабул қилаётган нарсаларни юрагингиз орқали ҳам қабул қилишингизни хоҳлаймиз. Тенгликни бутун вужудингиз билан ҳис этишингизни истаймиз. Ички дунёдаги имтиёзларсиз тенглик, ундаги Гитлер, Бонапарт ва Чингизхонга хос бўлмиш ўзгача эркак ҳамда ўзгача аёл ғояси – разиллик. Ахир, ўзингиз айтинг, фавқулодда иқтидорли рассом, даҳо олим ва файласуф ҳамда уларнинг қарашлари қандай қилиб эскиларини батамом йўқ қилиш хавфини туғдириши мумкин? Бундайлар туғилганданоқ бўғилмайдилар, зеро, эгалитаризм тамоили энди-энди кучга тўлмоқда. Санъат, тафаккур, илмий изланиш ички олам ва хусусий хаётга тегишли. Фавқулодда даҳо ички оламга бостириб кириши исталмайди, аммо бу уни баҳоламаслик кераклигини англатмайди. Қадр-қиммат руҳий оламга тегишли, ишчилар дунёсига эмас. У рағбатни ички оламдан изламоги даркор. Аммо, хонимлар ва жаноблар, сизлар

ички оламни, рад этишга уринганингиз ташқи дунё билан чалкаштиришга уриндингиз ва оқибатда фош бўлиб, ўзингиз рад этилдингиз, – тўсатдан у жиддийлашди ва овози баландлади, шунда Бев тушундики, у ҳақиқий телба. – Сиз гуноҳкорсиз! – қичқирди жаноб Петтигрю. – Ҳа, гуноҳкорсиз. Тенглик олдида гуноҳкорсиз, биродарлик олдида гуноҳкорсиз...

– Аммо, озодлик олдида эмас! – Бев ҳайратланиб, ушбу сўзларни айтган, нотиқнинг гапини кесган инсонни ён-атрофдан излади ва англадики, бу инсон ўзи экан. Аудиторияда ғала-ғовур бошланди ҳамда борган сари баландлади. Бу ғала-ғовур кимга қарши эканлитини тусмоллаш мушкул эди. Жаноб Петтигрю дарҳол ташаббусни қўлга олди ва жиддий имо-ишоралар билан йиғилғанларнинг эътиборини ўзининг олайган кўзларига қаратди.

– Озодлик! – қичқирди жаноб Петтигрю. – Сиз ҳатто бу сўзнинг моҳиятини ҳам билмайсиз. Сиз хато ҳисобланган хорижий инқилоб шиорини чайнамасдан, ютиб юборгансиз. Сиз унинг учдан икки қисми ички оламга тегишли бўлиб, учинчи, ҳеч бир аҳамиятта эга бўлмаган ташқи дунёга хос эканлигини тушуниб етмагансиз. Эркинлик? Ким ундан сизни тўсяпти? Озодлик – ички оламнинг таркибий қисми. Сиз хаёлингизда истасангиз, ҳатто Коинотни ёки табиат қонунарларнинг ҳаракатини тўхтатиб қўйишингиз мумкин. Унинг меҳнат ва нон топишга қандай алоқаси бор? Сиз мумкин бўлмаган озодликни ўз ички дунёйингиздан излайсиз ва қамоқдан бошқа ҳеч нарсани топмайсиз. – Ўлик сукунат чўмди, барчанинг кўзи Бевга гўё биргина нигоҳ ўзида бутун бошли заҳар-закқумни мужассамлаштирадигандек қадалди. Чўчитувчи бир тезлиқда жаноб Петтигрю оғир сўлиш олди, болаларга ўхшаб табассум қилди, кўзойнагини олиб, яна галстугига артди. Озодлик,

– деди у туманли қараң билан, – Издә бу сүзниңг бергина маъноси бор. Жин урсин, бу оқшом чиқиш қилиш учун ўзимга жуда күп эркинлик бериб юбордим. – Заиф хўрсиңиқ тарқалди. Жаноб Петтигрюнинг содда нутқ услубига умуман мос тушмайдиган кўрқинчли тажовуздан эди бу. – Сизларда зерикарли демагогдек таассурот қолдирдим чоғи. Бироқ, ишонтириб айтаманки, бу менинг энг кучли жиҳатим эмас. Умид қиласманки, қисқа фурсат ичида сизнинг ички оламингизда каттагина ўзгаришлар бўлади. Хайрли кеч. – У яна кўзойнагини тақиб, ўткир нигоҳли нусхага айланди. Қарсаклар садоси остида минбардан тушиб кетди. Бев олқишиламади.

11. ЎЗГАЧА ФИКРЛАШ УЧҚУНЛАРИ

Кроуфорд-Мэнорда ички оламга ташриф учун бир нечта хоналар мавжуд эди. Баъзиларида каравот бўлиб, ичкаридан қулфласа ҳам бўларди. Кузатувчи ва ёшитувчи мосламалар кўзга ташланмасди. Бўш вақтда ўзига хоҳлаганча аҳмоқона эркинлик бериш мумкин эди. Тийрак ва ўта билимли жаноб Квик ўтадиган ИЗ дарслари жараёнида “бўш вақт” ва “лаззат” сўзлари гарчи этимологик жиҳатдан қариндош бўлмасалар-да, ИЗда бир-бирини алмаштириши мумкинлиги, амалиётда эса иккинчи сўз биринчисини сиқиб чиқараётганлигини билиб олди. АИТ – Америка ишчилар тилида бундай ўзгариш рўй бермаган, Англияда эса ишчилар лаззат вақтида лаззатланиш тўғрисида гапиришлари мумкин. Сўзлашув амалиёти шу даражада ўтдики, Бев ўттиз ёшлиардаги Мейвис Коттон исмли қизни қониқтириди ва ўзи ҳам қониқтирилди. Улар анча йиллар илгари Эмблсайддаги тарих курсида кўришишган, ўшандা

ҳам иш шу даражага бориб етган ва хато, дея таърифланганди.

Ҳозир улар лаззатдан чукур нафас олганча кара-вотда яланғоч ётишибди. Бев Мейвис билан хонада кечган беш ёки олти раунд давомида Эллен билан ўтказган йилларидан кўра кўпроқ жинсий лаззат олганлигини тан олишига тўғри келди. Бесси туғилгунга қадар аёли билан у гарчи эҳтиросли бўлмаса-да, ёқимли йилни ўтказганди. Оғир кечган туғуруқдан сўнг, Эллен кўпинча унинг кучоғидан ўзини олиб қочарди. У хотинига содик эди, аммо Элленнинг бу ишидан жаҳли чиқарди. У ўзига-ўзи оила – фақат жинсий алоқа дегани эмас, дерди доим. Ҳозир эса ту-шундики, жинсий алоқа оилада энг аҳамиятли нарса экан. Тақдирнинг ҳазилини қарангки, у бу кашфиётни ҳиссий қўзғалишни инкор этиш учун ички оламга саёҳат қилиш жараёнида амалга оширди. Лекин, албатта, бу ерда ҳеч қандай ҳазил йўқ: жинсий ҳаётдан завқ олиш ҳаммага мумкин, бунда элитар ҳисобланган ҳеч нарса йўқ. Ва яна... ишчилар жинсий алоқасининг ҳам турли шакллари пайдо бўлиши мумкин, худди эротик таълим, ўз-ўзини ривожлантириш ва жоноворлар жинсий алоқасидек.

– Сен ажойибсан. Ҳаммасини қойилмақом ба-жардинг, – деди Мейвис.

У Бевга бир вақтнинг ўзида ҳам кулиб, ҳам хўмра-йиб қаради.

– Ўзингни тентакликка соласанми, ёки жиддий гапирасанми, ҳеч қачон била олмасам керак. Сенинг ИЗинг ҳақида айтяпман.

– Ҳам ҳа, ҳам йўқ ва балки буни ўзим ҳам билмасман. Отам шундай гапиравди. Ўзининг қўрқинчли талафзузи билан. Ўрта синфларда пролетарлашиш ҳақида ким гапирганди, эсингда йўқми? Унинг айтишича, нутқимиздан бошқа нарсани йўқотмас эканмиз.

– Жорж Оруэлл, – жавоб берди Бев. – Амаким у билан Испанияда бирга жанг қилган. Худойим, шунга ҳам эллик йилдан ошибди. Оруэлл жуда даҳшатли ўлим топган, Памплона ёки қаердадир бошқа жойда. Амакимнинг сўзларига кўра, у Каталонияга хурмат рамзи сифатида китоб ёзишни мақсад қилган экан. То уни отишгунча. Амаким, Оруэллни жуда назокат билан сўзлашарди, дерди.

– Нима қилмоқчисан? – сўради Мейвис.

– Сен-чи? Сени улар кўндиришдими?
Мейвис жим бўлиб қолди.

У ипакдек узун қора соchlарини чиройли, пуштига мойил бармоқлари билан тартибга келтирди.

– Ҳам ҳам йўқ, – деди у ниҳоят. – Турганча “Толпуддл жафокашлари”¹ ҳақида маъруза ўқийман. Империя экспанцияси, Буннел ва бир минг саккиз юз эллик биринчи йилги кўргазма ҳақида тамоман унутган ҳолда. Ҳатто бу ишни ИЗда қандай қилаётганлигимни эшлитиб тураман. “Улар ҳамиша ўзларининг ҳукуқлари учун курашдилар, аммо ҳукуқни уларга ҳеч ким бермаганди”. Чунки уйга борсам, қиласидаги машғулотим – Барток пластинкаларини эшлитиш ва Пrustни ўқиши. Ички олам.

– Барток пластинкалари тугагач, ким янгисини қўяди? Ким Бартокни чалади? Ички оламга ташқи олам ҳам керак. Китобларни кимдир нашр этиши керак. Аминманки, сен Пrustни узоқ излаб, эски китоблар сотилиладиган жойлардан топгансан. Петтигрю тизими ёлғон жўнатмалар устига курилган. Фақатгина бир олам мавжуд. Агар синфдаги битта болага Гиббонни севдира олмасанг, ким уни кейинчалик ўқииди?

– Рим империясининг таназзули ҳақида сўзлай туриб, Гиббондан парча ўқиб бериш ҳар доим мумкин...

¹ Толпуддл жафокашлари – ўзаро кўмак жамиятини очганлик учун XIX асрда хибсга олинган дорсетлик ишчилар гуруҳи.

– Агар Гиббоннинг китобларини топа олсанг. Унда сени буржуазия ғояларига оғишда айблаб, қамоққа тиқадилар. Эҳтиёт бўл қизалок, буни иккинчи огоҳлантириш деб фараз қил. Ҳаммани нимага айлантиришаётганини билмайсан шекилли? Университетлар, агар кўппакларни қабул қиласалар, молиялаштиришдан маҳрум бўладилар...

– Кимларни? Ҳа, кўппакларни.

– Аниқроғи, Таълим бўйича касб-хунар Қенгаши. Уларни бежиз кўппаклар дейишмайди. Ва бу кенгаш ҳеч қачон адабиётни хунар ёки санъат деб қабул қилишга йўл қўймайди, гарчи акси бўлса ҳам.

Эсла, қанча муаллифларни ҳозир босишимайди, ҳойнаҳой, энди босишимаса ҳам керак. Мажбурий тентглаштириш чегарадан ўтяпти. Ҳатто тажриба-устахонада техник такомиллаштиришга ҳам рухсат беришмайди. Гитара чалиб қўшиқ айтадиган болалар бор ва улар жуда яхши эплашади, миллионлаб пул ишлашсин, майли, соликларни жигилдонларига уришсин, аммо ўша болалар ҳеч қачон жин ургур мактабларда дарс олишмаган.

– Ҳа, сенда яхши чиқяпти. ИЗ ҳақида айтяпман. – Мейвис думалаб, Бевнинг ёнига ётиб олди ва унинг ширин ифори Бевнинг димогига урилди, Мейвис тили билан унинг қулоқларини қитиқларди. – Ва яна бир ишни яхши эплайсан ... – хириллаб гапирди у. Шу пайт унинг нигоҳи ягона буюми ҳисобланган кўл соатига тушди. – Эй, худойим! Бешта кам тўрт. Семинарлар!

Каравотдан сакраб, комбинезонни қўлига олди – сиреналар кийими, деб ҳазиллашганди хўжалик мудири унга давлат томонидан ажратилган мазкур кийимни узатаркан.

Орангиздан кимдир, мана сизга муассаса ҳисобидан кўркам жинси, деб аҳмоқона гап қилганди.

– Семинарга бормасак-чи?

– Агар қатнашмасанг, азизим, сени ертүлага олиб тушиб, юзларингни галоген лампа ёруғида яхшилаб бежайдилар.

У ИЗНИ ҳали тўлиқ ўзлаштиргмаганди: юмшоқ унлиларни талаффуз қилиш орқали ҳамон нуткини бузиб турарди, аммо, у ўрганяпти. Кўлинин бошига ёстиқ қилганча, Бев унга совуқ қараш қилди. У ўрганяпти ва у ягона эмас. Кимдир ўрганиб ҳам бўлди. Масалан, поезддаги художўй шотландни ҳақиқий теолог қайта ишлади. У ўн икки ҳаворий илк касаба уюшмаси бўлиб, меҳнаткашларнинг мустакил ўз-ўзини идора қилиш тамойилини илгари сургани туфайли Исони азобли ўлимга олиб борганликлари, Осмон Салтанати эса пролетариат демократияси эканлиги-га шотландияликни ишонтирди. Ҳаммага нимадир ўргатиб юрадиган бир киши бор эди: қайта тарбияланган муртад, эндиликда ушбу реабилитация маркази персоналларидан бири У ИЗДА ўзининг қайфуаламлари тўғрисида жуда таъсирли нутқ ирод этди.

– Ака-ука, опа-сингиллар, мен охиригача чидадим, жин урсин. Хайр-эҳсон сўраб тиланишлар, йўлда калтакланишлар, ташландик жойлар, қамоқхона ва аллақандай жойларда ўтказилган тунлардан сўнг тушундимки, мен учига чиқсан телба эканман. Менинг касбим бор эди, бунинг устига жуда яхши – гидравлик қурилмалар инспектори. Ва мен ҳозир яхшигина пул ишлашим мумкин бўлган касбимда ишламаяпман. Ойлик маош эса кундан кунга кўтарилиб борарди. Буни тўпланган йиртиқ газета варақларидан билиб олардим. Мен ўз ҳаётими ни ўйинчоқ қилдим ва энг ёмони қиладиган иш им билан бирга бошқа нарсалардан ҳам ажралдим. Бошқача айтганда, мен бекорга жамият ресурсларини совурдим. Раҳбариятдан узун жумлалар учун

узр сўрайман, аммо буларнинг барчаси рост. Биродарлар, балки яхшироқ нарса ўйлаб топа оларсиз? Айтинг. Мен хуштакка қараб сакраш инсон учун ҳақорат деб ўйлардим. Бироқ, мен улғайдим. Бу арзийдиган иш эканлигини тушуниб етдим. Мен ҳатто осмондан куйидаги сўзларни эшитгандай бўлдим: “Хуштак сенинг қўлингда, – деди гўё у. – Овоз Сенинг ичингдан келмоқда. Ёлғиз ишчи деган нарса йўқ. Сиз – барчангиз ягона, катта организмсиз. Инсон танасидан бир аъзо тушиб, ўзининг аҳмоқона йўлидан боришини ўйлаш нақадар қўрқинчли. Тащналиқдан ўлай деяпсан, бир финжон иссиқ чойни оғзингта олиб боряпсан, тўсатдан бош бармоғинг исён кўтариб, уни кўтаришга ёрдам бермаслигини айтса. Даҳшатли, бу жуда даҳшатли”. Мана шунақа ёки шунга ўхшаш гаплар. Умуман, фарқи йўқ. Мен ҳеч ким мени сакрашга мажбур қилмаганини, буни ўз-ўзимга уқтирганигимни, кимнидир ўйлаб топганим ва ўша кимдир менинг ўрнимга бу ишларни содир этганигини тушундим. Мен ишчилар бирга қадам босганиклирини кўрганман. Мен улардан ҳукумат аланга тилидан қочгани каби қочганини кўрганман. Қачонлардир ҳукумат шундай дерди: “Ҳа-ҳа, уни эзғилаб ташла, у бор-йўғи бизнинг ҳукмронлигимиз остидаги бечора ишчи”, лекин ҳозир ҳаммаси бошқача. Ҳукумат менинг қўлимда, дўстлар ва бу қўлларга ҳеч қачон қарамаган эканман”.

Жуда таъсирили чиқди. Худди Твинкхэмда унга на мойиш этилган “БҚ Фильм” студиясининг сифатли маҳсулотлари сингари. Буюк Кураш ҳақида шундай таъсирили фильмлар борки, уни томоша қилиш чоғида ғазабдан додлагинг келади. Аммо ҳеч нарса – на фильmlар, на маърузалар, на жамоавий баҳс-мунозаралар олимларнинг кўп асрлик диний ва умумбашарий таълимотларини инкор этишга қодир эмас:

инсоннинг ёлғиз қолиш, эксцентрик, исён кўтариш ва даҳо бўлиб туғилиш, оммадан устунлик ҳуқуқини поймол этиш – пуч ғоя.

– Майли, азизам, ҳозир бораман.

Бев туриб, БҚ ёзувли маҳсус комбинезонни эгнига илди: ёзув ишчиларнинг тўкилган қони рамзи бўлмиш қизил фонда бўртиб кўринарди. У давлат томонидан ажратилган шиппакларни кийди. Соат ўн олтига бонг урди. Ўпишиб, ажралишдилар: Бев ўз семинарига кетди, қиз – ўзиникига.

– Мен кўпчилигингиzinинг миянгизда ҳамон мавжуд фикрлардан хабардорман, – деди ўн икки кишилик аудиторияда жаноб Фаулер.

Гуруҳ аъзолари зодагонлар замонида мовий меҳмонхона деб аталган хонада дуч келган жойда ўтирадилар. Энди малла рангли мойбўёқда хона кўримсиз, зерикарли кўринар, ҳатто бар учун мўлжалланган аракилар¹ илинганди.

– Сизни коллективга мутлақ садоқат намоён этиш, инсон сифатида ўз ҳуқуқларини инкор этиш билан баробар, деган анъанавий тасаввур васвасага солади. Сиз чумолихўр фалсафаси, деб атаганингиз тушунчадан ўзингизни четта тортасиз.

Жаноб Фаулер ёйилиб қулди. Умуман, дарс пайтида ёйилиб кулиш унинг севимли машғулоти бўлиб, йўлаклар бўйлаб ёки уйлар орасидан юрганда қовоғини очмас, нималарни дир ғудранарди. Айни пайтдаги кулги Бевга қаратилган эди.

– Сиз, чумолихўрга қаршилар, биз коллективистларни мот қилувчи далил келтирсангиз яхши бўларди. Лекин орангизда ҳеч ким бундай қилгани йўқ, мен ҳақманми, қария Бев?

Бев жўрттага қилинган такаллуфсизликдан ғижинди, бироқ қисқагина хаҳолади ва деди:

¹ Араки – карниз.

- Келинг, ишга уятсиз томондан қараймиз...
- Майли, болакай, истаганингча бузук сўзларингни айтавер.
- Сиз ҳақингизда айтсан, Фаулер. Сиз ишчи эмасиз. Мен сизни ўрта синфдан чиқсан, деган бўлардим. Отангиз, эҳтимол, ўрта маълумотли дин хизматчиси ўтган.
- Отам, – аралашди жаноб Фаулер, – агностик¹ эди. Банкда инспектор бўлиб ишлаган, агар бу сизни жуда қизиқтирса. Менинг маълумотимга келсак...
- Ўрта синф, – гапни бўлди Бев. – Сиз ахир ҳеч қаҷон касб-хунар ўргатмагансиз, тўғрими?
- Ўқитувчилик ҳам сизга маълум бўлганидек, хунар ҳисобланади. Китоблар эса – унинг асбобускуналари. Табақага келсак, бу атамангиз эскирган.Faқат иш берувчилар ва ишчилар бор.
- Мен бор-йўғи айтмоқчи эдимки... Дарвоқе, сиз ўзингиз жамоани индивидуалликдан устун кўясиزمи? – сўради Бев. – Нега сиз синдикалистик жамият тўғрисидаги эътиқодларингизни зўр бериб тикиштирмоқчи бўляпсиз?
- Буларнинг барчасини изоҳлаб ўтдим. Чунки бундай эътиқод устувор, чунки замонавий дунёда кўпчиликнинг эътиқоди, ҳукуматга эргашиши, озчиликнинг фикри, маданияти ва қизиқишлиаридан устунроқ...
- Албатта, жин урсин, булар ҳаммага маълум, – жавоб берди Бев, – лекин мен мана бу нарсани билишни истардим: бунгача ўй-фикрларингиз қандай эди?
- Ҳеч қандай, баҳт тимсолини кўришдан бўлак...
- Бас қилинг, Фаулер. Сизга кўпчилик ёқмайди. Сизга пиво, футбол лотереялари, дартс ёқмайди. Икки дақиқа фабрика цехида ўтирангиз, асабларингиз ўйнайди. Сиз ишчиларга тупургансиз. Бу бি-

¹ Агностик – агностицизм тарафдори.

лан нимага эришасиз? Ёки айтиш жоиз бўлса, буюк жаноб Петтигрю нимага эга бўлади?

– Бу билан нимага эришаман, жаноб Жонс? – Петтигрюнинг овози янгради.

Барча унга қаради. Петтигрю эшик ёнидаги оддий ёғоч стулга ўтириди. Семинарнинг қайсицир қисмида у ичкарига кириб олган, жаноб Фаулер эса у билан на жилмайиб, на имо-ишора орқали, на таъзим қилиб кўришганди. Бев хижолатомуз бурилди, лекин, қатъий оҳангда деди:

– Ҳокимиятга.

Кутубхоначи Миффлин ва ўша маршдаги яна бир сафдош, христианликнинг азоб-уқубатларидан зорланган мидлендслик йигит пицирлаб дедилар: “Энди буниси ошиб тушди”. Гуруҳдаги қолганилар хуррам қиёфада Бевга қарашибди: бу аҳмоқни қамчиқ кутяпти, мана кўрасизлар! Тургач, жаноб Петтигрю олдинга чиқди ва Фаулерга дўстона ишора қилди.

– Шубҳасиз, ҳокимият. Аёнки, бу ҳақида ўйлашни ҳеч ким ўз зиммасига олмайди. Нега одамлар цех бошлиғи, касаба уюшмаси раҳбари, гуруҳ раиси бўладилар? Чунки ҳокимиятни хоҳлайдиларми? Бундан қизиқарлироқ бошқа савол бор: нега улар ҳокимиятни исташади? Балки бунга жавобингиз бордир, жаноб Жонс?

– Боиси ҳокимиятта эга бўлиш ва уни амалга ошириш – барча наркотиклардан кўра кўпроқ маст қиласи. Жинсий алоқадаги ҳукмронлик, бойликка қурилган ҳокимият. Саноат ғилдирагини биргина бармоқни кўтариш билан тўхтатиш ҳокимияти. Бутун мамлакатга қўрқув солиш ҳокимияти, товламачининг ҳокимияти. Бу ҳокимият қандай тоифадан эканлигининг нима фарқи бор? Кучли наркотик ҳар доим ўша-ўша, уни шунчаки қабул қиласи, сабаби у сунъий қониқиши ёки ўзини унутишга хизмат

қилади. У шармандалик ёки ижодий қобилиятнинг етишмаслиги, ишончсизлик ёки онанинг етарли даражада яхши кўрмаганинг компенсациядир.

– Чунки онангиз сизни етарли даражада яхши кўрмаган, – деди Петтигрю. – Илтимос, шахси йўқ олмошларни қўллашни бас қилинг. Бу буржуазия Англиясидан қолган эскиллик сарқити. Ҳа, – давом этди у, – ҳокимиятнинг бир тури бошқаси билан чамбарчас боғлиқ. Сиз бизга янги нарса айтмаяпсиз, жаноб Жонс. Динамика зарур. Ва ўзингиз тан олишингиз лозимки, янги жамият лидерларини тухфа этаётган ҳокимият, инсониятни барбод қилишга қаратилмаган. Бу миллатчи ёки коммунистик ҳукумат эмас. Бизда концентрацион лагерлар ва ўлим камералари йўқ. Жамоамиз раҳбарларининг ҳукмронлиги – бу жамоа ҳукмронлигининг ўзи. Унинг қуроли (ахир қурол сўнгти қирқ йил давомида ҳокимиятнинг энг асосий воситаси), шубҳасиз, ишчиларнинг турмушини яхшилади. Буни инкор қила оласизми?

– Ҳа, қила оламан. Бу яхшиланиш жудаям кўп рўй беради ва номигагина бўлади. Маошлар билан биргаликда нархлар ҳам ўсади. Боши берк кўча, дейсиз. Кичик фирмалар маошга бўлган янги талабларни қондиришга қодир эмас ва чўкишга маҳкум, чунки иш ташлашлар туфайли буюртмаларни бажара олмайдилар. Майли, уларни национализациялаштиришгели, давлат маблағи тимсолида янги қон қуийилмоқда. Аммо, аслида, бу пуллар қаердан олиняпти? Ўсиб борувчи соликлар ҳисобига. Ишчилар эса, улардан қочиш учун иш ташлаш эълон қиласидилар. Бу ҳақиқий капитал эмас, бор-йўғи қофоз пулларгина холос.

– Қанчалар эскича фикрлайсиз-а, қария Бев, – чехраси ёришиб сўзлади Фаулер. – Капитал – бу пуллар эмас. Капитал – бу ресурслар, энергия, яратувчаник иштиёқи. Пуллар ҳеч нарса эмас.

– Қизиқ бўлди-ку, – Бевнинг юзига табассум ёйилди. – Пуллар ҳеч нарса эмас, аммо ишчилар хоҳлайдиган ягона нарса ҳам у.

– Шу ерга “истеъмол” сўзини қўшинг, – деди жаноб Петтигрю, – ва сиз ташқи ҳаёт ҳақида нима де-йиш лозим бўлса, ҳаммасини айтдингиз. Ҳа, ишчилар истеъмолни хоҳлайдилар ва бу уларнинг хуқуқи. Синдикалистик давлат эса ўз ҳокимиятини қўллаган ҳолда ўша хуқуқни қаноатлантиради. Сиз болаларнинг миясига жойламоқчи бўлган ўша шонли тарихий даврларда ишчиларда истеъмол имконияти жуда кам эди. Ўргатишингизга йўл қўйишмади ва бундан жаҳлингиз чиқди.

– Истеъмол, эҳтиёж, – жавоб берди Бев. – Биз нимани истеъмол қиласиз? Рангли телевидение, бемаза ва тўйимсиз овқат, ўзларини газета деб атовчи, янгиликларни ялангоч қизларнинг сурати ва тунги клублар ҳақидаги bemaza комиксларга алмашган ишлатилган қоғозлар, апил-тапил тайёрланган лиқилдок, ўз ишини умуман бажара олмайдиган мебель ва музлаткичлар. Истеъмол, истеъмол – на ўз касбидан фахрланиш, на яратувчаник қувончи, на тайёрлаш, қуриш, яхшилашга бўлган иштиёқ. Ҳеч қандай санъат, ҳеч қандай фикр, ҳеч қандай эътиқод, ҳеч қандай ватанпарварлик...

– Бев, дўстим, – аралашди жаноб Фаулер, – сиз оддий ҳақиқатни унугиб қўйяпсиз. Замонавий ишлаб чиқариш методлари ишдан лаззат олиш ёки ундан фахрланишга йўл қўймайди. Иш куни – синов, сиз яхши маош олишингиз керак, боиси кунни қийинчиликда ўтказдингиз. Тўлов эса пул ва қулайликлар билан амалга оширилади. Ҳақиқий кун, иш куни яқунига етгач бошланади. Мехнат – бас келиб бўлмас ёвузлик.

– Мен учун бундай эмасди, – жавоб берди Бев. – Ўз ишимдан роҳатланардим. Ўқитувчи бўлган вақт-

ларимни айтяпман. Менинг иккинчи ишими эса яхшироқ ҳақ тўланса ҳам, бир хил тана ҳаракатлари, орзулар, мулоҳазалар ва медитациялардан ақлим парланиб кетди. Аммо ёш онгни шакллантириш, уларни озиқлантириш...

– Уларни чиқинди билан боқиш, – кесди Петтигрю. – Зўрлик билан уларни тўйимсиз толалар ёки очиқдан очиқ заҳар билан боқиш. Сизнинг шоколадли кремингиз анчагина сифатли озуқа эди, жаноб Жонс. Энди мени тингланг, сэр. – Бу “сэр”да айёrona ваъда оҳангি бор эди. – Сиз ўз ишингиздан роҳатланганингиз натижасида қоқиlldингиз. Ҳатто Инжилда ҳам ёзилган меҳнат – бу дўзах: “Ва ўз нонингни пешона теринг эвазига топасан”. Сиз яна ўтмишга боқяпсиз: иккита оламни аралаштиrmоқдасиз.

– Аммо олам ягона! – деди Бев.

– Олам ягона, – тасдиқлади Петтигрю. – Бироқ сиз тасаввур қилганингиз каби эмас. Холистик синдиқализм дунё ишчиларини бирлашишга чорловчи қадими жанговар чорлов тимсоли. Сиз ватанпарварликнинг ҳар доимги моҳиятини эсладингиз: мулкни хаёлий душмандан ҳимоя қилиш халқаро буржуазиянинг жиҳатларидан биридир. Негаки ишчиларнинг ягона душмани уларни бошқа ишчилар билан жанг қилишга мажбур этган ҳукмрон синфдир. Буларнинг барчаси эскирди, жаноб Жонс. Урушлар даври ҳам, у билан бирга қориндор йўлбошчилар замони ҳам ортда қолди. Хира мистик тасаввурлар, телбалик, ҳаёсизлик йиллари ҳам шу жумладан барҳам топди.

– Энди эса, рутубат даврида яшамоқдамиз, – жавоб берди Бев. – Қизик, неча йилга чўзиларкан? Чунки у абадий давом этиши мумкин эмас. Нимадир инсоннинг орзуларини аланглантириб юборади, инсон ўзгаришларни, мавҳумликларни, оғриқлар,

ҳаяжонлар, рангларни истаб қолади. Ҳаммаси Дан-теда бор, тұғрими? "Кимнинг зурёдисиз, ўйланг, ҳойнақой, // яралган әмассиз нафс учун фақат, // Тафаккур ва шавкат инсонга чирой!"¹ Дантеңи ўқи-ганингизга шубҳам йўқ. Уни ўқинг ва рад этинг, сабаби унинг ишчиларга ҳеч қандай гапи йўқ. Homo sapiens ўрнига homo laborans келди. Калибан Ариэлни қувгин қилди.

– Жаноблар, – Петтигрю гурухга юзланди. Боиси хонимлар йўқ эди бу ерда. – Мен хурсандман, сабаби сиз ҳақиқий муртаднинг далилларини эшитиш имкониятига эга бўлдингиз. Чамаси, орангиздан кўпчилигингиз шундай фикрлагансиз. Биз жорий реабилитация курсининг якунига яқинлашмоқдамиз. Кейинги ҳафта, марказ ходимлари учун тўрт кунлик таътилдан сўнг янгиси бошланади. Сўнгти бир неча кунда менинг вазифам – сизнинг мунозара гуруҳингиз ёки синдикатингиз ҳолатини билиш ҳамда тўғридан тўғри савол бериш: ҳозирги ахволингиз қандай? Яна меҳнат оламига қадам қўяркансиз, сиздан кўп нарса талаб этилмайди. Бандлик бўйича ходимамиз мисс Лоренц буйругингизга мунтазир. Иккинчидан, касаба уюшмасининг янги гувоҳномаси ҳукуқлар ҳамда БҚ фуқаролигининг тикланганлигини анлатади. Учинчидан ва бу энг сўнгтиси, нотўғри қарашларни тарк этиш – таъбир жоиз бўлса, тарғиботларимизнинг бош мақсади. Тоза юрак билан ёпиқ цех тамойилини қабул қилиш ва ҳукуқ тушунчасига янгиш, бир томонлама ёндашмаслик.

– Бундан холоса шуки, – деди Бев, – сиз янги ахлоқни бор вужудимиз билан қабул қилишимизни истайсиз. Касалхона ёниб, кулга айланмоқда, ўт ўчирувчи эса маошини арзимас йигирма фунтга оши-

¹ Данте. "Илоҳий комедия" 26-қўшиқ, 118-120 мисралар, А.Орипов таржимаси.

шини кутиб, қўл қовуштириб ўтирибди. Биз ўлаёт-
ганларнинг дод-фарёдларини эшитамиз ва деймиз:
“Шундай қилиш керак, қонун шунаقا, илк сатрлар-
даноқ шундай қилиш буюрилган”.

– Йўқ! – Петтигрю шундай баланд овозда қичқир-
дики, сўз қарама-қарши деворга урилиб, қайтиб
келгандек бўлди. – Йўқ ва яна йўқ! – қайтарди у энди
мулойимлик билан. – Сиз коммунал хизматларнинг
хатоларини кўряпсиз ва содир бўлган воқеалардан
шикоят қилмоқдасиз. Сиз иш берувчининг аҳмоқ-
лигидан, ишчиларнинг адолатли талабини эшит-
май, даҳшатли қуролга мурожаат этишга мажбур
этган телбалигидан шикоят қилмоқдасиз. Янада
узоқроққа қарасангиз, ҳақиқий воқеликни ҳам кўз-
ларингиз кўришига ишончим комил.

– Хотини ёниб кетган бинода ҳалок бўлган инсон-
ни кўраман, – алам билан деди Бев, – бундай мисти-
кага термулиб туриш оғир.

– Лекин, – давом этди Петтигрю, – бироз аввал
шундай воқеа содир бўлдики, ҳатто у туфайли ўзинг-
изни танидингиз. Ва бутун вужудингиз билан рўй
берган ишдан шикоят қила олмайсиз.

– Нима ҳақида гапирияпсиз? – Бев юраги ошқозони-
га тушиб кетган, томоfigа қон келгандек сезди ўзини.

– Нималигини ўзингиз жуда яхши биласиз. –
Петтигрю пўлатдек совуқ ва қаттиқ нигоҳ билан
Бевга қаради. – Биз бу ерда ички оламга қай йўсин-
да ташриф буюраёттанингизни билиш ҳуқуқига
эгамиз. Охир-оқибатда, сиз бизнинг кузатувимиз
остидастиз. – У гурухнинг қолган вакиллари тарафга
бурилди: – Орангиздан кимдир бундан норозими?
Агар ҳа, бўлса, тўғридан тўғри юзимга айтинг.

Ҳеҷ ким жавоб бермади, афтидан, ҳамма Бевнинг
буюқ Петтигрюга ташлангани ва унга мушт тушира-
ётганилигидан саросимага тушиб қолганди. Петтиг-

рюнинг кўзойнаги учиб кетди ва полга урилиб, норози қирсиллаганча синди. “Оҳ-оҳ”лаб ва кўзларини қисиб, Петтигрю Бев уни қапиштириб қўйган стулдан туришга уринди. Фаулер энди кулмас, Бевнинг гарданига осилганди. Кўрган одам табассум қилувчи одамда шунча кўп куч бўлиши мумкинилигига ишонмасди. Ҳеч ким Бевга ёрдамга ошиқмади. Афтидан, қонсираган икки чилангар Фаулерга кўмакка келишиди.

– Лъяннати жиноятчилар! – деди Бев, Петтигрю синган кўзойнакка ачиниб қараган, Фаулер ҳарсиллаганча галстугини тузатадиган пайтда.

– Эс-хушингдан айрилибсан, биродар, – деди бир чилангар. – Қуюшқонингдан бутунлай чиқиб кетдинг. Шуни ўзинг тушуняпсанми?

– Олижаноблик қилинг, Фаулер, менга захира кўзойнагимни олиб келинг, – илтимос қилди Петтигрю. – Хонамдаги столнинг чап тортмасида.

Фаулер чиқиб кетди ва Петтигрю хўмрайганча Бевнинг нигоҳини тутишга уринди.

– Қанчалик ғалати туюлмасин, – деди у, – сиз бу учун айбланмайсиз. Ўзгача фикрлашнинг сўнгти хуружи. Ўйлайманки, соғайганингизни сезяпсиз. Гурух, тарқалинглар! Ҳар бирингиз билан эртага кўришамиз.

12. МЕҲНАТКАШНИНГ ТУГИЛГАН МУШТИ

Ўша оқшом кечки овқатда ишчилар зиёфати қуюқ бўлди: қовурилган картошка ва шишиали қайла қўшилган сельд балиғи тортилди. Десерт – майизли ва димланган кремли пудинг эди. Чойни одатдагидек ярим литрли кружкаларга қувишди. Бевга на душманлик, на дўстлик муносабатини кўрсатишга

иккиланиб қаардилар. Боиси, ҳеч ким Петтигрюни ёқтирмас, лекин ҳамма ундан қўрқарди. Баъзилар Бев учун қайғуриб, охирги ўрама тамакиларини чекиб, лабларини тишлаган кўйи унга ўйчан боқишарди. Петтигрю (унинг ўз нозик таомилига кўра) юқоридаги столга ўтиrmади.

– У қандай билди экан? – сўради Мейвис кечки овқатдан сўнг Бев билан кинозалга киарканлар.

Бев “Митти қушнинг сайрогини тингладим”дан бир неча нотани хуштак чалиб ижро этди.

Мейвис дарров англади.

– Телба бўлма. Мен хоин эмасман. Сен ким билан ётганимни дуч келганга айтиб юраман, деб ўйлайсанми?

– Нечтаси билан ётгансан?

– Бунинг сенга дахли йўқ, жин урсин, Жонс!

– Сен Реабилитация марказининг Расмий фоҳиши ашигламишсанми?

Бунинг учун Мейвис Бевга яхшигина шапалоқ туширди-да, бошқа қизлар ёнига кетди. Бев ачиётган юзини ушлаганча ёлғиз қолди. Аммо у диққат марказида эди. Кўплаб ҳайратланган ва ҳамдард нигоҳлар чироқ ўчгунча унга қадалиб турди. Парда секинлик билан очилиб, карнай ҳамда мугузли сурнай садолари остида “Музаффар БҚга” ёзуви ва айлананаётган кумуш ғилдирак тасвири экранда кўринди. “БҚ фильм” студияси “Тириклар ғазаби” картинасини намойиш этди. Сюжет анъанавий эди, аммо унга етмишинчи йилларда “Парамаунт”нинг экспериментал бўлими томонидан ишлаб чиқилган услуб асосида оғриқли кўринишлар қўшилганди: кадрлар орасидаги, одатда, инсон кўзи илғамайдиган ва англамаган ҳолда тўлдирадиган митти тирқиши йўқолганда, экранда намойиш этиладиган тана ҳамда қон худди ҳақиқийдек таассурот қолди-

ради. Мавзуни Бев учун атайлаб танлашган, сабаби фильмда фабрика ёнгин хизмати янги жиҳозлар ва меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилиб иш ташлагани, бошқа ишчилар ҳамжиҳатлик белгиси сифатида уларга қўшилишгани ҳақида гап борарди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида омборни бузиш ниятида бўлган ярамас иш берувчилар унга ўт қўядилар. Аввало, улар иш ташловчилардан бири Жек Лэтемнинг ёш ва оқкўнгил хотини кир ювиш хонасида қамалиб қолиши ҳақида “қайғурадилар”. Воқеа маълум бўлганда иш берувчиларнинг жирканч ҳийласи дея баҳолаб, ҳеч ким бунга ишонмайди. Иш ташловчилар омбор ёнаётганлигини кўрадилар, Жек эса хотинининг қичқириғини эшитади: “Жек, Жек! Мени қутқар, Жек!” ва ёнгин ичида унинг қўл силкиётгани, сочлари ҳилпираётгани қўзга ташланади, аммо Жекни ушлаб қоладилар: жирканч ҳийла, қарама, эшитма. Шу сабабдан омбор бутқул ёниб кетади, иш ташлаш тўхтамайди ва ишчилар ғалаба қозонадилар. Бироқ, кўмирга эврилган вайроналар остидан Жек хотинининг идентификация дискини топади ҳамда мусибатдан хушини йўқотиб, биродарларига ташланади. Дўстлари эса бу ҳақида билишларини тан оладилар. Аммо, хотиржам, доно қария, меҳнат курашининг фахрийси унинг онтига таъсир кўрсатади: курашда доимо қурбонлар бўлади. Кураш уларнинг қони билан покланади. “Лекин, нега бегуноҳлар? Нега бегуноҳлар тўлов тўлаши керак?!...” – бақирди кинозалнинг тўрт тарафидан Жек. Бев чиқди.

Бев фильмдан чиқди – ичкаридаги овозлар эши-тилмаётганди – лекин йўлакда ходимлар комбинезонидаги икки барзангига урилиб кетди.

– Ҳа, биродар, фильм ёқмадими? – сўради бири.

– Мен уни қўриб бўлдим, – жавоб берди Бев. – Ҳатто унда яшадим.

Ётоқхона тарафга бурилди.

– Мана бу энди аниқ, аниқ, – деди кўзлари ҳайратланарли даражада бир-бирига яқин жойлашган ва деярли лабсиз иккинчиси. – Мана бу, аниқ.

– Янаям кучайтириш қолди, – деди биринчиси Бевнинг йўлини тўсаркан. – Жаноб Петтигрю билан ёқалашганинг уларга ёқмади. Бу ердаги ҳеч кимга ёқмади.

– Ким ўша “улар”? – сўради Бев.

– Жаноб Петтигрю, – деди иккинчиси, – у хўжайин.

– Хўжайинлар бошқа йўқ, – жавоб қайтарди Бев. – Вакиллар, делегатлар, котиблар, раислар бор. Лекин хўжайинлар йўқ.

– Сен кабилар учун, – деди биринчиси, – хўжайинлар бўлиши зарур. Фақат сендақаларгина хўжайинларнинг тилини тушунишади. Бу ёқقا!

Бев ўзида қайғули лаззат сезди, боиси реабилитация ниҳоят асл башараси – яширин зўравонлик тишларини кўрсатганди. Уни лифтга туртиб киритдилар. Бев бу ерда лифт ишлаганини илгари кўрмаганди. Кабина анча куттириб, пастга тушди. Эшиклар очилгач, Бевнинг қаршисида анчадан бери бўш ётган вино бочкаларига тўла омбор кўринди. Лекин, у ерда қарағай столи ва учта стул туради. Шифтда галоген лампа хира нур сочар, лампа тагида ўйчан, кўринишидан босиқ ва юмшоқкўнгил эркак тирноқларини тозалаб ўтиради.

– Аҳа, – бошини кўтарди у ортиқча ҳис-ҳаяжонсиз. – Бу ўшами?

– Ўша, ўша, Чарли. Бу билимдон шайтон ёмон чиқиб қолди. Майли, жаноб Петтигрюга ёқадиган шундай иш қилсинки, бундан унинг боши осмонга етиб, кўзларидан севинч ёшлари оқсин, оҳ-оҳ.

– Мана буни! – деди Чарли.

У тиши кавлагични комбинезоннинг кўкрак чўнтағига солиб, бошқаси – кенг ва чуқур чўнтағидан эса букилган варақ олди.

– Мана буни ўқиб чиқиб, имзолаш керак. Аммо, бошланишига ўқи. Ўтири аҳмоқ. Диққат билан ўқи.

Бев ўтирида ва ўқиди:

“Мен – Бев Жонс, иқрорманки, Шарқий Сассексдаги Кроуфорд-Мэнорда жойлашган Касаба уюшмалари Қўмитасининг таълим марказида ўтказилган ноодатий даражадаги фойдали курсда илгари қарши чиққаним Британия синдикализмининг устувор мақсадлари ҳақида тўлиқ маълумот олдим. Мен ўз янгилиш гояларимдан сўзсиз воз кечаман ва бундан буён ўз касаба уюшмам билан ҳамкорлик қилишига, бошқа, биродар касаба уюшмалари билан низо юзага келган тақдирда у илгари сурган тамошларнинг тарафдори бўйлиб қолишга вайда берадман. Мазкур ҳужжат лозим деб топилган тақдирда оммага ошкор этилишига розиман”.

Сана: _____ Имзо: _____

– Ҳужжат охиридаги жумла менга жуда ёқди, – деди Бев. – Жаноб Петтигрю ҳаракат қилдими?

– Лекин, ипидан итнасигача батафсил, – жавоб берди Чарли. – Жуда яхши ёзилган. Мана, сенга ручка. – У шарикли ручкани узатди. – Сендан фақатгина имзо қўйиш талаб этилади. Санани ўзим қўяман.

– Ҳамма билан шу ҳодиса рўй берадими? – қизиқди Бев. – Ҳамма имзо қўйиш учун бу ерга тушадими? Ёки мен алоҳида тоифаданманми?

– Тушадиганлар учраб туради, – қулочини ёзди Чарли, – лекин унчалик кўп эмас улар. 23-курсдаги-

лар ичида сен ягонасан. Қолганлар ҳақида хulosалар ижобий, лекин сен жирканч, қайсар одам күринасан.

– Буни сизга Мейвис айтдими? – сүради Бев.

– Ҳеч қандай номлар. Агар бу жаноб Петтигрюнинг ғояси демоқчи бўлсанг, яхшилаб ўйлаб кўр. Жаноб Петтигрю омбордаги бу ишлардан анча юқорироқ туради. У бу ерни кимлардир ўзгармай, жирканч ҳолида тарк этса жуда хафа бўлади. Гарчи ўзи бундай демаган бўлса ҳам. Бизнинг жаноб Петтигрю гўдакдек бегуноҳ, аниқки, уни ҳаётнинг бундай хунук жиҳатларидан асраш лозим. Мана, энди нима иш қилишни, борди-ю, қилмасанг, сени нима кутишини жуда яхши биласан, тентак. Шундай экан, кел, барчасига нуқта қўяйлик.

Бев ҳужжатни йиртиб ташлаганда, ҳамма ачингандек бош чайқади.

– Чарли, бу ерда бунақалардан беҳисоб топилади, – деди лабсиз.

– Улар менга ҳисоб берадилар, – деди Чарли. – Яхшиси, бошланглар, йигитлар.

Ва улар бошлиашди. Икковлон ўз ишларини яхши билишарди, яъни из қолдиришмади. Бев оғир нафас олиб полда ётар, ўпкасига ҳаво олишга уринар, лекин ҳаво етишмасди.

– Қани, телба, – дўқ урди Чарли. – Шунчаки имзо қўй, вассалом. Бу ердан чиқиб, хоҳлаганингни қил, фақат, жаноб Петтигрюга қилган чўчқалигингни қайта такрорлама.

Бев чуқур ҳаво олиб, сўкинди.

– Ана, холос ... – деди Чарли. – Яхши эмас. Қани, яна бир қайттар-чи.

– Сен омбурнинг мазасини татиб кўрганмисан? – сўради биринчи барзанги. Тиш шифокорининг ускуналарини-чи? Дўстим шунаقا асбобларни йиғишини ёқтиради.

– Юқорида унугиб қолдирибман, – деди лабсиз.
– Олиб келайми? – Бевга эса: – Полицияда ишлаган чоғимда улардан тез-тез фойдаланиб турардим. Калтаклагандан кўра оғриқлироқ, устига-устак сезилмайди.

– Сал кейинроқ, – деди биринчиси. – Кўрамиз, энди нима бўларкан.

– Балки у имзо чекар? – тахмин қилгандек деди Чарли. – Қани, бўлақол, болакай.

Бевнинг тилидан яна ҳақоратли сўзлар чиқди.

– Майли, бефаросат тўнғиз.

“Мен, воз кечиш ҳақидаги ҳужжатдан хоҳлаган вақтим бўйин товлашим мумкин, – Бевни тепиб, калтаклашаркан, шу фикрлар унинг хаёлидан ўтди.

– Имзо чекаман, аммо бироз кейинроқ. Тишларимни суғуришни бошлагунларига қадар кутиб турман. Мен чидай оламан, чидашим керак...” Чироқ ўчганда эса мия ҳам мамнун бўлди, ҳам қуидагиларни айтишга улгурди: “Мана, энди ҳеч нарсани имзолашнинг кераги йўқ”. Кейин – ҳеч нарсани.

13. ТИЗИМДАГИ ҚУСУР

Бев кичкина лазаретдаги ягона bemor бўлиш билан бирга, Кроуфорд-Мэнорда яшаётган ягона киши ҳам эди. Унинг курси тутаган, қайта тарбияланганлар меҳнат, истеъмол, синдикализмга садоқат дунёсига, ходимлар эса, тўрт кунлик таътилга кетишиганди. Лекин, Бевга қарашиб учун фельдшер ва шифокорнинг рақамини қолдиришган, фельдшер унга бўлмағур овқатлар – касал одамнинг парҳезига умуман мос келмайдиган консерваланган мол гўшти ва пиёз едиради. Бироқ, Бев энди чиндан касал эмасди. Эртага, янги курс бошлангач, у кетиши мум-

кин. Жаноб Петтигрю эса унинг кетишини истамади. Ҳозирча. Жаноб Петтигрю таътилга чиқмади. У ҳар вақт иш билан машғул эди. Улар Бев билан (Бев давлат ажраттан халатда) деярли бутун уч кунни гоҳ касалхона палатасида, гоҳ bemорлар учун мўлжалланган кичик меҳмонхонада биргаликда ўтказиши. Бев тиббий хулоса ҳақида билишни истарди, жаноб Петтигрю эса Бевнинг ҳужжатта имзо чекишини кутаётганди.

– Неча марта такрорлашим керак, сизни уйлар орқасидаги участкадан бехуш ҳолда топдик. Марказ шифокори сизга арзимаган анемия, деб ташхис қўйди. Психиатр-консультантимиз ҳушдан кетиш сабабини чуқур асабий зўриқиши ёки иккига бўлинган шахсиятингиз ўртасидаги кураш, дея изоҳлади. Мен иккинчисига қўшиламан.

– Мени калтакладилар. Мен буни баённомага киришиларини истайман.

– Балки калтаклашгандир. Мен тушунаман, сизнинг тингловчи-дўстларингиздан кимдир сизга нисбатан зўравонлик уюштирган бўлиши мумкин. Аммо, бу ерда зўравонликка йўл қўйилади, дейиш шунчаки даҳшат. Зўравонлик – пролетариатнинг қуроли эмас. Зўравонлик – капитализм ва тоталитаризм монополияси. Бунинг устига, танангизда жароҳат излари топилмади, фақатгина шағалли йўлакда йиқилганингизни билдирувчи белгилар мавжуд.

– Изларни йўқотиш, – ҳориганча такрорлади Бев, – профессионал зўравонликнинг яққол белгиси. Аммо, бир кишининг ҳақиқатини шунчалик юқори қўйиши мумкинми?

– Анчайин яхши афоризм, – деди жаноб Петтигрю. – Умуман, бир одам у ёки бу нарсада нега чўққига чиқиши керак? Ҳақиқат, адолат ва бошқа қадриятлар фақатгина жамоада мавжуд. Яна тугалланмай

қолган ишимиизга қайтсам. Мен шунчаки сизни озодликка янгиланган ва тоза ҳолда чиқишингизни истайман. Итлар оролидаги¹ В15 умумий ўрта мактаби сизни сабрсизлик билан кутмоқда. Касаба уюшмаси ходими эканлигингизни тасдиқловчи гувоҳномангиз ҳам тайёр. Имзо чекинг. Ўтинаман, имзо чекинг.

– Йўқ, – жавоб берди Бев.

– Оқибати сизга маълум. Оқибатлар ўзини ошкора намоён этди.

– Биламан, – деди Бев, сўнг ҳорғин ҳолатда тақрорлади: – Мен тузалмас жиноятчиман. Мен фақат жиноят оламидагина яшашим мумкин. Агарда, кейинги сафар мени қўлга туширсалар, ҳеч қандай реабилитация курси бўлмайди.

– Кейинги сафар, – вазмин гапирди жаноб Петтигрю, – бутун ҳаёtingиз масаласи кун тартибига чиқиши мумкин. Нима бўлади, олдиндан айтмайман, лекин...

– Кечирасиз! – Гапни кесди Бев кўзларини катта-катта очганча. – Сиз айтмоқчи бўляпсизки, мен яна бир марта жин ўғирлайман ёки ўғирлашга уринаман. Эй, Худойим, ўтган сафар ҳам қилган ишим, ўғирлашга уриниш эди! Айтмоқчисизки, умрбод жазоланаман, тўғрими? Ишонмайман. Тангirim, ахир, бу ўн саккизинчи асрга қайтишнинг ўзгинаси-ку!

– Ўн саккизинчи асрда нон ўғирлаганлар осилган. Шиша ҳақида гапирмаса ҳам бўлади...

– Жин у пайтда арzon эди, – жавоб берди Бев ҳали ҳам ўлмаган, ўқитувчиларга хос оҳанг билан. – Бир пеннига ичиш, икки пенсга эса ичимликка бўкиш мумкин эди.

– У пайлар ачинмасдан осганлар. Бугун биз Маърифат асирида яшамоқдамиз.

¹ Итлар ороли – Шарқий Лондондаги туман.

– Мана бу түғри гап. Абадий зулмат ичидә йилт эттан шуъла қўринмайди.

– Билишингизни истардимки, пенитенциар қамоқ тамойили сўнгти ўн йилликда тамоман мазмунини ўзгартирди. БҚ қамоқхоналарни меҳнат каторгаларига айлантиришга йўл қўймайди. Ҳар қандай меҳнат касаба уюшмасига аъзоликни англатади. Биз қамоқхоналар шартли ишлаб чиқариш зоналарига айланишига йўл қўёлмаймиз. Ҳа, ҳозир биргина қамоқ тури бор, холос.

– Сиз бир кишилик демоқчимисиз? Бир кишилик ва умрбод, шундайми?

– О, йўқ, БҚ бундай иблисона жазо турини қўлламайди. Аникроқ изоҳланадиган бўлса... Қамоқхоналар ва руҳий касалларни сақлашга мўлжалланган муассасалар орасида аҳамияти жиҳатдан яхшигина тафовут бор. Қулайликлар нуқтаи назаридан мажбурий қамоқ, шубҳасиз, бир қадам олдинда. Ақлдан озганлар учун муассасалар қамоқхоналарга айлантирилмайди, демоқчиман... ва, аксинча. Нима содир бўлиши мумкинлигини тушуняпсизми?

Бев тахминан беш сония даҳшатга тушиб, унинг кўзларига қаради.

– Руҳий касал?! Жиннихона?! Мумкин эмас, бунинг учун телбалигимни исбот қилишингиз керак.

– Сизнинг вазиятингизда бундан осони борми? Сиз – атавизмга мойил ашаддий жиноятчи, жамиятта хавф туғдирувчи рецидивистсиз. Сиз меҳнатни инкор этасиз.

– Мен, – заиф овозда гапирди Бев, – сизнинг синдикалистик давлатингиздаги меҳнатни инкор қиласман. Мен эксцентрик фалсафага амал қилишга ҳақлиман.

– Сиз эксцентризмни тан оласизми? Ҳа, шубҳасиз, тан оласиз. Эксцентризмдан телбаликка қадар – бир қадам. Шунчаки фараз қилинг, параноиклар, ма-

разматиклар, шизофрениклар билан бир жойдасиз. Мана, қаерга тушасиз, Бев. Ва сизнинг муддатингиз умрбод эмас, номаълум бўлади, чунки жиннихонада бўлишнинг аниқ муддатини белгилаш иложсиз. “Номаълум муддат” шуни англатадики, кимдир, узоқ бюрократик жараёнларга қарамай, сизни оила бағрига қайтариш масаласида ташаббус кўрсатмагунча ўша ерда сақланасиз. “Номаълум муддат” – бу абадий ёки асрлар давомида деган маънони англатмайди, лекин “Номаълум муддат”дан кўра рационал қамоқ даврини ифодалайдиган маъкулроқ тушунча йўқ. Асосий муаммо шундаки, сиз билан кимнингдир иши бўлармикан? Давлат бўлмайди. БҚ бўлмайди. Нима учун давлат, унинг оталарча ғамхўрлигидан юз ўтирган одам ҳақида қайғуриши керак? Оиласагача... Сизнинг оилангиз борми, Бев?

– Қизим бор.

– Қизингиз бор. Элизабет, ёки Бесс, ёки Бесси. Унинг бошқа муаммоси бор. Васийлик ва ҳимояга муҳтож болалар учун Давлат муассасалари, афсуски тўлган ва афсуски, жойларнинг ҳаддан ортиқ танқислиги натижасида улар устуворликни қатъий ушлашиларига тўғри келади. Қизингизни Ислингтондаги 7-сонли ВҲМБДМга жойлаштириш жараёнида расмийлаштирилган хужжатларга кўра, сиз хотинингизнинг ўлими туфайли юзага келган мусибатдан ўзингизни йўқотиб қўйганингиз ва қизингизга ғамхўрлик қилишга қодир эмаслигиниз ҳақида ёзгансиз. Шубҳасиз, раҳбарият бу даврни вақтинчалик, деган хулосада эди. Сизнинг касаба уюшмасидан кетиб, дайдилар, фақирлар ва жиноятчилар билан ош-қатиқ бўлишнинг уларда ижобий таассурот қолдирмади. Сиз қонуний ишсизлар рўйхатида эмассиз. Сизда ВҲМБДМ хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи йўқ, қизингиз муассасани тарк

этишига тўғри келади. Шубҳасиз, у сиз билан умидсизлик ва бечоралиқда умр кечиради, лекин бечора қизни азобга гирифтор этишнинг ўз жиноят. Имзо чекинг, Бев. Ишчилар жамиятига қайтинг. Нимани ўргатиш лозим бўлса, шуни ўргатинг ва маош олинг. Ренессанс ва тарихи бўйича синфингиз билан кечалар уюштиринг. Мулоҳазакор инсон эканлигингиши намоён этинг. Имзо чекинг.

У тайёр ҳужжат ва ручкани узатди. Ручка жуда бежирим эди: башанг, эски услубдаги пероли ручка. Перо – жуда мустаҳкам, олтин ва ярқироқ қора тусада.

– Йўқ, – шарт кесди Бев.

Петтигрю хотиржамликни йўқотмади.

– Жуда соз, – деди у. – “Узанги ва ер орасида...”¹. Эрталабгача вақтингиз бор. Яна бир гап. Фельдшернинг айтишича, юрагингизни эҳтиётлашингиз зарур экан. Унга эшитганлари ёқмаганмиш. Сиз дарбадарлик ҳаёти ва унинг стрессларига бардош беришга қодир эмассиз. Эртага, ўзингизда бор кийимларни кийиб, соат тўққизда хонамга келинг. Мен илтижо қиласдимки, қандайдир фаришта келиб, миянгиздаги соғлом ақл тўқималарини ишлатиб юборсин.

У ўзининг башанг твидида (ҳар ҳолда, бу шаҳар ташқарисидаги уй), хайрлашиш учун бош силкитишдан олдин кўзойнагини ва пешонасидаги хурпайган соchlарини тўғрилади.

– Мен у ёки бу даражада ташқи оламга аралашибимга тўғри келади, янгиликларни билсан бўладими? Биз ташқи оламдан бироз ажралиб қолдик...

¹ XVI асрда яшаган тарихчи олим Уилям Кэдманнинг афоризмига ишора қиласди: “Узанги ва ер орасида раҳм-шафқат сўрадим, раҳм-шафқат топдим” – бунда католикларнинг тўсатдан ўлим гуноҳларни ўчиришга монелик қиласди, деган кўркувига ишора қилинади.

– Оммавий ахборот воситалари ходимларининг иш ташлаши қонунга мувофиқ давом этмоқда. Сизга янгиликларнинг кераги йўқ. Шундоқ ҳам газета ўқиши ва масхарабозлик қилишдан бошқа муҳимроқ ишларингиз бор. Ўйланг, биродар, ўйланг, ўйланг.

Шу билан у чиқиб кетди.

Бев ўйлашни истамади. У шунчаки келажагининг бир неча тахмийни тасвирларини чизди. У ҳеч қачон таслим бўлмаслигига ишончи комил эди. Агар иш жуда ёмон тус олса, Лондонда ўз-ўзини азобли ўлдириш учун бир дунё имконият бор. Аммо, шўрлик Бессининг ҳоли нима кечади?

Туннинг катта қисмини у ёнбошидан, бу ёнбошига ағдарилиш билан ўтказди. Аммо, бир маҳал, жуда хотиржам ором олди. Тушига мұқаррар азоб-уқубатлари, шаҳар узра фаришталар чалаётган труба овози (Петтигрю фаришталарни барибир Бевнинг миясига жойлаганди) кирди. Сўнгра, номаълум овоз қичқирди: “Салтанат келмоқда!” Алламбало кийим кийган мулозимлар бочкаларни кесдилар. Бочкалардан кўпириб-тошиб чиқсан олтин суюқлик канализацияга оқди. Баланд бинолар устида тушунарсиз ҳуснихатда ёзилган варақалар ҳилпираб, учиб юрарди. Қаердадир отлар ва туёқ товушлари эшитилар, овоз борган сари яқинлашса-да, отлиқларнинг ўзлари кўринмасдилар. “Улар яқинлашмоқдалар, – қичқирди қайта тирилган, чиройли ва соппа-соғ Эллен. – Бироқ, Бир-у бор ҳаққи, қутулиб кетишларига йўл қўйма!” Туёқлар дупури эшитилмай қолди. Қизил-қон рангли осмон дасторгул тусига кирди. Бев терга ботиб уйғонди.

Ойнадан тушиб турган ёруғликдан тахмин қилинса, тонгти соат еттилар эди. Бев уйғонди, ювинди, давлат устарасида соқолини олиб, эски кийим ва пойабзалини кийди. Ҳилвираб қолган пальто-

сини қўлига ташлаб, лазаретдан чиқди, йўлак бўйлаб юрди ва тамаддихонага олиб борувчи зиналардан пастта туҳди. У ўн саккизинчи асрга тегишли қўрғонни нима аҳволга солишганини кўриб, ачинди. Девор текстуралари, устуналар ва нафис зиналардан нималар қолибди?! Ҳамма ёқ кўримсиз сарғиш рангта бўялган, плакатлар ёпиширилган, ерларга арzon, синтетик гиламлар тўшалганди. Таҳқирларни Рамзий Ишчи Биллнинг уч метрлик картон тасвири ниҳоясига етказганди. Кроуфордлар оиласининг ҳашамати рамзи бўлган нарсаларнинг барчаси йўқ қилинган – америкаликлар ёки арабларга сотилганди. Гўзалликка ўрин йўқ, ахир гўзаллик ҳар вақт озчилик учун бўлиб келган. Петтигрю ва унга ўхшаганлар доим бир хил: имтиёзли ўтмишнинг заррадек қисми қолишига йўл қўймайдилар. Майли, бу нарса имтиёзлар нима эканлигини билган ҳолда, йўқ қилишга уринаётгандари – (Ички дунё ҳақидаги барчаси сафсата!) тасаввур, руҳий иштиёқ ҳақида тушунчага эга бўлмаганларга заарар етказсин. Инсон ҳаётининг ўзи шундай қурилган. Ахлоқий бузуклик, мазохизм, азоб-уқубат тарафдорлари, нозик дид ва зиёлиликка ўзларини яқин тутсалар-да, мазкур тушунчаларда олий қадриятлар мужассамлигини билган ҳолда, уларга қарши турадилар. Бундай инсонлар – ақидапарастлардир. Бундай тоифалар ниҳоятда хавфли. Ошхонага киаркан, Бев охиригача уни тинч қўймаслигини ич-ичидан ҳис қилди. Ўзларини-да таъқиб қиладилар, ахир.

Икки столда реабилитация курсига эртароқ келганлар ўтирардилар. Патнис ушлаб турган вақтида (чой, йогурт, сариёғ ўрнини босувчи маҳсулот – моловдек оппок) Бев, ўзига учта тухум қовуришларини кутиб, чой ҳўплаб ўтирган нозир жаноб Бузини кўриб қолди. Бевни таниган жаноб Бузи ёқимсиз кулди.

– Миянгни түғри йұналишга буриб юборищдими? Яхши бола бўлгандирсан?

– Тошингни тер, – жавоб берди Бев. – Сассиқ түппончангни қўлтиғинг орасига тиқ-да, тепкини бос, ҳароми!

Жаноб Бузи бўғиқ ириллаб қўйди. Бев бўш жой излаб, атрофга аланглади ва жилмайганча ўзига қараб турган Рейнольдсга қўзи тушди.

– Ҳа, сиз билан шунга ўхшаш бирор воқеа рўй берган, деб ўйлагандим, – деди Рейнольдс. – Менга бу ҳолат ҳамма билан бир кун эмас бир кун рўй беради, дейишганди. Сизни ўзгартиришдими?

– Йўқ. Ўзингиз қандай қўлга тушдингиз?

– Мен бутун бошли сон гўштини ўғирладим. Даврамиздаги эски дўстлар билан бўлишдим. Дўкондагилар полиция билан етиб келишди ва дейиши: анави одам – Ессе Номо. Бу ерда хурсандчилик қиласам керак?

– Фамхўрлик қилувчилар кўп, – деди Бев. – Эҳтиёт бўлинг.

– Чойдаги наркотикларми? Ёки шартли ижобий рефлекслар ишлаб чиқиладими? Ё қийноқларми?

– Мени қийноққа солишди, – деди Бев. Рейнольдс ликопчадаги тухум оқидек оқариб кетди. – Лекин, мен қай ҳолатда келган бўлсам, шу ҳолатда бу ердан кетяпман.

Рейнольдс секинлик билан бош силкитиб қўйди.

– Ёш, қора танли дўстимиз Треворни эслайсизми? – сўради у. – Деярли маълумоти йўқ, аммо инсон ҳукуқлари масаласида анчагина ўжар. Ўша йигит “озод армия” сафига кирди. Ўғирланган эмас, ўзининг илк маошига сотиб олинган бир шиша жинни қўлтиқлаб, гердайганча қайтиб келди. Сахий болакай, қирол каби баҳтли. Албатта, уларда ҳақиқий армия йўқ, ҳеч кимга тўппонча берилмайди. Улар бар-

чани чаққонлик билан жиҳозлашган, деган бўлардим. Тақиқлаш унчалик осонмас. Улар кийган нарсани форма дейишга ҳам иккиланасан киши. Кўринишидан дурустгина костюм – яшил, тасмаси ва қайтарма ёқалардан фарқли равища сариқ эмалли белгилари бор. Яшил – бу Англия шарафига, агар шундай ўйлаш жоиз бўлса...

– Сариқ ислом белгиси, – жавоб берди Бев. – Сиз жуда қизиқкан кўринасиз. Ўзингиз бориб қўшилиш ҳақида ўйламадингизми?

– Ўғлим, менинг ёшимда-я? Тағин артрит биланми? Дарвоҷе, ёшингиз нечада?

– Февралда ўттиз саккизга тўламан.

– Бу ҳақда ўйлаб кўринг. Уларга йўриқчилар керак, дейишади. Нима учунлиги ёлғизгина Худога аён. Касб-хунар ўргатувчилар бўлса керак. Қоравой Тревор қурувчи бўлган. Мен, муҳандислар қўшинидаман, деганди у фахр билан. Агар, учинчи ўлчамдаги ғиштларни ташувчи ҳаммол, десак яхшироқ эшистилади. Ким билсин, у ерда қандай юмуш юклашган унга. Балки уларга тарих бўйича курслар лозимдир. Ахир сиз тарихдан дарс бергансиз, а? Шошманг... – Қора нон тусли ғижимланган костюмининг чўнтағидан “Озод британияликлар”нинг буқланган нусхасини олди. – Ҳамма шуни ўқияпти, – деди у. – Бошқа ўқиладиган нарсанинг ўзи йўқ. Тушунишим бўйича радио ва теледастурлар тўхтатилган. Ҳайратга солувчи одамлар. Қаеридадир манзил ва телефон рақами бўлиши керак. Ҳозирги вазиятда телефонылар, албатта ишламаяпти. Поездларни бу ерга келаётган пайтимиздагина ишга туширдилар. Ҳуллас, ҳамма ёқ алғов-далғов.

– Пулингиз борми? – сўради Бев.

Рейнольдс унга жиҳдий қаради.

– Бу ерда эмас. Бу ерда ҳожатхонага экспортсиз кириш тақиқланмаганми?

Ҳожатхонада Рейнольдс Бевга учта ўн фунтлик банкноталар узатди.

– Очилмасдан қолган кичкинагина жиноят. Лаънати полициячилар тинтуб ҷоғида ҳеч нарса топа олишмади. Умуман, улар камдан кам пайпоқларни текширадилар. То жарроҳлик пайпоғигача, эҳтимол, бу жиноятлардан тавба қиласман. Бир кампиршо банқдан чиқди. Бирок, бу тўнғизлар бизни шу даражагача олиб келишди. Афсус, менда бошқа йўқ, бу кўпга етмайди барибир.

Демак, қаттиқ ишонч билан роппа-роса соат тўққизда Бев жаноб Петтигрюнинг хонасига кирди. Яна бир-икки кун у очидан ўлмайди. “Озод британияликлар” сафига қўшилиш ҳақида ўйлаб кўриш керак.

– Йўқ, – деди у жаноб Петтигрюни ҳатто оғиз очишга қўймай, – имзо чекмайман.

Гарчи, бу ерда Исонинг хочга тортилган тасвири осиғлиқ турмаса ҳам, ювуқсиз роҳиблар ридосининг ҳиди уфурмаётган бўлса ҳам, жаноб Петтигрюнинг торгина кабинети черковлардаги сухбат учун мўлжалланган хоналарни эслатарди.

– Баъзида, истиснолар ҳам бўлиб туради. Яна бир бор курсларимизда иштирок этсангиз, хурсанд бўлардик. Коттон хоним сизга ёрдамлашади. У сизга гёё қаттиқ боғланиб қолган...

– Йўқ.

– Майли, – деди жаноб Петтигрю ибодат қилганга ўхшаш бир ҳолатда ўрнидан тураркан. – Лаънатлашнинг дунёвий вариантини айтишга мажбурман. Сиз учун лозим бўлган барча ишни қилдик. Бугун тонг ҷоғи ваннада тарозига тортилганда бир неча гекто-

грамм йўқотганимни пайқадим. Иштаҳам йўқолди. Ҳеч қачон бундайин саркаш одамни учратмагандим.

– Менга йўл варақаси керак бўладими?

– Лоренц хонимга учрайсиз, бу менга тааллуқли эмас. Йўл вараганлизни олинг-да, кетинг. Сиз – тизимдаги бузилиш, қусурсиз. Ва янгишмасам, тез орада ўлим сизни йўқлаб келади. Сиз ўзингизни жамиятнинг қон томиридан ажратдингиз ва танадаги қорасон каби кесиб ташланишга маҳкумсиз. Кўзимга кўринманг, руҳсиз, ўлакса!

– Сиз телбасиз, Петтигрю, – деди Бев. – Сиз менинг интиҳомни башорат қилдингиз ва ижозат этинг мен ҳам сизнинг интиҳонгиз ҳақида сўзласам. Сиз ва шерикларингизнинг интиҳоси ўзингиз билан бирга дунёга келган...

– Даф бўлинг! Ҳозироқ! Тезда! Сизни тепиб чиқаришларини буормасимдан!

– Кун келиб қаршингизга ҳақиқат чиқади, Петтигрю. Ҳақиқат шундаки, истеъмол учун товарлар, ёнилғи, инфляция учун пуллар қолмайди, ҳақиқат шундаки, бир кун келиб, бундай давом этиши керак эмаслигини қалбан ҳис қилган ишчилар барibir соғлом фикрлай бошлийдилар. Ёки бир кун келиб бирор истилочининг телбалиги сизнинг ақидапарастлигингиздан устунроқ келади. Мабодо мен ўлимга ҳукм этилган эканман, айтаманки, ҳа, шундай бўлади. Лекин, агар ишонсангиз, ўлим бу ҳаёт демак...

– Чарли! – бақирганча чақирди Петтигрю. – Фил, Арнольд!

Унинг бақириғи ортиқча эди. Сабаби ёзув столи устидаги чақириув тутмасини босганди.

– Аҳа, – кулди Бев, – қулфузарлар келишяпти. Мен тугатдим, Петтигрю. Кетяпман.

– Ҳа, тугатдингиз. Ҳа, ҳа, сиз билан ҳаммаси тугади, тугади. Бир мартадаёқ, батамом тугади!

Остонада Бев барзангиларга туртилиб кетди. Чарли қаҳр-ғазабсиз бош силкиб қўйди.

– Ҳали ҳам имзо чекмадингизми? – сўради у.

– Ҳозирча йўқ, – жавоб берди Бев. – Лекин сиз Жаноб Петтигрюга кераксиз шекилини. Кичкинагина ғазаб хуружи. – Ва у ўзининг йўл варақаси билан кетди.

Кроуфорд-Мэнорни тарк этаркан, у озод январ ҳавосидан ўпкасини тўлдириб симириди. У бардам қадам ташлаб тез орада “Бейтменс”га – ҳозирда компьютер марказига айланган Киплингнинг собиқ уйига чиқди. Кимдир бу ерда шоирни эслаб, кўчага қараган дераза ёнида плакат илиб қўйганди. Унда қўйидаги мисралар ёзилган эди.

“Эҳ! Томми, шундай, ҳа Томми шундай, бу ердан йўқол!”

Аммо бирдан: “Салом, жаноб Аткинс, тингланар ногора садоси”¹.

Бевга Этчингем бекатига етиб олиш учун автобус керак эди, шу сабабдан у Беруюш қишлогини ортда қолдириб, олға юрди. Энг яқин автобус келишини уч соат кутиш керак эди. У ўткинчи машиналарга қўл кўтарди. Ниҳоят, яшил “Спивэк” тўхтади. Машина ойнасидан ўтакетган озғин, рамақижон эркак бошини чиқарди:

- Қаерга?
- Лондонга.
- Лондоннинг қаерига?
- Қаерга бўлса ҳам.

Бев чиндан ҳам қаерга боришни билмасди. Эртами ёки кеч, Ислингтонга бориш керак эди, лекин ҳозир эмас.

¹ Р.Киплинг. “Томми Аткинс”. Т. Бетаки таржимасидан олинди.

– Сакрайқол.

– Раҳмат.

Озғин киши машинани жуда яхши бошқарар, лекин унинг этник келиб чиқишини аниқлаш мушқул эди. Арманми? Юнонми? Ёки Ҳиндистон шимолидаги номаълум халқ вакилими? Аммо, саволларни айнан у берди.

– Кроуфорд-Мэнорда даволанган адашганлардан-мисан?

– Топдингиз. Ҳали ҳам адашганлигимча қолганман.

– Ҳунармандмисан? Касбинг?

– Қандолатчилик конвейерининг нотиги. Унгача эса мактаб ўқитувчиси.

Озғин одам бир муддат буни ҳазм қилишига тўғри келди.

– Сизга ҳам мавжуд аҳвол ёқмайди шекилли, – деди у ниҳоят. – Умуман, сиз ёлғиз эмассиз. Барчаси ўзгариши шарт ва лозим. – Талаффузидан ҳам унинг кимлигини билиб олиш қийин эди. У худди патрицианлардек гапирав, лекин чет элликлардек “о”ни бошқача талаффуз қиласади. – Мен шундай ўйлайман. Яқинда кўрасиз. Даҳшатли, қўрқинчли ўзгаришлар содир бўлади.

– Сизнинг ҳунарингиз нима? – сўради Бев. – Ёки, шубҳасиз касбингиз?

– Мен “Стой-қурилишлари”да ишлайман, – жавоб берди у. – Биз масжидларга ихтисослашганмиз. Мен бутун дунё бўйлаб масжидлар қурганман. Мен Римда жойлашган виа делла Консилацьонедаги қурилища ҳам қатнашганман. Римда бўлганмисиз?

– Бахтга қарши ўз-ўзимга саёҳат қилиш имкониятини яратиб бермаганман.

– Рим боришга арзимайди. Ҳозир эмас. У ерда ҳақиқий инқироз яққол намоён бўлиб турибди. Ҳозирги шартномам эса Грейт-Смит-стритда.

- А, Масжид-ул-Харам.
 - Арабча гаплаша оласизми?
 - Да. Ма Ҳийа жинсияттук?
- Озғин киши киноя билан “ҳмм”, деб қўйди.
- Аввалига йўқ, дедингиз, сўнгра қаердаман, дея сўрадингиз. Мени исломчи, деб атанг, ундан ортиқ эмас. Ислом – худди сизнинг БҚ сингари мамлакат. Мафкура ва эътиқод – мана давлат қандай асосларга қурилади. Материалистик синдикалист мамлакат ва ислом орасидаги фарқ – бу Худо ва пиво шишаси орасидаги тафовут. Бу сизни хижолатга солди чоғи?
 - Озгина. – Бевнинг туши қисмларга бўлиниб, қаршисидан чиқаётганди.
 - Титраяпсиз. Совқотяпсизми? Иситтични ёқайми?
 - Йўқ-йўқ, раҳмат. Сиз кўрқинчли ўзгаришлар ҳақида гапирдингиз. Менга кечроқ таъсир қилди.
 - Ўйласам, ўзимнинг ҳам юрагим орқага тортиб кетади, – жавоб қайтарди озғин киши. – Лекин мен ўзим учун қўрқмаяпман. Йўқ-йўқ, ўзим учун эмас.
- Майин қор ёға бошлади.

14. БАРЧА ЗАМИНИЙ МАНФААТЛАРДАН УСТУН¹

Манзил ёзилганди: Глиб-стритдаги 44-уй – Бев учун ҳеч қачон қадрдон бўлмаган Чизвикда. Эшик қўнғироғини босишдан олдин, Бев яна бир бор “Озод британияликлар”нинг сўнгти бетидаги манзилга кўз юргутириб қўйди. Бу уй ҳам кўчадаги хароба, чиқинди идишларига ишғол қилган олд ҳовлиси бор уйлар сингари эди. Уни ёқасида сариқ эмалли белгиси бор яшил костюм кийган, жингалак сочли, сақич чайнаётган қиз очди.

¹ Сэр Сесил Райснинг Густав Ҳойт мусиқасига басталанган “ОНт ичарман сенга она юрт...” (1921) кўшиғидан.

– Ана у ерда бироз кутиб туришингизга тўғри келади, – деди-да, қиз ишора билан ўнг томондаги хонани кўрсатди.

Лекин, зинадан гиламсиз йўлакка қўлида қандайдир ҳужжатлар кўтарган, яшил форма, оқ кўйлак кийган мўйловли эркак тушиб келди. У Бевга айёрона тикилиб, ҳужжатларни қизга узатди.

– Ҳар биридан беш нусхадан, Берил. Ё Худойим, биз танишмизми? Ахир, бу Бев-ку.

– Шошма-чи! – ҳайрат билан боқди Бев. – Сиз билан сўнгти инспекцияни ўтагандик ЖТББИда. Фамилиянгиз Форстер.

– Фолкнер. Ва чиндан ҳам мен Ҳазрати олийларининг жанговар тайёргарлик бўйича Бош инспекциясида хизмат қилганман. Сиз уэллслексиз, а? Исмингиз ҳам уэллсча эди, шундайми? Ишга жойлашиш учун келдингизми?

– Мен, қандайдир ҳарбий унвон олиш мумкинми ёки йўқ, шуни билиш учун келгандим. Фамилиям Жонс. Ижтимоий фанлар магистри, олийгоҳ...

– Шошманг, камзулимни олиб келай, бу ер анчайин дим. Бунинг устига ҳозир менда танаффус, айни муддао. Томоғим ҳам қақраб кетди... Берил, демократ-майорга айтинг, ҳозирча ўзи амаллаб турсин, майлими? Биз бу жаноб билан “Пар” да бўламиз.

“Пар” қошидаги барда Фолькнер сариқ белги устида бўртиб турган қора майорлик муҳри бор кийимда ўзига қўйилган жинни бир кўтаришда бўшатиб, яна буюрди. Бев бир ликопча чатни ва пишлоқли сэндвични егач, энди скотчдан оз-оздан ҳўплаб турарди.

– Ҳўш, қилаётган ишларимиз бекорга эмас! – чуқур нафас олди Фолкнер. – Умуман, кўп вақт қолмади.

– Нархлар тушади, демоқчимисиз?

– Айтмоқчиманки, энди осон бўлмайди, – жавоб берди Фолкнер. – Дўзахий фалокат етиляпти, аммо ундан қочишнинг иложи йўқ. Хўп, майли, муҳим эмас. Муҳим эмас, аммо асосийси бу.

У афтодаҳол, лекин соқоли тоза қиртишланган Бевга қаради. Фолкнер тоза-озода, олифта, яхшиги на қув одам бўлиб, унинг бўялган ёрқин қора сочлари ўртасидан худди чизгичда чизилгандек фарқ очилганди.

– Демак, сиз қулоқсизлардансиз? Майли, гапирманг. Мени ўрта мактабдаги таълим аҳволи тўғрисида ёзган юз бетлик ҳисоботим учун ҳайдашди. Айтдимки, сизга маъқул келмаса, Қолганини ўзингиз биласиз. Қандай иш излаяпсиз?

– Қандай иш бор?

– Офицерлик унвони масаласи билан энг юқорида шугулланишади. Ҳазрат шуни истаганлар. Мен “Ал-Дорчестер”га қўнғироқ қилолмайман, лекин у аниқ эртага ўша ерда бўлади. Рўйхатдан ўтишга боришингиз мумкин.

– Ҳазрат?

– О, биз уни шундай атаймиз. Бошлиқ ҳақида гапиряпман. Полк шефи тўғрисида. Лоурэнс – ҳақиқий исми эмас. У ҳатто инглиз-ирланд ёки анив арабистонлик жасур Т.Э бор-ку, ўша ҳам эмас. Пуллари кўп. Пуллари жуда кўп.

– Турар жой-чи?

– Уйланганмисиз?

– Менинг хотиним Рождество арафасида ёниб кетиб, вафот этди. Ўт ўчирувчилар иш ташлашганда. Қизим бор. Ўн уч ёшли. Ақлий заиф. Туғилишни меъёrlаштириш учун мўлжалланган дорилар қурбони. Кечирасиз, мана бундан яна битта буюрсам бўладими? – Кўлидаги виски тўла стакан қалтиради.

– Албатта, мумкин. – Фолкнер барменни имлади.
– Жуда яхши, а?

– Ҳатто, енгилтак деса ҳам бўлади. Тангрим, ўз қизи ҳақида бундай дейиш катта гуноҳ. Ўз ёшига нисбатан жинсий жиҳатдан етилган. Бунинг устига телевизорга қарам.

– Сўзларингизга қараганда, оддий ўн уч ёшли қиз. “Ал-Дорчестер”га борганда, уни ҳам ўзингиз билан олиб боринг.

– Нега? Раҳмат, – у янги икки ҳиссалик ичимликни олиб, озгина сода қўшди.

– У ерда ҳаммасини билишни истайдилар, – мужмаллик билан жавоб берди Фолкнер. – Ҳозир сизни рўйхатта қўшаман. – У блокнот варагига нималарни дир пала-партиш ёзди-да, йиртиб, Бевга узатди ва сўради: – Диндормисиз?

– Диндорман? Бу муҳимми?

Фолкнер кутарди.

– Хўш, мен черков бағрида тарбия топганман. Шубҳасиз, мен таъсирга берилганман. Энди эса ҳеч қандай черковга тааллуқли эмасман. Худо бу дунёни ташлаб қўйди.

– Ҳа, – стулга ястанди Фолкнер. – Ҳар ким ҳам бундай демаган бўларди. Мен унитарга тааллуқлимсан. Бу ёрдам беради. Ҳазрат билишни истайди. У материализмга муккасидан кетган жамиятга нисбатан ғазабнок муносабатда. Унинг фикрича, ҳамма саволга ягона жавоб – Тангрига қайтиш. У бу ҳақида сизнинг муносабатингизни билишни хоҳлайди.

– Турар жой-чи? – саволини такрорлади Бев.

– Одатдагидек. Оилалилар учун ҳеч қандай квартира йўқ, деб қўрқаман. Лекин “Ал-Дорчестер”га қизингизни ҳам олиб боринг. Абу-Бакарнинг рақамини сўранг. Қаерда турибсиз?

– Мени ҳозиргина Круфорд-Мэнордан қўйиб юбориши. Реабилитация курси фойдасиз якунланди. Менда ўттиз фунт бор.

– Бу кўпга етмайди. Тернхэм-Грин вокзалида менга тегишли юк тушириш пункти бор. Жуда кичкина. Фақат офицерлар учун. Шу ерда бир кеча тунашингиз мумкин, агар истасангиз.

– Сиз жуда олижанобсиз.

– Йўқ, шунчаки ўз ишимни бажармоқдаман. Бизга яхши офицерлар керак. Қуий унвонларда рекрутлар жуда кўп. Армия раҳбарияти билан эса доим муаммо.

– Қандай армия ўзи бу? Раҳмат, – унга учинчи икки ҳиссалик скотч узатишиди.

Фолкнер, Бевга ўйчан ва совуқ нигоҳ билан қарди-да, сўнг жавоб берди:

– Кутқарув Армияси, деяқолайлик. Лекин, ажраблиб чикқанларга орамизда ўрин йўқ. Биз куч ва ватанпарварлик, ҳадислар ва Худонинг буюрганлари тарафидамиз. Биз – муқобил давлатмиз. Қуролимиз йўқ. Биз қонунга бўйсунмай иш қилишни истамаймиз. Қонуннинг ўзи ақл доираларидан чиқмаса, албатта.

– Қонун ақл доирасидан чиқиб бўлди, – жавоб берди Бев.

– Йўқ. Тасаввурингизга эрк беринг. Ёки шунчаки кутинг. Узоқ кутмайсиз, деб ўйлайман. Воқеалар ривожи катта заковат билан иш кўришни тақозо этади. Тасаввуримиз нималарни чизмасин, онгимизда силкинишлар кузатилади. Кутинг. Қани, йўлга тушмайсизми?

Юк тушириш пункти бисквит тайёрлашга ихтиослашган фабрика яқинида жойлашган экан. Бев олтида осма каравотли бир нечта хонани, ёғ тушса ялагудек тозаланган ҳожатхонани, ярқираб турган,

нон, пишлоқ ва жуда ўткир чой бериладиган ошхонани күздан кечирди. Офицерлар учун бар йўқ эди. Лейтенантлар Браун ва Деррида, капитан Чакраворти ва майор вазифасини бажарувчи Латимер билан сұхбатлашиш асносида Бев уларнинг Дарлингтон, Бери, Сент-Эдмундс, Дарем ва Престон провинцияларида жойлашган бараклардан кўрсатма кутаётганликларини аниқлади. Чакравортининг хомчўтига кўра “Озод британияликлар” сони эллик мингдан ошган ва бу кўрсаткич юқори суръатларда ўсиб бормоқда. Бирок, таассуфки, уларда ҳамон офицерлар танқис эмиш. Латимерни яширин қурол омборхоналари қуриш муаммоси безовта қиласди. У тез орада қуролланишга тўғри келишига амин эди. У агар зарур бўлса, ўйинчоқ тўппонча ва автоматлар билан қурол ишлатиш кўникмаси бўйича тезкор курслар ўtkазиш бўйича таклиф берди. Аммо, бунинг учун арсеналлар тармоғи ва қуролларнинг эркин кўчирилишини таъминлаш зарур.

– ОИК гача кутиш керак, – деди у якунда. – Бизда шусиз ҳам бари яхши кетяпти.

– ОИК? – ҳайрон бўлиб сўради Бев.

Унга бориб турган омига қарагандек қарадилар, лекин, охири Деррида деди:

– Албатта, сиз янгисиз. Қаердан ҳам билардингиз? ОИК – Оммавий иш ташлаш куни. Улар каби биз ҳам кутяпмиз. Даҳшатли қаршилик кутилмоқда.

– Қуролларни қаердан олмоқчисизлар? – тағин ажабланиб сўради Бев.

Даврада кулги кўтарилдаи. Чакраворти деди:

– Мана буни билиш лозим эди. Бундай нодонликни оқлашга сабаб йўқ.

У ўз сўзларини очиқламади ва тарбияли одамлар сингари ухлаш вақти бўлганлигини уқтириди. У 5:15 даги поездга улгуриши, ярим соат илгарироқ эса

сувоқава ҳамда канализация Махсус отрядини олиб кетиш учун тайёрлаши керак эди.

Бев ҳам эртароқ уйғонди. У Бессини “автобус қиз” 8:15 да уни мактабга элтмасдан аввал олишга шошилди. У метрода (поездлар тифизлаштирилган жадвал бўйича юрсалар-да, ҳар ҳолда, бу ерда иш ташлашмаганди) Тернхем-Гриндан Бенкка қадар бориб, сўнг Хайбери-Ислингтон йўналишида ҳаракатланувчи поездга ўтириди. Қизлар уйи Эссекс-Роуд ташқарисида жойлашганди. Афтидан, иш ташлаш тутаганди, у Тернхем-Гринда газета сотиб олди, аммо саҳи-фалардаги бўш жойларга кўзи тушди. Муассислар маълум матнларни эълон қилишга рухсат беришмаган кўринади. Биринчи тасма қурилиш соҳаси ходимларининг иш ташлаганиклиари ҳақидаги хабарларга ажратилиганди. Сурати эълон қилинган, соҳа касаба уюшмасининг етакчиси, шўртумшук Жек Берлэпнинг интервьюсига кўра, Мехнат унумдорлиги ва ойлик маошлар бўйича Давлат Кенгаши билан йигирма соатлик иш ҳафтаси ва йигирма фунтлик маош тўғрисидаги асосли талаблар рад этилган. Биродарлар, улар ўзларини нима кутаётганини яхши биладилар, вакт-соати етиб келди.

Ниманидир чайнаб, шериги бўлмиш лўли қизчанинг транзисторли радиосидан бўғиқ рок эшитганча “автобус қиз”ни кутаётган Бесси аввалига отасини танимади. Сўнgra, “Дада!”, деб қичқирди-да, отасини хурсанд бўлиб қучоқлади. У тоза кийинган, калтароқ мовий юбкаси ва қизил свитери ўзига ярашган, яхшигина озиб, қомати чиройли ҳолатта келган, анчагина улғайиб ҳам қолганди.

– Уни телевизорда кўрсатишиди, ҳа-ҳа, дадамни кўрсатишиди, – деди дугоналарига, отасига эса: – Иш ташлаш тугади. Телевизорсиз жуда ёмон бўлди-да,

түгрими, Линда? Аммо бугун “Йўл ёқасидаги жонон” бор.

Лўли қизча радионинг қулоғини буради. Аввалига қандайdir сухбат эшитилиб, сухандоннинг овозига уланиб кетди:

– Шайх Абдураҳмоннинг сўзларига кўра, у... ҳар қандай ҳолатда ҳам иш ташлашларга йўл қўймайди... Грейт-Смит-стрит режа бўйича...

Сўнг, тўсатдан қулоқни қоматга келтирувчи баланд мусиқа янгради.

– Янгиликларга қайтар, – илтимос қилди Бев. – Мухим масалага ўхшайди.

– Менинг ишимга тумшуғингни тиқма, – жавоб берди лўли қизча. – Автобус келяпти, Бесси.

– Сен мен билан кетасан, Бесси, – деди Бев. – Отлан. Бесси увиллаб юборди.

Автобус тўхтади ва Бессининг дугоналари ҳайдовчига таҳқирлаш ишораларини кўрсатдилар. У эса ҳорғинлик билан деди:

– Етар энди.

Бесси уларга қараб талпинди, лекин Бев уни ушлаб қолди.

Дугоналар Бевнинг адабини бериш учун қайтиб чиқдилар.

– Шаҳар айланамиз, – деди Бев. – Ленч. Кино.

– Бугун кечқурун “Йўл ёқасидаги жонон” бор, ахир, дада...

– Мен эса кундуз ҳақида гапиряпман.

– Нарсаларимни йиғиширишим шарт эмасдир, а, дада?

– Менимча, йўқ. – Бев ҳамда ҳорғин ва нотавон ҳайдовчи бир-бирларига бош силкитиб қўйдилар. – Сенга янги нарсалар сотиб оламиз.

– Лаб бўёғи ҳамми?

– Кетдик, – деди Бев.

Ерости метросига чипта олгач, чүнтагида йигирма беш фунт қолди. Бев қизалоқни "Ямбокс Крампсболл"га бошлаб борди ва кўллари билан сосиска ейишини томоша қилиб ўтириди. У асосий вақти теледастурларни томоша қилиш билан ўтган Қизлар уйидаги ҳаётӣ тӯғрисида сўзларди. Иш ташлаш вақтида жуда қийин бўлганмиш, уни қонун билан тақиқлаш керакмиш. Аммо, хайриятки, Боттрелл хоним уларга кино қўйиб берибди. Ва ууман, у ерда катта экранли телевизор йўқ бўлиб, бу жирканч ёлғонмиш. У ерда бор-йўғи битта телевизор бўлиб, кўпинча қизлар нимани кўриш тӯғрисида баҳслашиб, бир-бирлари билан соч юлишар, бир-бирининг кўзига бармоқларини тиқиб олишар экан. Аммо бугун ҳаммаси жойида бўлади, сабаби ҳамма "Йўл ёқасидаги жонон"ни кўрмоқчи. У онасини ёдидан чиқарганди; эски манзилларини зўрға эслади; отаси эса, фақатгина уни телевизорда кўрсатишгани туфайли ёдида қолганди. Бесси Қизил Эйзел, Иркит Нелл ва яна Қорамагиз Лиз ҳақида бўлмағур ҳикояларни сўзлаб берди. Бев чуқур хўрсинди.

Ленчда Тоттенхэм-роудда Бессига "Хамирли сосиска" олиб берди ва у ерда ҳам унинг қўлда сосиска ейишини томоша қилиб ўтириди. У яна икки порция "Маккажўхори ва қаймоқли жаннат"ни "Сосискали шокосоус"га қўшиб еди. Бевда қизчани сеансга олиб кириш учун етарли пул қолганди. Бесси дастурни яна бир марта кўришни истади, аммо эътиroz билдириди.

— Йўқ. Энди бориб чой ичамиз, — деди, агар дунёдаги энг яхши меҳмонхоналардан бирида уларни чой билан меҳмон қилмасалар, ҳеч қандай чой бўлмаслигини билиб. Ва бу ерда телевизор борми, деб сўрама, чунки у ерда аниқ телевизор бор.

У сўнгги ўн пенсликларни санади. Улар Грин-Паркка қадар бора олдилар. Ер остида "Ивнинг

стандарт” сотилаётганди. Сарлавҳада бош ҳарфлар билан шундай сўзлар ёзилганди: “МАСЖИДДАГИ ШТРЕЙКБРЕХЕР¹ЛАРГА ҲУЖУМ”. Бев газета сотиб ололмасди.

Парк-лейнда жойлашган Ал-Дорчестер биноси юқорисида чиройли арабча чирмашма ҳарфлар билан иншоот номи ёзилган сариқ байроқ ҳилпирав, прожекторлар уни ёритиб турарди. Бев ва Бесси айланма эшиқдан кирдилар. Вестибюль араблар билан тўла эди: баъзилари – оппоқ либосда, айримлари эса ғарбона костюмлар кийиб ўтирадилар. Барда чой беришди.

– Ох, қандай ажойиб пиражнийлар! – деди Бесси.

Чарчаган британиялик официантлар мағур арабларнинг ликопчаларига қисқичлар билан кремли шохчалар ва эклерларни² солишарди.

– Шу ерда ўтири, – деди Бев қизалоқни канарейкали креслога бошлаб бораркан.

Ўзи эса портье³дан полковник Лоурэнсни қандай топиш мумкинлигини сўрагани борди. Полковник Лоурэнсни дақиқалар сайин кутардилар. Бев хархаша қила бошлаган Бессининг олдига борди.

– Чой ичамиз, деган эдингиз-ку. Ана у ердаги пиражнийлардан егим келяпти!

– Жим бўл, болакай. Уларга етадиган пулим йўқ.

– Ваъда бергансиз-ку!

Бесси отасининг кўксига мушт тушира бошлади. Чой ичаётган бир араб бу манзарани кўриб, такаббуруна жилмайиб кўйди. Қордек оппоқ либос ва анъавий бош кийим кийган бошқаси эса қора кўзойнак ортидан бу манзарани узоқ кузатди-да, қўнғир ранг-

¹ Штрайкбрехер – иш ташловчиларга хиёнат қилиб, фаолиятини давом эттираётган шахс.

² Эклер – пишириқ тури.

³ Портъе – меҳмонхона швейцари.

ли расво костюм кийган, шалпангқулоқ ёш йигитта нималардир деди. Тасдиқ ишораси билан йигитча Бевнинг олдига келди.

– Жаноби олийлари сизни чойга таклиф этмоқдалар, – деди.

– Ҳалиги... – иккиланди Бев.

– Жаноби олийлари? – сүради Бесси.

– Жаноби олийлари таклиф этяптилар.

– Унда жаноби олийларига айтинг, биз розимиз, – жавоб берди Бесси ва шахт билан Бевни креслодан қўзғатишга киришди.

Улар келишди. Бев Жаноби олийларига таъзим қилди.

– Ўтилинг, – деди жаноби олийлари. – Ўтилинг.

Чапак чалинди. Кумуш чойнак ва ҳар хил пишириқлар кўтарган иккита официант пайдо бўлди. Бесси қисқичларни ҳам қутмай, пишириқларга ташланди. Жаноби олийлари эҳтиёткор, шу билан биргалиқда ҳайрат ва кибр аралаш табассум қилди. У сирғалувчи ва бўғиз товушлардан иборат узун арабча иборани айтди. Тўқ кўк рангли, икки бортли ва ёқалари аянчли осилиб турган хўппасемиз эркакка юзланди.

– Ҳамил, ҳамил. Ҳамсун? – бош силкиб қўйди семиз.

– Аслини олганда ... – бошлади Бев, аммо тўсатдан залда пичир-пичир бошланди. Қандайдир таниқли одам келган эди.

– Ал Оренс, – деди жаноби олийлари.

Бев ўрнидан турганча каловланиб қолди.

– Афв этинг. Урашув. Мен...

– Сиз уни қолдир. Қолдилинг... – деди семиз. – У емоқ... У хавфсиз...

Ва исбот тариқасида чапак чалиб официантларни чақириди. Бев биринчи марта полковник Лоурэнси

күрди. У ҳайратланарли даражада баланд бўйли, ўрта ер денгизи одамларига хос юз тузилишига эга, шимолий ҳудуд кишиси сингари рангпар, ёқасида сариқ белгили яшил костюм ва қора плаш кийган инсон эди. Уни беш-олти нафар ўтакетган қора, буғдойранг ва оқ шотирлар кузатиб келгандилар. У териси бақлажон рангли адъютантга зўр бериб, арабчада нималардир деди. Бадқовоқ тавозе билан чой ичаётган арабга таъзим қилди-да, лифтга йўналди. Кўлида суворилар хипчини бор эди. Яқинроқ келиб, тавсия қоғозини узатаркан, Бев адъютантга юзланди:

– Майор Фолкнер томонидан юборилган...

– Яхши, юқорига кўтарилинг. Балки узоқ кутишга тўғри келар, балки йўқ. Кейинги лифтга чиқинг.

Лифт кабиналари учун ниҳоятда баланд полковник Лоурэнс гўё Бевга қараб эгилиб тургандек эди. Эшиқлар ёпилди. Бесси еттинчи эклерни оғзига солди! Жаноби олийлари мулойимлик билан уни яна битта олишга унгади. Бев лифтга кирди.

Кутиш учун мўлжалланган хонанинг ярми оғисга мос услугда жиҳозланган ҳашаматли меҳмонхона бўлиб чиқди. Офис картографик, ҳарбий кенгаш зали ёки штаб бўлиши ҳам эҳтимол. Картек¹си бошқа томонга ҳаракатланадиган (албатта арабча бўлгани туфайли) телекс² ва телетайп³ларда ўтирган икки яшил кийимли қизлардан бири Бевга салом берди. Бир деворда Бирлашган Қироллик харитаси, бошқасида эса Катта Лондон ва атрофдаги туманлар тасвирланган харита осилганди. Иккала харита ҳам байроқчалар ва тўғноғичлар билан тўлдириб ташланганди. Вестминстер тумани марказида ис-

¹ Картек – баязи бир машиналарнинг силжима қисми.

² Телекс – абонентларга кўрсатиладиган телеграф хизмати.

³ Телетайп – матнни автоматик равишда ҳарфлар билан ёзиб олувчи қурилма.

лом ҳилоли тасвирланган қора ромб шакли билан белгилаб қўйилган эди. Шубҳасиз, янги масжид! Телетайпга жавобгар, тоза инглиз атиргули бўлса-да, арабчадан яхшигина хабари бор қиз ичимликлар солинган музлаткичдан кока-кола шишаларини олиб, индамай, бирини Бевга таклиф этди. Бевни айни пайтда ташналик қийнарди.

Полковник Лоурэнс кириб келганда, у қора шишани аҳмоқона тарзда ушлаганча турарди. Холдор қорачиқли, ўткир кўзлари билан Бевга юқоридан қараркан, Лоурэнснинг нигоҳлари уни бироз чўчитди.

– Расмиятчиликка фурсат йўқ, – деди озгина шотланд лаҳжаси сезилиб турган ўткир тенор овоз. – Бошлияпти. Менда тавсияномалар бор. Майор...

– Фолк... ер...нердан, – ўрнидан турди бақлажон рангли адъютант.

– Тушунишимча, сиз яхшигина таълим кўргансиз. Журналистик тажрибангиз борми?

– Бир йил университет журналини юритганман. Аммо, қулоқ солинг, сэр, мен истар эдимки...

– Сиз тайинлов шартларини билишни истардингиз ва ҳоказо. Вақт йўқ. Бугун кечқурун бирданига иккита иш ташлаш бор. Энг узоги соат ўнга қадар барча янгиликлар босишга тайёр бўлиши лозим. Биз Грейт-Смит-стритга жўнашингизни хоҳлаймиз.

– Мен, озроқ чўчияпман...

– Чўчияпсиз?! Ҳа тушунали. Унга пул бер, Редзван. Ундан кейин... ҳалиги, бирор бир аноним плаш ҳам. Такси ушланг. Ён дафтар ва қалам олинг. Рухсатингиз билан айтсан, сизда ҳеч вақо йўқ, кўринади. Агар садоқатли ва интизомли бўлсангиз, ваъда бераманки, тез орада ҳамма нарсангиз бўлади.

Беш нафар адъютант ҳамроҳлигига полковник Лоурэнс катта қадамлар билан қўшни хонага кетди. Бев қовоқ солганча кола ичди.

– У доим шунаقا, – кўзларини телетайпдан кўтармасдан деди қиз.

Бесси ҳамон овқатланар, аммо секинроқ кавшанарди.

– Йўй ё’асдааи оо’нон, – чапиллаб гапирди у.

Араблар хайрихоҳлик билан қараб турардилар.

– Телевизор, – энди тўғри талаффуз билан гапирди Бесси.

– Кетишим керак. Полковник Лоурэнснинг топшириғи...

– У хавфсиз.

Ширинликлардан боши айланган Бесси нигоҳини кўтарди-ю, бироқ отасини танимаётгандек эди. Балки оппоқ шляпа ва плаща бўлгани учундир. Бир ўлчам катта бош кийимга ўхшаб кетадиган шляпа, аслида, енгил пўлатдан ишланган шлем эди. Бев эшикка йўналди ва дарвозабон ҳуштак чалиб, такси тўхтатди. Бев унга беш фунт узатди. Арабларга хос исрофгарчиликка мойил нигоҳлар билан швейцар қийшайди. Бев ярми бўшаб қолган кечки Лондон бўйлаб кетарди. Нефть баҳоси, машина нархлари. Гайд-парк бурчаги, Гросвенор-плейс. Такси ҳайдовчиси нималарнидир хиргойи қилиб борарди. Грейт-Смит-стрит бурчаги, олдинда – Вестминстер аббатлиги. Шубҳасиз, буюк масжид Муқаддас китоб Халқларининг Британия тармоғи томонидан қурилган кўҳна маъбаддан ҳар қандай жиҳат бўйича кам эмасди. Бев қадам товушларини эшитди. Ҳайдовчига ўн беш фунт узатаркан, қайтим шарт эмаслигини айтди.

Мана, унинг қаршисида – буюк зиддиятнинг ибтидоси.

Ғазабланган оломонни ожиз қиёфадаги полиция отряди зўрға ушлаб турарди. Отряд бўйлаб отлиқ полициячилар тақаларни тақиллатганча от йўрттиардилар. Прожекторлар батареялари юк

машиналарининг кузовларига ўрнатилган улкан генераторлардан қувват олмоқда. Ёруғликда одамлар ишлашмоқда. Нечта? Юзлабми? Кўпроқми? Юқорига кўтарилиган кранлар қаттиқ ишлардилар: тумшуқларини қайтардилар; айланганча платформаларни кўтарардилар; улкан қисқичлар катта қурилиш блокларини назокат ила жойлаштирадилар. Бетон аралаштирувчи машиналар тўдаси барабанларни айлантирганча “ирилларди”. Алюминий шлем кийган ишчилар зиналардан қатнардилар. Электр кўтаргич ҳавозага бутун бир тоштарошлилар бригадасини олиб чиқиб қўйди. Иш ташловчи оломон ғазаб билан штрейкбрехерлар манзилига ҳақорат ёғдиради. Грейт-Смит-стритга томига овоз кучайтиргич ўрнатилган фургон етиб келди ва ундан овоз акс садо таратиб, янгради:

– Масжид қурилиши режа бўйича давом эттирилиши лозим. Бу супермаркет ёки кўп қаватли уй эмас. Бу Худога бағишланган ибодатгоҳ. Насронийлар, яхудийлар, мусулмонлар эътиқод қиласидиган, пайғамбарлари Иброҳим (а.с), Исо (а.с) ва Муҳаммад (с.а.в) ҳисобланган ягона Худога бағишланган эхром бу. Қайтараман, қурилиш ишлари давом эттирилиши шарт. Қурувчилар касаба уюшмаси томонидан таклиф этилаётган янги нархлардан йигирма фунт кўпроқ таклиф этамиз. Эркин бўлинг, озод британиялик бўлинг, ўз ишингизни бажаринг. Бизга тажрибангиз, куч-ғайратингиз, чин ихлос билан ишга ёндашувингиз керак.

Телеканалдан келган гуруҳ иш ташловчиларнинг реакциясига ғарқ бўлди: ғазабдан тутилган муштлар, иккиланганча силанаётган дағал соқолли ияклар. Фургондан тараалаётган овозга Жек Берлэпнинг овози эътиroz билдиради. Жек Берлэп юк машинаси

кузовида овоз кучайтириш мосламасини кислород ниқоби каби юзига яқин олиб келганча ўтиарди.

– Бу түнғизга қулоқ солманг, биродарлар. Бу капиталистларнинг эски найранги. Сизда ишлашдан бўйин товлаш учун ҳеч қандай кафолат, ҳеч қандай шартнома ва таъминот йўқ. Ҳой, сиз, тепадаги ҳароми штрейкбрехерлар, озгина ақлингизни ишлатинг! Бу жирканч ишни бас қилинг, сизлар бу палидларнинг кўлидати қўтирчоқларсиз! Тамом бўлдингиз, ўз эркинлигингиздан маҳрум бўлдингиз, улар исталган пайтда сизни ишдан тепкилаб ҳайдашлари мумкин. Бу пуллар ярамас арабларники, уларнинг ифлос нефти орқасидан келган. Тамомсиз, биродарлар, аҳмоқ чўчқалар, ўзингиз лаънати ҳукуқларингиздан воз кечдингиз.

– Ақлингиз овозига қулоқ тутдингизми? – фургондан жавоб келди. – Аникрофи, муросасизлик, ирқчилик ва шовинизм овозига. Ҳой, мусулмонлар, сизни жирканч чўчқага тенглаштирганларини эшитдингизми? Сиз, насроний ва яхудийлар, биродарларингизни ҳақоратлаб, уларга тупуришларига жим қараб турасизларми? Ахир, Худойингиз бир. Озод бўлинглар, занжирларни узинг, шайтон қутқусига учманг, сизни Худонинг марҳамати кутмоқда.

Иш ташловчилар тўдаси фургонни ағдаришга ҳаракат қилди. Уларни энди Жек Берлэп мурожаат қилаётган полициячилар тўхтатиб қолишиди.

– Полициячилар, сиз ўз бурчингизни адo этмоқдасиз! Ўз биродарларингизга қарши борманг. Қонун қандай эканлигини яхши биласиз. Мен суд қарорлари, низомлар ҳақида эмас, меҳнат қонунлари тўғрисида гапирияпман. Сизлар ҳам ишчиларсиз. Ўз биродарларингизга қўшилинг. Бу ерда бизнинг қонунлар шафқатсизлик билан бузиляпти, ахир. Бундай бўлишига йўл қўйманг...

Унинг овозини баланд мусиқа товуши босиб кетди. Бақрайган кўзлар ва ланг очилган оғизлар овоз келаётган манбани излай бошлидилар. Овоз кучайтиргичлар? Лекин қаерда? Симфоник оркестр ҳамроҳлигидаги минг овозли хор, бунинг устига бир нечта пуфлама чолғулар!

*Онт ичарман, сенга, она юрт,
Устунсан заминий манбаатлардан
Сени деб яшашга этгум қасамёд...*

Асабий пишқираётган тойчоқ устидаги сержант рациядаги овозни яхшироқ эшигиш учун жиловни қаттиқроқ тортди. Эшигиб бўлгач, кутиб турган констеблга бош силкиди. Констебл уч маротаба қаттиқ хуштак чалди: “Ҳамма чиқсин!” Полиция иш ташлади. Жек Берлэп шахсий ғалабасини нишонлаганча, мусиқага ҳамоҳанг равищда “Ҳамду сано”ни куйлади. Касаба уюшмалари етакчилари энди ўзаро тил бириктирган кўринишади, – ўйлади Бев, – ва бу – яхлит синдикализмнинг муқаррар оқибати. Полициячилар отряди тарқалди. Шу ернинг ўзида улар шлемларини ечиб, пешоналаридағи терни артдилар. Овоз кучайтиргичлардан эса қўшиқ янграб турарди:

*Уриб турган ҳар қайноқ юрак,
Пайдо бўлган ҳар ёргуғ фикр
Сен учундир, фақат сен учун!¹*

Иш ташловчилар гоҳ увиллашар, гоҳ чўзиб қичқирадилар. Уларнинг сафи мұқаддас жой курилаётган майдонга кириб келди. Мусиқа овози тинди. Кейин эса...

¹ В.Богораз таржимасидан олинди.

Грейт-Смит-стритга шаҳдам қадамлар билан лейтенант ва взвод демократи бошчилигидаги яшил формали кишилар взводи яқинлашиб келарди. Сафнинг ҳар икки томонидан мотоцикллар гурухи тириллар, биринчи взвод ортидан иккинчиси ҳам етиб келди. Нари кетган полиция халақит беришга уринмади ҳам. Яшил кийимли одамларнинг қуроллари йўқ эди. Бирок, колонналар янги отрядлар ҳосил қилиш учун ўзларига йўл очдилар. Шундагина Бев уларнинг бари яшил қўлқоп кийганлигини пайқади. Тасодифий иш ташловчига баъзан йўналтирилаётган ўнг мушт негадир оғирроқ эди. Бўғик овоз билан жағларни синдирауди у. Зарбалардан бири бош суюгига тегди ва иш ташловчи беўхшов қадам ташлаб, оёқлар остига йиқилди. Ҳа, албатта, қастет¹лар! Бев бехузур бўла бошлиди. Бурчакдан яна бир отряд бурилиб, икки сафга ажралди. Иккала кран ҳам тантанали равишда ўз ишларини давом эттирдилар: бири кўтарар, бири туширауди. Бетондан қайнаётган сули бўтқасидек буғ таралди. Курувчилар қуришда давом этдилар.

15. ИНГЛИЗЛАРНИНГ КАТТА ДЎСТИ

- Қуролланмаган эдилар, – деди полковник Лоурэнс. – Мухими шу.
- Қуролланишган эди, деяпман, – жавоб берди Бев. – Қуроллар ҳар доим ҳам ўқотар бўлавермайди. Сизнинг отрядларингиз зўравонлик қилди.
- Жиддий айблов, – деди полковник Лоурэнс. – Воқеани бор бўйича қўришга ҳаракат қилинг. Хўпми? – Унинг телефони жиринглади.

¹ Кастет – тўрт бармоқни ўтказиб ушлаш учун тўртта тешиги бўлган ясси металл асбоб, муштлашиш қуроли.

– Мумкин эмас, – жавоб берди Бев.

Полковник ғалабадан сармаст ҳолатда бурнини қоқди. Гүшакни олди. Эшилди. Табассум қилди. Вадеди:

– Сизнинг стенографистингиз? Яхши. Жаноб Жонс айтиб турди. – Ва Бев тарафга бурилди: – Телеканалларимиз бор. Улар очилгандан буён дуруст-роқ ишлаётгандар ийүк. Эртадан газета саккиз саҳифада чиқиши лозим. Ишга!

Бев тезда ўз мақола ва хабарларини импровизация қила бошлиди. У ҳеч қачон газетачи бўлишни ўйламаганди. Бўлди: майда иш, пули каби.

– Бу менинг буйруқларимга хилоф эди, – деди полковник Лоурэнс, Бевни диққат билан тингларкан. – Ахир айтдим-ку: улар қуролсиз эди. Аҳамиятсиз. Майор Кэмпъон нима қилишни билади.

Миннатдорчилик билдириб, гүшакни қўиди.

– Цензура, шундайми? – қизиқсинди Бев. – “Британияликлар” ингиз унчалик ҳам озодга ўхшамайди.

– Озодликнинг асл моҳиятини, жаноб Жонс, сиз билан кейинроқ муҳокама қиласиз. Армиянинг мавжуд қоидаларига бўйсунишга ўз ихтиёрингиз билан рози бўлдингиз. Айтгандай, “жаноб” деб мурожаат этиш, бу вазиятда катта лейтенант унвонини назарда тутади. Ҳозирча сизга мақолани ишонсан бўладими? Телефондан айтиб туринг, майор Кэмпъон керакли қўшимчаларни киритади. У менинг услубимни яхши билади. Ҳозир эса кетишим керак.

У мудраётган адъютант Редзванинг креслосини қимирлатди. Редзван чўчиб уйғонди.

– Ярадор шаҳарнинг ҳолидан хабар олиш керак.

Ойнага яқин келиб, зулмат чулғаган Лондонни кузатди. Лекин “Ал-Дорчестер”да чироқ ёнарди. Лампочкалар хира ёруғлик сочар, бироқ, тез орада ҳаммаси яхши бўлишига ваъда берарди: ертўлада

генераторларнинг узлуксиз ишлашини назорат қилаётган эдилар.

– Вазият оғир, ўзингиз биласиз... Тонгтacha оммавий иш ташлаш бошланади. Минг тўққиз юз йигирма олтинчи йилдан бери биринчи марта Британияда оммавий иш ташлаш. Аввалгиси ва ҳозиргиси ўртасидаги катта фарқни ёритишни унутманг. Ҳозир на алоқа воситалари, на қонун ва на тартиб бор. Йигирма олтинчи йилда ҳеч бўлмаса армия қасамёдига содик қолган, полиция ҳали касаба уюшмасига бирлашмаган эди. Ҳозир бизнинг ташкилот – минимал даражада ҳукуқни муҳофаза қилиш функциясини амалга оширишга қодир ягона куч. Яна қайд этиб ўтингки, мабодо, БҚ етакчилари эс-хүшини йиғиштириб олсалар, биз мамнуният билан уларни қабул қилишга тайёрмиз.

– Сиз жиiddий гапиряпсизми, полковник? Сизнинг ташкилотингиз айнан БҚ соғлом фикр юритишни истамагани учун ҳам мавжуд-ку. Иш ташлашлар тугашини истайсизми? Эсланг, ахир буни сиз ва сизнинг исломий хўжайинларнинг бошлишди.

– Бизнинг ташкилотимиз, бизнинг хўжайинларимиз. Эртага албатта содиклик қасамёди қабул қилишингиз тўғрисида қайғурамиз.

Телефон жиринглади. Редзван гўшакни кўтарди. Унинг оғзи очилди, кўзлари хонасидан чиқай деди. Таҳликали бир кўринищда гўшакни полковникка узатди.

– Алло, – деди полковник. Унинг ҳам афт-ангори ўзгарди. – Аллоҳ таоло, – дея дуо ўқиди. – Ҳа. Ҳа, мен розиман. – Гўшакни қўяркан, надоматли алфозда Бевга қаради. – Тунгку Ник Ҳассанга суиқасд уюштиришибди, – деди у.

– Тунгку...

– Малайзиялик. Асли Брунейдан. Хеймаркетдаги Панисломий комиссияси раҳбари. Бу иш ташловчи оломоннинг янги ой ва юлдузли байроқ ҳилпираб турган биноларга хужум қилишдан бошқа юмуши йўқ. Ўйлайманки, бундан қочишнинг имкони ҳам йўқ. Шунчаки, бу қадар тез бошланади, дея ўйламаган эдим. Шармандали ирқчилик, муросасизлик, атеизм ҳақида нималардир қўшимча қилинг...

– Шошманг, – гапни бўлди Бев. – Уни қандай ўлдиришибди?

– Бошига қўрғошинли қувур бўлаги билан уришган. Тунгку оломонни шаштидан тушириш учун мардларча унинг ичига ўзини урган. У нотик одам бўлиб, инглиз тилида жуда равон гапира оларди. Тунгкунинг шахсий сифатларини алоҳида эслаб ўтинг... – Полковникнинг бурун катаклари кенгайди.

– Сиз қандайдир хавфни сездингиз, шундайми? – сўради Бев. – Британия бу каби ҳаракатларга жавоб қайтаришга энди мўртлик қиласди. Қуролли кучлар иш ташламоқда, НАТО иккиланяпти, блокка аъзо мамлакатлар нефть таъминотидан хавотирдалар. Араблар келишадими?

– Араблар аллақачон шу ерда, жаноб Жонс. Полковникнинг нигоҳи қўрқинчли нарсани ҳис қилгандек девордаги Катта Лондон харитасига қадалди. Жавоб зарбаси, жаноб Жонс. Сизнингча, муқаддас уруш ўрта асрларда қолиб кетганми?

– Қулоқ солинг, полковник, сэр. Сиз нимага эришмоқчисиз? Озод Англиягами ёки исломий Англиягами? Билишим керак. Сиз мени вактинчалик вакилингиз этиб тайинлагансиз.

– Британияни сақлаб қолиш ва ушбу жароҳатлардан даволашнинг ягона йўли, жаноб Жонс – бу соғ ва тўғри диний ақидаларни сиёsat даражасига кўтариш. Худога қайтиш. Бизни ким Худога олиб

боради? Насронийларми? Насронийлик Иккинчи Ватикан черкови томонидан йўқ қилиб бўлинган. Яхудийларми? Улар озчилик. Ва аҳмоқона қабилавий худочаларига эгиладилар. Мен жуда секинлик билан исломга кирдим, жаноб Жонс. Йигирма йил Саудия Арабистонида Ҳазрати Олийлари қўшинларида ҳарбий маслаҳатчи бўлганман. Мана шу муддат давомида отамнинг эътиқоди – пресвитерианлик¹ни маҳкам тутдим. Кейин тушундимки, ислом ҳамма нарсани ўзида мужассам этгани ҳолда, кескир, хокисор ва ёрқинлигича қолар экан. Ҳудди шамшир каби. Мен Англияда ислом инқилоби ҳақида эмас, одамлар онгига соф исломий тушунчаларни аста-секин сингдириш, ислом капитали ва маънавий қадриятларини жамият ҳаётига олиб кириш ҳақида ўйладаяпман. Аста-секин. Ишчилар пивоси борган сари заифлашиб боряпти, сабаби пиво заводларини бошқа шахслар орқали араблар тасарруф этадилар. Аҳмоқона Вольстед акти билан Америкада бошлангани сингари тўсатдан қуруқ қонуналарни амалиётга татбиқ этиш мумкин эмас. Чўчқа гўшти борган сари қимматлашяпти, боиси бозордан уни топиш мушкул бўлиб қолди. Аммо, баъзида азиз онамдан мерос қайноқ шимолий африка қони менда жўш уриб, тез-тез ҳаракатлана бошлайман, шунда шотланд қони мени эҳтиёткорликка чақиради, *festina lente*. Бу ҳақда эртага гаплашамиз. Аммо ҳозир қинига солинган қиличдан кўрқяпман. – Унинг кўзларидан учқун саҷрагандек бўлди. У нигоҳини Редзванга қаратди. – Ярадор шаҳар кутмоқда, – деди у. – Кетдик.

Икки қиз “Ал-Дорчестер”нинг қаеридадир кўчма каравотларда озгина мизғиб олишга кетгани туфайли бир ўзи қолган Бев стулга ўзини ташлади-да,

¹ Пресвитерианлик – протестантликнинг оқимларидан бири, шунингдек, черков ташкилоти номи.

ҳомуза тортди. Қўлини бошининг орқасига қўйиб, ёзилажак мақоланинг муқаддимасини ўйлашга ҳаракат қилди. Шу пайт эшикни тақиилатиши. Эшик очилиб, озғин араб кириб келди: Савил-роу¹ тақдим этган бўғиқ кулранг костюмли, қўл соати ва енглари-даги тугма олтиндан, пойабзали – Гуччи.

– Жаноб Жонс? – сўради у ажойиб инглизча талаффузда.

– Ҳузур-ҳаловатдан маҳрум кўринаман...

Араб қаттиқ стулга назокат билан чўқди.

– Исмим Абдул Ҳадир, – гап бошлади у. – Жаноби олийларининг шахсий котибиман. Жаноби олийлари кимлигини билишни истасангиз керак? Жавоб – у кишининг исми – шайх Ямалуддин Шараф ибн Ал-Маҳрум Ал-Ҳаджи Юсуф Али Саиффуддин. Сиз у киши билан аввалроқ чой ичиш шарафига мусасар бўлганингизни менга айтдилар. Бир нарса сўра-моқчи эдим: унинг паспорти борми?

Бев каловланиб қолди.

– Кимнинг? Нега? Ким ҳақида гапиряпсиз? Эй, Ҳудойим! Бесси ҳақида бутунлай унутибман-ку! У ҳозир қаерда?

– Ухляяпти. Ўйлайманки, хурсанд. Теледастурларни томоша қилди. Қизингиз кўришни истаган дастурдан озгина вакт ўтгач иш ташлаш бошланди. Бесси жуда кўп овқатланди. Хурсанд ҳолда уйқута кетди. Жаноби олийлари эртага кетадилар. Айтганча, тун ярмидан ошди, бугун, деса ҳам бўлади. Агар у жаноби олийларининг жориялари сафига кирса, қизга паспорт керак бўлмайди. Лекин, жаноби олийлари демократия ва қонун устуворлиги тўғрисида доим қайгурадилар.

¹ Қимматбаҳо эркаклар либоси сотилувчи ателье жойлашган Лондондаги кўча.

– Айтмоқчисизки... – деди Бев. – Йўқ, мен шунчаки... Ўйлайманки, мен... Йўқ, унинг паспорти йўқ. Унда ҳеч қачон паспорт бўлмаган. Тушунтиринг, илтимос, – сўради у.

– Аввало, жаноби олийлари ҳақида гапирсам. Бугунги кунда у киши ИНИ президенти ҳисобланадилар. Бу жуда катта лавозим эканлиги сизга аён.

Бевнинг мияси ишламай қолди.

– ИНИ?!

– Ислом Нефть Иттифоқи. Шубҳасиз, араб тилида бу қисқартма бошқачароқ янграйди. Маълумингизки, жаноби олийларига тегишли худудлар...

– Мени халос қилинг. Оллоҳ ва нефтли, жазира маʼнанини ҳудудлар. Муаззинлар ва паранжилар ҳақида тинглашдан қутқаринг. Менга у, аслида, кўчма курсисида қаерда ўтиришини-ю, ернинг фаввора каби тошаётган қонини қандай томоша қилишининг сира қизиги йўқ. Келинг, исломнинг қаериладир, деяқолайлик.

– “Исломнинг қаериладир” жуда мос тушади. Шубҳасиз, курси тўғридан тўғри маънода кўчмайди.

– Жаноб Олийларингиз қизимдан нима истайди? Худо кўриб турибди унинг ахволини.

– Аввал, Конкубинаж¹. Синов учун. Сўнг никоҳ. Жаноби олийларининг тўртта хотинлари бор ва бу қонун билан белгиланган рақам ҳисобланади. Шу боисдан ҳам никоҳ тузилгунга қадар синов муддати, деяпман. Сизнинг бунга эътиrozингиз йўқми?

– Бу ҳақида Бесси нима дейди?

– Бесси қарши эмас. У бу сўзни билмайди ҳам. Қизнинг отасига бўйсунишдан бошқа иложи йўқ. Бесси жаноби олийлари ҳақида жуда яхши фикр-

¹ Конкубинаж – қадимги Римда қуий табақага мансуб аёлнинг эркакнинг уйида яшаши, аммо расмий никоҳ берадиган қонуний имтиёзлардан маҳрумлиги.

да. Сизга тушунарлироқ қилиб айтсам, у ҳеч қачон бундай... олижаноблик... ва сахийликни кўрмаган. Жаноби олийларининг Гавандаги видеоёзувлар тўпламини кўриш ҳам унга қизиқ бўлса керак. У кишининг ҳарамларида ғарб телекўрсатувлари жуда севиб томоша қилинади. Жаноби олийлари ислом дунёси мамлакатлари бўйлаб жуда кўп саёҳат қиладилар. Ғарб давлатлари бўйлаб ҳам, албатта. У киши жуда маърифатли ва нозик дид соҳиби ҳисобланадилар. Лондонга тез-тез ташриф буюришлари ҳақида айтмасам ҳам бўлади.

– Сиз Лондонни ислом оламининг бир қисми, деб ҳисоблайсиз шекилли?

– Бу шаҳар ислом оламининг тижорий пойтахти, жаноб Жонс. Имзолашингиз лозим бўлган ҳужжатларни тайёрлаб қўйдим. Араб ва инглиз тилларида. Сиз билан нонушта устида учрашишимиз мумкин. Хайриятки, бу ерда иш ташлашлар йўқ. Мехмонхонани бемалол исломий худуд, дейиш мумкин.

– Бу ишдан менга бирор манфаат борми? – қўрслик билан сўради Бев.

– Қизингиз жуда яхши яшайди, – жавоб берди Ал Ҳадир. – Унинг келажагидан қўнглингиз тўқ бўлади. Ўйлайманки, Англиянгиз қизни вояга етказиш учун унчалик ҳам яхши жой эмас. Қизингизни бозорга солинадиган буюм ҳисоблайсиз чоғи? Эслатиб ўтай, сиздан сеп беришни сўрамаяпмиз.

– Сиз Конкубинаж ҳақида гапирдингиз. Ахир, жазманлар-у ўйнашлар бозорга солинмайдими?

– Синов учун конкубинаж. Британияда бу камёб ҳодиса эмас, пул ҳақида эса, умуман гап бормаяпти. Никоҳ тузилишидан хотиржам бўлинг. Жаноби олийлари инглизларнинг катта дўсти.

– У ҳали гўдак-ку.

– Қизингиз ўн уч ёшда, жаноб Жонс.

Бев чуқур хўрсинди ва тўсатдан, ўзида ҳиссий кўтарилишни туйди. Ҳудога ҳамд-у санолар бўлсин – у озод! Энди фақат ўз аравасинигина тортади.

– Агар бар ҳалиям очиқ бўлса, балки нишонлаш керакдир бу воқеани?

– Оммавий бар бу ерда аллақачон тутатилган, жаноб Жонс. Динимизда маст қилувчи ичимликлар ҳаром қилинганд. Бошқа тарафдан, пастдаги хонамда спиртли ичимликларнинг етарлича захираси бор. Агар лозим топсангиз...

– Раҳмат, – жавоб берди Бев. – Лекин, ўйлаб қарамас, рад этишга мажбур эканман. Ишлашим керак. Аллоҳ ва Озод Британия номи ила.

– Ундай бўлса, сиз билан нонушта пайти учрашамиз. Сизнинг мафтункор қизингиз, ўзининг айтишига кўра, нонуштани сабрсизлик билан кутяпти. У “накник”ни яхши кўраркан... Йўқ, бу яҳудийча ном. “Суту”, десак, тўғрироқ бўлади.

– Су... нима?

– Сосиска. Бу гарб одамлари орасида кенг тарқалган ҳодиса. Шубҳасиз, у чўчқа гўштини бошқа емайди, лекин фарқини сезмаса ҳам керак. Бугун оқшом ҳам сезмаган эди.

16. ОММАВИЙ ИШ ТАШЛАШ КУНДАЛИГИ

Биринчи кун

Чизвиқдаги пойабзаллар учун мой ишлаб чиқарувчи “Олча ранги” фабрикасидан унча узоқ бўлмаган жойда иш ташловчиларнинг исломга нисбатан адовати. қанчалик улкан эканлигига гувоҳ бўлдим. Мусулмонлар байроби ўрнатилган учта “Бентли” Хитроуга қараб юрди. Биринчисида қўриқчилар,

ўртадагисида шайх жаноби олийлари, учинчисида эса – мен ва Бесси: ота ва қизга хайрлашиш учун имконият. Кортеж Девоншир-роудга қараб ҳаракатла-наётган овоз кучайтиргичли икки фургонни ўтказиб юбориб тұхтади. Ўнлаб иш ташловчилар бизни тошбүрон қила бошладилар: “ювуқсіз араблар”, “тупурдим ҳаммангизга” каби қичқириқлар янгарди. Мен ва Бесси ўтирган машинанинг ойнасига дарз кетди, овозга қараганда, кузовга ҳам шикаст етганди. Бесси гүё телевизордаги зўравонлик саҳнасига тушиб қолғандек қувончдан оғзини катта очиб ўтиради. Биз эътибор бермай, Хитроута қараб юришни давом эттирамиз, деб ўйлагандим, аммо, жаноби олийлари бундай қилмади. У араб тилида буйруқ берганча машинадан сакраб тушди. Эҳтимол, Ист-Энд қирғинининг жабрдийдаларидан бўлган икки нафар покистонлик ҳайдовчи 2-рақамли “Бентли” юхонасидан автоматларни олиб, ўқлаганча, ўт очиш тўғрисидаги буйруқни ижро этишга шай туришди. Мен қичқирган кўйи машинадан тушдим: “Йўқ, йўқ, Худо ҳаққи керак эмас” ва ўқлар ёмғири остида қолишимга бир баҳя қолди. Оломон қўлидаги тошларни ташлаб, ўт очиш бошланмасдан, ҳар тарафга тирақайлаб қоча бошлади. Покистонликларнинг бири уларнинг ортидан икки ярд масофага югуриб бориб, кетма-кет ўқ ёғдирди. Ўқ бир одамнинг оёғига, яна бирининг кўкрагига тегди. Иккинчиси шу заҳотиёқ жон берди. Жаноби олийлари елка қисди: у қора қўзойнак тақсан, лабида “данхилл” сигарети қистирилган мундштук бор эди. Автоматларни йиғишириб, ярадор одам ва жасадни қолдирганча Хитроута қараб юришни давом эттиридик. Бесси бу худди “Гrimm Конуни” ёки қандайдир бошқа телевизион сафсатада кўрсатилган воқеа каби бўлганлигини айтди. Кейин бугун оқшомда намойиш этиладиган “Қизиқар-

ли" шоуга улгuriш-улгурмаслиги ҳақида сўради. Қаёққа кетмоқда, умуман тушунмайди.

Хитроу, З-терминал, ҳеч ким иш ташламаган ислом бурчаги. Машиналарни тўғри парвоз йўлагига қараб ҳайдашди. Шайх энди жетни кутиб, чилим чекмоқда. Аэропортда улкан авиаалайнерлар ишсиз турар, минорада диспетчерлар йўқ, на божхоначилар, на паспорт назоратчилари бор эди. Бу ерга бутун бошли армия тўсиқларга учрамай қўниши мумкин эди. Қўрқувдан титроқ сездим ўзимда. З-терминалда иккита араб самолёти турарди: ичида механиклар куймаланишар, яшил кийимли кишилар ёғоч яшикларни ортмоқдалар. Майор Латимер (мен у билан Тернхэм-Гринда танишган эдим; Престондаги топшириқ бекор қилинганди) ўз хипчини ва иккита юқ машинаси билан шу ерда ҳозир экан. Унинг айтишича яшикларга курол ортилган эди: "окотглар", "гадиблар", "вихайенлар" ва яна инглизча "ёвуз марк IV лар". Энди ҳақиқий армияга айланганимизни айтди. Агар ўша тўнғизлар бирор муаммо чиқаргудек бўлсалар, ўзларининг бошларига ҳам бало ёғилади. Шамол Бессининг юбкасини ёнбoshига қадар кўтариб юборарди. Латимер аскарларга хос беадаблик билан танглайини тақиллатиб қўйди. Менинг қизим, дедим.

Мен жаноби олийларига, аниқроғи бўлажак куёвимга "Аллоҳу акбар" дедим ва баҳти кулган (менимча, шундай) Бессини ўпиб қўйдим. Бесси: "қорним очди, дада", деди. Бортда енгил нонушта берилади, Бесси", дея уни овунтирмоқчи бўлдим. "Лекин мен ҳозир емоқчиман!" – қизимнинг сўнгги сўзлари шундай бўлди. Ойналари дарз кетган, пачоқланган З-рақамли "Бентли"га қайтдим.

Жинургур, умумий, мутлақ, оммавий иш ташлаш. Хабарларни йиққанча, айланиб юрадим. Ёмғир,

ҳамма ер ифлос, кўчаларда чиқиндилар тоғдек уюлиб ётибди. Аёллар супермаркеттга кириш учун на вбат талашмоқда, “Озод британияликлар” вазиятни назорат қилишга ҳаракат қилмоқда. Қизиқ, аммо иш ташловчилардан кимдир ёрдамлашяпти. Демак, умид бор. Касаба уюшмалари хўжайинларининг лаънати ақидалари эртами-кечми барҳам топиши, ишчилар ким, аслида, ким эканлигини вижданан ҳис этишлари аник. Кейинроқ, ойналари сингган спиртли ичимликлар дўконига кўзим тушди: иш ташловчилар эмас, “Озод британияликлар” қўлларида шиша ушлаганча у ердан чиқиб келдилар. Капраллар аскарларни тартибга чақирав, бақирганча буйруқ берар, эвазига “тошингни тер” ва шу каби жавобларни олардилар. Аскарлар кастетларни кийишга киришдилар. Жуда хунук, аммо, ниҳоятда зарур. Грейт-Смит-стритдаги қурилиш давом этар, аммо ишчилар сменада эканликларидан, ортларида ғазабнок оломондан ҳимоя қилувчи қуролланган взводлар турганлигидан унчалик ҳам мамнун эмасдилар. Бу қанча вақтга чўзиларкин? Янгиликларни тўплаб, мақола ёзишга киришаман: эҳтиёткор бўлишим, қуроллар ва зўравонлик ҳақида лом-мим демаслигим керак. Бир дунё банкноталар чўнтагимни қаппайтириб турибди. Қолипли нон 5 фунт туради. Стейк – 9.50. “Озод британияликлар новвойхонаси” мантиқан тўғри жой – Нонли қўчада қурилмоқда. Ал-Дорчестерда шахсий ётоқхонам ҳам бор.

Иккинчи кун

Жуда расво босилган, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг факсимиile имзолари туширилган бюллетенлар юрибди. Унда ёзилишича, қурувчиларнинг йигирма соатлик иш ҳафтаси ва йигирма фунтлик

қўшимча маош тўғрисидаги талаблари қаноатлантирилади. Бу иш ташлаш баҳоналаридан халос бўлиш учун. Кимсан буюк жаноб Петтигрюнинг ўзи эса, Грейт-Смит-стритдаги масжид қурилиши атрофига овоз қучайтиргичли фургонларда гап сотиб ўтиради. “Ўз биродарларингизга қўшилинг, ноқонуний муҳожирлар сафини тарк этинг, касаба уюшмасига қайting, бу ишингиз мамлакатни фалаж қилиб қўяди”. Қурилишдаги аллаким норози қиёфада Энсасини қашиди, сержант-бригадирлар эса қичқирганча ишлашни буюрдилар. Қай бири ёмонроқ: сержантлар, катта-кичик офицерларни айборд қилишми ёки цех бошлиқларининг буйруқларига қараб ҳаракатланишми? “Озод британияликлар” яхши тўлашадими? Ҳа, қурилишдаги аскарларнинг маоши 25 фунтга оширилганлиги тўғрисида эълон қилишди. Истамайгина айтилган “ура”.

Маҳсулотлар таъминоти билан боғлиқ муаммолар бошланди. Гарчи бу “Ал-Дорчестер” ва унинг лиқ тўла омборларига таъсир ўтказмаган бўлса-да, бино атрофи тиканли сим билан ўралиб, қирқ бешинчи колибрли “шанцирлар” билан қуролланган соқчилар жойлаштирилди. Лоурэнс барча патронлар бўшлигини айтди. Лекин, мен ишонмайман. У мен мавжуд тартибга кўра қасамёд қабул этиб, ҳарбий юрисдикцияга киришимни истаяпти, аммо мен ишим кўплигини баҳона қилиб, буни ортга суреб келяпман. Марказий Лондон муфтийси, деб ўзини таништирган қандайдир Саид Умар оғиста “Озод британияликлар”да чоп этиш учун эълон кўтариб келди. Пол Л. менга таржима қилиб турди. Эълоннинг қисқача мазмуни: Инглизлар шу нарсани англашлари лозимки, масжид қуриш – ҳар қандай дунёвий қонун ва хужжатлардан баланд, муқаддас иш. Гарчи, географик ва топографик нуқтаи назар-

дан масжид қурилаётган жой Британия замини хисобланса-да, аммо диний ва ахлоқий қадриятларга кўра – бу исломий, пок жой; мусулмон оламига ваъда берилганки, Буюк Лондон масжиди бутун Фарбнинг энг улкан исломий ибодаттоҳи сифатида қад ростлайди ва Шаввол¹ ойининг биринчи кунида катта тантаналар билан очилади. Ваъда бажарилиши лозим, иш ташлашлар ва саноатдаги тортишувлар – беҳуда ҳаракатлар; Британия ҳалқи ва ҳукумат аъзолари шуни билишлари лозимки, ислом раҳнамолари ҳар қандай тартибсизлик ва уларни оқловчи баҳоналарга тоқат қила олмайдилар. “Ал-Дорчестер”дан қайтишда Саид Умарнинг машинасини тош ва чиқиндилар билан “ўққа тутишди”.

Тўппонча, таёқ, оғир гавронлар билан қуролланган кичик патруллар мунтазам бўлмаса-да, назоратни амалга ошириб турардилар. Уларнинг бари мусулмонлар: покистонликлар, Шимолий Хитойдан келганлар, янги динга кирган англосаксонлар ва аёллар ҳам. Арабларнинг “Озод британияликлар” билан ҳеч қандай умумийликлари йўқ, улар мусулмон дўконлари, тураржойлари ва албатта масжидларни ҳимоя қилмоқдалар. Локхидс казармаларидаги пиёдалар отряди армия цех бошлиқларининг буйругига хилоф равища Ист-Энд кўчасида жойлашган қурол омборини бузиб, ўқотар қуролларни олдилар. У ерда кўнгилли равища вақтинчалик кўча новвойхоналари учун ун тарқатишга ҳаракат қилишди.

Электр йўқ, шамнинг бир донаси ўн фунтга чиқиб кетди. Кўплаб жиҳозлар – мебеллар, дўкон пештакталари ва ҳоказолар кўчаларда гулхан ёқиши учун вайрон қилинди. Бугун ҳамма ёқ музлаган. Лой. Одамлар сирпаниб кетиб, уст-бошлари кир бўляпти.

¹ Мусулмонлар тақвимида Рамазондан кейинги, Рамазон ҳайити байрами нишонланадиган ой.

“Ал-Дорчестер” даги “Озод британияликлар” сафи-даги қўриқчи тойиб, орқаси билан йиқилди. Қуроли тасодифан отилиб кетди. Бир аёл яраланди ва у БҚ пэр¹ининг рафиқаси леди Белчер бўлиб чиқди. Дўзахий сурон. Миш-мишларга қараганда Бирмингем кўчаларида танклар юрибди. Қурол-яроғлар албатта Хитроу ва аэропортлар орқали етказиб бериляпти. Бошқа провинциялардан қотиллик, тартибсизликлар, газ қувурларининг музлаганилиги ҳақидаги хабарлардан бўлак янгилик ололмаяпман. Полк Л. билан қайноқ тортишув бўлди. Қўриқчи қуролидаги патронлар бўш бўлганлиги ҳақида айтган чўпчаги туфайли бошланди ҳаммаси. Айтдики, зўравонликни ёқламайман, лекин вазиятни ўзингиз қўриб турибсиз; биласиз-ку, масжид масаласидаги ўзаро келишув ақлга сиғмайди. Унга дедим: иш ташлашни тутатиш сиз ва хўжайинларингиз қўлида. Ким бўлишиларидан қатъи назар, “Озод британияликлар” сафидаги штрейкбрехерларга марҳамат кўрсатиб, касаба уюшмасидан жой олишларига йўл беринг. У эса демак, сизнинг нуқтаи назарингиз шундай? Ўзгарибсиз, Аллоҳга қасамки, ўзгарибсиз, деди. Унчалик эмас, дея жавоб бердим. Мен доим ўз-ўзини ҳимоя қилиш учунгина бирлашиш тарафдориман. Охир-оқибатда мен тарихчиман ва жаҳолатга қаршиман. “Келишувга ҳеч қандай умид йўқ. Ислом раҳнамолари касаба уюшмаларининг ишчи кучига муросасизлар. Инглиз касаба уюшмалари раҳбарларининг фикрини ўзgartириш лозим. Керак бўлса қурол билан. Бўлаётган воқеалар менга умуман ёқмаяпти”, – деди у.

¹ Пэр – Англия ва Францияда дворянлик унвони ва шу унвон эгаси бўлган шахс.

Пиккадиллида ғалати ҳодиса рўй берди. Девлингнинг ўғли, Рамзий Ишчи Биллнинг модели (худди плакатдаги каби кийинганди) Эрос ҳайкали ёнига келди-да, совуққа қарамай қип-яланғоч бўлиб олиб, бақирганча гейларга хос рақсларни ижро эта бошлиди: “Ишчиларни зўрланг! .Ишчилар, сизларни зўрлашлари учун яқинроқ келинглар!” Бугун шаҳар бўйлаб Рамзий Ишчи Билл тасвири туширилган лавҳаларни йиртиб ташлашмоқда. Кўчада мен билан тўқнашиб кетган қандайдир аёл, Дарлингтонга боришга ёрдам сўради. Айтишича, у ерда даҳшатли ҳодисалар бўлаётганмиш, боришга пули йўқ эмиш. У ерда эндингина турмушга чиқсан қизи бўлиб, бечорадан қаттиқ ташвишда эканлигини айтди. Аёлга Кроуфорд-Мэнорга тоза, аммо имзоланган йўл варақасини бердим. У миннатдорчилик билдириб, сал қолса тиз чўкарди. Қандай бемаънилик: Лимингтондан у ёғига шимолга ҳеч қандай поезд йўқ, ҳатто “Озод британияликлар” машинистлари ишлашда давом этаётган бўлсалар ҳам. Варақа барибир ҳеч қандай наф келтирмайди. Аммо, Қироллик темирйўл маъмурияти томонидан чиқарилган барча нарсага қироллик герби туширилган (худди варақада бўлганидек) – ақл-заковат ва барқарорлик рамзи. Балки, бояқишига бир куни асқотар.

Куминлар анча олдин Махфий университет ҳақида айтиб берганлари ёдимга тушди. Бугун вайронага айланган ва тамоман бўм-бўш супермаркетда шундай маъruzалардан бирининг гувоҳи бўлдим. Диққат билан тинглаётган тўдага лотин адабиётидан маъруза ўқиларди. Штрайкбрехерлар таълимига, схоластик сотқинларга қарши, иш ташлаган ўрга мактаб ўқитувчилари ҳам шу ерда эдилар. Махфий университет талабалари эса зўравонлик қилмадилар. Бу нега керак? Қизиқмаса ҳам инсонни Верги-

лий ва Горацийни тинглашдек асосий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши лозим. *Gesta sanguinaria*¹.

Учинчи күн

Хатто заиф бўлса-да, ҳукумат ҳам йўқлиги энди аён бўлиб қолди. Кеча радиода бош вазир жаноб Шин чиқиш қилиб, “Озод британияликлар” ва иш ташловчиларни ўз қарорларини ўзгартиришга, ислом раҳнамоларини ақидапарастликка берилмасликка, БҚни мўътадилроқ бўлишга чақирди. Бугун эса вазир жанобларининг истеъфога чиқсанлиги, қирол янги ҳукумат тузишни кимгadir ишониб топшириш ҳақида ўйламаётганлиги маълум бўлди. Бу шу нарсадан далолатки, бизда ҳеч қачон кучли ҳукумат бўлмаган. Амалдорлар машина сингари БҚ истаган қарор ва фармонларнигина чиқариб, умрларини ўтказган эканлар. Конституциявий нуқтаи назардан олиб қаралса, вазият қизик. Монархнинг мамлакатни ҳукуматсиз қолдиришга ҳуқуқи борми-кан? Анъанага биноан, қирол парламентда кўпчилик ўринга эга бўлган партиядан кимнидир истеъфога чиқаётган бош вазирнинг тавсиясига кўра тайинлаши керак. Бу мавжуд қарталарни қайта чийлашга ўхшайди. Монархияни йўқ қилишнинг навбатдаги босқичи ва жаноб Петтигрюнинг номзодини давлат бошлиғи сифатида (ижро этувчи ёки вақтинчалик) илгари суриш жараёни рўй бераётганми кан? Бу Конституциянинг интиҳосими?

Кўчаларда, айниқса, Грейт-Смит-стритдаги қурилиш атрофи ва Бирлашган араб миллатлари элчи-хонаси ёнида араблар Буюк Британияни тарк этишларини талаб қилиб, намойишлар ўтказиляпти. “Йўқолсин, лаънати араблар” каби чақириқлар

¹ *Gesta sanguinaria* – Қонли ишлар (лот.).

янграмоқда. Ирқий ихтилоф кичик доирада. Аммо, бу катталашыши мүмкін. “Озод британияликлар” очиқдан очиқ қурол ишлатишга ўтдилар. Бирмингем күчаларини әгалаб олган танклар ҳақидаги миш-мишлар уйдирма бўлиб чиқди. Улар иккинчи жаҳон уруши давридаги унчалик ҳам катта бўлмаган бронетранспортёрлар эди. “Ал-Дорчестер”да озиқовқат захираси тутаб боряпти.

Шарқий қирғоққа араб самолётлари ёки ҳеч бўлмаганда қиши күёши нурларида ярқираб кўринаётган, янги ой ва юлдуз тасвирли учоқлар қўнишга уринганилиги, бироқ, НАТО кучлари уларни ҳайдаб юборганилиги ҳақида турли афсоналар юрибди. Ажойиб, а? Бомбардимончилар? Ёки ҳарбий-ҳаво десанти транспортимикан? Бундай бемаънилилка ишонмайман.

Тўртинчи кун

Очлик, тартибсизлик, бадбўй ҳид тарататётган ахлат уюмлари, синиб ётган шиша ва ойналар, кесилган сув ва газ қувурлари, ифлосланган сув ҳамда газ портлашидан сақланиш тўғрисидаги норасмий огоҳлантиришлар ҳамма ёқни қамраб олган. “Озод британияликлар” орасида норозилик авж ола бошлиди. Бугун тўловлар куни. Об марказлардаги майдонларда соат 9.00 да йигилиш лозим. Тўловларга мораторий¹ эълон қилинди. Нақд пул етишмаяпти. “Ал-Дорчестер”нинг баллар учун мўлжалланган залида конференция ўтказилди. Оксфорд университетида инглиз тилида чиқиш қилган араб лидери (Шайх Исо Таъала – исмининг ўзиёқ ким сўзга чиққанилиги тўғрисида шубҳа туғдиради) иш ташлаш оқибатида караҳт ахволга келган ғазабнок Буюк Британияда арабларга нисбатан адован ҳақида сўзлади.

¹ Мораторий – тўлов муддатини узайтириш.

Унинг айтишича, Ислом ўзининг узоқ асрлик тарихида бундай тўсиқларга кўп дуч келган. Араблар кетиш ҳақида ўйламаяптилар. Араб пулларининг каттагина қисми Англия учун сарфланди. Шайх (албатта қора кўзойнақда, лабида данҳилл мундштукига қистирилган сигарет, қўнғир костюмли мулоғим гутурт келтирмоқда) гўё ўзида эмасди. “Озод британияликлар”нинг каттаконлари, араблар, балки БҚ ёки парламент аъзолари, балки катта лавозимли давлат амалдорлари ҳисобланган номаълум жаноблар ўртасидаги мунозарадан, жиддий тарзда Пайғамбарнинг кофиirlар юртида ислом байроғини ҳилпиратиш ҳақидағи даъватига кўра, панисломий инқилоб, султон, халифа ёки президент ҳокимииятининг ўрнатилиши ҳақида муҳокама бораётгандек таассурот қолдирди менда. Америка картеллари тарафидан бўлган оппозиция Буюк Британияга нисбатан молиявий қизиқишининг пасайиши мумкинлигидан хавфсираётганди. Мен тушунмаган ЛМОЭ ҳақида жуда узоқ сухбатлашишди. Қисқартма Ла-Маншдаги Ороллар Эксперименти деган маънони англатиши кейинроқ аён бўлди. Ишонгим келмайди. Эшитган қулоқларимга ишонмайман.

Маълум бўлишича, Саудия Арабистони маблағлари эвазига Оранж ва Авињонда тўпланган Франгий забонли Жазоир армияси бир неча ойлар муқаддам Олдерни ва Сарк оролларини истило қилган. Цензура туфайли на Франция, на Англия оммавий ахборот воситаларида мазкур маълумот сиздирилган. Шариат қонунлари жорий этилган, барлар ёпиб ташланган, шароб ва пиво бочкалари кўчага улоқтирилган (олтин суюқлик кўпирганча канализацияга оқди), чўчқа гўшти, у аралашган маҳсулотларга тақиқ жорий этилган, катта черковлар масжидларга айлантирилган Нормани ороллари аҳолиси ичида

адоват кучайган. Олтин рангли суюқлик қон билан бирга оққан. Хуллас... менинг тушим! Умумий манзара: эксперимент инқизозга учради. Зўравонлик билан сингдириш фойда бермади. Ноқурай ҳолатда қолган Француз ҳукумати вазиятни юмшатиш учун маҳаллий муниципалитетлар Олдерни ва Саркка нисбатан чора қўллади. Ё, Тангрим! Биз қанчалик оз биламиз! Бизгә қанчалик оз гапларни айтмоқдалар! Мамлакатимизда исломнинг жорий этилиши эҳти-молдан узоқ эмасга ўхшайди. *Festina lente.*

Бешинчи кун

Полк Л. билан жирканч ва кўнгилсиз воқеа рўй берди. Масjid қурилишида ишлаётган беш-олти киши кетишга қарор қиласдилар. Марш билан баракларга кириб-чиқиши, мунтазам босимлар, сўкиши ва ҳақоратлардан тамоман тўйғандилар. Улар “Озод британияликлар”ни тарқ этиб, қурувчилар касаба уюшмасига қайтишни истайдилар. Махсус кучлар ёрдами билан уларни олиб кетишади. Шу билан шўрликларни бошқа ҳеч ким кўрмаган. Уларга нима бўлганлиги ҳақида сўрадим. Полк Л. ҳаммасини биларди, аммо, менга айтишни рад этди. Ҳарбий интизомга риоя қилмаганиларни жазолаш, ҳар бир армияда бор, деди у. Қандай тартиб-қоидалар жорий қилинган армиянгизда? Билишни истагандим, лекин ҳамон саволимга жавоб йўқ. “Бу муҳим эмас”, – жавоб берди у. Қоидабузарлар жазоланди. Қўзғлонларга йўл қўйилмайди. Отувми? Уларни отиб ташлашдими? Йўқ, албатта, йўқ. Биз ўзимизникларни отмаймиз. Бироқ, айтганимдек, улар биздан эмасди. Шунчаки пул учун сафимизга қўшилишган. Айтинг ахир, мен билишни истайман. Сизда билиш ҳукуқи йўқ. Қасамёд қиласдиган вақтингиз етди. Айт-

магунингизча тинч қўймайман, жин урсин лаънати қасамёдингизни. Менинг олдимда сўкинманг, лейтенант Жонс. Ва ҳоказо ва ҳоказо.

Аста яширинишга қарор қилдим. Балки қароқчилар сафига қўшиларман ёки қайсида Махфий университетда тарихдан маъруза ўқирман. Қандайдир чалкашлиқ, тушунарсиз зиддиятлар ҳукмрон ва улар чегара билмайди. Озгина бўлса ҳам инсоний тартибларни тиклаш мақсадида “Озод британияликлар” (аввал ҳарбий либосни эскирган фуқаро кийимига алмаштириб) иш ташловчилар билан эркин мулоқот қила бошладилар. Кўплаб иш ташловчилар яна ишга қайтишни исташмоқда. Одамлар ширин гўшт бўлаги, пиво ва хотиржам телевизорли оқшомларни соғинишияпти. Касаба уюшмасининг овоз кучайтиргичлари ўрнатилган юк машиналари (бензин камлиги боис улар жуда кам) қичқиришда давом этмоқда. Лекин, шубҳасиз уларга қараб “Ура”, деб қичқириб қўймоқдалар. Масжид қурувчилари калтак остида ишлайтилар. Уларнинг бригадирлари – тўппончалар билан куролланган, тез-тез тўқмоқ ишлатиб турадиган аксарият сержантлар. Бу худди бутун танангни эгаллаб олаётган саратон ўсмасига ўхшайди. Ундан тезроқ қутулиш керак. Лекин қандай?

17. ҲАЗРАТИ ОЛИЙЛАРИ

Оммавий иш ташлашнинг ўн учинчи оқшоми, ёнғинлар кечасига айланиб кетди. Стрэнддаги баланд ва ингичка бинонинг (бино шу қадар ингичка эдики, араблар уни “Мибрәд азайр” – “Тирноқ эгови” деб аташарди) Пайғамбар ўғиллари томонидан барпо этилиб, ислом поп-маданиятига тортиқ қилинганилигига ишонганлар иншоотнинг ҳайратомуз

тарзда вайронага эврилиб бораётганлигига гувоҳ бўлдилар. Кўпчилик “Озод британияликлар” ортида нима учун араб пуллари турганлигини тушуниб етди. Араблар мана шундай суронли даврларда мамлакатда қолган мулкларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга қодир, сийдикализм таъсиридан холи ташкилотга эга бўлишни истаган эдилар. Албатта, ёнғин хавфсизлиги ходимлари иш ташлашни тўхтатмадилар, аммо, оловга қарши курашмоқчи бўлганларга ўзларига ҳаддан ошиқ эркинлик бериб юборганлари ҳақида жавраганча ўт ўчириш жихозларини тақдим этдилар. “Озод британияликлар” ёнғинни бартараф этиш учун оёқларини кўлга олиб югордилар. Тун ярмига яқинлашиб, олов авжига чиққан паллада, номаълум манбадан чиққан яна бир ёнғин маошларни тўлаш ва пулларни сақлаш мақсадида кўчага қурилган кичик иншоотларни ҳам домига тортиб, пулларнинг катта қисми ёниб кетди. Гарчи маҳоратлари ошиб қолмаган бўлса-да, бундан кўнгилли ўт ўчирувчиларнинг ғайратига ғайрат кўшилди.

Шаксиз, бу ҳодисаларда Ирландия республикачилар армиясининг қўли бор эди. Аммо, бу тўда норозилар илгари сурган мантиқа зид равишда бомбардимончиларни юборганми? Оммавий иш ташлашнинг ўн учинчи кечасида содир бўлган ёнғинлар ерда пайдо бўлган, бироқ тонгги 2.35 да бошлиланган, Темзадаги док¹лар, қуруқ юк ташишга ихтисослашган кемаларнинг кулини кўкка совурган ёнғиннинг манбаси осмонда эди. Мутахассисларнинг фикрича, тарих фақатгина битта ирландиялик учувчини (Уильям Батлер Йейтснинг машхур поэмасида қаламга олинган) билади. ИРА асосан қуруқлик қўшинларидан иборат ва улар бомбардимончи

¹ Док – кемалар тузатиладиган корхона.

самолётлар харид қилиш ёки ижарага олиш учун пулни қаердан топишарди?

Оммавий иш ташлашнинг ўн бешинчи кун тонгигда сабр косаси тўлган лондониклар кўзга кўринмас қўғирчоқ раҳбарга мурожаат қилиш учун Трафальгар майдонига тўпланишди. Бу ерда ўз норозиликларини анъанавий тарзда изҳор этиб, қийинчиликлари, қайғу-ҳасратлари тўғрисида вайсардилар. Ҳар ҳолда, у ёки бу раҳбарнинг далда ва тасалли берувчи сўзларини эшишилари мумкин. Тўртта шер ёнбошлаганча ўз хаёл ва фикрларига ғарқ бўлган, юқорида эса бир кўзли, бир қўлли (айрим беодобларнинг айтишича, бир думбали) буюк денгиз муҳорабаси қаҳрамони совутилган “Пуйи-Фюме”ни эслатувчи тонги салқин ҳаводан тўйиб симираётган каби туради. Бев ҳорғин, эзилган, тузалаётган (бу ерда “тузалаётган” сўзини ишлатиш ўринилимикан?) оломоннинг ғала-ғовурига ғарқ бўлиб, бир чеккада ўтиради. Оломон бир-бирини итарар, туртар, сабр-тоқат билан вайсарди. Аммо, нималарданdir умидвор эди ҳам. Ҳали ҳеч ким устунга тирмashiб чиқмаётганди. Аслини олганда, расмий бирор бир нарсадан ҳеч кимнинг хабари йўқ. Бир неча кун давомида Трафальгар майдонида ўтказилажак норозилик намойиши ҳақида миш-мишлар юрди. Лекин улар – миш-миш холос. Майдон бурчакларига ўрнатилган овоз кучайтиргичлар ҳай-қиришарди. Бомбардимончи қўшин учун ажойиб нишон, ўйлади Бев. Аммо, осмон тиниқ ва бўм-бўш эди. Оломон орасида Бевнинг кўзи жаноб Петтигрю ва у билан бирга келган икки нафар барваста касаба уюшмалари лидерларига тушди. Буларга минбарга чиқиб, бирор нарса ҳақида ваъз ўқишига нима халал бераётган экан? Ҳамма кутарди. Осмонни тўлдирган кабутарлар ахлатлари билан лондоникларни

кулгили тарзда бомбардимон қилар, қўнишга жой излаб, беҳуда айланиб учардилар. Қайсиdir ўткир кўз одам ҳаво миљигини пайқагач, масхараомуз ва кинояли “ура” товушлари эшитилди. Аммо орада шўрлик қушларни тинч қўйишни сўраб норози тўнғиллаганлар ҳам бор эди. Шивирлашлар ўрнини шовқин эгаллади. Узоқ кутилган ва ҳайратга йўтрилган шовқин эди бу. Пэлл-Мэлл тарафдан яқинашиб келаётган автоуловлар кортежи кўзга чалинди. Баъзи бир абжир лондонликлар яхшироқ кўриш учун постамент устига сакрадилар.

Кимдир бақирди:

– Қирол!

Ҳамма кулди, ҳеч ким ишонмади. Бироқ аввал кимдир, тез орада ҳамма бунга ишонди ва “ура” қичқириқлари ҳар ёқни босиб кетди. Бевнинг ёнидағи қандайдир тарбиясиз болалар куйлай бошлиашди:

*Тангрим, асра қиролни
Айниган пишлогу, сельд балигидан,
Электр узилишидан сақлагин уни.
Асра, эй, Тангрим...*

Кирол гвардияси ва лимузинлари майдонга охиста кирап, уларнинг ортидан дикқатга сазовор жиҳати бўлмаган фургон келарди. Аввал фургон эшиклари очилиб, “KK III” монограммали комбинезон кийган техник ходимлар сакраб тушишди. Бу қурғурлар нега бошқалар каби иш ташлашмаган экан? Ахир улар қиролга хизмат қилишади. Мумкин эмас. Мабодо иш ташлагудек бўлсалар, бошлари кетади. Кабеллар ерда илондек ҳаракатланишарди. Қироллик лимузини эшиклари очилиб, ундан Ҳазрати Олийлари, қирол Карл III тушиб келди. Тантанали маросимларга мўлжалланган костюм кийган

мўйловли ва хушбичим одамлар уни минбаргача кузатиб бордилар. Жунли қўлқоп кийган қўлларига микрофон тутқаздилар. Ҳазрати олийлари матрослар курткасини эслатиб юборувчи икки бортли пальтода эди. “Ура” ва “йўқолсин” ҳайқириқлари эшитилди. Қирол табассум қилди. Қулоқлари совукдан пушти рангта кириб қолганди. Гапира бошлаган пайтда ҳамманинг диққати қиролга қаратилди:

– Ҳозир қилаётган ишим балки қонунга хилофдир, аммо охирги пайлар барчамиз озгина қонун чегараларини бузиб ўтдик. Яъни бу ерда туриб гапириш учун менинг Конституциявий ҳуқуқим йўқ. Айтмоқчиманки, монархлар фақатгина рамзий жиҳатдан давлат бошлиғи ҳисобланадилар ва ҳукумат лозим кўрган нарсалар ҳақидагина сўзлашлари мумкин. Муаммо шундаки, айни пайтда бизда ҳукуматнинг ўзи йўқ. Орангиздан кимдир ҳукуматни кўрдими? Бугун тонгда каравот тагига қарадим ва ҳеч қандай ҳукуматга кўзим тушмади.

“Бундай қилмаслиги керак эди, – деб ўйлади Бев.

– Оломонни кулдирмаслик керак эди. Қачон биз – аҳмоқ инглизлар ҳодисаларни жиддий қабул қилишни ўрганар эканмиз?”

– Модомики, ҳукумат йўқ экан, – давом этди қирол, – ва Конституцияга биноан давлат бошлиғи эканман, қарор қилдим: бу ерга келиб, икки оғиз гап айтишни лозим деб топдим. Барибир, ҳозир ҳеч ким ишламаяпти ва ўйлайманки, мен учун вакт ажрата оласиз. Кўп гапирмоқчи ҳам эмасман. Лекин бир гапни аниқ айтишм керак, яъни сарой шифокори сэр Мальколм Мактагарт ярамас штрейкбрехер. Бугун тонгда тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси цех бошилқларининг буйруқларига хилоф равища ишга қайтди. Мен ундан илтимос қилдим. Мажбур бўлдим. Тушунинг, рафиқам, яъни қироличанинг

кўзи ёрияпти. Биз чақалоққа Билл деб исм кўймоқчимиз.

Одамлар маъқуллаган бўлиб ғала-ғовур кўтаришди. Бевнинг ёнгинасида турган, катта кўзойнак таққан ияклари ҳам катта одамча қичқирди:

– Чекимизга яна бир лаънати оғизни боқишиш тушаркан-да!

– Мана, шуларни айтмоқчи эдим. Содиклик ва... ҳалиги... холислик учун ташаккур... нима демоқчи эканлигимни тушундингиз, чамамда. Кечирасизлар, бу лаънати ахлат (ИЗни назарда тутиб) менинг французчамда жуда кўп вақтни оляпти. Ўйлайманки, ҳамма ўз ишига қайтадиган вақт етди.

“Ура” ҳайқириқлари ва кинояли масхаралар.

– Мен флот, армия ва ҳарбий-ҳаво кучларидан шунчаки илтимос қилмайман, уларга буюраман. Агар менинг бош кўмондан бўлишимни истамасалар, ўзларини қирол фалончиси ёки қирол пистончиси деб аташни бас қиласинлар. Кўрамиз, бунга нима дейишар экан. Чунки эс-хушларини йиғиштириб, юрт ҳимоясига қайтишмаса, кейин кеч бўлади. Оғир тўлов тўлашга тўғри келиши мумкин. Айтмоқчиманки, ўтган кечаси ва учинчи куни нималар рўй берганига бир қаранг. Бутун бошли мамлакат дарвозалари ҳамма учун очик қолди. Истаган нарсангни ол. Букингем саройида ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам телбалар эмас. Кимларнингдир рўй бераётган ҳодисаларга фаҳми етятти. Масалан, қирғоқларимизга яқин кезиб юрган улкан жанговар кемалар воқеасини олайлик. Улар пайғамбар ўғилларига тегишли эмас десам, менга ишонинг. Кромартидан унча узоқ бўлмаган жойда транспорт самолётини кўришган ва унинг бортида ҳеч қандай араблар бўлмаган. Бу самолёт ва кемаларнинг эгалари кимлигини барчангиз биласиз. Йўқ, улар Ирландия республикачилар армиясига мутлақо

алоқадор әмас. Америкалик дүстларимиз НАТО шартномасыда назарда тутилған мажбуриятларига асосан бизни қутқариш ва душман ўтакасини ёриш учун келишади, деб ўйламанглар ҳам. Катта Америка бизнеси мамлакатимизга сармоя киритди. Бу, янкиларда пул дахшатли даражада күплигини англатади. Аммо америкаликлар алоқа қилишни истамаёттан, улар учун жуда фойдали бўлган давлат бор. Жуда фойдали. Гап фуқаролари иш ташламаётган дунёдаги кам сонли юртлардан бири ҳақида боряпти.

Олқишилар, “ура” деб қичқиришлар, масхаралаб кулишлар.

– Истардимки, мовий костюм ва хаки кийган йигитлар ўрниларидан сакраб туриб “Уларни бизга қўйиб беринг!!!” деб қичқирсалар-у, ўз ишларини бажарсалар. Ҳаммамиз шаҳарда қандайдир армия кезиб юрганилигидан хабардормиз, лекин, раҳмат, бизга ҳеч қандай хусусий армиянинг кераги йўқ. Шундай экан, айни дақиқадан бошлиб ушбу ташкилот тутатилади ҳамда унга алоқадор барчага қуролларини яқин орада жойлашган полиция бўлимига топширишларини буюрамиз. Бу нима дегани? Мана шу минбардан тушишим билан жасур боббиларимиз ўз иш жойларига қайтганликларини кўришни истайман. Илгари Колониялар ишлари вазирлиги жойлашган Грейт-Смит-стритда қурилаётган масжид масаласига келсақ, ҳозирдан эътиборан, қурилиш ва унинг атрофидаги ҳар қандай масала билан касаба уюшмалари шугулланади. Кеча араб дўстларимиз билан тушлик қилдим. Тушликка қўйни бутунлигича тортишди ва кўзларини менга беришди. Айтишларича, бу уларда жуда танқис таом ҳисобланаркан. Мазали... очиғини айтганда, унчалик әмас. Араблар чалғиган вақтда мен уларни чўнтағимга солдим. Ҳали ҳам бўлса керак улар... Лекин бу

муҳим эмас. Гап шундаки, балки масжид муқаддас жойдир, бироқ ҳозир у ғишт ва қоришишмадан иборат бўлган нарса. Ва супермаркет ёки жамоат ҳожатхонасидан ҳеч қандай фарқи йўқ. Ҳажми улканлигини ҳисобга олмасак, албатта. Уни қуриб бўлишгач, майли, уни муқаддас даргоҳ, деб атайверсиналар. Кечира-сиз, йигитлар, дедим мен, қонунга истисно киритиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигига гувоҳ бўлдингиз. Моҳиятни англашди, – тўғриси, жуда маданиятли йигитлар. Барча ишни ўзимиз истаганча қилишимизга қўйиб беришмоқчи. Била-ман, сўнгти кунларда улар ёвуз сўзларни айтишди, кўплаб одамларга шикаст етди. Бироқ иккала томон ҳам юз берган кўнгилсизликлар учун бир-биридан узр сўраши лозим. Мабодо, сўзларимга ишонмаётган бўлсангиз, Грейт-Смит-стритга боринг, ҳаммасини ўз хоҳишимизга кўра қилаёттанимизга, ҳеч ким кўрқитилмаётганига гувоҳ бўласиз.

Турли халқлар билан рўй бераётган бу жирканчликларга барҳам бериш керак. Бу ҳақида сизларга гапиришнинг ўзиёқ уят. Истагим, келажакда бутун дунё одамлари тили, дини, терисининг рангидан қатъи назар, тинч ва осойишта ҳаёт кечиришсин. Ҳа, тери ранги ва ирқ ҳеч нарсани англатмайди. Ўз оиласидаги чатишувларни ўйласам, бошим айланаб кетади. Шотландлар, юнонлар, олмонлар ва яна Ҳудо билади, кимлар. Агар номинал давлат раҳбарларини дунёга келтиришга йўл қўйсалар, эҳтимол араблар ва исроилликлар ҳам бўлар. Лекин бу энди сизнинг қарорингизга боғлиқ. Ҳаммаси сизнинг кўлингизда. Мана, буюк “демократия” сўзи нимани назарда тутади.

Ўйлайманки, тезда бари изига тушади. Менга ха-бар қилишларича, бугундан телевизорлар яна ишлай бошликаркан. Шубҳасиз, кўрсатувлар “Телегид”даги

каби бўлмайди. Мен ҳеч қачон уни сотиб олмайман. Шунчаки ёқаман ва томоша қиласман. Барибир ярмига келганда уйқу устун келади. Яхшиямки, Биби-си "Шамолда соврилганлар"ни қўрсатади. Бу – оқшомни мароқли ўтказишнинг яхши усули. Албатта, электр энергиясига муҳтожмиз, лекин, ишонаманки, тушиликкача уни ҳам ёқишиди. Афтидан, бу ишимдан сўнг мени судраб кетишлари мумкин. Бироқ ким? Буни Худо билади. Ахир, бизда ҳали хукумат йўқ. Майли... аҳамиятсиз.

Мўйловлилардан бири яқин келиб, қиролнинг қулогига нималарни дир пицирлади. Қиролнинг юзига болаларча қувонч ёйилди. Сўнгра мамнуният билан эълон қилди.

– Мен ота бўлдим. Ажойиб йигитча. Она ва бола ўзларини яхши ҳис этишмоқда. Ўзингга шукурлар бўлсин, Тангirim, барчамиздан марҳаматингни дариг тутма!

У жунли қўлқоп кийган қўлини силкитганча минбардан тушди. Ҳайдовчи эшикни очиб турди. Лимузин оломон орасини аста ёриб, юра бошлади. Ҳалқ овоз кучайтиргичлардан тараляётган давлат мадҳиясига шижоат билан жўр бўлди:

*Шарафлар, зафарлар бер
Суронли урушиларда
Асрагин Тангirim...*

Ажойиб ИЗТ (ТЛ) – Ишчилар забони талаффузида (Темза шеваси) куйлашди. Сўнгра ишга қайтиш керакмикан, дея ўйлаб қолдилар.

18. ҲАЗРАТИ ОЛИЙЛАРИ ХОҲЛАГАНИЧА

– Жонс, – деди кекса Эшторн худди аввалгидек 3-рақамли суд залида раислик қиларкан. – Сиз билан камида бир марта шу ерда учрашганмиз.

– Фақат бир маротаба, – тузатиш киритди Бев.

Безбет ва баланд овозли суд котиби чийиллади:

– Тилингизни тийинг, Жонс!

Судья ёрдамчиси – жигарранг шляпа кийган, текис кўкракли, аввалгисига ўхшаш, аммо бошқа аёл Эшторннинг қулоғига нималарнидир пичирлади ва у бошини тасдиқ маъносида силкитиб қўйди.

– Кўриниб турибдики, сиз ўзгармагансиз, ҳалиги... ўз... ақидаларингиздан воз кечмагансиз. Қўлимда сизнинг муросасизлигингиз, рецидивизмга мойиллигингиз... ва-а... бу қандай сўз бўлди экан?

– Атавизм бўлса керак, – деди Бев. – Буюк жаноб Петтигрюнинг ҳуснихати ёдимда қолган.

Қария Эшторн йўталди, яноқларини пуфлади ва деди:

– Сизга барча имкониятлар берилди. Барчаси. Сиз... уҳ... айтилганидек, шу ерда қоласиз. Ўзингизни оқлаш учун бирор сўз айта оласизми?

– Бўла қолинг, Жонс! – қичқирди котиб, – ишимиз бошимиздан ошиб ётибди!

– Ҳа, албатта. Суд амалдорларининг ўтган сафарги иш ташлашларидан фарқли равишда сизда қолоқлик мавжуд. Дарвоқе, маошингиз ошгани билан табриклайман. Яна шуни айтмоқчиманки, бу сафар амалга ошмаган қонунбузарлик туфайли эмас, муваффақиятли ўғрилик натижасида бу ерда ўтирганимдан мамнунман. “Будл жини”, жаноби олийлари, ажойиб ичимлик экан ва мен уни ҳузур қилиб ичдим. Бу суд чиқарган қарорни қабул қиласлигимни айтишга ҳам ижозат берсангиз. Британия

суди ва унинг барча тармоқлари синдикализм қўлидаги қўғирчоқлардир. Рухсатингиз билан қўшимча қилсан...

– Ҳаммаси досъе¹да бор, – деди кекса Эшторн. – Ва буларнинг ҳеч бири... агар буни жасорат демасак, сизнинг ишингизга алоқадор эмас.

– Яхши, унда чиқарилажак ҳукмга норозилик билдираман...

– Сиз, жаноб, ҳукм эълон қилинмагунча, у ҳақида ҳеч нарса билмайсиз. Етарлича гапирдингиз, деб ўйлайман. Судъя ёрдамчиси яна нималарнидир пи-чирлади.

– Ҳа, мен розиман, – бош силкиди кекса Эшторн.

– Керагидан ҳам ортиқроқ. Суд ҳукми бундай: сиз ҳазрати олийлари истаган муддатта қадар давлат муассасасида сақланасиз.

– Шундай бўлишини, ҳукмни айтмасингиздан илгарироқ билгандим, – деди Бев. – Норозилик билдираман!

– Олиб кетинг, – Бевни кузатиб келган полиция-чига қараб чийиллади котиб.

Аслида, ёмон бўлмади, ўйлади Бев, уни ёпиқ фургонда шимолга олиб кетишар экан. Бев ёнидаги оқ халатли санитар, олдинда – ҳайдовчи билан бирга ўтирган кулранг костюмли пробация хизмати ходими билан бирга борарди. Баҳор. Шекспирнинг туғилган куни эшик қоқиб турибди. Гарчи ифлос ва афтода ҳолда бўлса ҳам, бутун қаҳратон қишини озод инсон каби ўтказди. Пасткашлар қаршисида таслим бўлмади. Улар ростдан ҳам ғолиб чиқишидимикан? Қўрқитишлиар, босимлар, жазолашларга қарамай, у касаба уюшмасига қайтмади-ку. Бев улкан коинотда фақатгина ўз туйғулари билан мутлақо эркин яша-

¹ Досъе – бирор иш, масала ёки шахста доир хужжатлар тўплами.

моги мумкин. Ўзини нима кутаёттаганлигини аниқ билади.

– Мана, етиб келдик, – деди санитар, – собиқ Перф-лит-касти саройидаги 5-сонли ДМ. Қушлар сайроғи ёқимли, а? Буталар, момақаймоқларни күрятпсанми?

Фургон эшиклари очилди.

– Ифлос каталакка эмас, бу ерга келганинг учун, омадим келди, деб ҳисоблайвер.

– Исталган одам кира олади, – луқма ташлади Бев, – агар соғлом фикрли бўлса.

– Ўчир, – деди пробация ходими. – Машинадан туш ва ичкарига кир.

Санитар Бевга янада тозароқ ва окроқ бир жуфт халат узатди. Булар фақат қофоз қистирилган қисқич ва планшетлари билангина мақтана оладилар. Бевни тиббий кўрикка жўнатишиди.

– Қани, яхшироқ эгил. Синчиклаб текширишимиз лозим. Мана, бу бошқа гап.

Нотўғри овқатланиш, мушаклар тонуси заифлашган, ўнг ўтканинг қорайиши, юракка алоҳида эътибор қаратиш керак, тишлар жуда расво. Қандай жирканч.

Бевнинг руҳий ҳолатини ювилиб, оқартирилган давлат халатидаги Доктор Шиммель ва Килберн баҳоладилар. Килберн озғин ва кескиргинаmallasоч аёл экан. У матрица тестида хатолар қилишга уринди, бироқ унинг хатолари шу қадар мантиқий эдики, уларни тўғри деб ҳисоблашди.

– Сизга нима бўлган, оғайни? – сўради доктор Шиммель. – Агар истасангиз, соғлом ва тўлақонли ҳаёт кечиришингиз мумкин-ку.

– Биламан. Бу телба давлатнинг психопатик фалсафа ботқоғига ботганлигини англатади.

– Бу демократияга зид. Ақлдан озғаник омманинг турмуш тарзи ва фикрини қабул қила олмас-

лик билан белгиланади. Сиз жинниликтин ҳаракат ва сўзларингиз орқали тан оляпсиз.

Иккала шифокор Бевнинг саёҳатларида унга ҳамроҳлик қилган қалин досъега қараб хўмрайишди.

– Мен билан нима ишлар қилмоқчисиз? – сўради Бев.

Унга жавоб бермадилар.

– Кулоқ солинг, қаерда адашганлигимни тушунмаяпман. Мен юз йиллар давомида институцион ҳурфикарлиликни байроқ қилган давлатда туғилиб, ўсдим. Дунё қандай ўзгариб бораётганига гувоҳ бўляпман. У ўзгарса, мен ҳам ўзгаришим керакми?

Иккови ҳам Бевга сокин мамнунилк билан қарадилар. Ахир, бу савол унинг телбалигини тасдиқлаб тургандек эди-да.

– Сиз унинг бир қисмисиз, – деди доктор Кильберн. – Хатойингиз, кузатувчи инсон кузатилувчидан алоҳида ҳолда мавжуд бўла олади, дея фараз қилишингизда. Юмшоқроқ айтганда, ўзгаришларга қарши чиқиб, адашасиз.

– Мен соғлом жамиятни қайтара оладиган ўзгаришларга қаршилик қилмайман. Адолат, шунингдек, руҳий ва эстетик идеалларнинг қабул қилинishiiga ҳам.

– Шундайми? – чимирилди доктор Шиммелъ.

– Британия Конституциясини олайлик, – деди Бев. – Мен ҳалқ ҳукуматга эга бўлишини истайман, худди асрлар давомида ҳукумат ҳалққа эгалик қилгандек. Ҳозир юқори палата БҚнинг умрбод пэрлари билан тўлиб-тошган. Қуйи палата-ку, тамоман ўлган. Қирол ижро ҳокимияти раҳбари сифатида БҚ коллеки битирувчиларидан иборат Вазирлар Маҳкамасини бошқаради. Сайлов тамойили бутунлай йўқ бўлиб кетди.

– Халқ ўз касаба уюшмаси вакилларини сайлайди, – гапга аралащди доктор Шиммель. – Наҳот бу етарли бўлмаса?

– Йўқ, ҳаёт бугун билан яшаш ёки фақат қорин гамини ейиш дегани эмас. Ҳаёт адодатли иш ҳақи, тобора ассортименти қисқариб бораётган, расво тайёрланган, фойдасиз истеъмол товарлари ва уларга ойликни сарфлашдан кенгроқ тушунча. Ҳаёт – бу гўзаллик, ҳақиқат, маънавий интилишлар, идеаллар, экспцентрик...

– Аҳа, – жўр бўлиб айтишди врачлар.

Бевни ҳорғинлик қамраб олди.

– Бунақаси кетмайди, кетмайди, бунақаси кетмайди, – тўнғилларди у ва ўйлаб туриб, қўшимча қилидиди: – Унутинг. Бу худди бир жуфт тошга мурожаат этишга ўхшайди. Лозим кўрганингизни қилинг. Сизнинг ихтиёрингиздаман.

“Кутулиб кетишларига йўл қўйма”. Илгари профессионал хонанда бўлган қўшни каравотдаги йигит ушбу сўзларни готика шрифтида (бош ва кичик ҳарфлар билан) чиройли тарзда кўйлаклар солинган картон қутига (“Хукумат кўйлаклари, кулранг, ўртacha ўлчамдаги 10 дона”) ёзди. Палата назоратчисинингижозати билан қутидан йиртиб олинган картон бўлагини Бевнинг каравоти ёнидаги деворга ёпиширишди. Ҳеч ким жумланинг мазмунини сўрамади, афтидан, унга Бевнинг ақлдан озганилиги рамзи сифатида қарашди.

Овқатлар бир нави эди. Муассасага қарашли майдонда футбол ва крикет бўйича матчлар ташкил этилди. Ҳатто давлат зодагонларнинг кўхна қишлоқ уйларини миллийлаштирган даврдаги тозалашлардан омон қолган кутубхона ҳам бор эди. Ўн еттинчи аср ваъзларининг қатор томлари, Томсоннинг “Йил фасллари”, Поуп, Копер, Жон Мильтоннинг “Инг-

лиз халқи ҳимояси". Тахминан 1789 йилдан кейин ҳеч нарса йўқ.

"Қутулиб кетишларига йўл қўйма". Қутулиб кетишларига йўл қўйма.

Муассасада ташқи оламда рўй берадиган янгиликларга жуда кам қизиқишаркан. Бир пайтлар телевидение сухандони бўлган жаноб Трешер ўз ишининг сўнгти кунларида матнга одобсиз изоҳлар қолдиргани туфайли ишидан ажралганди. Касбини яхши кўрадиган жаноб Трешер кундузги хонада юз бериши мумкин бўлган ва бўлмаган воқеаларни хаёлида тўқиб, эълон қиласди:

– Англияда инфляция даражаси йиллик эллик беш фоизга етди. Бу ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Чикагодаги конференциясида Жаҳон Банкининг иқтисодий маслаҳатчиси доктор Эрленджер норасмий маълумот берди. БҚ ҳукумати мазкур рақамларга изоҳ беришдан бош тортди.

Ёки:

– Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг миллий касаба уюшмаси Ўқитувчилар миллий касаба уюшмаси билан халқ таълими жараёнида ўқитувчиларга маслаҳатчи ролини бериш масаласида келишувга эришди. Мактаб ўқув дастурларининг янада ҳаётйроқ бўлишида ўқитувчиларнинг кўмаги ва бошқа устувор вазифалар белгилаб олинди, дейди УМЎМКУ котиби Тед Соумс. Бироқ унинг сўзларига кўра ўқувчилар ҳар қандай ҳолатда ҳам маслаҳатчилар томонидан илгари сурилган дастурларни бажаришга мажбур эмаслар...

– Ўчирсанглар-чи! – дея қичқирди собиқ буғ қозонлари ишлаб чиқарувчиси жаноб Коулдуэлл қасод бўлган этикдўз жаноб Туми билан бўлаётган шашка партиясидан бошини кўтариб.

– Таклиф этилаётган янги фанлар орасида Жинсий тарбия, тажриба билан уйғунашган порнография, Касаба уюшмаси тарихидан ҳикоя қылувчи комикслар...

– Ўчиrlаринг, жин урсин, бўлмаса башараларингни бежаб қўяман!

Аммо, жаноб Коулдуэлл илгари китоб дўконини юритган озғин ва дароз, жаноб Риккорди исмли бемордан қўрқарди. Ҳамма унинг кўзи ёмонлиги ҳақида гапираварди. Жаноб Риккорди нигоҳини Коулдуэллга қаратди. У шўрлик эса яна жимгина ўзининг шашкаси билан машғул бўлди.

Ёки:

– Мэн ёки “Ғазира-ул-Руғул” оролида Жон Бригтснинг Набий Муҳаммад Солиҳ бин Абдуллоҳ динига бўлган чуқур иштиёқи туфайли исломлаштириш нисбатан силлиқ кечди. Алкоголь маҳсулотларига қўлланилган тақиқ туфайли аҳоли ўртасида норозиликлар кучайиши кутилаётган эди. Бироқ “Мэнкс” пивосига алкогол ўрнига аралаштирилган “ЛМП” симулятор-дипрессанти бунинг аҳоли соғлигига мутлақо хавфсизлиги тўғрисидаги мутахассисларнинг хуносалари барчани хотиржам қилди.

– Ўчилинг, ўчилинг, акс ҳолда муштимдан татиб кўрасиз, аҳмоқлар! Бу пўписалар жаноб Риккордининг озгина вақтга чиқиб кетгани туфайли эди.

“Кутулиб кетишларига йўл қўйма!”

Барибир қочиб кутулишолмайди. Ҳеч нарса абадий эмас. Бу шунчаки иложсиз. Ҳамма нарсани олиб, тўлов тўламасдан шунчаки кетолмайсиз. Бев исталган пайтда чиқиб, жанг қилишга, тарғибот қилишга, ўз қўшинини йиғишга тайёр эди. Бу руҳий сиқилишнинг аломатими? Озод бўлишнинг ягона йўли – оиласига қайтиш. Бу Бесси дегани эди. У ўзининг эҳтимолий, балки ҳақиқий куёвига айлан-

ган ёки шунчаки қизини бузган ва бузиб келаётган одам ҳисобланмиш араб шайхининг лондонлик агентлари орқали қизига мактуб юборишга мувваф-фақ бўлди. Олти ой ўтиб устки тарафида туялар ва кўча камбағаллари тасвириланган табрикнома ҳамда жавоб мактубини олди. “Ази даджон мен яхш телвизор зўр, сзни яхиш кўрамн беси”. Унинг иккинчи мактубига қуидагича жавоб келди:

“Қадрли жаноб!

Камина Элизабет (Бесси) Жонс исмли шахснинг жаноби олийларига тегишили мулкда истиқомат қилмаслиги тўғрисида сизга маълум қилиш бўйича буйруқ олдим. Исм ёки манзилни ёзиша хатога йўл қўйган бўлишингиз эҳтимол.

Эҳтиром ила...

Остона, Голан, ҳижрий 1364 йил Шаъбон ойининг 12 куни”.

Иегова шоҳидлари¹дан бўлган жаноб Кумбс қочишига уринди ва “номуайян муддатга” жазоланганиги тўғрисида қатъий огоҳлантириш олди. Девор катта кучланишли ток остида эди. Муассасанинг ўз генераторлари бўлиб, иш ташлаш туфайли генераторлар ишламаслигидан умид бор эди. Эллик ёшлардаги бақувватгина эркак жаноб Кумбс даҳшатли даражада куйди. Санитарлардан бирининг айтишича, яхшиямки Кумбснинг юраги бақувват экан. Эркакнинг омади келибди. Яна иккита ит ҳам бор эди. Бев кечалари уларнинг увиллашларини эшистарди. Мабодо, одамлар иш ташлашса, маҳбуслар назорати мана шу икки маҳлуқقا ишониб топширилиши кўзда тутилган эди. Ахир ҳозирча иtlар касаба уюшмаси йўқ. Аммо, одамлар персоналиининг

¹ Муқаддас учлик таълимотини инкор этувчи, бутун Коинотда фақат битта Худо – Иегова мавжудлигини илгари сурувчи диний таълимот ва шу номдаги диний ташкилот.

иши унчалик мураккаб эмасди ва Бев улар “мехнатларимиз” нинг эвфемизми деб атаган нарсани инкор этишни истамади.

Ойлар ва йилларга уланаётган кунлар кекса беморларнинг ўлими ва камдан кам ҳолатларда кимларнингдир оила бағрига қайтиши, хайрлашув тушлиги ва пирог бўлаклари улашиш билан ўтарди. Янги келгандар ўзлари билан ташқи оламдан хабарлар олиб келишарди. Аммо Бев ва у каби “фаҳрийлар” янгилардан фарқли ўлароқ, ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилмас эдилар.

Бир куни кимсан полковник Лоурэнснинг ўзи пайдо бўлди. Уни эҳтиёtsизлик ортидан содир этилган қотиллиги учун жазолашганди. Ўз армиясидан қувилгач, ҳақиқий исми – Чарлз Росс номи билан хукумат таржимони сифатида ишлаб юрган. Қандайдир сабаб туфайли қуюшқондан чиққан, ҳар қандай вазиятда ўзини босиш ҳақидаги чорак асрлик қасамини бузган Лоурэнс (ёки Росс) пабда ичиб, форсий миллатга мансуб бир киши билан жанжаллашиб қолади. Ўзининг айтишича, форсни ўлдиromoқчи бўлмаган: мархұмнинг жасади экспертизадан ўтказилганда, бош суяги ҳаддан ташқари мўртлиги аниқланган. Аммо, барибир, уни муассасага жўнатишибди.

Унинг айтишича, форслар арабларга қарши урушга ҳозирлик кўришмоқда. Ислом иттифоқига дарз кетди. Эронликлар – орийлар, араблар эса – сомийлар ва қон – Қуръон сураларидан мухимроқ. Шоҳ – америкаликлар анчадан буён Яқин Шарқнинг ягона хукмдори сифатида қараётган монарх, урушга тайёр: унинг арсеналида Пентагон ядрорий потенциал, дея баҳолаётган қуроллар бор. Эроннинг лутфу марҳамати фонида араблар ҳеч қачон америкалик курол ишлаб чиқарувчиларининг севимли мижоз-

лари бўлишмаган. Эрон Яқин Шарқдаги барча нефть конларини ўз кўлига олади. Шамол қаердан эсаётганлигини сезган араблар Америка банкларидан ўз мегадолларларини қайтариб ола бошлишди. Кўшма штатларда банк ваҳимаси кўтарилиган. Майда омонатчилар ўз маблағларини қайтариб олиш учун навбатда турибдилар ва маҳаллий банклар мораторий эълон қилинганлигини аниқламоқдалар. Вазиятни тинчлантириш учун Федерал жамғарма пул массасини ўстириб – аслида, икки карра кўпайтириб, жуда кўп қофоз пул босиб чиқармоқда. Кўшма штатларда нақд пул жуда кўпайиб кетди. Халқ истеъмоли товарларини қопловчи ҳажмдан икки марта кўп. Дўконлар ёпик, пештахталар бўш, иктисадий фанлар билимдонларининг фикрига кўра, инфляция Калифорния ёнгини каби шиддатли суръатда ўсиб боряпти. Инқироз эшик қоқмоқда. Бу синдикализмнинг қулашими? БК да камида уч ярим миллионга яқин ишсизлар бор. Жаноб Петтигрю ҳақида охирги пайлар ҳеч ким ҳеч нарса эшитмади. Ағдаришганмикан? Ёки суиқасд қурбонига айланганми? Мамлакатда Катта Тим Галлуэйнинг ишчилар ҳамда гуноҳкор капиталистларнинг бирлашуви ҳақидаги чақириқлари янграмоқда. Бев ҳар куни тушликдан сўнг дам олиш хоналарининг бирида қизикувчи bemorlarning кичик гурӯхига Елизавета тарихидан маърузалар ўқий бошлиди. Сўнг ўн еттинчи аср Англия тарихи курсини бошлиди. Давом эттириш оқилона қарордек туюлди. У анча ўтмаслашиб қолган хотирасига таяниб дарс берарди. Ҳатто баъзан бошқа сайёра тарихи ҳақида сўзлаётгандек туюларди. Аммо у ва унинг шогирдлари ҳар куни бугуннинг шамолларидан беркиниб димиқкан хонага, аниқроғи эртакнамо ўтмишга қочиб кирадилар.

Биринчи жаҳон уруши, иқтисодиётнинг қайта тисланиши, Уолл-стритнинг қулаши, ўсиб борган қуролланиш ва тоталитаризм. Иккинчи жаҳон уруши ҳамда ундан кейинги давр. Тарих бугунги рутубатли даврга хавфли суръатда яқинлашиб келмоқда эди. Бугунги даврни умумлаштириб бўлмайди, бугунги даврни тушунтиришнинг, борингки, тўлиқ тушунишнинг иложи йўқ. Бугунги кун – чалкаш равишда кўп лойқа анҳорлар ва жилғаларга бўлинниб кетган улкан дарё. Бир куни Бев ўз синфи қаршисида ожиз ҳолда турарди: жаноб Тайберн, жаноб Грешэм, жаноб Хукер, жаноб Мерлин, жаноб Дайли ва бошқалар.

– Бошидан бошлаймизми? – таклиф этди Бев. – Капитализмнинг авж олишига қайтамиз ва бурилишлар давридаги оғриқ нуқтани топамиз.

– Менимча, бизда бу ҳақида етарли тушунчалар бор, – жавоб берди жаноб Хукер.

Бев қайта-қайта бош силкиди. Ўша кеча кечки овқатдан сўнг у уйлар ортидаги майдончага чиқди. “Юрагинг заиф, уни эҳтиёт қил”. Қандайдир кўринмас тош ёки майсага қоқилиб кетиб, иккита олма дарахтининг шохлари осилиб турган электр токли девор сари юрди. Узоқ вақтдан бери бу дарахтлар нордон, тахир мева бериб келади. Дарахтлар яна қанчадир муддат сақланиб қолади ва бу тасалли бўлиб хизмат қиласди. Сал олдинроқ сиёsat томонидан таҳқирланган, нафосати Довуллар денгизида ғарқ бўлган ой кўтарилиди. Бев унга маъносиз сўзлар билан мурожаат қилди.

Улар шубҳасиз қутулиб қолишли. Ҳар доим қутулиб қолишган. Инсоният тарихи – бу Жаннат боғидан ҳайдалиб, ғафлат салтанатига қадам кўйиш ҳикояси. Йўлда эса хорлик, бўшлиқ, ноҳақлик ва адолатсизликлардан ўзга нарса йўқ. Уйку. Мудроқ.

Ухла. Бошини силкитганча ой билан видолашди. Сўнг кўйлагини ечиб, яланғоч кўксини ток оқими ҳаракатланаётган деворга босди. Даҳшатли оғриқ ичида бир лаҳза марҳумларнинг иш ташлашига қўшилиш учун тириклар касаба уюшмасидан кетиш тўғрисида ўйлади. Шунда юраги оғзидан отилиб чиқиб, дарахт остидаги мевалар орасига бориб тушганини ҳис қилди.

ЭПИЛОГ. ИНТЕРВЬЮ

Сиз чиндан бу воқеалар содир бўлишига ишонасизми?

Бир-икки йил кутамиз. Яқин орада сиз, азиз ўқувчилар бошингиздан ўтказишингиз мумкин бўлган ҳодисалар тўғрисида адабий башорат ёзиш аҳмоқлик. Англияда касаба уюшмалари борган сари кучайиб, тоқат қилиб бўлмас даражага бориб етмоқдалар. Касаба уюшмалари ичидан анчайин жанговар арбоблар бор, деб биламан. Оруэллнинг менгача бўлган ажойиб ишини давом эттирган ҳолда, доиралярдан ташқари чиқиб, оддий ишчининг ҳурфикарлиги ва инсонийлигини қолдираман.

Мен америкаликман ва у қачонлардир Анқайган Қўшма Штатларга айланishi хомхаёл, деб ҳисоблаиман. Касаба уюшмалари ҳеч қачон жамиятни террор қилмайдилар.

Балки ундей эмасдир. Аммо ўзим қачонлардир Америка шоу-бизнесида дуч келган ҳодисаларни экстраполяция¹ қилдим. Масалан, мусиқачилар касаба уюшмасининг Бродвейдаги босими билан. Қўшма Штатларнинг келажагини олдиндан айтиб бериш мушкул. Синклер Льюиснинг Какотопияси гарчи ўттиз йил аввал ёзилиб, ҳамон ўзини жозибали проекция сифатида намоён этаётган бўлса-да, “Бу ерда содир бўлмаслиги” мумкин. Ҳеч бўлмаганда у Америкадаги демократик жараёнлар натижасида қандай қилиб диктатура дунёга келиши мумкинлигини кўрсатади. Кўр-кўrona ватанпарвар, америка-параст президент Уилл Рожерс орқали тор фикрли Америка электоратининг мағзи шаклланади. Мағиз?

¹ Экстраполяция – нарса ва ҳодисанинг бир қисмини кузатиш асосида олинган хулосаларни унинг бошқа қисмига ёйиш, татбиқ этиш.

Либерализмнинг пўстини олиб ташласак, ҳосилдан кўра мағиз кўпроқ жойни эгаллаганини кўрамиз. Кекса отам айтардилар: “Яқинда Яхши Китобдан бошқа яхшироқ китоб бўлмайди. Узун сочли зиёлиниг меҳнатига ярашасини оладиган вақти етди” ва ҳоказо. Китобларни ёқиши, радикал ўқитувчиларни отиш, иқболи бор газеталар учун цензура шундан келиб чиқади. Бу каби одамларда ҳар бир репрессия жараёни учун Эски Аҳддан иқтибослар ва таъсирли, аммо бепарво оқловлар ҳамиша тайёр.

Романнавислар учун башоратларни тўхтатишинг айни вақти, деб ҳисоблайман: улар бўгуннинг ҳодисаларини таҳлил қилмай тўриб, тасаввурга эрк берадилар. Улар чизадиган келажак, биз биладиган бўгун билан бир илдизга бориб туташмайди.

Ҳақ гап. Романнавислар келажакни тасаввур этишини бас қилдилар. Бу юмушни “корпоратив миялар марказлари”даги мутахассисларга қолдиришиди.

Бугун фантаст ёзувчилар ўтмишни қайта ёзиб, тарих бошқа ўзанга бурилиб кетган нуқтани топишга ҳаракат қилишади ва шу асосда бугуннинг муқобил манзараси чизилган Кит Робертснинг “Павана” ва Кингсли Эмиснинг “Операция”си сингари асарлар дунёга келади. Иккала романда ҳам ҳали англо-саксонларга қадар етиб келмаган ислоҳотлар тўғрисида сўз боради. Ҳар икки асарда эмпирик тадқиқотларнинг рухи бўғиб ташланади ва бу фаннинг ўлими деганидир. Шу боисдан ҳам электр энергиясиз замонавий дунё ва Қадимги Римдан бери ҳукмронлик қилиб келаётган теократия бор. Кўнгилни кўтаради, рағбатлантиради, аммо булар фақат вақтинчалик ўйин. Биз сиз билан башоратгўйлик ёзувчилар доирасида мавжуд бўлишни тўхтатганлиги ҳақида сўзлашяпмиз. Савол туғилади: бу вазифани Бостон

МИТ футурологлари ўз зиммаларига олсалар, яхши эмасми?

Гап башоратларда ҳам эмас. Профессор Тоффлернинг сўзларига кўра, на ўтмиш ва на бугунга таалуқли бўлмаган технологиялар ҳамда турмуши марзи бизни қамраб олганлиги нуқтаи назаридан келажак аллақачон келган. Унинг айтишича, аксарият одамлар бугун учун бегона ҳисобланган нарсалар билан алоқа қилишидан шокни ҳис этадилар. Ҳис-туйғуларингиз, фикрларингиз, асаб тизимингиз муайян янгиликни рад этяптими, демак, келажак аллақачон келган, фақат унга етиб олиш керак. Рад этишининг симптомлари – вассаса ва бефарқлик ёки иккови бир вақтда. Наркотиклар ёрдамида одамлар келажак шовқинини босишга уринадилар ёки ўзларини ихтиёрий равишда саноатгача бўлган маданият измига топширадилар. Зўравонлик, телбалик, ҳар турли неврозлар кўпаяди. Биз келажакни вақт ўлчовлари билан эмас, балки ақлдан озиш даражасигача кўтарилган стимуллар орқали белгилаймиз. Келажак – илгари ҳеч қачон кўрилмаган моддий обьект билан қариндош. У – бирор сабаб туфайли қирғоқча келиб қолган нотаниши предмет. Маҳаллий халқ уни хавфсираб кўздан кечиради, қочиб кетади, қайтиб келиб, ушлаб кўради ва ушбу предметни қабул қиласиди. Келажак шу тарзда бугунга эврилади. Кейин, биз яна муқаррар рад этиши синдроми билан янги предметни кутамиз.

Аммо, келажак бизга янги ашё эмас, зулм ва урушларни олиб келишидан кўрқамиз.

Қайсики, моддий материаллар ёрдамида амалга ошириладиган. Қўшима Штатларда Англияда бўлгани каби синдикализм зулми эмас, балки эски – Оруэллнинг меҳрибон Катта Оғаси сингари диктатура ўрнатилиши мумкинми?

Агар, ҳа, десак, уруш натижасида.

Ва ростдан ҳам уруш бўладими? Уруш бўлганда ҳам йилига икки-уч маротаба бўладиган майдар, маҳаллий урушлар эмас, ҳақиқий, Иккинчи жаҳон уруши кўламидаги?

Ватандошларингиз доктор Винер ва доктор Кан Ҳадсон институтида урушларнинг даврийлигига ва турига асосан, 2000 йилдан кейин рўй бериши мумкин бўлган ҳодисалар концепциясини ишлаб чиқдилар. Улар ишлаб чиқсан жадвалга қаранг:

1000 – 1550 йиллар – маҳаллай уруш – сулолавий-феодал;

1550 – 1648 йиллар – умумий уруш – диний;

1648 – 1789 йиллар – маҳаллий уруш – мустамла-качилик ва сулолавий;

1789 – 1815 йиллар – умумий уруш – миллий-инқи-лобий;

1815 – 1914 йиллар – маҳаллий уруш – тижорат ва мустамлақачилик;

1914 – 1945 йиллар – умумий уруш – миллатчи-лик, мафкуравий.

1945 йилдан бўён ўтган ўттиз ўтдан ортиқроқ вақт давомида турли сабабларга қўра юз берган маҳаллий урушларга гувоҳ бўлдик: ҳудудий, миллий-озодлик, мафкуравий ва ҳоказо.

Агар тарих таклиф этилган модель асосида ҳаракатланса, маҳаллий урушлар даври узоқча чўзилмаслиги мумкин. Эртами-кечми яна нимадир дунё миқёсида юзага қалқиб чиқади. Ёдда тутиш керакки, мазкур ўттиз йил инсон глобал урушларсиз яшаган энг узоқ даврдир. Эҳтимол, иқтисодий қийинчиликларимиз, масалан, турғунлик ва инфляциянинг тушунарсиз боғлиқлиги, тинчлик даврида иқтисодиётни бошқара олмаганигимиздан келиб чиқади. Ҳарбий иқтисодиёт – бошқача иш, бу ерда тажриба

ва прецедентлар бор. Мен дунё сиёсий етакчилари саноат кучи сайёра аҳолисини боқишига етмаслиги ни анлаган вақтда бошланиши мумкин бўлган ядро қуроллари урушини эмас, Мальтузиан¹ урушни орзу қиласман. Бундай вазиятда очлик ва тартибсизлик эмас, асл мақсади миллионлаб, балки миллиардлаб одамларни йўқ қилиш бўлган миллатчилик уруши кўриниш бериши мумкин. Мен ҳатто ИнгЗаб ва Хит-Заб ўртасидаги уруш ҳақида китоб ҳам ёздим...

Ё, Тингрим, бу энди нимаси бўлди?

Инглиззабон Иттифоқ ва Хитойзабон Иттифоқ. Учинчи жаҳоний қудрат – РусЗаб, бунинг нималигини энди биласиз. Бундай урушлар, маҳаллийлаштирилган характердаги йўқ қилиш сеансларини ўз ичига олиб, бунда эркаклар ва аёллар ўзаро жанг қилишади. Жинслар ўртасидаги уруш. Жасадларни эса, консерва фабрикасига жўнатадилар. Яқинда Андларда рўй берган каннибализм воқеаси исботламоқдаки, инсон гўшти парҳез қўлланмаларида зарарли деб топилган бўлишига қарамай, мазали ва тўйимлидир. Консерваланган инсон гўшти супермаркетларда “инс” маркаси остида, тушунарсиз бўлиши учун хитойча ёзувли этикеткаларда сотилади. Бугуннинг одамлари ҳамма нарсани ейдилар.

Жиддийроқ бўлсангиз-чи!

Мен мутлақо жиддийман. Бундай уруш фойдали ва адолатли бўларди. Аммо, унинг бошланиши учун, дунё ўттизинчи асрни кутмоғи керак. Янги Жаҳон урушига келсак, у вақт қорнида эмбрион сингари туғилишини сабрсизлик билан кутмоқда ва унга нима учқун вазифасини ўташини, уруш қай дарражада ҳалокатли бўлишини ким айта олади? Биз

¹ Мальтузианлик – XVII аср охирида инглиз олимни Томас Роберт Мальтус томонидан ишлаб чиқилган ва илгари сурилган демографик ва иқтисодий назария.

уни китобда тасвирладик, киноларда ижро этдик, демак, орамиздан кимлардир урушни астойдил истайди. Режиссёр ва ёзувчилар ўзларининг даҳшатли тасаввурлари эҳтиёт чораси вазифасини ўташи тўғрисида сафсалалар сўзлашмоқда. Улар ҳеч нарса ҳақида огоҳлантирмаяптилар. Бу истакларнинг энг тоза тимсолидир. Кимдир уруш – маданий ҳодиса, деган эди. Гарчи биз кутган маданиятни ёймаса-да, бу – культуртрегерлик¹нинг қонуний воситаси...

Яъни?

Аҳамиятсиз мисол келтираман. Қирқинчи йиллар ва ундан кейин Шимолий Америка ва Европада АҚШ нинг Лотин Америкасини “яхши қўшни”га айлантириш ҳаракати ортидан Лотин Америкасининг машҳур қўшиқ ва рақслари оммалашди. Биз, айтайлик, Аргентинада миллиатчиликка тарафдорлик қайдаражада кучли бўлганини биламиз. Бу шуни англатар эдики, энди биз “Уч кабальеро” ва Кармен Миронда иштирокидаги фильмларни томоша қилишимиз, конга ва самба²га тушишимиз, “Бразилия” ва “Хайрли оқшом”ни куйлашимиз лозим эди. Янаям аҳамиятсизроқ мисол: Япония ва Германияни американлаштиришга ушбу мамлакатларни ҳарбий куч жиҳатдан яксон этиш ва урушдан кейинги саноатни тинчлик молларини ишлаб чиқариш билангина чеклаш орқали эришиш мумкин. Совет Россияси Шарқий Европада ўзига хос марксистик тартиботни ўрнатди. Уруш – ўз маданиятини сингдиришнинг энг тезкор усули. Худди гўшт истеъмоли – оқсилларни ўзлаштиришнинг энг тезкор усули бўлгани сингари. Илгари урушга иқтисодий экзогамия³ ва

¹ Культуртрегерлик – “маърифатпарварлик” ниқоби остидаги босқинчиллик.

² Конга ва Самба – Бразилиянинг миллий рақслари.

³ Экзогамия – ўз қабиласидаги, уруғидаги кишига уйланиш, ёки эрга тегишини ман қилювчи одат.

зўравонлик, кенг миқёсда уруғ тарқатиш воситаси сифатида қараш мумкин эди – ўз уругингизни кўчиринг ва ҳаётга яроқли дурагайларни дунёга келтиринг. Абадий инцест ва зерикарли Эндогамия¹дан халос бўлинг. Ҳамма замонлардаги энг буюк уруш манзараси – сабин қабиласи аёлларининг ўтиранниши. Уруш халқаро сиёсатдан инсоннинг энг асосий эҳтиёжларини қондириш учун баҳона сифатида фойдаланади. Бироқ, буни тан олишдан қўрқади. Чунки у ҳаёт сифатининг ўсишини қотиллик билан боғлашни ёқтиrmайди.

Учинчи жаҳон уруши?

Ҳар қандай жойда бошланиши мумкин. Ўзини мафкуравий уруш сифатида намоён этади. Ядро-вий қуролларсиз ўтади. Сулҳ билан ниҳоясига етади. Интиҳодан аввал миллионлаб эркак ва аёллар ўладилар, лекин, катта шаҳарларга зарар етмайди. Тўп озуқаси² арzon ва кун сайин арzonлашиб боради. Катта шаҳарлар ўзларида қимматбаҳо осори-атиқаларни сақлайдилар ва уларни бомбардимон қилмаган маъқулроқ. Бунга компьютерлар мисол бўла олади. Бўлажак урушлар сценарийлари ҳақида кўп ўқиганмиз. Яна биттаси кимга керак? Мени қизиқтираётган нарса, душман оstonада, деган хавотир важидан АҚШда тоталитаризм қандай пайдо бўларкин? Масалан, Мексикада хитойликлар ёрда-ми билан амалга оширилган коммунистик инқилоб Американи ларзага келтириши, уни айғоқчиларни ишга солишга мажбур этиши, ўз фуқаролари-ни мудом кузатув остида ушлаб туриш учун кибер ва электрон воситалардан фойдаланиши мумкин.

¹ Эндогамия – фақат ўз қабиласидаги, уруғидаги кишига уйла-ниш ёки эрга тегиш одати.

² Тўп озуқаси – империалистлар томонидан урушга, киргинга юбориладиган аскарлар.

Сўнг, президент ваколатларини кенгайтириш, Конгрессни вақтингча тарқатиб юбориш, цензура, ўзгача фикрлиларнинг оғзини қулфлаш – буларнинг бари хавфсизлик учун. Урушларга ҳожат йўқ, маъсум Оруэлл руҳидаги ҳақиқий ва потенциал душман таҳди迪 – диктатурани оқлаш учун баҳона. Бу ерда Оруэлл ҳақ. Уруш – давлат қатағон сиёсати учун зарурӣ фон. Уруш об-ҳаво, ёки девор қоғозидек гап. Сабаблар ҳам, душманинг ким бўлиши ҳам аҳамиятта эга эмас. Келажакдаги жаҳон уруши ҳақида гапирав эканмиз, тез орада конкрет сабабларни излашдан зерикамиз, боиси, улар том маънода ҳамма нарса бўлиши мумкин. Ҳиндистон Покистонга ядро бомбасини ташлади. Шарқий Германиядаги инқиlob натижасида, Берлин девори қулади. Америка капитали ва ҳарбий базалари таъсиридан ғазабга минган Канада, ундан даф бўлишни сўрайди. Герберт Уэллсда Иккинчи жаҳон уруши қандай бошланганини эслайсизми? Ўттизинчи йилларнинг ўрталарида у “Келажак қиёфаси” китобини ёзади ва унда қаламга олинган келажак манзараси анчагина бемаъни эди. Аммо китобда уруш 1940 йилда “Польша йўлагида” бошланиши ҳайратланарли даражада тўғри чиққан. Польшалик яхудий ёнғоқ ейди ва унинг бир бўлаги тишининг ковагига кириб қолади. У бармоғи билан ўша бўлакни чиқариб олмоқчи бўлади. Ёш миллатчи фашист буни мавқеи устидан кулиш, мазах қилиш дея баҳолайди. Яхудийни отиб ташлайди. У ўлади. Уруш бошланади. Сабаб ва ҳодисанинг қанчалик майда эканлиги кўрсатиб турибдики, биз урушни уруш учунгина хоҳлаймиз, шундай эмасми?

Мен 1951 йилда тузилганман, бироқ уч кун аввал Биринчи жаҳон уруши ҳақида ёрқин туш кўрдим. Жанглар йўқ эди унда. Лондондаги ресторонда ўти-

рардим ва девордаги тақвим 1918 йилнинг февраль ойини кўрсатиб турарди. Ресторан гавжум эди. Мен чой ичдим, унчалик ҳам ўткир эмасди. Столда яна иккита хоним чақчақлашиб ўтиришиарди. Улар ўша даврнинг мен суратлар ва фильмлардагина кўрган либосларини кийган, бутун туш манзараси ҳайратланарли даражада аниқ эди. Хонимлардан бири айтиб қолди: "Бу даҳшатли уруши қачон тугаркин!" Албатта, мен жавобини билардим ва айтиб юборишмга сал қолди: "шу йилнинг 11 ноябринда", бироқ тилимни тишлашга улгурдим. Аслида, гап бунда эмас. Гап шундаки, мен даврни туйдим. Мен хонимларнинг қўлтиқларидан (кечирасиз) келаётган ҳидни, полдаги чангни аниқ-тиник ҳис этдим. Ёриткич фақатгина шу давргагина хосдек эди. Келажак ҳақида ўйлар эканман, мени бошқарув шакли ва ҳоказоларга ўхшаши глобал ҳодисалар қамраб олмайди. Мен ҳар кунлик ҳаётга ўхшаши машиий ниманидир истайман. Нима демоқчилигимни тушуняпсизми?

Жуда яхши тушундим. Агар тушларингиз сизга истаганингизни бермаса, ёзувчи ва шоирлар бунинг учун ҳаракат қилишлари лозим. Биз Лондондаги унчалик ҳам катта бўлмаган квартиранинг хонасида ўтирибмиз. 1978 йил. Бу хонада 1960 йилдан ишлай бошлаганман ва ўша вақтдан буён у деярли ўзгармаган. Стол ва стул ҳам шундай. Гилам ҳам, аммо тан олишим керакки, уни тўшаганимда гилам анчагина эски эди. Ёзув машинасини билмадим, лекин мана бу мебелни икки мингинчи йилларгача сақлаш мумкин. Ёнғин чиқиши ёки шаҳарсозлар бутун мавзени бузишларини ҳисобга олмаса, квартира қандай бўлса, шундайлигича қолишини тахмин қилсак, бўлади. Эҳтимол ўларман, бироқ жонсиз буюмларнинг умри меникидан узоқроқ. Шу туфайли ҳам биз аллақачон келажакдамиз, тушуняпсизми? Бошқа хо-

наларни олайлик. Яна нима аввалгидек қоларкин? Телевизор. Аминманки, икки мингинчи йилгача уни кўп маротаба алмаштиришга тўғри келади.

Мен президент Картер ва биринчи хоним телевизор томоша қилаётган ҳолат мұхрланган фотосуратни күрганман. Улар бир йўла учта телеканални томоша қилишишаётган эди. Келажакда ҳам шундай бўлса керак, дея ўйладим. Қўшима Штатлардаги телеканаллар сонини ҳисобга олсак, ўзингни фақат биттаси билан чеклаш – аҳмоқлик. Биз дикқатимизни бир вақтнинг ўзида бир нечта нарсаларга қаратишни ўрганамиз. Бу ташқи таъсирларга бўлган реакциямизни белгиловчи мұхим ўзгариш бўлади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам телевизор кўнгилхушлик ва информация олишнинг асосий манбаи сифатида қолишига нисбатан бўлган ишонч ўзгармайди. Мен кинотеатрлар ўлиши, уларнинг ўрнини катта экранли телевизорлар эгаллашини тахмин қилгандим. Кундан кунга, борган сари кўпроқ газеталар ёпилмоқда. Уч ўлчамли тасвирни тақдим этиш технологияси ривожланмоқда. Узоқ вақт давомида у қимматлилигича қолса керак. Ўзгаришлар ортидан келадиган энг катта муаммо – қимматчилик. Пуллар кўп нарсага этишига шубҳам бор. Ҳатто аср охирида ҳам инфляциянинг жиловланишига ишонмайман. Агар, янги Мейнард Кейнс пайдо бўлмаса. Ўйлайманки, хукуматлар тамаки ва алкоголь маҳсулотлари учун акциз солиғини кўтариб, уларни истеъмолдан сиқиб чиқаришга эришадилар ва ўзимизни ўзимиздан қутқаришади. Аммо улар заарсиз симулятор ва дипрессантларнинг эркин сотилишига йўл қўйиб беришларига тўғри келади. Олдос Хакслининг сома¹сига ўхшаб...

¹ Сома – қадимий Ҳиндистон ва Эронда диний маросимлар вақтида истеъмол қилинадиган муқаддас ичимлик.

Катта экранли телевизорингизда яна нималарни кўрган бўлар эдингиз?

Эски фильмларни. Айтганингиздек, бир вақтнинг ўзида учта фильм – нега энди йўқ? “Касабланка”, “Эмиль Золя” ва яна овозсиз нимадир, масалан, Фриц Лангнинг “Метрополи”си сингари. Янги фильмларда зўравонлик сахналари йўқ, аммо жинсий алоқа билан боғлиқ ҳаддан ташқари очик сахналар ниҳоятда кўпайиб кетди. Бунга эротика ва порнографиянинг фарқи тўғрисидаги пресс-мунозара ва ток-шоуларни қўшинг. Ва яна янгиликларни ҳам. Саноатдаги бесаранжомликлар, ўзга мамлакатларга кўрсатилаётган иқтисодий мадад (демак, юқорида таъкидлаб ўтилган умумий уруш яқин бўлиши мумкин). Террорчи гурухлар томонидан самолётларнинг олиб қочилиши, гаровга олиниши. Жамоат жойларида портлаган ҳалокатли микробомбалар. Аэропортлар, вокзаллар, метролар, умуман ҳамма жойдаги синчилаб текширишлар: инсон хафвсизлиги номи билан инсон қадр-қимматига қилинаётган тажовузлар. Нефть саноатидаги янги иш ташлашлар, аммо қора олтиннинг катта қисми араблар кўлида. Исломий тарғиботнинг кучайиши. Нефть олмоқчимисиз, мактабларингизда исломни ўқитинг. Янги Энергия манбаларини излаш. Бензин эса жуда қиммат. Товушни ортда қолдирувчи “конкордлар”даги парвоз тез – аммо катта пул туради. Ҳаётимиз асосан иш ва телевизордан иборат бўлиб қолди.

Уйдан ташқарида нималар бор?

Эски бинолар бузиляпти, бироқ ўрнига тобора кўпроқ осмонўпар иншоотлар қад ростлаяпти. Гарчи Эски Манхеттенга хос, жозибаси билан одамни адаштирадиган кўчалар бўлмаса-да, ҳозирги шаҳарларнинг ҳаммаси бир хил ташқи кўринишига эга. Назоратсиз вояга етмаганлар томонидан содир эга.

этилаётган жиноялар туфайли тунда кўчаларда одам кам. Аёллар шим, эркаклар кильтда – ҳаммаси ҳам эмас, албатта. Ив-Сан-Лоран эркаклар, аёллардан фарқли ўлароқ, анатомик жиҳатдан шимларга мослашмаган, деди ва кильтларни арzonлаштириб, уларни машҳур қилди.

2000 йилнинг таъми ва ифори қандай бўлади?

Ҳаво тоза бўлса керак. Яхшиямки, Европанинг катта қисми, айниқса Италиядан фарқли ўлароқ, Америка ҳаво ва атроф-муҳит ифлосланиши хавфини сезмоқда. 1951 йилда Англия смог¹ туфайли бронхит билан касалланган одамлар ва Смитфилддаги Қорамоллар кўргазмасининг экспонатлари – вафот этганиардан ҳам қимматлироқ наслдор буқалар нобуд бўлганда, даҳшатли шокни бошдан ўтказди. Бу қайта такрорланиши мумкин эмасди ва Лондон тутунсиз ҳудудга айлантирилди. Энди сиз Диккенс давридагидан тозароқ Лондон ҳавосини симиришингиз мумкин ва Темзага ҳам балиқлар қайтишмоқда. Жиддий шокни бошдан ўтказгач, энди зарурий чоралар кўришга тайёрмиз. Келажак ҳавосидан нафас олганда, ҳеч нарсанинг ҳидини сезмаймиз. Афуски, таъм берувчи қўшимчаларни ҳисобга олмасак, таомларда ҳам ҳеч қандай маза бўлмайди. Болалигимдан бери (йигирмани йиллар таомларининг мазасини эслайман) йилдан йилга овқатларнинг таъми тобора йўқолиб бормоқда. Инсон танаси яхши парваришиланган бўлади, лекин Уйғониш давридаги захм юқтирган танадан камроқ лаззат бағишлийди. Ҳатто жинсий алоқадан туйиладиган оргазм ҳам камайди ва бу жуда қулайдир. Ёшлигимда жинсий алоқа мен учун эришиб бўлмас қимматбаҳо икра эди. Бугун у

¹ Смог – йирик саноат шаҳарларида тутун, курум, кул зарралари, чант, ёнилғи буғи кабилар аралашмасидан иборат заҳарланган ҳаво.

гамбургерга айланди ва ҳатто ўсмир ёшидаги болаларга ҳам уни ейишга рухсат бор. Барчага рухсат бериш даври 2000 йилгача давом этиши мумкин. Ҳам кино, ҳам журналлар асосий мавзуларга янги вариациялар топиш учун тинимсиз тер тўқадилар. Аммо буларнинг чегараси бор, деб ўйлайман. Иқтисодиётда рентабелликнинг пасайиш қонуни мавжуд. Абортлар арzon ва ҳамма учун бўлади. Бир марталик эмбрионни бепарволик билан тўкиш қобилияти жинсий алоқанинг ҳаммаболлиги билан мос келади – иккаласи ҳам инсон танасининг бекадрлигидан да-лолат.

Дин-чи?

Христиан экуменик ҳаракати чегарасига етади, бошқача айтганда, католиклик протестантликка, протестантлик эса агностицизмга айланади.

Ёшлар янги культ¹ларда Мун сингари воизлардан ақл бовар қилмас, ғалати ва мистик нарсаларни излашда давом этмоқдалар. Аммо, ислом ўз шафқатсизлигини йўқотмайди. Аср аввалида Г.К.Честертон фантастик келажак қаламга олинган “Кўчманчи қовоқхона” романини нашр этди: Англия осмонида янги ой ва юлдуз нур сочмоқда, ичиш тақиқланган, икки эркак ва бир ит мусулмон полициясидан қутқариб қолинган ром бочкасини ўткир шаробнинг хотираси ҳурмати кўчаларда айлантириб юрадилар. Менимча, бу нарса 2100 йилларга бориб ҳақиқатга айланади. Илоҳийлик илоҳий вакуум ичидагимга ўтиради. Институтлаштирилган насронийликнинг интиҳоси билан, ислом тарқалишининг ибтидоси бошланади.

Мен умумий коммунизм тарқалишининг эҳтимоли юқорироқ, деган бўлардим.

¹ Культ – сифиниш ва топиниш билан боғлиқ маросимлар.

Кўплаб америкаликлар наздида “коммунизм” атамаси ноаниқ ва оғзаки хужжат сифатида намоён бўладими? Фақатгина овертон¹. Таянч нота йўқми? Кейинчалик эмас, 2000 йилларга бориб тарих марксистик ғояларнинг хатолигини исботлайди. Маркс саноати ривожланган мамлакатларда золим капиталистларга қарши кўтарилган ишчилар қўзғолони натижасида инқилоб юзага келади, деб ҳисоблайди. Аммо капиталистик зулмга жавоб инқилоб эмас, синдикализм эди. Инқилоблар қашшоқ, ривожланмаган давлатларда рўй беради. Тарихий кетма-кетликни қашшоқлик-коммунизм-капитализм шаклида ифодалаш мумкин. Ўз диктатурангизни танланг. Мен йўқ қилиш фалсафасига эга юмшоқ диктатурани афзал биламан. Қашшоқ мамлакатларда эса танлов имконияти йўқ. Коммунизм Куйи Слобозияда таҳтга келиши мумкин, аммо Кўшма Штатларда эмас.

Оруэллининг ёзишича, янги тил ингсоц учун жуда муҳим аҳамиятга эга, сабаби янги тил бу ингсоцнинг ўзи деганидир. Тилнинг юксалиши ва йўқ қилинишини ҳисобга олиб, биз онгимизни оқилона танловдан маҳрумликка тайёрлашимиз, шу тариқа диктатура фалсафасига жой бўшатишимиш тўғри эмасми? Тилда азобли иккиланганилик кузатилмоқда. Бир томондан маъноси аниқ илмий-техник атамалар, бошқа томондан эса, сухбат мазмунининг хирадашганини кўрамиз. Америка инглиз тилида техник жаргонлар ва сленг²ларнинг шизоид боғламасини кўрамиз. Бунинг натижасида қуидаги ибо-

¹ Овертон – жамоатчилик муҳокамаси нуқтаи назаридан сиёсатчилар ва фаолларнинг очиқ баёнотларида қабул қилинадиган фикрлар доираси тамойили.

² Сленг – турли гурухларда ишлатиладиган сўзлар тўплами ёки мавжуд сўзларнинг янги маънолари.

ралар пайдо бўлади: “Кел, онтологик¹... ахлатнинг назарда тутилган параметрларини ноль қилайлик... у ерда нима бор... Эҳ-ҳа... баёнотлар”. Оғзаки нутқقا мойилликни, айниқса, ёлғон ва саволлардан қочиш мақсадида бериладиган баёнотларда кўраман. Айтмоқчиманки, баёнот изчил синтактик тузилмани сақлаб қолгандагина, мантикий туюлиши мумкин. Сўзлар қандайдир схема бўйича жойлаштирилган, улар билдирадиган маъно эса аҳамиятсиз.

Масалан?

Мухбир президент ёки вазирлар маҳкамаси аъзосидан уруш бўладими, дея сўрайди ва қуидаги чавоб олади: “Потенциални амалиётга татбиқ этишнинг турли параметрлари мавжуд, сизнинг саволингиз жиддий муҳокама этилишга лойикдир, Жо. Гипотетик глобал дихотомиянинг ҳар икки томонига зарба беришнинг умумий тенденцияси ба-тафсил ўрганилмоқда, аммо даҳл қилувчи элемент ҳали ишончли тарзда ўрганилмаган. Бу жавоб сизни қониқтирадими, Жо?” Ва Жо бир сўзни айта олади холос: “Раҳмат, сэр”. Мазкур профессионал “қочиш тили” билан бир қаторда, кундалик нутқда техник тилга мурожаат этилишга мойиллик кучаймоқда. Аммо бу унчалик ҳам тушунарли эмас. Бунга мисол сифатида “аҳамиятли муносабатлар”да ишқий изҳорни англатувчи “сиз мени ҳаддан ташқари таъсирантирдингиз” каби жумлаларни олайлик. Бу кўп эҳтимол билан “бунчалар ҳам қўпол бўлмасангиз”, деган маънони билдириши мумкин. Сўнгра одамлар нутқда кўплаб қисқартмаларни улар қандай таркибий тузилишга эга эканлигини билмасдан туриб ишлатадилар. Тўғриси, мен ҳам УСАҲ ва ЖАОА ни ўйлаб топиб, бу ўйинни ўйнаганман.

¹ Онтология – мавжудлик, борлик тўғрисидаги таълимот. Фалсафа фанининг бир бўлими.

Булар энди нима?

Уюшган социализмни аннигиляция¹лаш Хартияси, иккинчиси эса, жинсий алоқада онанизм анафема²си.

3000 йилга бориб, инглиз тилининг қиёфаси қандай бўлади?

Фонетик жиҳатданми? Ёки, морфемик ва семантик нуқтаи назардан? Келинг, фонетикадан бошлаймиз. Биласиз, инглиз тилининг бир неча шакллари бор ва уларнинг ҳар бири чуқур илдизларга эга. Аммо биз Атлантика океанининг ҳар икки томонидан бир хил, асосли меъёрларни қабул қиласиз-да, уни “Инглиз диктори” деб атаемиз. Лондон дикторларининг тили Нью-Йоркликлардан кўп ҳам фарқ қиласиз. Нью-Йорк инглизчаси фонетик жиҳатдан анчагина консерватив: у “Бобо тил”, “Зиёратчи” ёки Шекспир давридаги инглиз тилига яқин. Лондон инглизчаси унли товушларнинг ўзгариши нуқтаи назаридан бир қадам олға юрди. Шундай қилиб, мен доим таъкидлайман: агар Чосер чўзиқ унлиларга хос бекарорликни билганида, XV асрдаёқ, XX юз йилида инглиз тилининг қиёфаси қандай бўлишини айтиб берган бўларди. Масалан, у французча талаффузда айтган “mouse – сичқон” сўзи, охир-оқибатда олмонча вариантта ўхшашлигини биларди. Яъни инглиз тилида юз бериши мумкин бўлган фонетик ўзгаришларни тахмин қилиш осонроқ. Дарвоқе, аудиокассета, фильм ва плёнкалар ёрдамида талаффузни тўғрилаш билан фонетик ўзгаришларни тўхтатишга эришиш шубҳали туюлади. Нутқ тили ўз анъанавий йўлидан кетишга уринади. Унли то-

¹ Аннигиляция – физикада зарралар ва антизарраларнинг тўқнашиши натижасида унинг аслидан фарқ қиласиган бошқа ҳар қандай заррага айланиш ҳодисаси.

² Анафема – тавқи лаънат.

вушлар 3000 йилга бориб қандай янграшини тахмин қилишга ҳаракат қиласын: уларнинг барчаси лаблар томон силжийди, яъни биз “lava” сўзининг боши ва “apart” сўзининг охиридаги товушга яқинлашамиз. XI асрдан буён ундош ҳарфлар кўп ҳам ўзгармади ва келгуси минг йилда ҳам кескин эврилишлар бўлишига шубҳам бор. Лекин унлилар тобора бир-бирига ўхшаб боради. Баъзи сўзлар бир-биридан фақатгина сўнгти ундош билангина фарқланиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси, бепарволарча айтилаётгандек, аммо сиз келажакни ҳис қилишни истадингиз...

Маънолар нуқтаи назаридан-чи?

“1984”да бир қизик ва таъсири ҳолатта эътибор берганмисиз? Мен Оруэлл ўз қаҳрамонлари орқали етказишга уринган қишлоққа хос мажоз ва таққослашлар ҳақида гапирияпман. О’Brien она-нинг кўкрагидан ажратилаётган бола, ёки тухум қўйган товуққа ўхшаб сўзлайди. Учта буюк давлат ҳақида гапирилганда, улар бир-бирига пичан ғарамлариdek суяниди, деган таъриф ишлатилади. Уинстон ва Жулиа овози янграётган күшнинг сайроқи эканлигига шубҳа қилмайдилар. Бу романда урбанистик жамиятта яқинлашаётган кўп қишлоқлар бор. Ва тилда ҳам аллақачон содир бўлган ўзгаришлар рўй беради. Яъни, тасвиirlантган табиат ҳодисалари, дарахт навларининг турили номлари унчалик катта аҳамиятта эга эмас: қарағай, эман ёки секвоя шунчаки “дарахт” деб аталади. Барча қушлар – “қуш”, барча гуллар – “гул”. Луғат борган сари мавхумлашиб боради. Бундай тилда сўзлашувчилар вақти-вақти билан янги беҳаё сўзлар ихтиросига қарши бош қўтарадилар. Лекин, ҳақоратли сўзлар умумий характерга эга бўлади. “Табиий” сўзлар ўрнига, музлаткич, магнитофон ва ҳоказоларнинг қисмларини ифодаловчи кенг луғат захираси пайдо бўлади. Аммо тил фундаментал физик

тажриба нүқтаи назаридан илдизларидан ажратиб олинади. Бу, танадан кўра кўпроқ мия тили бўлади.

“Севги”, “гурур”, “бурч”, “худо”, “садоқат”, “хиёнат”, “нафрат”, “шармандалик” ва шунга ўхшаши сўзлар-чи?

Ахлоқий қадриятларнинг анъанавий тизими йўқолиши оқибатида бу каби сўзларнинг аниқ маъносини етказиб бериш қийин бўлади. Ҳозирданоқ хира ҳиссий коннотациялар йигиндисидан бўлак ҳеч нарса йўқ. Ҳавф ҳам ана шунда. Ҳар қандай диктаторлик тузуми ушбу сўзларни тасарруф этган ҳолда, улар яратадиган ҳиссий таъсиридан фойдаланиши, аммо уни ўзининг манфаатидан келиб чиқиб изоҳлаши мумкин. “Худо – олий зот. Мен – олий зотман. Бундан келиб чиқадики, мен – Худоман”. – “Ҳа, оғайни, унчалик маънавиятли эмаслигингни ўзинг ҳам биласан.” – “Маънавият деганда, нимага шаъма қиляпсан?” – “Мана, менга айт”. – “Жоним билан”.

Кестлернинг ёзишича, биз тушунмовчиликлар ва халқаро адватлардан ягона дунё тилига эга бўлиши орқалигина халос бўлишишимиз мумкин. Шундай тил пайдо бўлиши мумкинми?

Бизда аллақачон дунё ёрдамчи тили бор, у – инглиз тили. Бу тижорат ва халқаро мулоқот тили. Ўттизинчи йилларда Огден ва Ричардс 850 сўздан иборат инглизчанинг қисқартирилган вариантини яратдилар ва унга “базавий инглиз тили”, деб ном бердилар. Буюк Британия ҳукумати мазкур кашфиётга бўлган ҳуқуқларни сотиб олди ва айнан шунда Оруэлл халқقا татбиқ этиладиган аниқ, содда, оддий ва изчил тилнинг вужудга келиши мумкинилигини билди. “Базавий инглиз тили” дунё мамлакатлари мактабларида ўқитилиши шарт бўлган иккинчи тил сифатида қўлланилишига рухсат берилди. Ле-

кин ҳеч қачон унинг асосий тилни сиқиб чиқаришига йўл қўймаслик керак.

Хўкумат бизга қайси сўзларни сўзлашимиз, қайсиларини айтмаслигимиз лозимлигини кўрсатиб бериши мумкинми? Янги тилда бўлгани каби.

Бизга аллақачон қайси сўзлардан фойдаланмаслик кераклиги айтилган. Устига-устак нафақат хўкумат, балки хўкуматта таъсир этувчи гурухлар томонидан ҳам. Бир кун келиб Буюк Британияда тил чекловлари тўғрисидаги қонун қабул қилинса, ажабланмайман. “Япон”, “хинду” ва энг ёмони “нигтер” сингари ирқчиликка оид сўзлар тақиқланган, қачондир уч ҳарфдан иборат сўқинишлар ман этилгани каби. Кейинги қадам уларни қонуний равища бекор қилишдир. Жинсий озчилик хўкуқларини ҳимоя қилиш ҳаракати (бу ишга қадимий инглиз тилига хос “gay” – “қувноқ” ва шунга ўхшашиб, ҳақоратомуз эмас, тўғри маънода кўлланган сўзлар халал бериши ҳам мумкин) “гей”, “педик”, “гомосек” сингари жумлаларни ноқонуний деб топишни тақозо этади. Хотин-қизларнинг хўкуқларини ҳимоя қилиш мақсадида кишилик олмошларини ҳам қайта кўриб чиқиш талаб қилиниши мумкин. Балки “he” (инглиз тилида эркаклар учун учинчи шахс бирлик олмоши. “У”, деган маънони билдиради.) – олмоши иккала жинс вакиллари учун бирдек кўлланилар. “Одам” сўзи ҳам балки сунъий равища истеъмолга киритилган “аёл-эр” ёки янада яхшироғи “эр-аёл”га ўхшашиб даҳшатли сўзларга ўрнини бўшатар. Эр-аёл хўкуқлари. Ушбу ҳаракат тилшунослари барча сўзларга аёл сонлари (женский род) қўшимчаларини қўшиши, ҳаттоқи бир қатор сўзларни йўқ қилишлари мумкин. Биз тобора нафақат ҳаракатларда, балки нутқда ҳам тақиқлар сари кетмоқдамиз. Бу тақиқлар эса Катта Оғада бўлганидек марказлашган бошқа-

рувга ташналиқ туфайли киритилмоқда. Улар балки бунга демократлаштириш, деб ном беришар.

Демак, биз аномалияга дүч келяпмиз: босим остида қолған ҳукуматлар заифликларини билганилари учун ҳам эркинликни чекламоқдаларми?

Фарб давлатлари ҳукуматлари, кейинчалик совет блоки мамлакатлари ҳам сиёсий событқадамлиқдан кўра кўпроқ ўз ҳалқларидан солиқ ундириш ҳақида қайғурадилар. Молиявий зулм – мавжудлари орасида энг ёмони эмас, аммо ахвол оғирлашиб бораверади.

Бу пули бор одамларга нисбатан қўлланилади, аммо сайёрамиз аҳолисининг катта қисми жуда кам пул топади ва солиқларни тўлашга қурби етмайди. Ва умуман, Фарбнинг келажагидан кўра, сайёрамиз келажаги ҳақида бош қотирсак яхши эмасми, ана шунда озми-кўпми эркинлик бўлармиди?

Энди буниси ошиб тушди. Вольтер айтганидек, ўз Гесперидларимизни етиштиришимиз керак.

Гесперидлар?

Фарб боғлари. Тараққиёт бўлиниш ва босим на-тижасида, ҳамма бир хил камбағал бўлганда юзага келмайди.

Сиз одам ёки эр-аёлга пессимистик руҳда қарай-сизми?

Инсон атом даврининг дастлабки ўттиз уч йилидан соғ-омон чиқди. У ўзини кутаётган янги даҳшатларни ҳам енгигиб ўтади. Одамзот ҳайратланарли даражада топқир.

Омон қолмаса-чи?

Барибир ҳаёт тўхтамайди. Бернард Шоунинг “Мафусайлга қайтиш” ининг сўнгида Лилит айтган сўзларни эслайсизми? Мен эслайман:

“Фақатгина ҳаёт абадийдир, гарчи унинг саноқ-сиз юлдузли саройларига ҳамон одам қадами етма-

ган бўлса-да, бошқалари ҳали қурилмаган бўлса-да, унинг чексиз мулки ташландик бўлса-да, кун кела-ди, менинг зурриёдим материяни энг сўнгти чегара-гача бўйсундириб, ўз ўрнини эгаллайди. Чегарадан ташқарида нима бор – буни ҳатто *Лилитнинг* ни-гоҳлари ҳам илғашга ожиз. Унинг ортида нимадир борлигининг ўзиёқ етарли. Озод онг нафақат ўзини, ташқи оламни, кислородни кесишга интигувчи, дав-лат ҳамма нарсадан юқори, деган ақидага ёпишиб олган, учинчи дунё оч қолаётган бир пайтда, бамай-лихотир Бетховенни эшишиб ўтиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деб вайсовчи майдо одамчаларни ҳам анг-лашга қодир озод онг, ҳур фикр – мана, мен нимага ишонаман”.

Сиз ҳибсга олиндингиз.

Кечирасиз?

Сиз ҳибсга олиндингиз.

Сиз ҳазиллашяпсиз, ха, ҳазиллашяпсиз. Мен қандайдир тарзда ҳазиллашаётганингизни тушундим.

Аммо, бир лаҳзага сўзларимни жиддий қабул қил-дингиз, тўғрими?

Ҳа, ўзингасра, Тангirim, дедим ичимда. Сизнингча, ҳатто сўз эркинлиги ҳам Катта оғанинг бизга атаган хўраги бўлиши мумкинми? У ростдан ҳам бизни кузатмоқда, деб ўйлайсизми? Бу қандайдир саноат картелининг ёки ҳалқаро ташкилотнинг омма учун никоби бўлиб, умуман биз кутмаган пайтда зохир бўлармикан?

Тайёр туришимиз лозим.

Бу фикрингизга қўшилмай илож йўқ.

Монако, 1978 йил

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ ҚИСМ. 1984

Савол-жавоб	6
Мақсадлар	14
Ингсоц ҳақида ўйлар	49
Какотопия (Ёвузлик мамлакати)	67
Мамлакатлар ва буюк давлатлар: мунозара.....	81
Бакунин болалари.....	94
Мурватли апельсинлар.....	116
Севгининг ўлими.....	136

ИККИНЧИ ҚИСМ. 1985

1. Рождество гулхани.....	146
2. Музаффар БҚ.....	160
3. Сизни телевизорда кўрсатиши	172
4. Кувғинди	181
5. Маънавият ва анархия	188
6. Озод британияликлар	200
7. Кўлга тушириши	211
8. Суд ҳукми.....	219
9. Кучлар намойиши	224
10. Икки олам	230
11. Ўзгача фикрлаш учқунлари	237
12. Мехнаткашнинг тугилган мушти.....	251
13. Тизимдаги қусур	257
14. Барча заминий манбаатлардан устун	271
15. Инглизларнинг катта дўсти.....	288
16. Оммавий иш ташлаш кундалиги	296
17. Ҳазрати олийлари	308
18. Ҳазрати олийлари хоҳлаганича	317
Эпилог. Интервью	329

Адабий-бадиий нашр

ЭНТОНИ БЁРЖЕСС

1985

Роман

*Директор
Маъмура ҚУГЛИЕВА*

*Муҳаррир
Сайёра МЕЛИҚЎЗИЕВА*

*Бадиий муҳаррир
Фирдавс ДЎСТМАТОВ*

*Дизайнер ва саҳифаловчи
Нигора УМАРҚУЛОВА*

*Техник муҳаррир
Ҳамидулла ИБОТОВ*

**Лицензия рақами: АА № 0009. 2019 йил 6 майда берилган
Босишга 23.09.2021 йилда рухсат этилди.**

Бичими 84x108 1/32.

**Босма табоги 11,0. Шартли босма табоги 18,48.
Гарнитура “Palatino Linotype”. Офсет қоғози.
Адади 3000 нусха. Буюртма № 260
Баҳоси келишилган нархда.**

**“Zabarjad Media” хусусий корхонасида тайёрланди.
Мурожаат учун тел: (97) 409-04-84; (94) 935-00-25;
(99) 403-45-66**



**«Print Line Group» ЖК босмахонасида
чоп этилди. 100097, Тошкент ш.,
Бунёдкор шоҳкӯчаси, 44-уй.**